

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ  
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**Я.Х. Ғаффоров**

**ХАЛҚАРО  
ТАШКИЛОТЛАР  
ҲАМКОРЛИГИ**

Ўқув қўлланма

**I-қисм**

ТОШКЕНТ  
«ISHONCHLI HAMKOR»  
2021

УДК327(075.8)

КБК 66.4я73  
F 29

**Тузувчи:**  
**т.ф.н.доц. Гаффоров Я.Х.**

**Такризчилар:**  
**т.ф.д. Гуломов Х.Ф.**  
**т.ф.н. доц. Холлиев А.**  
**т.ф.н.доц. Алимова Р.**

**Маъсул мухаррир:**  
**т.ф.н.доц. Ўроқов Д.**

Мазкур ўкув кўлланма икки қисмдан иборат бўлиб, унинг 1-қисмida ҳозирги замон алоқаларида халқаро ташкилотлар ва давлатлараро хамкорлик йўллари ёритилган. Жумладан ўкув кўлланмада интеграция шароитида дунё ҳамжамиятининг шаклланиши тарихи ва унинг мамлакатлараро хамкорликка таъсири, минтақаий хамкорликни таъминлашда халқаро ташкилотлар фаолияти, шунингдек, ҳозирги боскичда халқаро ташкилотлар ва мамлакатлараро хамкорликнинг вазифалари ҳамда унга амал қилиш йўларини кўрсатишга ҳаракат қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сонли буйруғига асосан ўкув кўлланма сифатида нашр этишга руҳсат берилган.

ISBN 978-9943-7444-1-7

## **КИРИШ**

Маълумки ҳалқаро ташкилотлар ва давлатлараро хамкорликнинг ривожланиши, ҳалқаро ҳуқук тартиботини таъминлаш, инсониятни ҳаётий аҳамиятга молик манфаатларини ҳар тамонлама муҳофаза қилиш ҳалқаро тинчлик ва хавфсизликни турли даҳшатли таҳдидлардан асраб қолиш ҳалқаро ҳуқук соҳаси олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Бугунги кундаги ҳалқаро террорчилик ва экстремизм, тажавузкор миллатчилик, сепаратизм, наркобизнес одам савдоси, шунингдек коллектив хавфсизликнинг универсал ва минтақавий асосларга бутқул зид равища амалга оширилаётган агрессив харакатларга барҳам бериш вазифаларининг ҳал этилиши барча давлатларнинг уларга қарши курашда бирлаштириш самародорлигига, ҳалқаро хамкорлик масалаларига ҳам бевосита боғлиқдир. Ҳозирги замон алоқаларида ҳалқаро ташкилотлар хамкорликнинг шаклларидан бири сифатида муҳим рол ўйнайди. Ҳалқаро ташкилотлар тизимининг мураккаблашиб бориши ва ваколатларининг кенгайтирилиши табиий тус олмоқда. XXI аср бошида фаолият кўрсатаётган ҳалқаро ташкилотларининг сони 4 мингдан ортиқ бўлиб, 300 таси ҳукуматлараро ташкилотлардир. Улар ўртасидаги алоқалар ва олиб борилаётган хамкорлик ташкилотлар тизими ҳақида гапиришга имкон беради. “Ҳалқаро ташкилотлар” атамаси одатда давлатлараро ва ноҳукумат ташкилотларга нисбатан қўлланилади. Давлатлараро ташкилот учун қуйидаги белгилар ҳарактерлидир:

Биринчидан, давлатларнинг аъзолиги;  
Иккинчидан, ҳалқаро таъсис шартномасининг мавжудлиги;  
Учинчидан, доимий органларнинг мавжудлиги;  
Тўртингчидан, давлатлар суверенитетининг хурмат қилиниши.  
Ҳалқаро ташкилотлар ҳукукнинг субъектлари ҳисобланадилар. Аъзоларининг таркибига кўра ҳалқаро ҳукуматлараро ташкилотлар: Биринчи, универсал, барча давлатлар иштирок этишлари учун очиқ ташкилотлар (масалан БМТ ва унинг иқтисослаштирилган ташкилотлари); Иккинчи, минтақавий, маълум минтақада жойлашган давлатларгина аъзо бўлишлари мумкин ташкилотлар (Европа кенгаши, Африка бирлиги ташкилоти) га бўлинади.

Давлатларо ташкилотлар умумий ва маҳсус ваколатли ташкилотларга бўлинади. Умумий ваколатли ташкилотлар фаолияти аъзо давлатлар ўртасидаги алоқаларининг ҳамма (сиёсий иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа) соҳаларига тегишли бўлади.

Халқаро ташкилотлар давлатлараро дипломатик алоқаларга кириша оладилар. Уларда давлатлар вакиллари аккредитация қилинишлари мумкин ёки ташкилотлар давлатларда ваколатхоналари (БМТ аҳборот марказлари)ни очишлари, ўзаро вакиллар алмашиши мумкин. Масалан, 1993-йилда Ўзбекистон Республикаси давлати ва БМТ ўртасида иқтисодий ўсишнинг муҳим муаммоларининг ҳал этишга кўмаклашиш ижтимоий соҳанинг илдамлашишига кўмаклашиш аҳоли турмуш тарзини яҳшилаш мақсадларини кўзлаб БМТ нинг органлари, фондлари ва дастурларини бирлаштирувчи қўшма ваколатхона тузиш ҳақида битим имзоланган.<sup>1</sup>

Бугунги кунда дунё мамлакатлари кўплаб нуфузли ҳалқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни амалга оширмоқда. Бундай ҳалқаро ташкилотлар орасида БМТ, ЕХХТ, ЕИ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЕИХ, ШХТ ва бошқалар бор ушбу ҳамкорликлар биринчи навбатда кўплаб ҳалқаро сиёсий муаммоларини ҳамжиҳатлиқда ечиш имкониятини, жумладан мамлакатдаги ва умуман минтақадаги ҳавфсизлик ва барқарорликни таминлаш учун муҳим аҳамиятга эга бундан ташқири бир қатор бошқа муаммолар мавжудки, уларни ҳал этиш учун албатта ҳалқаро ва давлатлараро икки томонлама муносабатлар ва ҳамкорликлар тақазо этилади. Жумладан Осиё ва Европа мамлакатлари билан савдо иқтисодий муносабатларни кенгайтириш давлатлараро нефт қувурларини ўтқазиш ҳалқаро автомобил ва темир йўл магистралларини қуриш, Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари бозорига кам молиявий ҳаражат эвазига чиқиш имкониятини берувчи коммуникацион тармоқларини яратиш бундай муаммолар сирасига киради.<sup>2</sup>

Асримиз бошларидан бошлаб ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик муносабатларига алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Мазкур ҳамкорликлар хўжалик юритувчи субъектлар томо-

<sup>1</sup> А.Сайдов. Ҳалқаро хукуқ. Т. “Адолат” 2001 йил, 164-166 бетлар.

<sup>2</sup> А.Қирғизбоев. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан ҳалқаро ҳамкорлиги. Т. Фан., 2004 йил, 93-бет

нидан тенглик асосида ҳар бир давлатларнинг миллий манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда ташки олам билан алоқа ўрнатишини ривожлантиришда ҳалқаро валюта, молия, механизмидан фойдаланиш, шунингдек ҳалқаро институтлар томонидан жамиятнинг барча соҳаларининг ислоҳ қилиш ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш жараённада молиявий, техникавий, ва консультатив ёрдам олиш учун ниҳоятда зарур. Ҳалқаро ташкилотлар билан хамкорлик айниқса ҳалқаро тероризм, диний экстремизм, сепаратизм, ҳамда наркобизнесга қарши биргаликда кураш олиб бориш шунингдек айрим минтақаларни ядрорий қуроллардан ҳоли зона деб эълон қилиш муаммосини ҳал этиш учун жуда зарур. Бугунги кунда ҳалқаро ташкилотлар билан ўзаро хамкорликни хавфсизликни тамиллаш жамият ҳаётида юз берадиган ислоҳатларни янада чукурлаштириш бўйича давлатлараро жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишлар жаҳон хамжамиятига интеграциялашувининг мухим шартларидан бири асосий омили сифатида баҳоланмоқда. Ҳалқаро ташкилотлар ва давлатлараро ҳар томонлама хамкорликларни тарихийлик жихатидан ўрганиш бугунги кун ва келажагимиз ёшлари учун ғоят мухимиdir. Ҳозирги вазиятда интеграцион жараёнлар ҳалқаро ташкилотлар билан алоқаларда тобора бошқача аҳамият касб этмоқда. Катта ёки кичиклигидан қатъий назар барча мамлакатларнинг ўзаро манфаатдорлик асосидаги хамкорлигининг умумдемократик асослари тан олинмоқда. “Ўзбекистон бугунги кунда жаҳон хамжамияти билан яқин хамкорлик қилишга жуда катта аҳамият бермоқда. Биз дунё ахли мамлакатимизни яқиндан билишини, ҳалқимизнинг бой тарихи ва маданиятини ўз кўзи билан кўришини истаймиз. Бу борада туризм имкониятлари мухим рол ўйнайди.” деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев.<sup>1</sup> Бундай хамкорлик ҳеч бир мамлакатнинг манфаатларини камситмайди. Ҳалқаро ташкилотлар ва давлатлараро хамкорлик масаласи илгари собиқ мамурий бўйруқбозликка асосланган тоталитар тузум даврида шу қадар чеклаб қўйилган эдики, бундай шароитда бошқа мамлакатлар билан, айниқса ҳалқаро ташкилотлар билан мустакил равишда алоқалар

<sup>1</sup> Ш.Мирзиёев. Нияти улуғ ҳалқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Т.“Ўзбекистон”, 3-жилд, 345-346 бетлар.

ўрнатиш ҳусусида гапириш ҳам мумкин эмас эди. Фақат XX аср охирларига келиб яъни, миллий мустақиллик қўлга киритилгандан кейингина дунёнинг жуда кўп давлатлари жумладан Ўзбекистон учун ҳам турли давлатлар, турли ҳалқаро ташкилотлар билан ўзаро иқтисодий-маданий ва сиёсий алоқалар ўрнатиш имконияти пайдо бўлди. Бундай хамкорлиқдан мақсад эндиликда тасодифий узуқ-юлук равишда эмас, балки доимий ҳамда ҳаётнинг барча сахаларини қамраб олувчи кенг миқёсли алоқалар тарзида амалга оширилмоқда. Ушбу ўкув қўлланманинг мақсад ва вазифаси дунё ҳамжамиятига кирувчи давлатлар ва ҳалқаро ташкилотларнинг ҳар томонлама ўзаро хамкорлик алоқаларини ўрганишдан иборатdir. Чунки бу ҳалқаро ташкилотларнинг тинчлик ва ҳавфсизликни тамиллашдаги ижтимоий-иктисодий, маданий, инсон ҳукуклари билан муаммоларини ҳал этишда аҳамияти каттадир. Шунинг учун ҳам бу ҳалқаро ташкилотлар ва давлатлараро хамкорлиқда амалга оширилаётган самарали ишларнинг ва ютуқларни ўрганиш асосий вазифамиздир.

Ҳалқаро ташкилотлар ва давлатлараро хамкорлик самародарлигини ошириш муаммолари кўпгина хорижлик олимлар ва Ўзбекистонлик мутаҳассис олимлар эътиборини ҳамиша жалб этиб келган. Айниқса мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг ҳалқаро ташкилотлар ва дунё давлатлари билан ўзаро иқтисодий-маданий ва сиёсий хамкорликлари кўплаб олимларимиз ва шу соҳа билан қизиқувчилар томонидан ўрганилиб келинган.

Дунё ҳамжамиятида ҳалқаро ташкилотлар билан хамкорлик тарихини ўрганиш алоҳида бир тарихий аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда кўпгина муаллифлар томонидан ҳалқаро ташкилотлар ва давлатлараро хамкорликлар муносабатлари иқтисодий-маданий ва сиёсий жиҳатдан ҳар томонлама ёритишга ҳаракат қилинмоқда. Мазкур ўкув қўлланмада ҳам ҳалқаро ташкилотлар хамкорлиги алоқаларини ўрганишга кенг ўрин берилган.

## **І БОБ.**

# **ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ДАВЛАТЛАРАРО ХАМКОРЛИКНИНГ БОШЛАНИШИ**

## **1. Интеграция жараёнлари ва мамлакатлараро хамкорлик имкониятлари.**

Маълумки, дунёда глобал ва минтақавий ўзгаришлар содир бўлаётган бугунги мураккаб бир шароитда мамлакатлараро мавқеини сақлаб қолиш ва келажак тараққиётини таъминлаш ягона минтақавий интеграциялашув асосида ҳал этилиши мумкин.

XX асрнинг 90 йилларида дунёда “совуқ уруш” хавфи барҳам топган бўлиб, биполяр мафкуравий кураш ўрнида кўп қутбли дунёнинг вужудга келиши, собиқ Иттифоқ ўрнида миллий мустақил давлатларнинг шаклланиши, уларда тарихан изчил тараққиётнинг қайта тикланиши ва ривожланган давлатлар сингари бозор муносабатларига асосланган демократик жамият қуриш, испоҳатларининг изчилликда амалга оширилиши табиий равишда минтақада жойлашган давлатлар ўргасида тенгликка асосланаган яъни минтақавий муносабатларни шаклланиши жараённида ички ва ташқи омиллар таъсирида юзага келаётган турли дунёвий характердаги муаммоларнинг пайдо бўлиши, унинг ечимида минтақавий интеграция ҳаётий зарурият эканлиги масаланинг долзарблигидан далолат беради. Хусусан, дунё мамлакатларнинг ҳозирга глобаллашуви ва минтақавийликка интилаётган бир шароитда мавжуд муаммоларни цивилизацион йўллар билан ҳал этиш, кескинлигини юмшатиш орқали интеграцион жараёнлар учун барқарор хуқуқий, институционал муносабатларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Ўзбекистон геосиёсий потенциалидан келиб чиқсан ҳолда, унинг минтақавий интеграциялашуви жараёнидаги мавқеини таҳлил қилиш ва ўрганиш, минтақада эркин иқтисодий худуд ташкил этиш ва мамлакат экономикасини хар томонлама худудий жиҳатидан тадқиқ этишни интенсив тараққиёт йўлига тўлалигига ўtkазиш, минтақавий интеграциялашувининг асосий йўналиши ва мезонларини аниқлаш ҳамда уни жадал суратларда амалга ошириш

омилларини илмий асослашга уриниш ўкув қўлланманинг муҳим томонларидан биридир. Шунингдек, Европа Иттифоки ва бошқа турли шаклдаги интеграцион бирлашмалар тарихий тажрибасидан унумли фойдаланиш, халқаро ташкилотлар ёрдамида минтақада сиёсий ва иқтисодий муҳитга эришиш мақсадида минтақавийликдан глобаллашув сари бориш заруриятини концептуал асослаш, бугунги жаҳон тараққиёти муҳим тенденцияларидан бири бўлган интеграциялашув жараёни билан ҳамоҳанг эканлиги билан дикқатга сазовордир.<sup>1</sup>

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, мамлакатлараро интеграция жуда мураккаб ижтимоий сиёсий жараён ҳисобланади. Унда иштирок этадиган давлатлар умумий манфаатлар тизимини яратиш орқали халқ хўжаликларининг уйғунлашуви ва жаҳон бозорида рақобатбардошликка эришиши мумкин.

Интеграция тушунчасини илмий-методик жиҳатидан таҳлил қилингандагина унинг асл моҳиятини англаб етиш мумкин бўлади. Интеграция назарияси-халқаро муносабатлар фанининг ажралмас қисми сифатида маълум минтақалардаги интеграцион жараёнлар тўғрисида илмий мулоҳаза юритишида ва уларнинг амалий моҳиятини кенг ёритишида муҳим аҳамият касб этади.

Инсоният тарихининг деярли бирча даврларида мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар аксарият ҳолларда мажбурлаш тенгсизлик ҳамда куч ишлатиш тамойилларига асосланган. Гуго Гроций бир пайтлар: адолат кучга боғлиқ, ҳуқуқ эса агар унинг ортида куч турмаса, ўзини намоён қила олмайди, деб ёзган эди.<sup>2</sup> Напалеон эса кучли бўлишдан ўзга сир-асрор йўқ, дея таъкидлаган эди.<sup>3</sup> Агар инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлсан, бу тарих маданият ва цивилизациялар эришган ютуқларини барбод қилувчи, бутун-бутун мамлакатлар ва халқларни йўқ қилиб юрувчи қирғинбарот урушлардан иборат эканлигига шоҳид бўламиз. Масалан, сўнгги 5,5 минг йил давомида Ер куррасида атиги 300 йилгина урушларсиз, осойишта ҳаёт кечганлиги, қолган давр мобайннида эса 15 минг маротабадан кўпроқ турли даражадаги урушлар содир бўл-

<sup>1</sup> Ч.Кўчаров. Марказий Осиёning минтақавий интеграцион жараёни муаммолари. Т.Фан, 2008 йил, 56-57 бетлар.

<sup>2</sup> Гроций Г. О праве войны и мира. СПб., 1900. С.12.

<sup>3</sup> Манфред А.З. Напалеон Бонапарт. М. 1986, С.535.

ганлиги маълум. Ушбу урушлар биргина Европанинг ўзида XVII асрда 3 миллион, XVIII асрда 5 миллиондан ортиқ, XIX асрда 6 миллион, XX асрда эса 70 миллиондан ортиқ кишининг ёстигини қуритган. Бироқ, ҳали-ҳануз уларга барҳам берилди, деб айта олмаймиз. Ҳозирги кунда ҳам дунёнинг турли бурчакларида қўплаб кишиларнинг қурбон бўлишига сабаб бўлаётган турли урушлар, ҳарбий тўқнашувлар ва можаролар содир бўлмоқда. Баъзан кишига дунёда одамзод бор экан, вужудга келаётган можароларни урушлар йўли билан ҳал этишдек bemani тажриба ҳеч қаҷон тугамайдигандек туюлади. Нидерландиялик таникли маданият тарихчиси Йохан Хейзинганинг ёзишича, XX асрда бу парадигма, ўзининг илмий ва сиёсий баҳоналарни ҳам топади: “Давлат давлатга бўри: бу энди, қадимги “*homo hominolupus*” (“одам одамга бўри”) деган тушкунлик кайфиятидаги шунчаки оху фарёд эмас, балки илмий тезис ва сиёсий идеалдир!”<sup>1</sup>

Ҳозирги ҳаёт тажрибаси шуни яққол қўрсатмоқдаки, у ёки бу мамлакат ёки ҳалққа қарши куч ишлатиш, орадан низо чиқариш ўзгаларга тажовуз қилиб ҳеч бир мамлакат ва ҳалқ умуман жаҳон ҳамжамияти тараққиётга эришиши мумкин эмас. Ҳозирги дунёда истиқболли сиёсий муносабатларни куч ишлатиш йўли билан ўрнатиб бўлмаслиги тобора равшан бўлиб бормоқда. Шу сабабли эндиликда сиёsat ўз таркибиға инсонпарварлик ва аҳлоқийлик тушунчаларини ҳам қамраб олмоқда.<sup>2</sup>

Мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар “Совуқ уруш” йилларида бўлган каби кучлар мувозанатига эмас балки умуминсоний манфаатларини тан олган ҳолда миллий манфаатларини инобатга олувчи манфаатлар келишувлар мувозанатига асосланмоғи лозим, ўз манфаатларини катта ёки кичик бўлишидан қатий назар ўзга мамлакатлар ва ҳалқлар ҳисобига қондиришга интилиш муқаррар равишда тузатиб бўлмас салбий оқибатларга қуролли тўқнашувларга олиб келади. Бинобарин манфаатлар мувозанати тобора интеграллик касб этиб бормоқда. Иккинчи жаҳон урушининг тугаши ва БМТнинг тузилиши билан пайдо бўлган ҳалқаро ҳам-

<sup>1</sup> Хейзинга Й. *Homo Iudens*. В тени завтрашнего дня. М., 1992г. С.318.

<sup>2</sup> Семплен Ж. Выход из насилия: глобальные проблемы и общечеловеческие ценности. М. 1990г. С.84.

жамиятдан фарқли ўлароқ, дунё ҳамжамияти кучлар мувозанати ва халкаро мувозанатлар иштирокчилари ўртасидаги “Нолли сүммадаги уй” тамоилига асосланган ўзаро муносабатлар билан эмас балки турли туман унсурларни ягона ва яхлит шаклга келтирувчи манфаатлар мувозанати билан ҳарактерланади.<sup>1</sup> Агар дунё ҳамжамияти мамлакатлари манфаатларининг мувозанатини шакллантиришга обектив равишда олиб борувчи умуминсоний эҳтиёжларини аниқлаш лозим бўлса бизнинг назаримизда улар қуидагилардан иборат бўлади:

Биринчидан, барча мамлакатлар манфаатларига даҳлдор бўлган инсониятнинг яшаб қолиш эҳтиёжи билан боғлиқ манфаатлар. Ер юзидағи барча тирик жонзодларни ҳалокатга маҳкум қилувчи ядро уруши экологик инқизорзининг олдини олишга йўналтирилган барча мамлакатлардаги кучларни бирлаштириши бугунги куннинг асосий талабидир.

Иккинчидан, миллатидан қайси худудда истиқомат қилишидан мафкуравий ва диний этиқодидан қатъий назар одамзод homo sapiens-вакилига нормал ҳаёт кечириш учун барча шарт-шароитларни яратиш зарурияти. Бунинг энг тўғри йўли умуминсоний маданият намуналарини ҳар томонлама ривожлантириш ва тўплаш, умуминсоний ахлоқ қоидаларини ҳамма жойда ўрнатиш ва унга амал қилишни жорий этишдан иборатdir. Ҳар бир инсон шуни яхши англаб олмоғи керакки ҳеч бир халқ ўзини дунё ҳамжамияти маданиятидан Хитой девори билан ўраб олган ҳолда ёки уни хисобга олмасдан ўз маданиятини ривожлантириш мумкин эмас.

Учинчидан, барча мамлакатлар ва минтақаларни ўраб олувчи ҳозирги замон илмий-техника инқилоби базасида янги иқтисодий тартибни ўрнатиш. Ана шу асосида ҳўжалик фаолияти натижалари билан изчил равишда ўзаро алмашинув, имтиёзли кредитлар бериш мутаҳассислар илмий тадқиқот натижалари ва ишланмалар билан амалий ёрдам кўрсатиш.<sup>2</sup>

Буларнинг барчаси бугунги кунда янги мингийиллик бошларида бирор мамлакат ўз ҳолига ҳалқаро муаммоларни балки ўзига алоқа-

<sup>1</sup> Гладков В.П. Международное общество: утопия или реальная перспектива. Журнал “Международная экономика и международные отношения” М. 1989 год.

<sup>2</sup> А.Қирғизбоев. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро хамкорлиги. Т. Фан. 2004 йил, 23-24 бетлар.

дор муаммоларни ҳам ҳал эта олмаслидан далолат беради.

Шунинг учун ҳам барча мамлакатлар уларнинг хукуматлари ва етакчилари биринчи навбатда ушбу омилларни тушунишлари ва XXI аср талабларига жавоб бера оладиган ривожланган ҳалқаро муносабатларини ўрнатиш учун барча сиёсий саъий-ҳаракатларни кўрмокликлари зарур. Бугунги кунда айrim минтаقا ва мамлакатларнинг миллий биқиқ ҳўжалик юритиш тизимини синдиришга, меҳнатнинг ҳалқаро тақсимланиши ва мамлакатларнинг ҳар томонлама ўзаро боғлиқлигига олиб келувчи йирик саноат ишлаб чиқариши билан боғлиқ равишда дунёда юз бераётган интеграцион жараёнлар давлатлар, мамлакатлар ва ҳалқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосини ташкил қиласди.

Бошқача қилиб айтганда, ҳар томонлама саноатлашув ва йирик ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши эртами кечми, муқаррар равишда мамлакат ичкарисидаги майдага, ўзига хос ишлаб чиқариш тузилмаларининг парчаланишига олиб келади. Йирик ишлаб чиқариш тузилмаларининг пайдо бўлиши, уларнинг миллий давлат ишлаб чиқариш чегараларидан чиқиши, шунингдек, аста-секинлик билан ягона умумжаҳон бозорининг шаклланиши, меҳнатнинг ҳалқаро тақсимланиши ва шу асосида турли мамлакатларнинг ҳамкорлик қилишларини таъминлайди. Ушбу ҳолат “Мажбурий” зарурат йўли билан ўзига йўл очиб бораётган объектив жараёндир.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ўзига хос қиёфа касб этади. Энди уларнинг фаолият юритиши ва та-комиллаштирилиши айrim бир мамлакатнинг ички имкониятларидан фойдаланишига асосланиб қолмай, балки ҳалқаро омилларга ҳам таяниши керак бўлади. Кўплаб корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнлари биргина мамлакат доираси билан чекланиб қолмасдан, унинг чегарасидан ташқари ҳам чиқади. Интеграцион жараёнлар ке-чаётган бир шароитда фаолият юритиш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва та-комиллаштириш бошқа мамлакатларнинг ма-териалларини, хом-ашёларини, ресурсларини, харид бозорларини, замонавий технологияларини ҳам жалб қилишни тақазо этади. Бу эса ўз навбатида мамлакатларнинг бир-бири билан боғлиқ тарзда-ги алоқаларга киришишига олиб келади. Улар энди инвестициялар, қўшма корхоналар, ҳалқаро банклар ташкил этиш, ўзаро савдо-со-тиқ қилиш, ҳўжалик ривожланишини икки томонлама манфаат-

ларга мослаштириш борасида хамкорлик қилиб, мувоффақиятли равишда тарақкй этишлари мумкин бўлади. Шунингдек бу ҳолат мамлакат ичкарисида иктисодиётнинг тизимларини қайта қуришга олиб келади. Унинг жадаллик билан ривожланишига, хом-ашё ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланишига ахоли фаровонлик даражасининг ошишига, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ҳамда уни фақат ички эҳтиёжларигагина эмас, балки ташқи бозорга йўналтирилишига ҳам кўмаклашади.

Агар интеграцион жараёнларга сиёсий нуқтаи-назаридан ёндашадиган бўлсак, унда ҳалқаро муносабатларда албатта сиёсий низолар чиқиши шубҳасиз. Сўнгги йилларда мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар teng ҳукуқлилик ва кўнгиллилик асосида куч таъсисиз, миллий давлат манфаатларига дахл солмаслик, ички ишларга аралашмаслик, мустақиллигига ва давлат суверенитетига тажовуз қилмаслик асосида барпо этилмоқда. Мамлакатлар ўртасида куч ишлатиш йўли билан, бир мамлакатнинг иккинчисини ўзига бўй-сундириш, тенгсизликка, кучли давлат манфаатларинигина кўзлаб ўрнатиладиган алоқалар даври аллақочон ўтиб кетди. Таникли тарихчи олим Г.Дилигенский ёзганидек: “Бой мамлакатлар ва қашшоқ мамлакатлар ўртасидаги айнан ана шу қарама-қаршилик глобал цивилизациянинг яхлитлигига асосий хавфни туғдиради ва уни ҳал этмай туриб, цивилизациянинг илгарилашувига эришиб бўлмайди”<sup>1</sup>.

Ҳамкорлик жараёнида кучларни бирлаштириш, у ёки бу сиёсий қарорларни қабул қилишда муайян давлат санкциялар асосида хамкорликдаги ҳаракатларини расмийлаштириш орқали амалга оширилади. Бу аввало, давлат (божхона) тўсиқларини бартараф этиш, хорижий сармояларни жалб қилиш, инвесторлар, қўшма корхоналар фаолияти учун кулай шарт-шароитлар яратиш ва хоказолардан иборатдар. Бу ерда гап, охири-оқибат ишлаб чиқариш тузилмаларини қайта қуриш, табиий ресурслардан самарали ва ўзаро манфаатдорлик асосида фойдаланиш имконини берувчи, капитал маблағлардан фойдаланиш шароитларини яхшиловчи, бозор муносабатларининг устувор жиҳатларини намоён этувчи жамият ҳаётини демократлаштирувчи, шу асосда ишлаб чиқариш кучларининг

---

<sup>1</sup> Дилигенский Г.Г. “Конец истории” или смена цивилизаций? Журн. “Вопросы философии”. 1991г. С30.

жадаллик билан ривожланишига, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда умумдемократик тамойилларнинг қарор топишига ёрдам берувчи сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш хусусида бормоқда.

Мамлакатларнинг сиёсий соҳаларидағи интеграцияси ҳақида гап борар экан, яна бир объектив ҳолатни ҳам унутмаслигимиз лозим. Бу мамлакатларнинг, хусусан Осиё минтақасининг хавфсизлигини ва сиёсий барқарорлигини таъминлашдан иборат. Хавфсизлик дейилганда, сиёсий, харбий, иқтисодий, экологик ва ижтимоий хавфсизликни тушунмоқ керак. Бу соҳадаги хамкорлик барча мамлакатларнинг қайси мағкурага амал қилишидан қатъи назар, бағри-кенглик, фикрлар хилма-хиллиги асосига қурилиши лозим. Бир пайтдан қолган дөгмалар, хар бир қўшнида ўз душманини кўриш одати бугунги кунда мамлакатлараро муносабатларни ўрнатишга имкон бермайди.

Интеграциялашув жараёнларида ва давлатлараро муносабатларни демократлаширишга асосланган янги дунёвий тартибларнинг ўрнатилишида ҳалқаро институтлар ҳамда ташкилотлар катта аҳамият касб этади. Улар орасида, аввало, таркибида суверен давлатлар ваколатларининг бир қисмини давлатларнинг бошқарувчи идораларга олиб бериш амаллари юз берадиган институтларни алоҳида таъкидлаш керак бўлади. Бундан ташқари ҳалқаро муносабатлардаги нодавлат ижро чиларининг сони ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда. П.А.Циганков таъкидлаб ўтганидек “Бизнинг давримиз давлат миллатлар суверенитетига асосланган ҳалқаро тартиблардан институтлар томонидан тартибга солинадиган дунёвий тартибга ўтиш давридир. Мазкур институтларнинг қонуний хукуклари ҳалқаро муносабатларининг барча иштирокчилари суверенитетининг доимий равишда ошиб борувчи ва ихтиёрий равишда узоқлашиб бориладиган улушидан ташкил топади”.<sup>1</sup>

Дунёдаги интеграциялашуви жараёнлари ягона ва яхлит дунёни шакллантириш, мамлакатлараро хамкорликка объектив тарзда таъсир кўрсатади. Бундай хамкорликни талаб қилинишини унутмаслик керак.

<sup>1</sup> Цыганков П.А. Международные порядок: Между прошлым и будущим. журн. “Социально-политические науки”, 1991г, С32.

Биринчидан, мамлакатлар ўртасидаги хамкорликни ҳар бир мамлакатда амалга ошириладиган барқарор ва доимий равища илгарила, борувчи иқтисодий ва маданий тараккиётсиз, бозор муносабатларини ўрнатмасдан, импорт ўрнини босувчи ва экспорт учун ҳам мўлжалланиши мумкин бўлган ишлаб чиқаришни йўлга қўймасдан амалга ошириш мумкин эмас. Бунинг учун ҳар бир мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, миллий мустақиллик ва давлат суверенитетини кучайтириш, миллий онг ва миллий маданиятни ривожлантириш керак бўлади. Фақат шу йўл билангина тенг хукукли хамкорликни таъминлаш, бошқа мамлакат таъсирига тушиб қолмаслик мумкин.

Иккинчидан, сўнгги йиллардаги ҳалқаро муносабатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатларнинг интеграциялашув жараёнидаги хамкорликлари учун ҳар бир мамлакатда сиёсий барқарорлик ва фуқаролар ўртасидаги тотувлик ўта зарурдир. Маълумки, бирор мамлакат ўз сармоясининг яхши самара беришга ишонмса, иккинчи бир давлатга сарфламайди.

Учинчидан, ўзаро хамкорлик маълум қонуниятлар асосида ривож топади алохида олинган бирон-бир давлат тузилмаси доирасида мавжуд қонуниятларидан фарқ қиласи. Уларни маълум маънода хамкорлик доирасига уюшган давлатларнинг ривожланиши қонуниятлари деб ҳам аташ мумкин. Бироқ, бу қонуниятларни муайян давлатларнинг ички қонуниятлари билан аралаштирумаслик керак. Шунинг учун ҳам у ёки бу мамлакат ички ривожланиш қонуниятларини хамкорликдаги бошқа барча давлатларга татбиқ қилиш ёки сингдиришга уриниш нотўғри ва мутлақо ноқонуний бўлур эди.

Тўртинчидан, хамкорликка аъзо бўлиш, ички вазифаларни ҳал этиш учун ишлаб чиқариш кучларидан хамкорликда фойдаланишга алоқадор қандайдир умумий манфаатларнинг мавжудлиги сабаб бўлмоғи керак. Бу умумий манфаатларнинг манбай шундаки, баъзи мамлакатлар, айниқса, кам ривожланган давлатлар, обектив сабабларга кўра тараккиётдан орқада қолиб, ўз кучлари билан ишлаб чиқариш даражаларини замонавий дунё меъёрлари даражасига олиб чиқа олмайдилар. Бунинг учун улар ривожланган мамлакатлар билан хамкорлик қилишлари, уларнинг маblaғларидан, технологияларидан, илмий-техник ютуқларидан фойдаланишлари зарур.

Мамлакатларнинг ўзаро интеграция жараёнларига интилишла-

рини ҳам айнан ана шу сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Зеро, ўз имкониятларини бирлаштириш орқалигина иқтисодиёт ва маданият соҳасидаги ривожлантиришни жадаллаштириш дунё ҳамжамиятига кириб бориш, бирикиш учун қулай шароитлари таъминлаш мумкин бўлади.

Бугунги ҳаётимиз карор топиб бораётган турмуш тарзи шуни кўрсатмоқдаки, жаҳондаги интеграциялашув жараёнлари кенг қулоч ёзиб бораётган бир шароитда мамлакатлар ўртасидаги сиёсий иқтисодий ҳамда маданий ҳамкорлик, ҳамжихатлилик муҳим зарурятга айланди. Бу муносабатлар, аввало, умумий манфаатларини англаш, миллий ўзига ҳос хусусиятларни хурмат килиш, умуминсонийлик қадриятлари устуворлигини эътироф этиш асосида курилмоғи лозим. Гап шундаки, халқаро муносабатлар глобаллашаётган бир пайтда бирор бир мамлакат ёки бирор халқ ўзга бир мамлакат ёки халқнинг манфаатларини ерга уриш, қадрсизлантириш эвазига ўз манфаатларини қондира олмайди. Ҳозирги кунда мавжуд термоядро уруши хавфи остида, экологик инкиroz шароитида нафакат ижобий ўзгаришлар, балки салбий оқибатларга ҳам сабаб бўлган замонавий илмий-техник инқилоб шароитида инсоннинг фаровон ва баҳтли ҳаётини таминалашга бўлган интилишлар барча мамлакатларнинг бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳат бўлишлари учун муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.<sup>1</sup>

Интеграциялашув жараёни мамлакатлараро алоқаларни умумий кунуниятларга бўйсундира боради, шу боис ҳам, бундай шароитда бирор мамлакатнинг фақат ўз эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилиши самара бермайди. Бинобарин, бугунги кунда дастлаб муайян тармоқлари иккинчи бир мамлакатда давом эттирилмоқда. Бундай ҳол барча мамлакатлардан ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлишини тақозо этмоқда. Айни шу ҳол туфайли ҳаётимиз ўзаро манфаатли инвестициялар, қўшма корхоналар яратиш, халқаро банклар ўртасидаги ҳамкорликлар, савдо-иқтисодий алоқалар қарор топмокда.

Иқтисодий ҳамкорликлар негизида фан, сиёсат, маданият ва маориф соҳасида ҳам изчил ҳамкорликлар амалга оширилмоқда. Барча даврларда ҳам бугун инсоният цивилизацияси миқёсидаги мадани-

---

<sup>1</sup> А.Қирғизбоев. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. Т.Фан, 2004 йил, 30-32бетлар.

ятнинг такомиллашуви учун турли маданиятларнинг ўзаро таъсир муҳим аҳамият касб этган.

Мамлакатлараро хамкорлик имкониятларидан яна бири умумисоний маданият, барча маданиятларнинг синтезидан иборат. Маданиятларнинг ўзаро таъсири жараёнида энг муҳим жиҳат бу мамлакатлари фундаментал илмий муаммоларни ҳал этиш борасидаги хамкорлиги, маориф дастурларини ишлаб чиқиш, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳажиҳатлигидир. Бундай хамкорликсиз инсоният ҳаётининг бирор бир соҳасидаги мувоффакиятга эришиб бўлмайди. Шу маънода, ташқи дунё билан ҳар томонлама алоқалар ўрнатиш, умумисоний қадриятлар устиворлигини эътироф этиш, бошқа мамлакатлар ананалари ва урф-одатларига бағрикенглик билан муносабатга бўлишни таъминлаш зарур. Барча мамлакатлараро хамкорликлардан кўзланадиган асосий мақсад иқтисодий манфаатларнигина эмас, бутун ер юзида барқарор ва муҳим ривожланиш, барча мамлакатларда, барча соҳаларда тараққиётга эришиш эканлигига йўналтирилган янги сиёсий психологияни шакллантириш ніҳоятда муҳимдир.

Мамлакатлараро хамкорликнинг муҳим шартларидан яна бири унда иштирок этаётган давлат, миллий ва диний мансублигидан қатъи назар, ҳар қандай мафкурадан холи этилганлигидир. Мамлакатлар ўзаро ҳар томонлама хамкорликни амалга оширап эканлар, аввало ҳар бир мамлакатнинг иқтисоди ва маданияти мувоффакиятли ривожланган тақдирдагина самара бериши мумкинлигидан келиб чиқиши лозим.

Энди халқаро ташкилотларнинг Марказий Осиё хавфсизлиги ва минтақавий интеграциялашув жараёнида тутган ўрнига бир назар ташлайдиган бўлсақ, аввало Собиқ Иттифоқ давлатларининг интеграцияси номинал тарзда айтиладиган бўлса, 1991 йил Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини (МДҲ) тузишдан бошланади. Аммо бир неча йил давомидаги давлатлараро муносабатлар шуни кўрсатадики, МДҲ давлатлари интеграциялашувининг янги кўринишларини излай бошлади. Бу хусусан, иқтисодий муносабатларда яққол кўзга ташланади.

1994 йил Қозогистон Президенти Н.Назарбоев МДҲ кўламида Евроосиё иттифоқини тузиш ташаббуси билан чиқди. Мазкур халқаро тузилма аъзо давлатларда даставвал чуқур қизиқиш уйғот-

мади 1995 йилга келиб, Россия Федерацияси интеграциянинг янги тузилмасини таклиф этди. Унга кўра 1995 йил 6 январда Россия ва Белорусия ўртасида икки томонлама, 1966 йил 20 январда эса Қозоғистон билан биргалиқда учликдан иборат Божхона иттифоқи тўғрисида битимлар тузилди. Кейинроқ ушбу иттифоққа Қирғизистон ва Тожикистон ҳам қўшилди.

1996 йил 29 марта Белорусия, Россия, Қирғизистон ва Қозоғистон Иқтисодий ва гуманитар соҳаларда интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисида Битимни имзолашди. Мазкур ҳалқаро акт билан Божхона иттифоқи (БИ) деб номланган янги минтақавий ташкилот юзага келди. Натижада эндиликда уч томонлама комиссия фаолияти амалга мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланиб, томонлар иқтисодий муносабатларнинг бошқа йўналишларини ҳам ривожлантириш истагида ижро ва мувофиқлаштириши функцияларига эга бўлган БИ ни амалга рўёбга чиқаришга мўлжалланган доимий Ишчи орган ҳисобланадиган Интеграцион қўмитани тузишди. 1998 йил Тожикистон БИ аъзоси бўлиш билан бир қаторда, 1999 йил 26 февралда мазкур иттифоқнинг ҳамма аъзолари билан биргалиқда Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий макон тўғрисидаги битимларга имзо чекишиди.

2000 йил 10 октябрида Астана шаҳрида Белорусия, Россия, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон Президентлари Евроосиё иқтисодий хамкорлик ташкилотини (ЕврАЗЭС) тузиш ҳақида шартномани имзоладилар. Мазкур иқтисодий ҳамжамиятни барпо этишдан мақсад-аъзо давлатлар ўртасида мустаҳкам умумий иқтисодий маконни яратишдан иборат эди.

2001 йил 31 майда Минск шаҳрида ЕврАЗЭС Давлатлараро Кенгашининг дастлабки йигилиши ўтказилиб, унда ушбу иқтисодий ҳамжамиятининг асосий хужжатлари имзоланди.<sup>11</sup> Шу вақтдан бошлаб янги ҳалқаро ташкилотнинг ҳуқуқий пойдевори юзага келди.

ЕврАЗЭС ҳалқаро ҳуқуқ субъекти сифатида юридик статусига эга. У аъзо давлатларни яратиш билан бирга, уларни жаҳон хўжалик тизимига интеграциясини жадаллаштиришга қаратилгандир.

Европа Иттифоқи тарихий тажрибасини ЕврАЗЭС аъзо давлатлари интеграцияси учун намуна сифатида олиш мумкин. ЕврАЗЭС

---

<sup>1</sup> ЕврАЗЭС.http: [www.evrazes.com/ru/main/info](http://www.evrazes.com/ru/main/info).

иқтисодий ислоҳатлардаги синхронликнинг йўқлиги, ЕИ иқтисодий ривожланиш тарихида чекланган натижаларни берди ва иттифоқ даражасида қабул қилинган қарорларни амалга тўла тадбиқ этаолмади.

2004 йил қабул қилинган “ЕврАзЭС 2003-2006 ва ундан кейинги йилларда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” ЕврАзЭС яшовчанлигини ошириш ва унинг тараққиёт стратегиясини асосий нуқталарини белгилаб берди.

Биринчидан, Евроосиё иқтисодий хамкорлик ташкилоти доирасидаги хамкорликдаги аъзо давлатларнинг ташқи иқтисодий фаолиятда устиворликка эга бўлиши лозимлигини кўрсатилган. Мазкур ёндашув мамлакат тақдирида ҳал қилувчи ролга эга хужжатларда ўз аксини топган бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, аъзо давлатлар ўзларининг суверенлик ҳукуқларининг бир кисмини ЕврАзЭСга ва у билан боғлиқ бошқа ҳалқаро тузилмаларга эркин равишда берадилар.

Мустақиллик мафкурасининг Марказий Осиё давлатларида кучли ўрин эгаллаганлиги ЕврАзЭС доирасидаги интеграцион жараёнларга ўз таъсирини ўтказмокда. ЕврАзЭС минтақа давлатлари ҳамжамияти уларни ҳалқаро ҳукуқ доирасидаги ҳукуқ ва эркинликларини чекламаслигини истаган ҳолда аста-секинлик билан макро-минтақавий интеграцияни амалга ошириш истагидадирлар.<sup>1</sup>

2006 йил 25 январда Санкт-Петербургда ЕврАзЭС Давлатлараро Кенгашида Ўзбекистон 2000 йил 10 октябрда имзоланган Евроосиё иқтисодий хамкорлик ҳамжамиятини тузиш тўғрисидаги Шартномага қўшилиши тўғрисида Протокол қабул қилинди. Бу хужжат Ўзбекистоннинг расман аъзоликка киришишини таъминлади. Бундай геосиёсий қадам аввалимбор Ўзбекистоннинг чуқур иқтисодий сиёсий ва тарихий маданий боғлиқликка эга давлатлар билан янада яқин хамкорлик қилишдан манфаатдорлиги билан ўлчанади. Бошқа томондан эса, аъзоликка кириш зарурияти собиқ Совет Иттифоқи маконида вазиятнинг тезлик билан ўзгариб бораётганлиги ҳамда хавфсизликка ва барқарорликка жиддий таҳдидлар юзага келганлиги билан шартланган.

---

<sup>1</sup> Ч.Кўчаров. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари. Т.Фан. 2008 йил, 124-127бетлар.

Ўзбекистоннинг ЕврАзЭС га аъзо бўлиш газ, тахта, металлар авиаация ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини кенгайтириб давлатлараро интеграциянинг максимал даражага олиб чиқишига ҳизмат қилиши керак. Тъкидлаш жоизки ЕврАзЭС бюджетида қатнашиш улуши тўлиқ келишиб олингандан сўнг Ўзбекистон бу бюджетни шакллантириш ва бажариш маъсулитини олди.

Юқоридагилардан ташқари интеграцион жараёнлар ва мамлакатлараро хамкорлик имкониятларда Шанхай хамкорлик ташкилоти (ШХТ)нинг ўрнини ҳам алоҳида таҳлил этиб баъзи бир хуносалар чиқариш мумкин:

Биринчидан, ушбу ташкилот минтақавий хавфсизлик архитектурасини бино қилишда тизим ясовчи функцияни бажаради. Бундай функция минтақавий барқарорликни тамиллашга йўналтирилган ШХТ концепциясининг шартларини яратиши ва узлуксиз такомиллашиб боришни тақазо этади.

Иккинчидан, ШХТ катта геосиёсий ва геоиктисодий маконни камраб олган макроминтақада юзага келиши, унинг айнан шу маконда мавжуд бошқа ҳалқаро тузилмалар билан ҳалқаро хавфсизлик масалаларида баҳам жиҳатликка интилиши шарт.

Учинчидан, ШХТда Ўзбекистоннинг иштироки унинг реал ташқи сиёсат олиб бориш стратегиясига ҳизмат қиласди. Ушбу ташкилотнинг минтақадаги роли ошиб бориши Ўзбекистоннинг АҚШ ва Европа давлатлари билан муносабатларини кескинлашувига олиб келмаслиги балки жаҳон етакчи давлатларининг марказий Осиёда манфаатдор мувозанатини таъминлашга йўналтирилган Ўзбекистоннинг ташқи ва ҳарбий-сиёсий стратегиясини амалга оширишда муҳим омил бўлиши миллий манфаатларга мувофиқ келади.

## **2.Минтақавий хамкорликни таъминлашда ҳалқаро ташкилотлар фаолияти.**

Ҳозирги вақтда дунё мамлакатлари ва ҳалқаро ташкилотлар билан хамкорликни ривожлантиришнинг муҳим жиҳати ушбу мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий, илмий-техник ва маданий-маънавий ривожланиш соҳасидаги тажрибаларидан самарали фойдалана олишдан иборат.

Мустақил республикамизнинг минтақавий ташкилотлар билан хамкорликлари бутун дунё ҳамжамияти, шу жумладан Ўзбекистон учун ҳам ўта мухим бўлган ҳалқаро барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш вазифалари билан бевосита боғлангандир. Давлатларнинг ташқи сиёсати тобора очиқ тус олаётган ва минтақалар ва бутун дунё кенгликларида интеграциялашув жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётган бир шароитда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари ҳалқаро хамкорликлар билан янада мустахкамроқ боғланиб бормоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Ҳалқаро ташкилотлар билан хамкорлиги кенг қулоч ёзиб бораётганлиги унинг ҳалқаро майдонда обрўси ошиб бораётганлигидан далолат беради. Бундай хайрли ҳолатнинг вужудга келишида асосий омиллар Ўзбекистоннинг ўз худудида ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамият қуришга жиддий киришганлиги, бозор иқтисодиётига ўтища сезиларли натижаларни қўлга киришганлиги, мамлакатда миллатлараро тотувликни ва барқарорликни таъминлаганлигидир.

Хорижий мамлакатлар билан иқтисодий хамкорлик алоқаларининг ривожланиши Ўзбекисто иқтисодиётига ҳам жиддий таъсир қиласи. Чунки ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришнинг бир нечта омили бор.

Биринчиси, бу корхоналарни ишлаб чиқариш маблағлари ҳисобига ривожлантириш, кенгайтириш, иккинчидан эса давлат бюджети ҳисобидан янги корхоналар бунёд этишдир. Учинчидан кредит ресурсларидан фойдаланиб, корхоналар қуриш, ташқи кредит ресурслари, шунингдек ташқи сармоялар ҳисобига ишлаб чиқаришни ривожлантиришдир. Ўзбекистонда мана шу учинчи йўлга, қўшма корхоналарни қўплаб қуришга алоҳида эътибор берилди. Бунинг учун 1991 йил 12 ноябрда Вазирлар маҳкамасида мухим карор қабул қилинди. “Ўзбекистон Республикасида ҳорижий сармоялар билан корхоналар, шу жумладан қўшма корхона ҳалқаро бирлашмалар ва ташкилотлар шунингдек уларнинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш фаолияти ва уларнинг давлат томонидан рўйхатга олиш тартиби ҳақида” ги 290 қарори бу соҳада катта аҳамиятга эга бўлди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон бир қатор иқтисослашган нуфузли ҳалқаро иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ташкилотлар-Жаҳон иқтисодий хамкорлик ташкилоти, жаҳон Банки, Ҳалқаро

валюта жамғармаси Европа тикланиш ва тараққиёт Банки (ЕТТБ), Халқаро меҳнат ташкилоти, Осиё ва Тинч океан ҳавзаси бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссия, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий хамкорлик ташкилоти (МОИХТ), ЭКО ва бошқа ҳалқаро ташкилотлар билан яқин хамкорлик муносабатларини йўлга қўйди. Жумладан АҚШ, Германия, Франция, Италия, Англия, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Туркия мамлакатлари билан ўрнатилган иқтисодий хамкорликлар ўз натижаларини бера бошлади. Умуман олганда Ўзбекистоннинг ташки иқтисодий йули барча ҳалқаро ташкилотлар билан ҳар томонлама хамкорлик қилишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда 40 дан ортиқ ҳалқаро ташкилотлар билан алоқа ўрнатган. Асосий эътибор Ҳалқаро иқтисодий ва молиявий бирлашмалар, жумладан, Осиё тараққиёт банки, Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилоти, Осиё-Тинч океани ҳамкорлиги, Шанхай ҳамкорлиги ташкилоти билан алоқаларни ўрнатишга ва мустаҳкамлашга қаратилмоқда.<sup>1</sup>

Турли мамлакатлар билан иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа алоқаларни ривожлантириш, улар билан икки томонлама дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш иқтисодий ва ижтимоий ҳал этишда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди. Ҳар қандай давлат ҳоҳ катта, ҳоҳ кичик бўлсин ташки иқтисодий алоқаларсиз, яшай олмайди, чунки жаҳонда ишлаб чиқарилаётган буюмлар тури бир неча миллион хилни ташкил этадики, уларнинг ҳаммасини ўзида ишлаб чиқаришга бирорта ҳам давлатнинг қурби етмайди. Шу сабабли ҳалқаро ҳамкорлик алоқалари давлатларнинг турли туман эҳтиёжларини қондириш, ва ижтимоий иқтисодий ривожланиш самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб, фан техника тараққиётини жадаллаштиришга миллатлар ва эллатларнинг яқинлашуви ва пировард, ахолининг турмуш даражасининг оширишга ёрдам беради. Ташки иқтисодий комплексни бошқаришни такомиллаштириш ва ҳорижий мамлакатлар билан савдо иқтисодий, валюта-молия, ва илмий-техникавий алоқаларни амалга оширувчи турли вазирликлар иродалар бирлашмалар, ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш мақсадида 1992 йил февралда Ўзбеки-

---

<sup>1</sup> А.Қирғизбоев. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан ҳалқаро ҳамкорлиги. Т.Фан. 2004 йил 77-бет.

стон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Вазирлиги тузилди.<sup>1</sup> Ҳозирги даврда Ўзбекистон Жаҳон Ҳамжамиятидаги ўнлаб иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар билан совдо-сотиқ қиласиди. Улар орасида АҚШ, Англия, Франция, Япония, Ҳиндистон, Хитой, Сингапур, Таиланд, Туркия ва бошқа мамлакатлар бор.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси кўп томонлама ҳалқари иқтисодий хамкорлик ташкилотлари фаолиятида қатнашмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Жаҳон Банки, Халқаро Валюта фонди Халқаро Молия корпорацияси, иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби ва бошқа обрў-эътиборли ҳалқаро молиявий-иктисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди, ҳамда уларда фаол сиёsat ўтказа бошлади. Кўпгина ҳалқаро ташкилотлар БМТ, Халқаро Валюта фонди Жаҳон банки Европа тикланиш ва тараққиёти банки Европа Иттифоқи комиссияси ва бошқа ташкилотлар Республикада ўзларининг минтақавий ваколатларини очди ва Ўзбекистонлик шериклари билан фаол хамкорлик қилмоқда.

Республикамизда Европанинг қолаверса жаҳоннинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлари билан олиб борадиган ташқи иқтисодий алоқаларнинг яҳшилаш учун катор чора тадбирлар амалга оширилиши лозим. Бундай чора тадбирлар қаторига, жумладан, ҳалқаро меҳнат ташкилотида Ўзбекистоннинг фаол иштирок этишини тамиллаш, Республика маҳсулотини сотиш мумкин бўлган бозорларини муфассал ўрганиш, бирон-бир маҳсулотни имтиёзли тарзда чиқарувчиларга имтиёзлар бериш мумкин бўлган худудларни аниқлаш масаласи киради. Турли хил хом-ашёларни четга чиқариш сиёsatидан, тайёр рақобат қила оладиган ва жаҳон талабларига жавоб бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни ҳорижга юбориш сиёsatига ўтиш кабилар киради. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек-“Хорижий сармояларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда қуйидаги тамойилларига асосландик:

---

<sup>1</sup> Э.Ахмедов. З.Сайдаминов. Ўзбекистон Республикаси Т. “Ўзбекистон”, 1995 йил, 59-бет.

Биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятини янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

Иккинчидан, Республика иқтисодиётiga бевосита капитал маблагни кенг жалб этишни таъминлайдиган хукукий ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитиларни тобора такомиллаштириш;

Учинчидан, Республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган ҳалқ хўжалигининг замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий сармоядорларга нисбатан эшикларни очиб қўйиш сиёсатини изчиллик билан ўтказиш;

Тўртингчидан, маблағларни Республика Мустақиллигини таъминлайдиган ва рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларида жамлаш”<sup>1</sup> ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ эркин иқтисодий ва ташқи сиёсат олиб борди. Бу ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам тўла қонунлаштирилди. 1993йил 13 июнда Биринчи Президент И.А.Каримов Швейцариядаги “Фонд форм” ҳалқаро иқтисодий ташкилотининг IV сесиясида нутқ сўзлади. “Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакати” деб аталган бу нутқда Республикамизнинг хорижий мамлакатлар билан тобора ривожланиб бораётган ҳалқаро ва иқтисодий алоқалари ҳақида сўз юритилади. Ўша пайтда, жумладан 160 та мамлакат томонидан тан олинганлиги 60 дан ортиқ мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганлиги, кўпгина давлатлар билан узоқ муддатли алоқалар йўлга қўйилганлаги бу нутқда уқтириб ўтилди. Президентнинг “Ҳамкорлик-иқтисодий тараққиёт гарови” номли асарида эса давлатлараро ва ҳалқлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг юксалиб бориши давримизнинг ўзига хос хусусияти эканлиги кўрсатилади. Истамбулда Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлат рахбарларининг олий даражада учрашувида сўзлаган бу нутқ минтақада жойлашган 10 та қўшни давлатнинг ўзаро ҳамкорлигига бағишланган бўлиб, унда ҳамкорлик тараққиёти ва истиқболи, биринчи навбатда иқтисодий манфаатдорлигининг сиёсатдан, мафкурадан устун бўлиши, транспорт ва коммуникацияни ривожлантириш банклараро муносабатларни яхшилаш, Ҳамкорлик

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чукурлаштириш йўлида. Т. “Ўзбекистон”, 1995 йил, 156-бет.

фондини ташкил этиш, маданий- маънавий алоқаларни мустаҳкамлашга боғлиқ эканлиги алоҳида илмий асосда баён қилинади.

“Ўзбекистон Иқтисодий сиёсатнинг устивор йўналишлари” асарида ҳам экспорт қувватидан тўла-тўқис фойдаланиш лозимлиги уқтирилиб, собиқ Иттифоқ даврида бунга аҳамият берилмаганлиги айтилади. Бу китобда Ўзбекистон экспортида катта ўзгаришлар бўлганлиги, илгари кам алоқа қилинган саноати ривожланган мамлакатларга бугунги кунда экспорт маҳсулотларини 80 фоизи етказиб берилаётганлиги, айни пайтда янги ёш мустақил давлатлар билан ҳам яқин ва ўрта шарқ Европанинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлари билан ҳам алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади. Яна бу китобдаги муҳим масалалардан бири Германия ва Швейцария банкларида сақланётган олтиннинг ҳар йили 5 фоизи ёки 18-20 миллион доллар фойда келтираётганлиги айтиб ўтилади. Жаҳонда шундай ташкилотлар борки, уларда қабул қиласан қарорлар халқаро муносабатларга таъсир қилмай қолмайди. Шундай ташкилотлардан бири Жаҳон иқтисодий анжуманидир.

Президентимиз 1992 йил 29 январдан 2 февралгача Швейцарияда бўлиб, Жаҳон иқтисодий анжуманида иштирок этди. Бу даврда Жаҳон иқтисодий анжуманида МДҲ мамлакатларига шошилинч иқтисодий ёрдам бериш зарурлиги тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Президентимизнинг сўзлаган нутки жаҳон анжумани қатнашчиларида катта таасурот қолдирди. Швейцариянинг Давос шаҳрида ҳар йили анъанавий жаҳон иқтисодий анжумани ўтказилади. Унда давлат бошлиqlари, сиёсатчilar, машхур иқтисодчи ва жамиятшунос олимлар қатнашадилар. Дунё миқёсида, ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш ишининг ташаббускори Клаус Шваб томонидан 1917 йилда ташкил этилган Жаҳон иқтисодий анжумани 1992 йилгача ўзининг 13 учрашувини<sup>1</sup> ўтказди. Анжуман “соғ иқтисодиёт” масалалари билангина чекланмайди. Дунё аҳамиятига молик сиёсий воқеаларни ҳам қамраб олади. Ўз олдига аниқ мақсадларни кўйиб, мавжуд муаммоларни муҳокама ва мунозара йўли билан ҳал этадиган, ривожланаётган давлатларга йўл-йўриқлар курсатадиган ва уларни қўллаб-қувватлайдиган нуфузли

---

<sup>1</sup> “Халқ сўзи” газетаси, 1992 йил, 3-феврал.

анжуманды мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов илк марта иштирок этди.

1993-йил Республикамиз халқаро иқтисодий алоқалари тирихидеги катта из қолдирған йил бўлди. Январ ойининг охири ва февраль ойи бошида Республикамиз Президенти Давосдаги жаҳон иқтисодий анжуманида иштирок этди ва Ўзбекистон учун ўзаро манфатли ҳакморлик йўлларини, иқтисодий юксалиш истиқболларини белгилаб олиш имкониятини берадиган интеграция жараёнлари кучайиб бораётгани тўғрисида сўзлаб, минтақанинг қудратли иқтисодий салоҳиятга эга бўлган мустақил давлатлари хом ашё етказиб беришдан қисқа муддатда таёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиши лозимлигини таъкидлади. Бу даврда келиб хорижий сармояларни рағбатлантириш натижасида Жаҳондаги 65 давлат фирмалари билан 900 дан зиёд қўшма корхона ташкил этидган ва фақат хорижий сармоя билан 53 та корхона рўйхатга олинган эди.

Туркия, Германия, Франция, Англия, Голландия, Австрия, Корея, Республикаси Хитой, Индонезия, Малайзия, Ҳиндистон билан сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидағи икки томонлама битимлар тузилган халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Халқаро валюта фонди, Жаҳон банк, Халқаро Молия корпарацияси, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки иштирокида бир қанча йирик лойихалар ишлаб чиқилиб амалга оширилди. Дунёда энг катта Жаҳон банки, Доче банки, Малайзиян банки, Креди коммерсиаль де франс каби бир қанча банклар Тошкентда ўз ваколатхоналарини очди.

1993 йил ёзига келиб мустақиллигимизни 150 га яқин чет мамлакати тан олди. Улар Республикамизнинг иқтисодини қизиқиб ўргандилар. Бу даврга келиб мамлакатимизда Жаҳоннинг турли банклари фаолият кўрсатмоқда эди. 1993 йил сентябрда Тошкентда Халқаро Банклар конференцияси бўлиб ўтди ва унда ҳўжаликнинг турли соҳаларига сармоялар қўйиш бўйича ўзаро тажриба алмасилди. Чунки Республикамизда хорижий сармоялар жалб қилинган корхоналар шу даврда 800 та атрофида эди.

Республика Президенти бу конференциясида нутқ сўзлади ва “биз ҳозирнинг ўзида “Ньюмонт майнинг” корпорацияси билан ҳамкорликда ҳамда Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки иштирокида олтин қазиб чиқариш бўйича қўшма лойихаларни амалга

ошириш тажрибасига эгамиз. Бу лойиҳада Англияниңг “Берклай” ва “Ротшильд”, Швейцарияниңг “Креди свиес” банк корперейшни ва АҚШниңг “Кемикал ва Чейз Манхеттен”, “Германияниңг” “Дрезден банк”, “Байерише Ферайн”, Францияниңг “Креди Лисне”, “Париба”, Австрияниңг “Жиннокредит” ва “Банк Аустрия” сингари нуфузли банклари ҳам иштирок этаётгани қувончлидир<sup>1</sup> –деб таъкидлади.

1994 йили 17 май куни Тошкентда “Ўзбекистон Республикасида солик тизимининг иқтисодий фаоллик ва сармоя сарфлашга таъсири” мавзуусида ҳалқаро анжуман иш бошлади. БМТ, Иқтисодий хамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солик қўмитаси ҳомийлигига ўтган анжуманда Германия, Канада, Марказий Осиё мамлакатларида солик тизими вакиллари, бир қанча нуфузли ҳалқаро ташкилотларнинг мутахассислари ва хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик корпуси ходимлари иштирок этдилар. Июнь ойида эса “Ташки заём аперацияларини бошқариш масалалири” мавзууда ҳалқаро семинар бошланди. Унда Жаҳон банки, БМТ-нинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД), Буюк Британия ва Туркияниңг молия соҳаси мутахассислари, Албания ҳамда Марказий Осиё мамлакатларининг банки тизими вакиллари иштирок этди. Жаҳон банкининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари Парвоз Ҳасан семинарни ўtkазишдан кўзланган мақсад ва унинг Марказий Осиё давлатлари ташки молия соҳасини ислоҳ қилишдаги аҳамияти ҳақидаги сўзлади.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек “Ўзбекистоннинг ҳалқаро ташкилотлар билан хамкорлиги ҳам узоқ муддатли, ҳам қисқа муддатли аҳамиятга эга бўлган энг муҳим вазифаларни бирга” кўшиш мақсадларидан келиб чиқиб амалга оширилди ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Биринчидан, Жаҳон иқтисодиётига қўшилишдан иборат бўлган стратегик интеграцион вазифа-Ўзбекистондаги барча хужалик субъектларининг ташки дунё билан ўзаро алоқалари учун тенг хукукий ва миллий манфаатларга мос келадиган шарт-шароитлар

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. “Ўзбекистон” 1994 йил, 134-бет.

яратиш асосида халқаро валюта молия ва совдо механизмларига бевосита қўшилиш назарда тутилади.

Иккинчидан, Республиканинг Жорий муаммоларини ҳал этишга бевосита қўмаклашиш, мавжуд халқаро тажриба асосида, юқорида санаб ўтилган муассасалардан молиявий, техникавий ёрдам ва маслаҳат олиш йўли билан ўтказилаётган ислоҳатларни қўллаб-куvvватлаш кўзда тутилмоқда.

Хуллас, Ўзбекистон ҳукуматининг чуқур ҳаётий реалликка аслланган, узоқни кўзлаб олиб бораётган ташқи халқаро иқтисодий фаолияти унинг Жаҳон миқёсидаги обрў-нуфузининг тобора кўтарилиб боришига сабаб бўлмоқда.

Республикамизнинг бирин-кетин Европада хавфсизлик ва хамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), Хельсинки якунловчи актида, ЭКО, ЮНЕСКО ташкилотларига, қўшилмаслик ҳаракати Ислом Конференциясига, Қора Денгиз ҳавзаси давлатлари уюшмасига аъзо бўлиб кириши унинг халқаро майдондаги иқтисодий ва сиёсий мавқе-ига тенг хамкорликлар йўлида илгарилаб боришига ижобий таъсир кўрсатди.

Бу эса мамлакатимизнинг жаҳон хамжамиятидан иқтисодий, сиёсий, маъданий, маънавий соҳаларда ҳамжиҳатлик ва хамкорликларини амалга ошириши учун йўл очиб бериш учун осос бўлиб ҳизмат қиласди.

Бизга маълумки универсиал халқаро ташкилотлар билан бир каторда минтақавий (регионал) халқаро ташкилотлар ҳам мавжуд бўлиб, унинг азолари маълум жуғрофий минтақа давлатлари бўлишила-ри мумкин. Бундай ташкилотлар фаолияти хавфсизлак, иқтисод, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги минтақавий ҳалқаро хамкорликка қаратилган бўлади. БМТ уставида бундай ташкилотларга маълум талаблар қўйилади. Жумладан уларнинг ташкил этилиши мақсадлари ва фаолияти БМТ уставининг мақсад ва тамойилларига тўғри келиши ва бу ташкилотлар БМТнинг иқтисодий ижтимоий маданий ва бошқа моаммоларини ечишига қаратилган фаолиятига қўмаклашиши лозим. Жуда кўп сонли турли минтақавий ташкилотлар ичидан умумий ваколатлиларининг ажратиб кўрсатиш мумкин улардан айримлари қўйидагилардир.

Африка Бирлиги ташкилоти. Бу ташкилот таркибига 50 дан зиёд Африка давлатлари аъзо бўлган энг йирик минтақавий халқаро

ташкилотдир. Ушбу ташкилот 1963 йил 25 майда Аддис Абебадаги Африканинг мустакил давлатлари ва хукумати раҳбарлари иштирок этган ва мазкур ташкилотнинг Хартияси ва низоми имзоланган Конференцияда ташкил этилган. Хартиянинг 2-моддасига биноан Африка Бирлиги Ташкилотининг мақсадлари қуидагиларидан иборат:

Биринчи, Африка давлатларининг бирлиги ва дўстлигини мустаҳкамлаш;

Иккинчи, улар ўртасида сиёсий, дипломатик, иқтисодий, транспорт ва алоқа, таълим маданият, химоя ва хавфсизлик ва бошқа соҳалардаги хамкорликни мувофиқлаштириш ва кучайтириш;

Учинчи, уларнинг суверенитетини, худудий яхлитлигини ва мустақиллигини ҳимоя қилиш;

Тўртинчи, Африка қитъасида мустамлакачиликнинг барча турларини тугатиш ва халқаро хамкорликни кўллаб-кувватлаш.

Араб давлатлари Лигаси. Бу ташкилот 1945 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг мақсадалари қуидагилардан иборат:

Биринчи, аъзо давлатлар ўртасидаги хамкорликни янада чукурлаштириш;

Иккинчи, аъзо давлатларнинг сиёсий фаолиятини мувофиқлаштириш ва иқтисодий, молиявий, савдо, маданий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда хамкорликни йўлга қўйиш;

Учинчи, аъзо давлатларнинг мустақиллиги ва суверенитетини таъминлаш.

Америка Давлатлари Ташкилоти. Бу ташкилотга Лотин Америкаси ва Кариб денгизининг 30 дан зиёд давлатлари ва АҚШ киради (Канада бу ташкилотга кирмайди, 1962 йилда эса АҚШ тазиики остида Куба ундан чиқарилган). Унинг Уставига мувофиқ ташкилотнинг мақсадлари қўйидагиларидан иборат;

Биринчи, Фарбий ярим шарқда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш;

Иккинчи, аъзо давлатлар ўртасидаги низоларни ҳал этиш;

Учинчи, агрессияга қарши биргаликда кураш олиб бориш;

Тўртинчи, сиёсий иқтисодий, ижтимоий, фан ва техника маданий соҳаларда хамкорликни ривожлантириш.

Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН).

Бу ташкилот 1967 йилда ташкил этилган бўлиб, кейинчалик унга

Бруней ва Въетнам аъзо бўлган. Ассоциациянинг шартномавий тарзда ташкил этилиши 1976 йилда Жанубий-Шарқий Оиё давлатларининг Дўстлик шартномасини ва АСЕАН Декларациясини имзолаганларидан кейингина юз берди.

Ушбу ҳужжатлардан келиб чиқсан ҳолда Ассоциациянинг мақсадлари иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда хамкорликни ташкил этиш, Жанубий-Шарқий Осиёда тинчлик ва барқарорликни ўрнатишдан иборат.<sup>1</sup>

Европа Кенгаши. Бу Европа давлатларини бирлаштирувчи минтақавий Халқаро ташкилотдир. Хозирги кунда 40 та давлат Европа Кенгашининг аъзолари хисобланади. Шарқий Европанинг Болгария, Венгрия, Чехия, Словения, Латвия, Литва ва Эстония каби давлатлари шулар жумласидандир. Россия Европа Кенгашига 1996 йилда қабул қилинди.

Европа Кенгашининг мақсадларига инсон ҳуқуқларини химоя қилиш, демократияни чуқурлаштириш, асосий ҳуқуқий, таълим, ахборот, атроф-мухитни химоя қилиш, соғлиқни саклаш каби масалалардан хамкорлик қилиш ва Европанинг барча давлатларини яқинлаштириш кабилар киради.

Кейинги йилларда шерикчилик жараёнида Европа Иттифоқининг бир томонлама шартланганлик сиёсати натижасида минтақа давлатларининг ушбу иттифоққа аъзо мамлакатлари билан икки томонлама хамкорлигини қийинлаштирмоқда. Шунинг учун бу иттифоққа аъзо мамлакатлар билан икки томонлама шартномалар минтақа давлатлар манфаатларини камситмаган ҳолда Европа Иттифоқи талаблари асосида тузилиши, амалдагилари эса ҳудди шу ёндошув билан қайта кўриб чиқилиши муҳимдир.

### **3. Халқаро ташкилотлар ва мамлакатлараро хамкорлик ҳозирги босқичда.**

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятида фаол иштирок этиш билан биргаликда кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар билан яқин хамкорликни амалга ошироқда. Бун-

---

<sup>1</sup> А.Сайдов. Халқаро ҳуқук. Т. “Адолат”, 2001 йил, 179-180 бетлар.

дай ташкилотлар орасида БМТ, ЕХХТ, ЕИ, ЮНЕСКО, ЮНИСЭФ, ЭКО, ГУУАМ, МОХТ, ИКТ, ЕИХ, ШХТ ва бошқалар бор. Бундай хамкорликлар биринчи галда кўплаб ҳалқаро сиёсий муаммоларни ҳамжиҳатлиқда ечиш имкониятини, жумладан мамлакатдаги ва умуман миңтакадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари бир қатор бошқа муаммолар ҳам мавжудки уларни ҳал этиш учун албатта ҳалқаро муносабатлар тақазо этилади. Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан сиёсий-иктисодий муносабатларини кенгайтириш, ҳалқаро автомобил ва темир йўл магистралларини қуриш, Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари бозорига ҳам молиявий ҳаражат эвазига чиқиш имкониятини берувчи коммуникацион тармоқларини яратиш бундай муаммолар сирасига киради.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ҳалқаро ташкилотлар билан хамкорлик қилиб, сиёсий анжуманлар ўтказишга ҳалқаро ташкилотлар вакилларининг бизнинг юртимизга ташрифларини уюштиришга катта аҳамият бериб келмоқда. Мазкур сиёсий анжуманлар мамлакатимизнинг миллий манфаатларида келиб чиқкан холда ташки олам билан алоқа ўрнатишнинг ривожлантиришда ҳалқаро валюта-молия механизмидан фойдаланиш, шунингдек ҳалқаро институтлар томонидан жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш ҳамда бозор иктисодиётiga ўтиш жараённида молиявий, техникавий ва консультатив ёрдам олиш учун ниҳоятда зарурдир.

Республикамизнинг ҳалқаро сиёсий анжуманларда қатнашиши, ҳалқаро ташкилотлар билан хамкорлиги айниқса, ҳалқаро тероризм, диний экстеримизм, сепаратизм ҳамда наркобизнесга қарши биргаликда кураш олиб бориши шунингдек Марказий Осиё Республикалари учун бу худудни ядеровий қуроллардан ҳоли зона деб элон қилиш муаммосини ҳал этиш учун жуда зарур.

Маълумки, XXI аср бошларидан бошлаб барча мамлакатлар катори Ўзбекистонда ҳам янгидан –янги ўзгаришлар содир бўлмокда. Бир сўз билан айтганда Ўзбекистон Халкаро сиёсий анжуманлар ўтказишда, дунё ташкилотлари билан ўзоро хамкорликни, хавсиз-

---

<sup>1</sup> А.Қирғизбоев. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан ҳалқаро хамкорлиги. Т.Фан, 2004 йил, 93-бет.

ликни таъминлаш, жамият ҳаётида юз бераётган ислохатларни яна-да чукурлаштириш буйича жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишлар жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг муҳим шартларидан бири ва асосий омили сифатида баҳоланмоқда. Ўзбекистонда ҳалқаро анжуманларининг ўтказилиши ва бу ҳамкорликни тарихийлик жиҳатидан ўрганилиши бугунги кун ва келажагимиз ёшлари учун ҳам ғоят муҳимдир. Ўзбекистоннинг ҳалқаро миқёсидаги турли тадбирлар (анжуманлар) ўтказилиши ва жаҳондаги йирик ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги масаласи фақат миллий давлат мустақиллигига эришганидан кейингина ҳал этилиши мумкин бўлган вазифалари сирасига киради. Чунки Ўзбекистон Республикасининг собиқ маъмурий бўйруқбозликка асосланган то-талитар тузуми таркибидаги ривожланиши шу қадар чеклаб қўй-илган эдики, бундай шароитга унинг бошқа мамлакатлар, айниқса ҳалқаро ҳамкорликларда мустақил алоқалар ўрнатилиши хусусида гапириш ҳам мумкин эмасди.Faқат миллий мустақилликни қўлга киритилгандан кейингина Ўзбекистонда турли давлатлар, турли ҳалқаро ташкилотлар билан ўзаро иқтисодий-сиёсий ва маданий анжуманлар ўтказиш имконияти пайдо бўлди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва дастлабки давлатлар ҳамда ҳалқаро ташкилотлар

БМТ, ЕХХТ, ЕИ, ЮНЕСКО, ЮНИСЭФ ва бошқалар билан ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик алоқалари натижасида сиёсий ва иқтисодий анжуманлар ўтказилди. Чунки мазкур ташкилотларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги ҳамда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдаги ижтимоий-иқтисодий, маданий, инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишдаги аҳамияти каттадир.

Буларнинг барчаси XXI асрда хавфсизлиги таъминланган ва барқарор ривожланаётган, юксак даражада тараққий этган ва замонавий демократик давлат бўлиб кириш мақсадида янгиланиш ва тараққиётни ўзининг стратегик вазифаси қилиб олган ёш Ўзбекистон давлати учун ҳаётий заруратдир. Ҳозирги замон воқелиги шундай-ки, бир мамлакатнинг хавфсизлиги бошқа давлат хисобидан тамиланиши мумкин эмас. Минтақа хавфсизлигини бутун жаҳон хавфсизлиги муаммоларидан ажralган холда кўриб бўлмайди. Шунга асосланиб Ўзбекистон ядро қуролининг батамом тугатилиши учун, ядро қуроли тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг самарали

ҳаракат қилиши ва унинг ҳеч бир муддатсиз узайтирилиши учун ҳаракат қиласи. Бизнинг Республикаимиз ана шу шартноманинг ҳаракат қилиш муддатини узайтиришга оид Конференция (анжуман)га тайёргарлик музокараларида фаол қатнашади.

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг ядросиз зона деб эълон қилинишининг қатъий тарафдоридир. Биз кимёвий қуролни тақиқлаш Конвенциясига қўшилиш тўғрисидаги ҳамда бактериология қуролини тақиқлаш муаммолари бўйича зарур музокараларни ҳам маъсулият билан ўтказиш ниятидамиз. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида кимёвий ва бактериология қуролининг тарқалиши устидан назорат ўрнатиш зарур, деб хисоблайди.<sup>1</sup> Хуллас, мамлакатимизда ўтказилаётган барча ҳалқаро сиёсий анжуманларда терорчилик, экстремизм, гиёхвандликнинг айrim кўринишларигагина эмас, балки уларни замонавий воситалар ва қуроллар билан таъминлаётган ҳалқаро марказларга қарши биргаликда кураш олиб бориши зарурлигини қайта-қайта уқтирилмоқда. Кўриниб турибдикি Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти диққатига ҳавола этаётган бу таклифлари ҳавфсиз дунёга интилишнинг энг тўғри йўлидир. Юртимиз Ўзбекистон Республикасининг ташки сиёсий йўли дунё ҳамжамияти билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга қаратилгандир. Асосий этибор ҳалқаро иқтисодий ва Молиявий бирлашмалар, жумладан, Осиё тараққиёт банки, Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ва бошқалар билан алоқаларни ўрнатишга ҳамда мустаҳкамлашга қаратилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Осиё минтақаси мамлакатлари ҳавфсизлиги ва барқарорлигини тамилаш масалаларини муҳокама қилиш, Ҳалқаро анжуманлар ўтказиш учун Европа ҳалқаро ташкилотлари минбарларидан ҳам кенг фойдаланмоқда. Ўзбекистоннинг ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги кенг қулоч ёшиб бораётганлиги унинг ҳалқаро майдонда обрўси ошаётганлигидан далолат беради. Бундай хайрли холатнинг вужудга келишида асосий омиллар Ўзбекистоннинг ўз худудида ҳукукий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга жиддий киришганлиги, бозор иқтисодиётига ўтища сезиларли нитижаларни кўлга киритганлиги, мамлакатда миллатла-

<sup>1</sup> Р.Ҳакимов. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Т. Фаур-Фулом номидаги Адабиёт ва съянат нашр. Т. 2001 йил, 15-бет.

аро тотувликни ва барқарорликни таминлаганлигидир.

1994 йил 17 май куни Тошкентда “Ўзбекистон Республикасида солик тизимининг иқтисодий фаоллик ва сармоя сарфлашга таъсири” мавзусида халқаро анжуман иш бошлади. БМТ, иқтисодий хамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солик қўмитаси ҳомийлигига ўтган анжуманда Германия, Канада, Марказий Осиё мамлакатларида солик тизими вакиллари, бир қанча нуфузли халқаро ташкилотларнинг мутахассислари ва хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик корпуси ходимлари иштирок этдилар. Шу йилнинг июнъ ойида эса “Ташқи заём операцияларини бошқариш масалалари” мавзусида халқаро семинар иш бошлади. Унда жаҳон банки, БМТнинг савдо ва тараққиёт конференцияси (ЮНКТАД), Буюк Британия ва Туркияning молия соҳаси мутахассислари, Албания ҳамда Марказий Осиё мамлакатларининг банк тизими вакиллари иштирок этди.<sup>1</sup> Жаҳон банкининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси Раҳбари Парвез Ҳасан анжуманин ўтказишдан кўзланган мақсад ва унинг Марказий Осиё давлатлари ташқи молия соҳасини ислоҳ килишдаги аҳамияти ҳакида сўзлади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан хамкорлиги ҳам узоқ муддатли, ҳам қисқа муддатли аҳамиятга эга бўлган энг муҳим вазифаларни бирга қўшиш мақсадларидан келиб амалга оширилади ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади. Биринчидан, жаҳон иқтисодиётига қўшилишдан иборат бўлган стратегик интеграцион вазифа Ўзбекистондаги барча хужалик субъектларининг ташқи дунё билан ўзаро алоқалари учун тенг хуқуклари ва миллий манфаатларига мос келадиган шарт-шароитлар яратиш асосида халқаро валюта молия ва савдо механизмларига бевосида қўшилиш назарда тутилади.

Иккинчидан, Республиканинг жорий муаммоларини ҳал этишга бевосита қўмаклашиш, мавжуд халқаро тажриба асосида, юқорида санаб ўтилган муассасалардан молиявий, техникавий ёрдам ва маслаҳат олиш йўли билан ўтказилаётган ислоҳатларни

---

<sup>1</sup> “Ўзбекистон овози” газетаси, 1994 йил, 8-июнъ

қўллаб-кувватлаш кўзда тутилмоқда”<sup>1</sup> Республикализнинг биринкетин Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ), Хельсинки якунловчи актига, ЭКО, ЮНЕСКО ташкилотларига, кўшилмаслик харакати Ислом Конференциясига, Қора денгиз ҳавзаси давлатлари уюшмасига аъзо бўлиб кириши унинг халқаро майдандаги иқтисодий ва сиёсий мавқеига тенг ҳамкорликлар йўлидан илгарилаб боришига изжобий таъсир кўрсатади ҳамда халқаро анжуманлар ўтказишга катта ёрдам беради.

Тошкентда бўлиб ўтган Банклар Конференциясида хўжаликнинг турли соҳаларига сармоялар қўйиш бўйича фикрлашиб олинди.

1995 йил 15-16 сентябрь кунлари Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳомийлиги остида Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишлиланган халқаро кенгаш-анжуман бўлиб ўтди. “Шукрлар бўлсинки, бугунги кунда минтақадаги бешта Республиканинг хавфсизлиги ва ўзаро бир-бирини тушуниш борасида ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолари йўқ. Лекин мазкур Республикалар ташқарисидаги минтақадаги тинчлик ва барқарорликка хавф солувчи вазият мавжуд. Ўзбекистон ҳукуматининг нафақат ушбу беш мамлакат, балки уларга қўшни бўлган бошқа давлатлар вакилларини ҳам ушбу кенгаш-анжуманга таклиф этгани катта эътиборга молик. Чунки айнан ушбу мамлакатлардаги вазият минтақа хавфсизлиги билан бевосита боғлиқдир”-деди БМТ Бош котибининг маҳсус вакили Махмуд Мистрий мухбирлар билан сухбатда. Марказий Осиёдаги янги мамлакатлар ўз муаммоларини мунозара ва муҳокама йўли билан ҳал қилишлари зарур. Ана шу йўлни танлаган Ўзбекистон унга оғишмай амал қилиб келаяпти “Биз бир-биrimиздан қочмослигимиз керак. Биз бир-биrimизни тушунишга мажбурмиз”<sup>2</sup> -деди Президент И.А.Каримов Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгаш-анжуманда сўзлаган нутқида. Бу халқаро анжуманда БМТ делегациясидан ташқари Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом Конференцияси ташкилоти делегациялари қўшни далатлар Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Туркия вакиллари, шунингдек БМТ хавфсизлик Кенгаши-

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида. Т. “Ўзбекистон”, 1995 йил, 108-бет.

<sup>2</sup> “Халқ сўзи” газетаси, 1995 йил, 28 ноябръ.

нинг доимий аъзолари бўлган давлатлар АҚШ, Англия, Франция, Россия ва Хитойнинг юқори лавозимли вакиллари қатнашганлиги унинг нуфузини ва аҳамиятини анча ошириб юборди. Ажуманда мухим тарихий хужжат Баёнот қабул қилинди. Унда жумладан, шундай дейилади; “Марказий Осиё давлатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотини янги жаҳон тартибини шакллантириш жараёнидаги энг илгор воситаларидан бири сифатида унинг бу борадаги ўрнини юксак баҳолайдилар ва БМТнинг имкониятларини ҳамда орттирган тажрибаси минтақадаги мавжуд муаммоларни муваффақият билан бартараф этишга имконият яратишга ишонадилар”. Биринчи Президент И.А.Каримовнинг бошқа таклифлари ҳам БМТ раҳбариятининг дикқат эътиборида бўлди. Жумладан, Орол бўйича Марказий Осиё давларларо кенгаши, Оролни кутқариш халқаро жамғармаси, БМТ тараққиёти дастури, ЮНЕП Жаҳон Банки каби халқаро ташкилотлар кўмагида қилинаётган саъй ҳаракатларининг янада самарали бўлишида ғоят катта аҳамиятга эга. Анжуманда Орол дengизи хавфсизлигини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларинг Нукус декларацияси қабул қилинди. Бу хамкорликлар факат Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон манфаатига хизмат қилиб қолмай, балки Тошкент-Кенгаш анжуманида таъкидлаб ўтилганидек, “БМТ тинчлик кун тартибиға киритган масалаларни ҳал қилишда муносиб ҳисса бўлади”. Шу йўл билан Марказий Осиё сайёрамизда тинчлик ва хавфсизликка эришишга қаратилган инсоният аҳиллиги ва биргалиқдаги саъи-ҳаракатлар майдонини кенгайтиради.”<sup>1</sup>

Ўзбекистон пойтахти бугунги кунда нуфузли халқаро ташкилотлар иштирокидаги хавфсизлик, барқарорлик тинчлик ва хамкорлик масалалари бўйича мухим халқаро анжуманлар марказига айланди. Мазкур анжуманларда қабул қилинган хужжатларнинг аҳамияти ва долзарблиги жаҳон ҳамжамияти, жумладан, БМТ Хавфсизлик кенгаши томонидан эътироф этилаётганлигини Ўзбекистоннинг халқаро сиёсатидаги нуфузи ортиб бораётганлигидан далолатdir.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Т. “Ўзбекистон”, 1996 йил, 4-жилд, 38-бет.

<sup>2</sup> X.Муродов ва бошқалар. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. Т. “Faafur Fулом” номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000 йил, 24-бет.

1999 йил 19-20 июль кунлари “6+2” гурухининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашув бунга мисол бўла олади. Унда биринчи бор мухолиф томонларининг юзма-юз музокара олиб боришлари учун имкон яратилганини, анжуман якунида “Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий принциплари” хакидаги декларациянинг қабул қилиниши халқаро жамоатчилик афғон заминида тинчлик ўрнатиш борасида ташланган миллий қадам сифатида баҳолади. Мазкур анжуман Ўзбекистон Раҳбариятининг кўп йиллик саъй-ҳаракатлари натижаси бўлди. Афғонистондаги урушнинг ўз вақтида тинч йўл билан ҳал этилмаслиги минтақавий ва глобал хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлигини олдиндан кўра билган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 ва 1995 йиллардаги сессияларида, Европада хавфсизлик ва хамкорлик Ташкилоти саммити ва бошқа қатор мухим анжуманларида Халқаро ҳамжамият дикқат этиборини Афғон халқини уруш даҳшатларидан ҳалос этиш, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш масалаларига жалб этган эди.

Ўзбекистон раҳбарининг Афғон муаммосини ҳал этиш ва минтақа хавфсизлигини таминашга қаратилган конструктив ташаббуслари БМТ шафелигида “6+2” гурухининг (Эрон, Покистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Хитой ҳамда АҚШ ва Россия) ташкил этилишига асос бўлди. Гурухнинг биринчи учрашуви Нью-Йорк шаҳрида 1997 йил бўлиб ўтган эди.

Афғонистондаги қарама-қарши томонлар “6+2” гурухининг Тошкент учрашувидан кейин ҳам жангавор ҳаракатларини давом эттирганини халқаро жамоатчилликка кескин норозилик уйғотди. БМТ хавфсизлик Кенгаши 1999 йил 15 октябрда “Толибон” ҳаракатига қарши чекланган жазо чораларини жарий этиш хақида резолюция қабул қилди. Унда ўзини Афғонистон Ислом Амирлиги деб атаган афғон гурухи томонидан халқаро террорчилар ва уларнинг ташкилотчиларига бошпана берилиб, кўллаб-куватланаётганлиги қатъий қораланиб халқаро террорчиликда айбланаётган Усама Бин Ладенни одил суд ҳукмига топшириш талаб қилинган эди.

БМТ хавфсизлик Кенгаши раиси Бош Ассамблеяда “Афғонистондаги вазият” масаласи кўриб чиқилиши муносабати билан 1999 йил 22 октябрда кенгаш азолари номидан Баёнот эълон қилди. Унда Афғон можорасини тинч йўл билан ҳал этиш йўллари кўрсатиб бе-

рилган Тошкент декларацияси яна бир-бор қўллаб қувватланди.

Хавфсизлик Кенгаши 1999 йил 19 июлда “6+2” гурухининг Тошкент учрашувида қабул қилинган Афғонистон мажаросини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий принциплари ҳақидаги деларациясини, айниқса гуруҳ азоларининг Афғонистондаги қарама-қарши томонларга ҳеч қандай ҳарбий ёрдам қўрсатмаслик ва ўз худудларида бундай мақсадлар учун фойдаланишининг олдини олиш борасидаги келишувини қўллаб-қувватлади. Хавфсизлик Кенгаши БМТ нинг Афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишдаги саъй харакатлари йўлида мазкур гурухнинг барча азоларининг ва Афғонистондаги қарама-қарши кучларни ушбу принципларига амал қилишга чақиради дейилади Баёнотда.

Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан хамкорлигида ва ҳалқаро анжуманлар ўтказишида, у 1992 йилда аъзо бўлиб кирган ЕХХТ ташкилоти муҳим аҳамият касб этади. Европада Хавфсизлик ва хамкорлик ташкилоти аслида Европа давлатларининг ташкилотидир. Аммо Ўзбекистон у билан хамкорлик қиласар экан, Марказий Осиё минтақасидаги хафвсизликни таъминлаш, давлатларнинг саъй-харакатлари куч ва имкониятларини терроризм, ақидапараастлик, диний экстремизмга қарши курашда билаштиришга боғлиқ муаммоларни кўтариш ва ҳал қилишга асосий эътиборни қаратди. 1995 йил 15-16 сентябр кунлари Тошкентда Марказий Осиёда хафвсизлик ва хамкорлик масалалари бўйича семинар-кенгаш, 18-20 сентябр кунлари эса Нукус шаҳрида БМТ раҳнамолигида Орол денгизи хавзасини барқарор ривожлантириш масалаларига бағишлиланган ҳалқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон пойтахтидаги йиғин “Марказий Осиё хавфсизлиги ва хамкорлик масалалари бўйича Тошкент Кенгаш семинари баёноти”ни қабул қилди.

Нукусдаги ҳалқаро анжуман эса муҳим хужжат-“Орол денгизи хавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Марказий Осиё давлатлари ва ҳалқаро ташкилотларининг Нукус деларацияси” ни тасдиқлаш билан якунланди. “Марказий Осиё давлатлари-дейилади Тошкентда ўтган ҳалқаро кенгаш семинарда қабул қилинган баёнотда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги жаҳон тартибини шакллантириш жараёнида энг илгор воситаларидан бири сифатида унинг бу борадаги ўрнини юксак баҳолайдилар ва БМТ нинг имкониятлари ҳамда орттирган тажрибаси минтақа-

даги мавжуд муаммоларни мувоффакият билан бартараф этишга имкон яратишга ишонадилар. Афғонистондаги қонли низони тугатиш, Афғонистон-Тожикистон чегарасида кескинликни юмшатиш, Тожикистондаги вазиятни соғломлаштириш бўйича жаҳон ҳамжамиятининг баҳоли-қудрат харакат қилаётганлиги бундай ишончга асос бўла олади”.<sup>1</sup> Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ўз навбатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг Бош котиби Бутрос Ғолий Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг халқаро фаолиятини юқори қадрлаган эди. Давлатимиз ташқи сиёсатининг халқлар ўртасидаги муносабатларини кенгайтириш, халқаро иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва бошқа соҳалардаги умумжаҳон муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш борасидаги таклиф ва ташаббусларини қизгин маъқуллари ва унинг номига йўллаган мактубларидан бирида-ижтимоий тараққиёт соҳасига маъсул бўлган барчамизнинг кенг ҳамкорлик қилишимизнинг тақозо этади. Бу борада сизнинг шаҳсан қўллаб-кувватлашингиз ва йўл йўриғингиз бундан кейин ҳам биз учун ниҳоятда мухим омил бўлиб ҳисобланади.

Маълумки 2008 йил 12 марта Тошкент шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари учун энг мураккаб ва долзарб муаммоларга бағишинган “Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генефонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари” мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

“БМТ Бош Ассамблеясининг қарори билан 2005-2015 йиллар “Сув ҳаёт учун” харакати Халқаро ўн йиллиги деб эълон қилинди. Бугунги Тошкент конференцияси нафакат Орол денгизи муаммоларини ҳал этиш бўйича Марказий Осиё давлатларининг ўзаро саъй-ҳаракатлари тўғрисидаги биринчи битими имзолангандигининг ўн беш йиллик даврида, балки 22 март-Бутунжаҳон сув ресурслари кунига яқин қолганда, БМТ эълон қилган Халқаро Ер сайёраси йилида бўлиб ўтаётгани ҳам рамзий маъно касб этади.

Конференция натижалари Орол муаммосига халқаро ҳамжамиятнинг янгича назар билан қараш ва англаб этишини шакллантиришга ёрдам бериши ҳамда Марказий Осиё Минтақасининг аҳоли

---

<sup>1</sup> “Халқ сўзи” газетаси, 1995 йил, 21 октябр.

генофонди, ўсимлик ва хайвонот дунёсини химоя қилиш мақсадида янада самарали хамкорлик учун асос бўладиган вазиятни яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беришга ишончим комил.”<sup>1</sup> Хуллас мамлакатимизда ўтказилган Халқаро анжуманлар юртимиз учун қолаверса шу минтақадаги мамлакатлар учун, уларни бирлаштириш, ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун, жаҳонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш учун ўта муҳимдир.

Республикамизнинг бугунги иқтисодий ўзгаришлари бевосита Халқаро Ташкилотлар билан алоқасининг кенг қулоч ёзиб бораётганлигидадир. Ўзбекистон ҳукуматининг чуқур ҳаётий реалликка асосланган, узоқни кўзлаб олиб бораётган ташки ташкилоти, кўтарилиб боришга сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси-нинг бирин-кетин Европада Хавфсизлик ва хамкорлик ташкилоти, Хельсинки якунловчи актига, ЭКО, ЮНЕСКО ташкилотларига, кўшилмаслик ҳаракати Ислом Конференциясига, Қора денгиз ҳавзаси давлатлари уюшмасига аъзо бўлиб кириши унинг халқаро майдондаги иқтисодий ва сиёсий мавқеига тенг хамкорликлар йилидан илгарилаб боришига ижобий таъсир кўрсатди.

Бизга маълумки универсал халқаро ташкилотлар билан бир қаторда минтақавий (регионал) халқаро ташкилотлар ҳам мавжуд бўлиб, унинг аъзолари маълум жўғрофий минтақа давлатлари бўлишлари мумкин.

Бундай ташкилотлар фаолияти хавфсизлик, иқтисодий, ижтимоий маданий ва бошқа соҳалардаги минтақавий халқаро хамкорликка қаратиласиган бўлади.

Мустақил Республика из дастлаб 1992 йил 16 февралда ўз тарихи маданияти ва менталитетига яқин бўлган ўнта давлатни бирлаштирувчи Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) га аъзо бўлди: Республика изнинг ЭКО ташкилоти билан хамкорлиги бир неча йўналишда амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон мазкур ташкилот доирасида Марказий Осиё минтақасидаги бошқа дав-

---

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожланишириш йўлида. Т. “Ўзбекистон”, 2008 йил, 16-жилд, 286-287 бет.

латлар билан биргаликда Европа, Шарқий ва Жанубий Осиёга, Узок Шарққа олиб чиқувчи ҳамда мінтақадаги улкан іктисодий имкониятлардан имкон қадар самарали ва тұла фойдалашишга, ЭКОГа аъзо давлатларнинг халқ фаравонлигини оширишга шароит яратувчи мінтақавий транспорт коммуникациясини ривожлантириш ҳамда транснационал құвурлар тармоғини вужудға келтириш борасыда ишлар олиб борилмоқда ва хоказолар.

Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан бир неча даражадаги ҳамкорлигини алоҳида ажратиб күрсатиш мүмкин. Мінтақавий даражадаги энг яхши мисоллардан бири шуки, Ўзбекистон Эрон, Покистон, ва Туркия томонидан тузилган іктисодий ҳакорлик ташкilotи (ИХТ)нинг аъзоси ҳисобланади. Ўзбекистоннинг бу ташкилотидаги иштироки Техрон Кенгашининг транспорт ва коммуникация, саноат ва қишлоқ құжалиги, энергетика соҳаларида ҳамкорлик қилиш бўйича Коммюникестан сўнг бошланади. Бугунги кунда ушбу масалалар доираси янада кенгайди. Булар инвестициялар бўйича қўшма лойихалар, ИХТ нинг Кема қатнови компанияси ва Авиакомпанияси, ИХТ мамлакатларини халқаро транспорт конвенциясига қўшиш, ИХТ банкини тузиш каби максадлардир.

Ўзбекистон бутунжаҳон даражасидаги ташкилотлар ва биринчи навбатда БМТ фаолиятида фаол иштирок этмоқда. Республика халқаро сиёсатининг устувор жиҳатлари ва принциплари ҳақида сўз юритганда шуни таъкидлаш жоизки, у БМТдан бошлаб энг йирик халқаро ташкилотларга, кўшилмаслик ҳаракатига, Европада Хавфисзлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига қўшилди. Ўзбекистон пойтахти Тошкентда БМТ, ЕХХТ, Халқаро Қизил хоч ва техник ҳамкорлик бўйича Германия жамияти, Жаҳон банки ва Европа қайта тиклаш ва тараққиёти банки, Халқаро валюта ва КЕС Бюроси<sup>1</sup> каби кўплаб ташкилотларнинг ваколатхоналари очилди.

Жаҳон ҳамжамиятига тенг хуқуқлик асосида кириш, халқаро молия ташкилотларига аъзо бўлиш ва уларнинг имкониятларидан ўз тараққиётимиз учун фойдаланиш заруриятидан келиб чиққан холда 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасининг Халқаро валюта жамғармасига Халқаро қайта тиклаш ва тараққиёт банкига, Халқа-

---

<sup>1</sup> А.Турсунов. Ўзбекистон Республикаси-Халқаро хукуқ субъекти. Хукукий демократик ислоҳатлар. Т.

ро молиявий корпорацияга, Инвестицияни кафолатлаш кўптомонлама агентлигига аъзолик тўғрисида қонун қабул қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон аъзо бўлган Европада хавфсизлик ва хамкорлик ташкилоти фаолиятининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. У умумжаҳон аҳамиятига молик ташкилотdir. Зеро, унинг ишида нафақат Европа давлатлари вакиллари, банки Америка, Осиё ва ҳалқаро ташкилотларнинг вакиллари ҳам иштирок этадилар. Ушбу ташкилот 1996 йил баҳорда Тошкентда ташкил этган машғулот ҳамда шу йил сентябрда ва октябрда инсон ҳукуқлари ва атроф муҳит мавзусида ўтказилган машғулот Ўзбекистоннинг EXХТ фаолиятида фаол иштирок этаётганига яхши мисол бўла олди. Марказий Осиёнинг энг марказида жойлашган Ўзбекистон умумевропа жараёнларининг фаол иштирокчиси бўлиб қолди. EXХТ Хельсинки гояларини мустаҳкамлаш учун минтақавий марказ сифатида айнан Тошкентни танлади. Мазкур ташкилот аслида Европа давлатларининг ташкилотидир. Аммо, Ўзбекистон у билан хамкорлик қилас экан, Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизликни таминлаш, давлатларининг саъй-ҳаракатлари, куч ва имкониятларини терроризм, ақидапарастлик, диний экстремизмга қарши курашда Бирлаштиришга боғлиқ муаммоларни кўтариш ва ҳал қилишга асосий эътиборни қаратди. Ўзбекистоннинг EXХТ билан хамкорлиги жараёнида мазкур ташкилотнинг Истамбул шаҳрида 1999 йил нояброда бўлиб ўтган саммити ниҳоятда катта аҳамият касб этди.<sup>1</sup>

Республикамизнинг ушбу ташкилот билан хамкорлиги ҳозирги даврнинг бир қатор дозарб масалаларини ўз ичига қамраб олади. Жумладан:-минтақадаги бой табиий ресурслардан фойдаланиш. Биринчи ўринда энергетика, сувдан фойдаланиш, транспорт коммуникациялари, газ ва нефть тармоқларини қуриш соҳасида ҳамда экологик муаммоларни ҳал этиш борасидаги аниқ лойиҳаларни EXХТ шафелигига ишлаб чиқариш амалга ошириш. Булардан ташқари кўпгина мамлакатларда EXХТнинг ваколатхоналари очилган бўлиб, улардан тўғри дипломатия юритиш ҳамда кўзланган мақсадларни амалга ошириш асосий восита сифатида қаралади. Ушбу ваколатхоналар орқали EXХТ ўзи маъсул бўлган ҳудудларда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳукуқлари ва

---

<sup>1</sup> “Фидокор” газетаси, 1999 йил, 20 ноябрь.

эркинликларига риоя қилишни рағбатлантириш ҳамда мамлакатда қонун устиворлиги тамойилларига асосланган фуқаролик жамияти барпо этишга йўналтирилган фаолиятини олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси жаҳондаги яна бир катта ҳалқаро иқтисодий ташкилотлар Европа такланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) билан ҳамкорликни давом эттириб келмоқда. Ушбу банк Ўзбекистон билан ҳамкорлик борасида юртимиздаги иқтисодий шарт-шароит, иқтисодий-сиёсий вазиятни ҳисобга олган холда иш юритмоқда. Шу кунгача Ўзбекистонда ЕТТБ иштирокида 7 та лойиха амалга оширилди, яна 13 лойиханинг ижроси давом этмоқда Уларнинг умумий қиймати 1,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этади.Хозирги кунда жами 320 миллион долларлик яна 8 та лойиха тайёрланмоқда.<sup>1</sup> Яқинда тасдиқланган янги стратегияга мувофиқ, ЕТТБ Ўзбекистон билан кичик ва ўрта бизнес ҳамда молия соҳасини ривожлантириш, банкларни хусусийлаштиришда ҳамкорликни кенгайтиради. У Ўзбекистонга самарали ёрдам кўрсатиш борасида умумий қарашларни ишлаб чиқиш учун Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Халқаро молия корпарацияси, Осиё тараққиёти банки каби муассасалар билан мулоқатни давом эттиради.

Бугунги кунда дунё мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни ўрнатишида уларни ажратиб турадиган белгилар эмас, аксинча, уларнинг ҳар бири учун манфаатли бўлган умумий нуқталарни топишга интилиш лозим.

Биринчи Президент И.А.Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1993 йил 28 сентябрда бўлиб ўтган 48-сессиясида сўзга чиқиб, Марказий Осиё Хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТ нинг доимий ишловчи семинарини чақиришни таклиф этди ва бунда манфаатдор мамлакатлар Марказий Осиё минтақавий хавфсизликнинг ишончли тизимини вужудга келтириш имкониятларини муҳокама қилиш мумкинлигини эътироф этди.

Шунингдек “Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг доимийишлиовчи семинарини чақирилишини айни муддао деб хисоблади. Тинчлик

<sup>1</sup> А.Бобоев. ЕТТБ анжумани: матбуот маркази очилди. “Ўзбекистон овози” газетаси. 2003 йил, 29 март.

ўрнатишда қадимий анъаналарга эга бўлган, халқаро хамкорлик ва миллатлараро тотувлик руҳи билан йўғрилган шахар сифатида Тошкент БМТнинг ана шундай семинари ўтказиладиган жой бўлишига тайёр. Доимий ишловчи семинарда жаҳонда умумий хавфсизлик сиёсати доирасида ва БМТ Низомининг 52- моддасига мувофиқ манфаатдор мамлакатлар Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликнинг ишончли тизимини вужудга келтириш имкониятларини муҳокама қила олур эдилар. Бундай тизим можаролар ва урушлар юзага келган ҳолларда тинчликни сақлаш ва қайта тиклаш борасидаги чора-тадбирларни, жумладан, тинчликни ва чегараларнинг яхлитлигини бузмоқчи бўлганларга қарши дипломатик, молиявий, иқтисодий ҳамда бошқа турдаги коллектив жазо чораларини кўзда тутиши, ушбу минтақада барқарорлик ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш бўйича БМТ учун тавсиялар ишлаб чиқиши мумкин бўлур эди.”<sup>1</sup> 1995 йилнинг сентяброда Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиёда Хавфсизлик, барқарорлик ва хамкорлик масалаларига бағишлиган семинарда қабул қилинди. Ушбу анжумандада 31 давлат ва 6 та халқаро ташкилотларнинг шу жумладан, Осиё минтақасида вужудга келган сиёсий вазият таҳлил қилинди, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ривожлантиришнинг асосий шарти сифатида давлатлар ўртасида тинчликни таъминлаш бўйича коллектив чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, жамият ҳаётиниг барча соҳаларида ислоҳатларни амалга ошириш, ўзаро манфаатли ҳамда тенг шерикчилик асосида ҳар томонлама хамкорлик, мамлакатлар ўртасида интеграцияон жараёнларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди.

1997 йилнинг февралида Марказий Осиёнинг беш давлати раҳбарлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакили иштирокида Алматя шахрида бўлиб ўтган учрашувида Оролни куткариш Халқаро фондининг янада фаолроқ тартибини ва Ижроия кўмитасини ташкил этди. 1995 йилнинг 18 сентябрдан 20 сентябригача Нукус шахрида БМТ нинг ҳомийлиги остида Орол денгизини барқарор

---

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. “Ўзбекистон”, 1996 йил, 2-жилд, 53-54 бет.

ривожлантириш масалалари бўйича халқаро конференция ўтказилди. Конференция кунлари халқаро “Экосан” фондининг Қорақолпоғистон бўлими ва Германия Федератив Республикасининг “Мерседес-Бенц”, “Филипп Мюллер”, “Стентдес Остенс” компаниялари, Франциянинг “Дегремонд” ва Швециянинг “Азония” компаниялари вакиллари ўртасида бу борада узок муддатли хамкорлик тўғрисида протоколлар имзоланди.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Кўшма мажлисида сўзлаган маъruzасида Республикамиз ташки сиёсатининг устувор йўналишларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Маърузада, жумладан, Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи (ЕИ) билан хамкорлик масаласига алоҳида уруғ берилган. ЕИ қатнашчиси бўлган малакатларнинг давлат ва ҳукумат бошлиқларининг 1996 йил 21 июнда Флоренцияда бўлиб ўтган учрашувида Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисида тузилган Битим Ўзбекистоннинг ҳозирги дунёда иқтисодий ва сиёсий аҳамияти ошиб бораётганига яна бир ёрқин мисол бўла олади. Ушбу битим “Шериклик битими” дея номланиб, у Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасининг Суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигига катта эътибор берилаётганинг кўрсатади. Ҳамда ЕИ нинг демократиялаш жараёнларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш каби йўналишларда Ўзбекистонга ёрдам кўрсатиш истаги қатъий эканлигини билдиради. 1999 йил 1 июлда кучга кирган бу муҳим тарихий хужжат ЕИга аъзо барча мамлакатлар билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида хамкорлик алоқаларида янги босқич бошланганлигидан далолат берди. ЕИ учун Ўзбекистон минтақадаги энг муҳим хамкоридир. Ўзбекистоннинг геосиёсий жиҳатдан Россия, Хитой ва Ислом оламининг ўртасида жойлашганлиги унинг аҳамиятини янада ошириб юборди. Европа Иттифоқи билан илк алоқалар собиқ Совет Иттифоқи даврида 1989 йилда ўрнатилган. Аммо дастлаб муносабатлар деярли ривожланмаган. 1999 йил 1 июлда Шериклик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги битим кучга киргач, икки томонлама алоқалар

<sup>1</sup> А.Қирғизбоев. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро хамкорлги. Т. Фан. 2004 йил, 74-бет.

юксак даражадаги күтарилиб, ўша йил 13 септемврида Ҳамкорлик кенгаши ўзининг биринчи мажлисини ўтказди. Бу воқеа Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида дипломатик муносабатларда янги босқични бошлаб берди. 1992 йилдан бўён Ўзбекистон ЕИ нинг ТАСІС дастурида фолият олиб бормоқда. Келажакдаги олақалар ўзаро имзоланган Шерикчилик ва Ҳамкорлик Битими доирасида ривожланиб боради.”<sup>1</sup>

Ўзбекистон ЕИ ўртасида имзоланган ўша 1996 йилги битимга асосан, юртимизда бир нечта ҳамкорлик органлари ташкил этилди. Жумладан, Ўзбекистон ва ЕИ Ҳамкорлик кенгаши, Ҳамкорлик қўмитаси, Парламентларо ҳамкорлик қўмитаси шулар жумласидандир. Хусусан, 2004 йилнинг январъ ойида Брюсселда “Ўзбекистон ва ЕИ ҳамкорлик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Бугунги кунда ЕИ Ўзбекистоннинг энг йирик ҳамкорларидан бири бўлиб, умумий ташқи савдо айланмасининг 65 фоизи иттифоқ аъзоларига тўғри келади. Республикализнинг ЕИ ТАСІС ҳамда ТРАСЕКА дастурлари доирасида ҳам кенг ҳамкорликни йўлга кўйган.

Бугунги кунда Президентимизнинг жаҳондаги турли мамлакатларга ташрифи Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқенини мустаҳкамлашда, турли халқаро ташкилотлар билан анжуманлар ўтказишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, ХХР, Япония, Корея Республикаси, ВСР, Руминия, АҚШ, Италияга ташрифлари давомида Ўзбекистоннинг Осиё, Европа қитъаларидаги давлатлар ва АҚШ билан ўзаро фойдали ҳамкорлиги масалалари ҳал этилди. Бундай ташрифлар нафақат бошликлар ўртасида шахсий алоқалар ўрнатиш, ўзаро ишончни мустаҳкамлашга, балки давлатлараро муносабатлар ўрнатиш ва уни ривожлантиришга ёрдам беради.

ТРАСЕКА дастурида Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш ишида 1998 йилнинг сентябръ ойида Боку шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро Конференция ҳам муҳим аҳамият касб этди. Мазкур анжуман ҳам бевосита Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш муаммоларига бағищланган эди. Шуни таъкидлаш керакки, ТРАСЕКА лойиҳасига қатнашувчи мамлакатларгина эмас, балки дунёнинг кўплаб бошқа давлатдари ҳам катта қизиқиш билан қаратилмоқда. Конференция ишида дунёнинг 32 давлати ҳамда ўндан ортиқ халқа-

---

<sup>1</sup> “Халқ сўзи” газетаси, 2005 йил, 8 февраль.

ро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этганлиги ҳам ана шундан далолат беради.

Конференцияда Европа-Кавказ-Осиё коридорининг ривожлантириш бўйича халқаро транспорт тўғрисидаги асосий ҳар томонлама келишув қабул қилинган. Мазкур анжуманда конференция якунлари бўйича якуний хулоса сифатида Боку декларацияси ҳам имзоланди. Унда мамлакатларнинг ҳар томонлама хамкорлигини мустаҳкамлаш орқали дўстлик, маданий ва иқтисодий тараққиёт йўли билан Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш тўғрисидаги ҳоҳиш-идоралари ифодаланган.<sup>1</sup>

1999 йилнинг май ойида Тошкентда “Осиё-Европа транспорт кўпригини ривожлантириш муаммолари” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш борасидаги аниқ ва амалий қадамлар билан боғлиқ масалалар мухокама этилди. Конференциянинг асосий мазмуни Марказий Осиёнинг юраги хисобланган Ўзбекистон Осиё ва Европа ўртасидаги алокаларда асосий бўғин вазифасини ўйнаши лозимилигини ҳамда минтақалараро интеграциянинг ташаббускори бўлмоғи кераклиги ҳақидаги ғоядан иборат эди. Ушбу анжуман ўз моҳиятига кўра, Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш ишларини амалга ошириш борасидаги Боку анжуманидан кейинги дастлабки амалий қадам бўлди.<sup>2</sup>

2002 йилнинг апрель ойида Тошкент бўлиб ўтган ТРАСЕКА Хукуматлараро Комиссиясининг Конференцияси ТРАСЕКА дастурини амалга оширишда мухим қадамлардан бири бўлди. Унда Европа Иттифоқи мамлакатларининг, шунингдек, Марказий Осиё, Кавказорти мамлакатларининг ҳамда қатор Халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар. Анжуманда ТРАСЕКА минтақасини янада кенгайтириш, юк ташиш шароитларини яхшилаш, транзит юкларни ташиш, янги коммуникацион тармоқларини очиш, денгиз йўлларини ривожлантириш масалалари бўйича батафсил фикр алмасиб олинди.

Конференцияда Тошкент декларацияси қабул қилинган бўлиб,

---

<sup>1</sup> “Правда востока”, 1996 год, 17 мая. “Халқ сўзи” газетаси, 1998 йил, 9 сентябр.

<sup>2</sup> “Халқ сўзи” газетаси, 1999 йил, 12 май.

унда ТРАСЕКА дастури 8 та мустақил давлатларнинг ва Европа Иттифоқининг интеграциялашувидаги, халқаро юк ташиш тизими-нинг шакллантиришдаги шунингдек, мамлакатлараро кўп томонла-ма алоқаларни мустаҳкамлашдаги, тинчлик ва барқарорлик ўрна-тиш борасидаги муҳим омил эканлиги эътироф этилди.

ЕИ ва Ўзбекистон ўртасида имзоланган Шерикчилик ва хамкор-лик битимининг 1999 йил кучга киритиш тенг ҳуқуқли муносабат-ларни амалий

жихатдан мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Фикримизнинг дали-ли сафатида 2001-2002 йилларда минтақа хавфсизлиги ва барқарор-лиги ҳамда савдо алоқаларини ривожлантириш бўйича имзоланган қатор шартномаларни келтириш мумкин. Хусусан, 2002 йил 29 ян-варда бўлиб ўтган Ўзбекистон ва ЕИ ўзаро хамкорлик кенгашининг учинчи мажлисда МО давлатлари ТАСИС дастури бюджети 25 илн. дан 50 млн. АҚШ долларига етказилганлиги маълум қилинди ва Ўз-бекистон билан энэргетика, савдо, инвестиция соҳаларида хамкор-лик қилиш устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди.<sup>1</sup>

Мамлакатимизда ўтказилган яна бир йирик халқаро анжуман бу-2004 йилда 17 июнда Тошкентдаги “Интерконтинентал” меҳ-монхонасида ўтказилган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) га аъзо давлат раҳбарларининг анжуманидир. Тошкент саммити анча самарали яқунланди. Аъзо давлатлар раҳбарлари бир қанча муҳим ҳужжатларга, жумладан, “ШХТ давлат раҳбарлари Кенгаши йиғи-лиши яқунларига оид Тошкент Декларацияси”, “ШХТ га аъзо дав-латлар ўртасида гиёҳвандлик ва психотроп моддалар ноқонуний айланишига қарши курашда хамкорлик хақида келушув”, “ШХТ иммунитети ва ваколатлари тўғрисида Конвенция”, “ШХТ га аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг ШХТ хузурида кузатувчи мақо-ми низомини тасдиқлаш тўғрисида”, “ШХТ га аъзо давлатлар раҳ-барлари Кенгашининг XXR хукумати ва ШХТ ўртасида ташкилот котибиятининг Хитойда жойлашиши тўғрисида”, “ШХТ давлат раҳбарлари Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси ва ШХТ ўрта-сида ташкилот минтақавий аксилтеррор тузилмасини Ўзбекистон-да жойлашиши тўғрисида” хужжатлар имзоланди.

---

<sup>1</sup> Хайдарали Юнусов. Европа Иттифоқи ҳуқуқи. Т. “Янги аср авлоди”, 2007 йил, 499 бет.

Хуллас, ШҲТ қисқа вақт ичида тўла хуқуқли халқаро ташкилотга айланиб улгурди. Бу давр ичида катта ишлар амалга оширилганлиги ташкилотнинг юксак нуфузи ва улкан салоҳиятдан далолатdir.

#### **4. Халқаро анжуманларда Ўзбекистон Республикасининг ташаббуслари.**

Бугунги ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки халқаро хамкорликни такомиллаштириш, халқаро анжуманлар мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий сиёсий, илмий-техник, маънавий-маданий ва гуманитар соҳаларни ўзига қамраб олган комплекс алоқаларни йўлга қўйишни тақазо этади. Тилга олинган барча соҳаларни ҳам мамлакатлар ўртасидаги хамкорлик тизимининг узвий таркибий қисми деб қарамоқ керак. Ўзбекистон ушбу хамкорликнинг бутун бошли тизимида иқтисодий хамкорлик устивор мавқеида эканлигидан келиб чиқади. Бироқ, бу ижтимоий-маънавий алоқаларнинг аҳамиятини заррача пасайтирумайди. Бу ерда иқтисодий алоқаларга ортиқча баҳо бериб юбориш ҳам, ижтимоий-маънавий алоқаларни камситиш ҳам бир ҳилда зааралидир. Уларнинг ҳар иккиси ҳам мамлакатлар ўртасидаги хамкорликни бир томонлама қилиб қўйиши, натижасида бу хамкорликлар у ёки бу мамлакатларнинг ижтимоий ривожига таъсир қила олмаслиги мумкин.

Ўзбекистон бутун жамият давлат мустақиллиги ва иқтисодий равнаққа эришишнинг олий мақсадлари теварагида маҳкам жипслашди. Бизда инсон манфаатларига хизмат қилувчи тинчлик ва тотувлик, барқарорлик ва яратувчилик хукм сурмоқда. Ахолининг маънавий ва маданий талабларига, билим олишига, иқтисодиёт асосларини тушуниб етишга бўлган эҳтиёти бениҳоя ошди. Халқ ўзининг маънавий эркинлигини, эътиқоди ва ғурурини ҳимоя қила олди, порлоқ келажак йўлида янада улкан ишлар қилишга қодир бўлиб колди.

Республикамизнинг дунёдаги халқаро ташкилотлар билан анжуманлар ўтказишлари, хамкорлик тажрибалари ушбу хамкорликнинг ривожланиш истиқболлари хусусида айrim хulosаларни чиқариш ва унинг янада ривожланиши учун айrim йўналишларни белгилаш имконини беради.

Маълумки энг йирик халқаро ташкилотнинг бунёд этилиши иккинчи жаҳон уруши даврида ғоят катта мاشаққатлар билан эришилган асосий натижага бўлди. 1992 йилги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида халқаро ҳуқуқий умум тан олган нормаларни Ўзбекистон Республикаси нафақат ўз халқи балки бутун дунё давлатлари халқларининг демократик ривожланиши шарти сифатида халқаро ҳуқуқий умум тан олинган тамоиллари ва нормаларига амал қилиш, бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш мажбуриятларини олади. Ўзбекистон Республикасида белгиланишича, “Ўзбекистон Республикаси халқаро алоқаларнинг тенг ҳуқуқли субъектидир.”<sup>1</sup> Мустақил Ўзбекистон ўзини дунё ҳамжамияти олдида турган муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов тарихда биринчи марта БМТ Бош Ассамблиясининг 48-сессиясида сўзга чиқди. Бизнинг мустақил мамлакатимиз жаҳоннинг энг олий анжуманларида зўр қадр-қиммат билан иштирок этди. Бош ассамблеяда сўзлаш янги мустақил мамлакат учун умуммарифатли инсоният кўз олдида ўзлигини намоён этиш билан тенгdir. БМТ нинг бутун жаҳон ҳамжамияти учун энг муҳим муаммоларни муҳокама этиш ва ҳал қилишдаги, тинчлик ва хавфсизликни кўллаб-куватлашдаги, жамики халқлар тараққиётiga кўмаклашишдаги роли алоҳида таъкидланди. Ўзбекистонда сиёсий барқарорликнинг тинчлик ва миллатлараро ҳамжихатликнинг сақланиб турганлиги буниг яққол исботидир.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро тадбирларда қатнашишини, дунё ишлари, жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатларда фаоллик кўрсатаётганлиги бунинг учун қулай шароитлар кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг жўшқинлигини давлатимиз халқаро обрў-эътибори ва уларнинг дунё ишларига бўлган таъсирини тинмай ошириб бормоқда.

XXI аср бўсағасида дунё ижтимоий-сиёсий жараёнлари тубдан ўзгарди, инсон ва инсоният, одам ва олам тақдирига дахлдорлик хисси тобора кучайди. XXI асрнинг сўнги ўн йиллиги ҳар қандай

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2016 йил, 8-бет.

зўравонликлар, тазиқлар ва ғоявий ҳуружларни ақл-идрок ва очикдан-очик муносабатлар орқали ҳал этиш сари дадил қадам қўйилган давр бўлди. Ўзбекистон ёш мустақил давлат сифатида ўз мавқеини ва нуфузини мустаҳкамлаш билан бирга дунё аҳлини жаҳон сиёсатини ислоҳ қилишга даъват этган давлатларидан бири бўлиб майдонга чиқкан. Ўзбекистон Осиё ва Европа қитъалари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи, сиёсий иқлимини мӯътадиллаштирувчи Фарбу-Шарқ ўртасидаги азалий рақобатни ақл-идрок донолик тафаккурига асосланган мунозаралар ва музокаралар орқали уйғунлаштиришга дават этган ягона давлат бўлиб майдонга чиқмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ ва бошқа ҳалқаро ташкилотлар анжуманларида дунё муаммоларини ҳал қилишнинг энг инсонпарвар энг адолатпарвар тамойилларини ўртага ташлар экан, у минтақавий можаролар ва қўшни мамлакатларнинг ўзаро келишмовчилик муаммоларидан тортиб бутун ер шари ва инсоният тақдирига дахлдор бўлган жуда улкан масалаларни ўртага ташламоқда бу айникса, ҳалқаро тероризм ва наркобизнес, диний ақидапарастлик ва экстремизм билан боғлиқ бўлган муаммолардир. Айни шу муаммолар бугун дунё ахли ҳаётига таҳдид солаётган энг оғир фожия эканлигини, у билан муроса қилиб бўлмаслигини, бу иллатларни барбод қилишда жуда катта қатъият ва сиёсий иродада ва ички қудрат кераклигини Ўзбекистон тимсолида кўрсатди.

Ўзбекистон турли мустақил давлатларни иқтисодий, сиёсий, мавний жихатдан манфаатдорлигини назарда тутиб, янгича шароитларда, янгича шакл ва мазмундаги хамкорликни вужудга келтириши ташаббуси билан чиқди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий Осиё мамлакатлари хамкорлиги сингари қўп томонлама ижтимоий иқтисодий манфаатлари асосида қурилган ташкилотлар сифатида ўртага ташланди.<sup>1</sup> Умуман, ҳаёт Ўзбекистоннинг ҳалқаро муносабатлар тизими ning у ишлаб чиқкан ривожланиш тамоилларининг асосли эканлагини кўрсатди. Жаҳон сиёсатдонлари жамоат арбоблари унинг янгича қарашларига юксак баҳо бермоқдалар ва ўз вақтида кўллаб қуватламоқдалар ёки Президентимиз таъкидланларидек, “Дунё ҳаритасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан

---

<sup>1</sup> Назрулла Жўраев. Агар огоҳ сен... Т. “Шарқ” 1998 йил, 176-178 бетлар.

олинган янги давлат-Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди”<sup>1</sup>

Бугунги кунда бутун инсониятнинг тақдири ижтимоий тараққиёт истиқболлари халқаро муносабатларга боғлиқ бўлиб қолди. Халқаро майдондаги хар бир сиёсий тенглик, можаролар барча мамлакатлар ва халқлар манфаатига даҳлдор бўлиб қолди. Ҳатто айрим олинган мамлакат ичкарисидаги низоли жараёнларни, урушларни бартараф этиш ҳам ҳамжамиятнинг вазифасига айланди.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаларида ҳам кейинги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий тинчликни сақлаш йўлидаги ташаббусларига ҳам атрофлича тўхталиб ўтилди: “Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни сақлаш каби бир-биридан маъсулиятли ва кенг кўламли бир қатор вазифалар борки, юртимизнинг жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги куни ана шу масалаларни қанчалик мувоффакият билан ҳал этишимизга боғлиқдир. Мана, ён қўшнимиз Афғонистонда 30 йилдан бўён давом этаётган қуролли можароларнинг хали-бери охири қўринмаяпти. Халқимида “Кўшнинг тинч-сен тинч” деган мақол бежиз айтилмаган. Кўшни мамлакатлар ҳудудида мана шундай кескинлик сақланиб турар экан, албатта, минтақамизда тинчлик-барқарорликка нисбатан таҳдид ҳам сақланиб қолаверади.

Афғонистондаги мураккаб вазиятни ҳал этиш бўйича Ўзбекистон энг нуфузли халқаро минбарлардан муҳим амалий ташаббусларни доимий равишда баён қилиб келмоқда. Айниқса, НАТО/СЕАП ташкилотининг 2008 йил апрель ойида бўлиб ўтган Бухарест саммитида Ўзбекистон Президенти томонидан афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслиги ҳақидаги фикр биринчи бўлиб ўртага қўйилган ва бу можарони сиёсий йўл билан ҳал этиш мақсадида “6+2” мулокот гурухини “6+3” гурухига айлантириш ҳақидаги таклиф илгари сурилган эди. Бу гурухга Афғонистон билан қўшни бўлган давлатларни, АҚШ ва Россия ҳамда НАТО ташкилотининг ваколатли вакиллари кириши назарда тутилади. Ўзбекистоннинг

---

<sup>1</sup> Ислом Каримов. XXI асрга интилмоқда. Т. “Ўзбекистон”, 1999 йил, 8-бет.

бу таклифи дунё сиёсий жамоатчилигига катта қизиқиши уйғотгани сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Афғон можаросини ҳал қилиш учун 30 йил давомида миллиард-миллиард доллар маблағ сарфланади. Лекин аҳвол ижобий томонга ўзгариш ўрнига, аксинча, мамлакатдаги кескинлик кучайиб бормоқда. Аввало, маҳаллий ҳалқ, қайси миллат ва элатга мансублигидан қатъи назар, бир-бири билан келишиши керак, бунинг учун уларга ёрдам, биринчи навбатда, иқтисодий ёрдам бериш лозим. Энг муҳими, афғон ҳалқининг миллий урф-одатлари ва маданиятини, диний қадриятларини ҳурмат қилиш зарур. Бошқача қилиб айтганда, аввало ҳалқни ҳурмат қилиш, кейин унга ақл ўргатиш керак. Шу кунларда Афғонистон масаласи бўйича Лондонда бўлиб ўтадиган ҳалқаро анжумандана ана шундай ёндашув асосида умумий бир қарор қабул қилиниши ҳақида фикрлар билдирилмоқда. Яъни, дунёдаги кўпгина давлатлар афғон муаммосини факат ҳарбий йўл билан ҳал қилиш мумкин эмаслигини ҳар томонлама англаб, амалий хуносаларга келмоқда. Бу, ўз навбатида, Бухарест саммитида Ўзбекистон илгари сурган ташаббусларнинг нақадар тўғри эканини яна бир бор кўрсатмоқда.

Қисқача айтганда, жафокаш афғон заминида тезроқ тинчлик қарор топиши учун жаҳон ҳамжамияти, авваломбор, иқтисодий-мoliajий, ижтимоий-гуманитар ёрдам кўрсатиши ва бу ишларнинг барчаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигига амалга оширилиши зарур.

Бугунги кунда дунёдаги кўпгина давлатлар томонидан Афғонистонга ана шундай ёрдам кўрсатилмоқда. Албатта, бу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишдан, аввало, унга қўшни бўлган давлатлар манфаатдордир. Ўзбекистон ҳозирги вақтда яқин қўшни давлат сифатида Афғонистонга катта ёрдам бермоқда. Жумладан, 2010 йилда Ўзбекистон бу мамлакатга етказиб бераётган элэктр энэргияси миқдори ўтган йилларга ниватан 6 баробарга оширилди. Шу кунларда Ўзбекистоннинг қурувчи ва мутахасислари томонидан “Термиз-Ҳайратон-Мозори Шариф” темир йўлини қуриш ишлари бошланмоқда ва ишонаманки, у йил охирига қадар якунига етказилади.

Хулоса қилиб айтганда, парламентимизнинг бугунги кунда минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масаласида

маъсулияти катта. Буни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ҳалқлар тинчлигига раҳна солувчи терроризмнинг ҳар қандай кўришишига қарши қатъий қураш олиб боришдан иборат. Давлатимиз ана шу мақсад йўлида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, бир қатор давлатлараро ва ноҳукумат ҳалқаро ташкилотлар билан кенг қамровли алоқаларни изчил ривожлантириб бормоқда, айни пайтда, бу ташкилотлар ишида фаол иштирок этмоқда. Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистоннинг минтақа хавфсизлигини таъминлаш, низоларни сиёсий чоралар билан бартараф этиш, Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи худуд деб эълон қилиш, наркобизнесга қарши қурашда саъӣ ҳаракатларни мувофиқлаштириш, Афғонистондаги можароларни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги конструктив ташаббусларини кўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон пойтахти эндиликда нуфузли ҳалқаро ташкилотлар иштирокидаги хавфсизлик, барқарорлик, тинчлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича муҳим ҳалқаро анжуманлар марказига айланди. Мазкур анжуманларда қабул қилинган хужжатларнинг аҳамияти ва долзарблиги жаҳон ҳамжамияти, жумладан, БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан эътироф этилаётганлигини Ўзбекистоннинг ҳалқаро сиёсатдаги нуфузи ортиб бораётганлигидан далолатdir.

Ҳозирги вақтга келиб жаҳон бир вақтлардагидек метрополиялар, мустамлакалар, қарам ва ярим мустақил давлатларга бўлинмай, балки teng ва мустақил далатлар ҳамжамиятига айланмоқда. Мустақил Ўзбекистон ҳам ушбу жараённинг фаол иштирокчиларидан биридир. Ана шулардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро талкилотлар билан ҳар томонлама алоқаларни йўлга қўйганлиги алоҳида эътиборга лойикдир. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида БМТ доирасидаги ихтисослаштирилган ташкилотлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамитяга эга.

XX асрнинг охирларига келиб давлатлар ўртасидаги мувозанатни сақлашда ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларида-ҳалқаро ташкилотларнинг роли катта аҳамият касб эта бошлади. Айниқса интеграция шароитида дунё ҳамжамиятияниг шаклланиши, ҳалқаро

жиноятчилик ва унинг турли кўринишларига қарши жиддий кураш олиб боришда халқаро ташкилотларнинг яқин хамкорлиги жуда зарурдир. Халқаро ташкилотлар, универсал халқаро ташкилотлар яъни барча давлатлар қатнашиши учун очик бўлган, худудий (Регионал), яъни қандайдир йирик регионал давлатларни бирлаштирувчи ва маҳаллий бир неча давлатларни бирлаштирувчи турларга бўлинади. Ўз таркиби, фаолият соҳаси ва халқаро муносабатлардаги тутган ўрнига кўра энг универсал ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилотидир.

ХХ аср охирида БМТ, Европа Кенгаши, Европа Иттифоқи томонидан ташкил этилган йирик халқаро анжуманларда кўрсатилганидек, халқаро жиноий ташкилотлар ўз жиноий фаолиятини юксалтириш ва мукаммаллаштириш учун дунё мамлакатлари бўйлаб эркин ҳаракатланиш имкониятидан, либерал эмиграция ва иммиграция сиёсатидан, эркин савдонинг кенгайишдан, энг замонавий алоқа воситалари ва пулларни ўзлаштиришнинг мураккаб технологияларидан тобора кенг фойдаланмоқда.

Ўкув кўлланмада кўрсатилганидек минтақавий интеграцион жараёни муаммоларини ўрганиш натижасида бир қатор назарий ва амалий аҳамиятга молик бўлган хуласаларга келинди.

Интеграция бу аввало, давлатларнинг миллий манфаатлари, халқаро тинчлик, барқарорлик хавфсизлик ва ўзаро хамкорлик, жамоатчилик ўртасида ўзаро ишонч ва хайрихохликни таъминлашга қаратилган сиёсий, иқтисодий, хукукий ва ижтимоий маданий жабхалардаги глобал ҳамда регионал масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган халқаро тизимнинг босқичча босқич шаклланиш жараёни мажмуасидир.

Иккинчидан, интеграция жараёни давлатлар умуммиллий манфаатлари уйғунлиги ва муштараклигини ифода этувчи муҳим ҳаётин заруриятдир. Унинг турли макон ва замонда ҳар хил шакл ва формаларда ҳаётин заруриятга айланиш минтақадаги геосиёсий ва геоиқтисодий жараёнлар ва турли ўзгаришлар билан узвий боғлиқ бўлади.

Учинчидан, Марказий Осиё давлатлари макроминтақавий интеграцияси назарий асосларини ривожлантириш ва унинг иқтисодий, сиёсий ҳамда хукукий негизларини такомиллаштириб бориш;

- минтақа халқлари тарихи ва маданияти, урф-одатлари мушта-

раклигига интилиш; умуминсоний қадриятлар негизидаги мінтақа-  
вий манбаатлар бирлигига хизмат қылувчи милдій баркамолликни  
тағындаш мақсадда мувофиқдір.

Мінтақа давлатлари интеграцияси ички муаммолари ва унинг  
ўзига хос геосиёсий ва геоіқтисодий жихатлари қуидагилардан  
иборат:

Биринчилан, Марказий Осиё давлатлари интеграцияси Европа  
мінтақасыда рүй берәётган сиёсий-иқтисодий хамкорликнинг ин-  
теграл қысмы сифатыда мінтақа давлатларининг умумий іқтисодий  
ривожланиш стратегиясини яратиш зарурияты хисобланади. Ушбу  
стратегияни ишлаб чиқышда қуидаги омиллар мұхим рол ўйнайды:

- Халқаро іқтисодий ташкилотлар доирасыда мінтақа давлатла-  
рининг ўзаро келишилган позицияларини ишлаб чиқыш ва уларни  
доимий равищда құллаб-қуватлаш;

- мінтақада іқтисодий интеграцияга йўналтирилган икки то-  
монлама ва кўп томонлама халқаро шартномаларнинг бажарили-  
шини амалий жихатдан кучайтириш зарур ва ҳоказолар.

Иккинчидан, мінтақа давлатларни халқ хўжаликлари инте-  
грацияси мінтақавий іқтисодий интеграциялашувга хал қылувчи  
омил хисобланади. Шунинг учун халқ хўжалигининг биринчи да-  
ражали секторини камраб олувчи хукуматлараро комплекс дастур-  
лар ишлаб чиқыш мұхимдір.

Мінтақа давлатлари ўзаро манбаатли іқтисодий хамкорлик  
алоқаларини ривожлантиришлари, сув энергетика соҳасидаги яго-  
на ички бозорни вужудга келтиришлари мақсадда мувофиқ бўлади.  
Хусусан, бугунги энергия тақчиллиги шароитида Қирғизистондаги  
“Қора-кеч”, Тожикистондаги “Зидди”, “Назар-Айлок”, “Ҳакими”  
каби кўмир конларини ишга солиш, 2002 йилда ташкил этилган МО  
сув-энергетика консорцуми фаолиятини жонлантириш бир қатор  
муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради.

Учинчидан, мінтақавий хавфсизликка таҳдидлар Марказий  
Осиё давлатлари интеграциясига салбий таъсир ўтказади. Шу са-  
бабли мінтақа давлатлари халқаро хавфсизликни тағындаш меха-  
низмларини қўллашдан манбаатдордирлар.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Ч.Кўчаров. Марказий Осиёнинг мінтақавий интеграцион жараёни  
муаммолари. Т.Фан, 2008 йил, 177-179 бетлар.

Россия ва АҚШ нинг Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистондаги геосиёсий ва геоиқтисодий манбаатларининг минтақавий интеграцияси таъсири хусусида қўйидаги хуносалар келиб чиқади;

#### Ўзбекистон-АҚШ муносабатларида:

- халқаро хавфсизликни таъминлаш нуқтаи-назаридан АҚШ ўзининг харбий-сиёсий манбаатлари Марказий Осиёдаги барқарорликка симметрик боғлиқлигини юқори баҳоламади. Бошқача қилиб айтганда, ўзаро боғлиқ муносабатда бўлган ўзгариш иккинчиси-нинг мутлақо қарама-қарши йўналишида ўзгаришга олиб келди. Бу камроқ куч ишлатиш қонуни билан изоҳланиши мумкин. Аниқроғи Марказий Осиё хавфсизлик тизими камроқ қаршиликка учрайдиган томонга қараб ривожланади;

- Марказий Осиё минтақаси барқарорлиги ва интеграцияси масаласида расмий Вашингтоннинг икки стандартли ёндашуви Ўзбекистон Америка муносабатларига салбий таъсир ўтказди. Натижада юзага келган қарама-қаршилик минтақавий интеграция доирасида Ўзбекистон-АҚШ ўртасида бир-бири билан рақобатлашувчи манбаатларини келтириб чиқарди.

#### Ўзбекистон-Россия муносабатлари:

- Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида 2004 йил 14 июнда тузилган Стратегик шерикчилик тўғрисидаги Битим ва 2005 йил 14 ноябрда тузилган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартнома Марказий Осиёдаги Интеграцион жараёнга салмоқли ҳисса кўша оладиган ШХТ, ЕврАЗЭС, ва КХШТ каби халқаро ташкилотлар доирасида Ўзбекистоннинг очиқ ва аниқ сиёsat олиб боришга беради;

- Ўзбекистоннинг Россия билан узоқ муддатга мўлжалланган стратегик шерикчилиги минтақавий интеграцияни жадаллаштирувчи ва Марказий Осиё давлатларнинг интеграцион манбаатларини ўзаро уйғунлаштирвчи омиллардан бири бўлиб хизмат қиласи.

Евropa Иттифоқи давлатлари билан хамкорлик эса қўйидаги йўналишларда ривожлантирилади:

1-йўналиш: ЕИнинг уч йиллик Миллий индикатив дастурлари минтақавий ривожланиш жараёнига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсата олмаяпти. Шу сабабли минтақа давлатларидағи ислоҳатларни самарадорлигини ошириш учун ЕИ томонидан ишлаб чиқарилган дастурлар бажарилиш муддатларини узоқроқ вақтга

мўлжалланишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

2-йўналиш: Шерикчилик жараёнида ЕИнинг бир томонлама шартланганлик сиёсати натижасида миңтака давлатларининг ЕИ аъзо мамлакатлар билан икки томонлама хамкорлигини қийин-лаштироқда. Шунинг учун ЕИ аъзо мамлакатлари билан шартномалар миңтака давлатлари манфаатларини камситмаган холда ЕИ талаблари асосида тузилиши, амалдагилари эса худди шу ёндашув билан қайта кўриб чиқиши муҳим.

3-йўналиш: ЕИ миңтақанинг геосиёсий холатидан келиб чиқиб, хамкорликнинг кўп томонлама форматида шаклланишига катта эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ хисобланади. Хусусан, хамкорликда ЕврАЗ ЭС ва ШХТ имкониятларига хамкорлик истиқболини белгилайди.

ШХТнинг МО давлатлари интеграциясидаги ўрни:

Биринчидан, ушбу ташкилот миңтақавий хавфсизлик архитектурасини бино килишда тизим ясовчи функцияни бажаради. Бундай функция миңтақавий барқарорликни таъминлашга йўналтирилган ШХТ концепциясининг хадларини яратиш ва узлуксиз такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Иккинчидан, ШХТ катта геосиёсий ва геоиқтисодий маконни қамраб олган макромиңтакада юзага келиши унинг айнан шу маконда мавжуд бошқа халқаро тузилмалар билан халқаро хавфсизлик масалаларида баҳамжиҳатликка интилиши шарт.

Мамлакатимизнинг янги йуналишларида яна бири асримизнинг сўнгги йилларида жуда кўплаб нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлишидир. Албатта бу ташкилотларга аъзо бўлиш юртимизнинг халқаро майдонда нуфузини юксак даражада кўтариш билан бирга улар билан турли сиёсий анжуманлар ўтказишга ҳам имконият яратади. Ҳар қандай мамлакатнинг жаҳондаги нуфузи унинг иқтисодий ва интеллектуал салоҳияти, дунё цивилизацияси, фан ва маданият ривожига қўшган ҳиссаси айни чоғда умум эътироф этилган халқаро меъёрларга нечоғлик амал қилиши халқнинг турмуш даражаси билан белгиланади. Дунё ҳамжамиятида ўзига хос ўрин эгаллаб бораётган Ўзбекистон ўз ички ва ташки сиёсатида ана шу мезонларга таянади.

Ўтган асрнинг охириги ўн йиллиги даврида Ўзбекистоннинг Халқаро Ташкилотлар билан сиёсий дипломатик, савдо-иқтисодий,

илмий-маданий алоқалари ниҳоятда кенг ривожланди ва бу бир қатор янги йўналишлар билан боғлиқдир. Бу янги йўналишлар заминида Шўро ҳокимияти йилларидаги алоқаларга нисбатан катта фарқи бўлган сиёсат туради. Агар у даврдаги асосий эътибор факат социалистик тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатларга қартилган бўлиб, капиталистик мамлакатлар билан “Эҳтиёткорлик” тамойилига амал қилинган бўлса энди манзара бутунлай ўзгарди ва жаҳоннинг барча давлатлари билан тенг ҳукуқли алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилинмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ички сиёсати “Инсон ва унинг манфаатлари ҳар нарсадан улуғ” деган тамойил асосида амалга оширилади. Бу жараён ҳар бир фуқаро учун муносаб турмуш шароитини яратиб бериш, унинг ҳақ-хукуқ ва эркинликларини кафолатлаши, озчиликнинг кўпчилик иродасига бўйсуниши, шу билан бирга, озчилик фикрининг ҳам кўпчилик томонидан ҳармат этилиши каби демократик қоидаларни ўз ичига олади. Ўзбекистон ўз ташки сиёсатида ва ҳалқаро ташкилотлар билан хамкорлигига барча давлатлар билан тенг ҳукуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида хамкорлик қилиш, уларнинг ички ишларига арлашмаслик, умуминсоний қадриятларига содиклик, тинчлик ва хавфсизликни асраб-авайлаш, ҳалқаро ҳукуқ меъёрларининг устунлиги каби тамойилларга амал қиласди.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов Дания пойтахти Копенгагенда бўлиб ўтган ҳалқаро Анжуманда сўзлаган нутқларида (1995 йил, 12 март): “Биз учун шу мураккаб ўтиш даврида қашшоқликка; оммавий ишсизликка, аҳолининг кўчиб кетиш жараёнлари авж олишига йўл қўймасликнинг муҳим шарти бўлди. Биз ўтмишга баҳо беришда ва бундан буёнги тараққиётимиз истиқболларини белгилаб олишда умуммиллий тотувликка эришдик. Равшанки, бу соҳадаги ютуқларга биз Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига жадал қўшилиши туфайли, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг катта ёрдам туфайли эришдик. БМТнинг муассасалари ва ваколатхоналари Ўзбекистонда ўз фоалиятини кенг авж олдирмоқда. Уларнинг иш тажрибаси, жаҳондаги

---

<sup>1</sup> Миллий истиқтол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллари. Т. “Ўзбекистон” 2000 йил, 38-39 бетлар.

ва кенг минтақамиздаги вазиятни таҳлил этиш ижтимоий тараққиёт халқаро ёрдамни ташкил этиш тизими айрим ўзгартиришлар киришини талаб қилаётгани ҳақида гапиришимизга асос бўла олади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликпарварлик фаолияти аҳамиятини камситмаган ҳолда унинг фаолиятида дунёда кучайиб бораётган бекарорлик ва ижтимоий парокандаликнинг туб сабабларини тадқиқ этиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан тегишли чораларни кўриш, дунёнинг турли минтақаларида ривожланишининг барқарорлигини ошириш масалалари кўпроқ ўрин олишини истар эдик ”<sup>1</sup> - деган эдилар.

Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан олиб бораётган хамкорлик алоқалари ҳозирги даврда янги босқичларга кўтарилимоқда. Ўзбекистоннинг минтақавий мажароларни тинч йўл билан ҳал қилиши, Афғонстондаги биродаркушлик урушига барҳам бериш, Марказий Осиёни ядро куролидан ҳоли ҳудуд деб эълон қилиш каби ташаббуслари халқаро жамоатчилик томонидан тўла қўллаб қувватланди. Айниқса, Афғонистондаги мажарони тинч йўл билан ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида тузилган “6+2” гуруҳи, бу гурхнинг Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви ва унда қабул қилинган Декларация катта эътибор қозонди. Мазқур Декларация БМТ томонидан расмий ҳужжат сифатида тарқатилди ва бу халқаро ташкилотнинг бир қатор резолюцияларига асос бўлди.

Умуман олганда Ўзбекистон Республикаси Халқаро ташкилотлар билан алоқаларни амалга ошириш ва мазқур ташкилотлар билан сиёсий анжуманлар ўтказишга алоҳида аҳамият бермоқда. Халқаро ташкилотлар билан хамкорлик, сиёсий анжуманлар, айниқса халқаро терорризм, диний экстеремизм, сепаратизм ҳамда наркобизнесга қарши биргаликда кураш олиб бориш муаммосини ҳал этиш жуда муҳимдир. Ўзбекистон Халқаро ташкилотлар билан ўзаро хамкорликни, хавфсизликни таъминлаш жамият ҳаётида юз бераётган ислоҳатларни янада чуқурлаштириш бўйича жиддий ишларни амалга оширмоқда.

Хуллас, Халқаро ташкилотлар билан мамлакатлараро сиёсий хамкорлик, улар ўртасидаги объектив ва онгли равишда ўрнатила-

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ қаби мукаддасдир. Т. “Ўзбекистон” 1996 йил, 3-жилд, 57-бет.

диган сиёсий, иқтисодий, маданий соҳалардаги алоқалардан иборат бўлиб, у мамлакатларни дунё ҳамжамиятига интеграциялаштиради. Бундай ҳамкорликлар:

- умуминсоний қадриятлар устуворлигини тан олиш, инсон ва тинчликка, инсоният цивилизациясига энг олий қадрият сифатида муносабатда бўлиш;
- можароли масалаларни тинч йўл билан бартараф этиш, муаммоларни сиёсий музокаралар чоғида ҳал этиш;
- барча мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш;
- Ҳар бир мамлакатда ҳалқаро меҳнат тақсимотида, минтақавий ва глобал хавфсизлик тизимларини яратишда ўзининг муносаби ўрнини таъминлаш каби тамойилларга асосланади.

Хуллас, ўтказиладиган ҳар бир ҳалқаро сиёсий анжуманлар ўзига хос характерга эга бўлиб, у дунё мамлакатларининг ҳар томонлама ҳамкорлигини белгилашда ҳам катта тарихий аҳамият касб этади.

### **Таянч сўзлар.**

Глобал ва минтақавий ўзгаришлар, минтақавий интеграциялашув, цивилизацион йўллар, геосиёсий потенциал, интенсив тараккёт, интеграцион бирлашмалар, умуминсоний манфаатлар, интеграллик, экологик инқироз, илмий-техника инқилоби, имтиёзли кредит, хом-ашё ресурслари, давлат суверенитети, инвесторлар, умумдемократик тамойиллар, ваколатхоналар, нодавлат ижрочилар, маданиятлар синтези, ҳалқаро акт, юридик статус, тараққёт стратегияси, хавфсизлик архитектураси, стратегик интеграцион вазифа, кредит ресурслари, иқтисодий комплекс, хорижий сармоядорлар, транспорт ва коммуникация, универсал ҳалқаро ташкилотлар, Асоцация, валюта-молия механизм, сепаратизм, наркобизнес, конвенция, аҳоли генефонди, сув ресурслари, шериклик битим, худудий яхлитлик, декларация, транзит, аксилтеррор тузилма, комплекс алоқалар, регионал ташкилотлар, комплекс дастурлар, стандартли ёндашув, ижтимоий парокандалик.

## **Савол ва топшириқлар.**

- 1.Мамлакатлараро интеграция қандай ижтимоий-сиёсий жараён ҳисобланади?
- 2.Хозирги вақтда халқаро ташкилотлар билан хамкорликни ри-вожлантиришнинг муҳим жиҳатлари нималарда ўз аксини топган?
- 3.Минтақавий хамкорликни таъминлашда халқаро ташкилотлар фаолияти қандай рол ўйнайди?
- 4.Тошкент шаҳрида хавфсизлик, барқарор тинчлик ва хамкорлик масалалари бўйича қандай нуфузли халқаро анжуманлар ўтказилган?
- 5.Халқаро ташкилотлар ва мамлакатлараро хамкорликларнинг ҳозирги босқичдаги асосий вазифалар нималардан иборат?
- 6.Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда халқаро анжуманларда қандай ташаббуслар билан чиқмоқда?

## **II БОБ.**

### **БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ.**

#### **1. Ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал этилишида БМТнинг ўрни.**

Кишилик жамияти тарихида сиёсий зиддиятларга бой жуда кўп даврлар бўлган. XX асрнинг охирига келиб инсоният келажакда қандай қилиб тинч ва осойишта ҳаёт кечириши мумкин, деган савол энг долзарб масалага айланиб қолди. Ушбу саволга илк бор Гро Харлем Брундтланд бошчилигидаги ҳалқаро комиссия «Барқарор ривожланиш концепцияси»да умумлаштирган тарзда жавоб беришга ҳаракат қилди. Шу тариқа, 1997 йилдан бўён дунё ҳамжамиятиянинг биргаликда ҳал қилаётган муассасаларидан бири – маҳаллий, миллий минтақавий ва глобал миқёсда барқарор ривожланишга эришиш ҳисобланади. Барқарор ривожланиш гоясининг мақсади-келажак авлод эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ҳозирги замон кишилик жамиятиянинг узвий боғланган экологик, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини бир меъёрда таъминлашдир.

Бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ижтимоий тараққиётга алоҳида эътибор қаратмоқда. Кейинги ўн йилликларда БМТ томонидан чақирилган кўпгина глобал конференциялар шу борада ташвишлар билдириб, мазкур камчиликларни бартараф этиш учун ижтимоий тараққиёт муаммоларига эътиборни кучайтиromoқда. Ҳудди шундай ҳаракат янада қисқариб бораётган миллий ресурсларни ижтимоий соҳа эҳтиёжлари учун тақсимлайдиган ижтимоий тараққиётга бағишлиланган олий даражадаги бутун жаҳон учрашуви, манфаатдор мамлакатларни – тараққий этаётган мамлакатлар хукуматларига ўз бюджетларининг 20 фоизини асосий ижтимоий хизмат кўрсатишга ва донор мамлакатларга ўзларининг тараққиётга мўлжалланган расмий ёрдамларидан 20 фоизини ижтимоий соҳа учун ажратишга таклиф этувчи «20X20 формуласи»ни қабул этишга чакириди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ижтимоий тарраккиётни тури-туман омиллар тараққий этган мамлакатлар учун ҳам ҳал қи-

линиши талаб этиладиган муаммоларни келтириб чиқаради, деб ҳисоблайди. Барча мамлакатлар ишсизлик, ижтимоий яқкаланиш ва доимий қашшоқлик муаммолари билан турли даражада түкнаш келадилар. Мажбурий миграциядан тортиб гиёхвандликкача, уюшган жиноятчиликдан тортиб, касалликлар тарқатишгача кўпдан-кўп ижтимоий муаммоларнинг барчаси фақат халқаро хамкорликдаги ҳаракат натижасидагина муваффақиятли ҳал қилинишиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек «Жаҳоннинг турли нуқталарида ҳамон давом этаётган урушлар ва қарама - қаршиликлар, сақланиб қолаётган давлатлараро, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар, Мингийиллик ривожланиш декларациясида таъкидланганидек, қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, эпидемиялар ва инсониятнинг бошқа муаммоларига қарши кураш борасидаги энг жиддий тўсиқлар бўлиб қолмоқда»<sup>1</sup>.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил топган ийлариданоқ демография, соғлиқни сақлаш, маориф ва экологик соҳалар бўйича тайёргарлик тадқиқотлари ва маълумотларни тўплаш ишини олиб борди. Бу илк бор глобал микёсда ишончли маълумотлар олиш имконини берди. БМТ хукуматларнинг барча инсонлар учун соғлиқни сақлаш, маориф, оилани режалаштириш, уй-жой ва сув таъминоти соҳаларида ижтимоий хизмат кўрсатишни кенгайтиришлари борасидаги саъий ҳаракатларини қўллаб-куvvватлаш ишининг доим энг олдинги сафида борди.

Бугунги кунда БМТ нинг ижтимоий тараққиёт соҳалардаги кўплаб муаммолари ўрганилиб таҳлил этилмоқда. Жумладан, БМТ ижтимоий дастурлар учун моделларни ривожлантиришга қўшимча тарзда тараққиётнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини интеграция қилишга кўмаклашди. У камбағалликка, айниқса унинг энг оғир шакли қашшоқликка барча ижтимоий муаммолар, жумладан, тўйиб овқат емаслик, саводсизлик, турмуш шароити асоси сифатида қарайди. Унинг ўзгариб турадиган сиёсати ва дастурларида кўп киррали тараққиётнинг ижтимоий, иқтисодий, экологик ва маданий

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммити мингийиллик ривожланиш мақсадларига бағишлиланган ялпи мажлисидаги нутқи. «Халқ сўзи» газетаси. 2010 йил, 22 сентябр.

унсурлари узвий боғлиқлиги, бир-биридан ажратиб қўйилган ҳолда мавжуд бўла олмаслигини тушуниб етиш зарурлиги доим таъкидланди. Таракқиёт стратегияси марказига шахс, оила ва жамоага қўйилган шароитда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ижтимоий соҳадаги фаолияти «Инсонни мўлжалга олиш» асосидаги ёндашув билан бирлашиб боради.<sup>1</sup> Юқорида кўрсатилганидек, ижтимоий ва сиёсий муаммолар яна бир қадар устуворлик қила бошлагани, шу билан бирга соғлиқни сақлаш, маориф, экологик ва аҳоли қатламлари каби ижтимоий соҳаларга; ёки масалан аёллар, болалар, кичик миллатлар, ёшлар ва қариялар сингари баъзи ижтимоий гурухларга зарур бўлаётгани учун кейинги йилларда БМТ ижтимоий тарракқиётга алоҳида эътибор бермоқда.

Маълумки, XX асрнинг оҳирларида дунё иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан улкан тараққиётнинг гувоҳига айланиб бормоқда. Аммо бойиш ва фаровон яшаш шу даражада нотекис кечмоқдаки бусиз ҳам дунёнинг қарийб барча минтақаларида иқтисодий тараққиётдаги издан чиқишилари мухим ижтимоий муаммо ва сиёсий баркарорликни кескинлаштириб юбормоқда.

БМТ нинг асосий тамойилларидан бири бутун дунё халқларининг иқтисодий тараққиётга эришишида сиёсий иқтисодий ва ижтимоий хавфсизликка эришиш энг мухим омил эканлигига ишонч билан қарашдир. Лекин шу нарса аниқки, ер юзида яшайдиган аҳолининг 60 фоизи асосан Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасида яшаётган ҳар бир одамнинг ҳаёт кечириши учун кунига икки доллар ва ундан ҳам камроқ маблағ тўғри келаётгани БМТ ни ўта ташвишлантиради. 1,3 миллиардга яқин одам жуда ноҷор аҳволда ҳаёт кечирмоқда. Бир миллиардга яқин аҳолисаводсиз, бир миллиардан ортиқ аҳоли тоза ичимлик сувига мухтож.<sup>2</sup> Ана шулардан келиб чиқадиган бўлсак БМТ иқтисодий ўсиш, глобализация, инсонлар фаровонлигини оширишга қаратилган барқарор тараққиёт, қашшоқликка барҳам бериш, ҳалол савдо сиёсати ва қарздорликни қисқартириш вазиятларини юзага келтириш йўлларини қидириб топишни ўз олдига долзарб вазифа қилиб қўйган яго-

<sup>1</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Асосий омиллар. «Весь Мир» нашридан таржима. Т. 2001 йил 178-179 бетлар.

<sup>2</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Асосий омиллар. «Весь Мир» нашр. таржима. Т. 2001 йил, 146 бет.

на ташкилот бўлиб қолмоқда. Ушбу мавзунинг долзарблиги иқтисодий тараққиёт билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий тарракқиёт таъсис этилган кунлардан бошлаб БМТ фаолиятининг асоси ҳисобланishiдир. Чунки бир неча ўн йилликлар мобайнида барча инсонлар ҳаёт тарзини яхшилаш вазифаси барча саъй ҳаракатларнинг бош мақсади бўлиб қолиши учун БМТ тараққиётининг ижтимоий жабҳаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Маълумки 2000 йил 6 сентябрдан – 8 сентябргача БМТнинг Нью-Йорқдаги бош қароргоҳида Мингийиллик саммити ўтказилди. Олий даражадаги бу уч кунлик учрашув – тарихда Жаҳон Лидерларининг энг йирик форумига айланди. Лидерларнинг мунозаралари мавузуси Бош котиб томонидан тақдим этилган, «Мингийиллик маъразуси» бўлди. «Биз эркакларни, аёлларни, болаларни қашшоқликнинг тахқирловчи ва ғайриинсоний исканжасидан халос этиш учун саъй-ҳаракатларимизни аямаймиз», -дейилади маъруzasida. Мингийиллик декларациясида Лидерлар камбағаллик кўламларини қисқартиришнинг аниқ муддатларини белгилаб чиқдилар:

- 2015 йилгача қашшоқлик шароитида яшаётган одамлар сонини икки баробар қисқартириш;
- 2015 йилга қадар болалар ва қизларни умумий бошланғич таълим;
- 2015 йилгача оналар ўлимини тўртдан учга қисқартириш;
- 2015 йилга қадар ОИТС касаллиги ва унинг вируслари тарқатилишини бартараф этиш;
- 2020 йилгача камида харобаларда истиқомат қилаётган 100 миллион одамнинг турмуш шароитини яхшилаш.<sup>1</sup>

Ер курассининг, бозор учун ғоят зарур-пули кам бўлган, маълумоти кам бўлган, малакаси кам бўлган ва айни пайтда саломатлик борасида бир олам муаммолари мавжуд қарийб ярим аҳолиси ўз ҳаёт тарзини яхшилаш имконига бўлмаган ҳолда камбағаллик исканжасида яшамоқдалар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими билан кўпинча хамкорликда ҳаракат қиласидан мамлакатлар ҳукуматлари дунёда қашшоқликни камайтириш масаласида анчагина тараққиётга эришдилар. Кейинги 30 йил ичида ривожланаётган мамлакатлар болалар

---

<sup>1</sup> «Мингийиллик маъруzasи» Талабалар учун қисқача баён. Т. 2003 йил, 11-бет.

ўлимини нақд ярмига қисқартырдилар, түйіб овқатланмаслик 1,3% га камайды, мактабларда ўқиётганлар сони 1,4% га ошди. Ушбу эришилгандарга қарамасдан, қарийб 1,3 миллиард одамлар кунига бир доллардан кам маблағ ҳисобига яшамоқдалар, бу қашшоқлик белгисидир, 800 миллион киши эса сурункали тарзда оч-нахор ҳаёт кечирмоқда. Шимолий Америка, Осиё ва Европанинг бирмунча мамлакатларида 100 миллион одам камбағал ҳаёт кечирмоқдалар, 37 миллион киши эса ишсизdir. Жаҳон камбағал аҳолисининг кўпчилигини аёллар ва болалар ташкил этмоқда. БМТ ҳисоб – китобларига кўра, камида 30 мамлакатда инсон тараққиётининг умумий даражаси 1970 йилга нисбатан қисқарди, айрим минтақаларда эса камбағаллар сони ортиб бормоқда. Масалан, собиқ Совет Иттифоки Республикаларида камбағаллар сони 10 йилга ҳам етмаган муддатда 4 миллиондан 120 миллионга кескин ошиб кетди.

Ушбу келишиб бўлмайдиган ҳолатга эътиборни жалб этиш мақсадида Бош Ассамблэя 1997-2006 йилларда Қашшоқликни тугатиш бўйича халқаро кураш ўн йиллиги деб эълон қилди. Бундан мақсад Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бутунжоҳон конференциялари қарорларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича мамлакатларнинг қатъий миллий саъй-харакатлари ва халқаро хамкорлик ёрдамида мутлоқ камбағаллик ва глобал қашшоқликка барҳам беришдир. БМТ тизими қашшоқликни камайтиришни ўзининг биринчи навбатдаги вазифаларидан деб билади. БМТ тараққиёт дастури 174 мамлакат ва худуд аҳолисига<sup>1</sup> қашшоқликни тугатиш, атроф муҳитни тиклаш, иш ўринлари ташкил қилиш ва хотин-қизлар аҳволини яхшилашга ёрдам беришга йўналтирилган сиёсий йўл ва дастурларни амалга оширишда бош ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. БМТ тараққиёт дастури миссиясининг вазифаси қашшоқликни тугатиш ва адолатни баркарор этиш каби устуворлик билан инсоннинг баркарор тараққиётга эришиши учун ўз имкониятларини жамлаш бўйича мамлакатларга ёрдам беришдан иборатдир. БМТ Тараққиёт дастури ўзининг 90 фоиз ресурсларини дунёнинг 90 фоиз энг қашшоқ аҳолиси яшаётган энг кам даромадли 66 мамлакатига ажратади.

Камбағалларга қашшоқликка карши имкониятлар яратиб бериш

---

<sup>1</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Асосий омиллар. Т., 2001 йил, 182-183 бетлар.

БМТ Тараққиёт дастурининг асосий фаолияти ҳисобланади, бунинг учун асосий ресурсларнинг 40 фоизи сарфланади. БМТ Тараққиёт дастури уларнинг кредит олиш, маҳорат ўрганиш, ишга кириш ва миллий ҳамда халқаро бозорлар билан алоқа килиш каби ишлаб чиқариш фаолияти кўрсатмаларини қўллаб-кувватлади. Камбағаллик даражасини пасайтиришга мўлжалланган тараққиёт институти ҳисобланган Банк-камбағалларнинг энг қудратли имкониятлари меҳнатидан фойдаланиш борасида жонбозлик кўрсатди. У шунингдек камбағалларга йўл қурилишидан тортиб қизларни ўқитишгача бўлган асосий ижтимоий хизматлар кўрсатиб одамларнинг сармоя имкониятларини ошишига хизмат қилади. Банкнинг Ижтимоий ҳимоя сектори вайронагарчиликлар келтирувчи табиий оғат, ижтимоий сиёсатдаги ўзгаришлар ёки халқаро муаммолар камбағалликларини авж олдириши мумкин бўлган ночор яшаётган кишиларни ва гурухларни аниқлаб топади. Бундай ночорликка қарши Банк, жумладан, курғоқчиликка чидамли экинлар экиш, шунингдек, ижтимоий ҳимоя тизимини янада кулай ва мос қилиш чораларини кўради.

БМТ ижтимоий – тараққиёт масалаларини ҳал этилишида иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС)нинг роли ва аҳамияти каттадир. Чунки ЭКОСОС БМТ нинг асосий органларидан бири ҳисобланиб, аъзоликка сайланадиган 54 давлатни ўз ичига олади. Бош Ассамблеяning ҳар бир навбатдаги сессиясида БМТ Уставига биноан 18 янги аъзо сайланади. «Буюк давлатлар» ЭКОСОС нинг доимий аъзоларидир. Кенгаш ўз фаолиятида БМТ Уставига ва ЭКОСОС нинг иш қоидаларига амал қиласи. Давлатлар ЭКОСОС аъзоси қилиб сайланганида тақсимот давлатлар қаерда жойлашишига қараб амалга оширилади.<sup>1</sup>

ЭКОСОС нинг Олий органи сессия бўлиб, бир йилда икки марта: баҳорда–Нью–Йоркда ёзда–Женевада чақирилади. ЭКОСОС нинг асосий вазифаси ва ваколатлари БМТ Уставига кўра, қуидагилардан иборат:

- иқтисодий, ижтимоий, маданий, таълимий ва бошқа соҳаларда халқаро масалалар бўйича тадқиқотлар ўtkазиш ҳамда маъruzalар тузиш;

---

<sup>1</sup> Р.А.Тузукмуҳамедов. Р.Т.Хакимов. Халқаро ҳуқуқ асослари. Т. 1998, 78-79 бетлар.

- инсон хуқуқлари ва барча учун асосий эркинликларни ҳурмат килиш ва риоя этишни рағбатлантириш;
- маҳсус муассасалари фаолиятини улар билан маслаҳатлашувлар ва Баш Ассамблея ҳамда Ташкилот аъзоларига тавсиялар воситасида келиштириш;
- Кенгаш ваколатига кирадиган масалалар бўйича ноҳукумат ташкилотлар билан масалаҳатлашувлар;
- Хавфсизлик Кенгашига ахборот тақдим этиш.

ЭКОСОС фаолиятида унинг куйидаги минтақавий комиссиялари мухим роль ўйнайди:

1. Африка бўйича иқтисодий комиссия (Аддис-Абеба, Эфиопия).
2. Осиё ва Тинч Океан учун иқтисодий ва ижтимоий комиссия (Бангкок, Таиланд).
3. Европа иқтисодий комиссияси (Женева, Швейцария).
4. Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасидаги мамлакатлар учун иқтисодий ва ижтимоий комиссия (Сантъяго, Чили).
5. Фарбий Осиё учун иқтисодий комиссия (Боғодод, Ирок) ЭКОСОС нинг кундалик ишида 6 та доимий қўмита иштирок этади:
  1. Дастур ва мувофикаштириш бўйича қўмита.
  2. Табиий ресурслар бўйича қўмита.
  3. Ноҳукумат ташкилотлар бўйича қўмита.
  4. Трансмиллий корпорациялар бўйича қўмита.
  5. Аҳоли пунктлари бўйича қўмита.
6. Музокаралар ва хукуматлараро муассасалар бўйича қўмита.

Юқорида саналган асосий қўмиталар ва комиссиялардан ташқари заруратга қараб барпо этиладиган турли қўмита ва комиссиялар (техника ёрдами, уй-жой қурилиши, режалаштириш ва ҳакозолар бўйича) фаолият қўрсатади.

БМТ Болалар фонди (ЮНИСЭФ), Гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга қарши курашибонди ва бошқалар ЭКОСОС таркибидаги маҳсус органлар хисобланади.

600 дан ортиқ хукуматга таалукли бўлмаган ташкилотлар ЭКОСОС қошида консультатив (маслаҳатчилик) мақомига эга. Улар Кенгаш қўмак берувчи органларининг очик йиғилишларида иштирок этиш учун кузатувчилар йўллайдилар. ЭКОСОС, БМТ Уставига кўра ноҳукумат ташкилотларнинг фикрини сўраши, улар билан маслаҳатлашиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳам ёш мустақил давлат сифатида ЭКОСОС (ИИК) фаолиятида фаол қатнашашти. Ўзбекистон хукуматининг 1992 йили БМТ га киритган таклифлари жуда ҳам муҳим бўлиб, шунингдек, МДҲ давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳақидаги таклифи ҳам долзарбдир. Ўзбекистоннинг БМТ доирасидаги фаол сиёсати яқин орада меваларини бериши турган гап. Бу Республика БМТ тизими тузилмасининг бўлинмаларига киришига имкон беради.<sup>1</sup>

Кейинги 50 йил ичida озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу давр мобайнида ер юзи аҳолиси икки баровар ўсишини ҳамда ортда қолдириб кескин даражада ошиб бормоқда. 60-йилларнинг бошларидан ривожланаётган дунёдаги ночор яшаётган аҳолининг ҳиссаси 50 фоиздан 20 фоизгача камайди. Аммо ана шу 20 фоиз – 800 миллион кишини ташкил этади, бу бутун Европа аҳолисидан кўпроқдир. БМТ хисоб-китобларига кўра дунё аҳолисининг худди шундай таъминлаб туриш учун одамлар сони 2025 йилгача 8,3 миллиардга етиши кутилаётган бир пайтда яқин 30 йил ичida озиқ-овқат ишлаб чиқаришни 75 фоизга оширишга тўғри келади. Очликни камайтиришнинг энг самарали усули иктисадий тараққиёт ҳисоблансада БМТ нинг очликка қарши кураш олиб борувчи кўпгина муассасаларининг аҳолининг энг камбағал қатламлари, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчилар учун озиқ-овқат кўпайишини кафолатловчи муҳим ижтимоий дастурлари мавжуд. Ҳамма учун озиқ-овқат мўл-кўлчилиги ҳар доим уларнинг фаол ва соғлом ҳаёт тарзи учун зарур бўлганлиги туфайли Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ўтказилган қунидан бошлаб қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ёрдамлашиб, овқатланишни яхшилаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун кураш олиб бормоқда. ФАОнинг Халқаро озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича комитети халқаро миқёсида озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги масалалари бўйича мониторинг, баҳолаш ва маслаҳат бериш ишлари билан шуғулланади. Шунингдек, ФАО ўзининг Ахборот ва илгаридан огоҳлантириш глобал тизими ёрдамида озиқ-овқатга ёрдам бериш истиқболлари талаб-эҳтиёжи-

<sup>1</sup> Р.Ҳакимов. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Т. 2001 йил, «Faafur Fулом номидаги адабиёт ва санъат» нашр. 77-бет.

ни аниқлаш имконини берадиган мониторинг тизими кенг тормоги-ни ва сунъий йўлдошлар ёрдамидаги кузатувларни назорат қила-ди. ФАО томонидан ишлаб чиқилган озиқ-овқат хавфсизлиги учун маҳсус дастур дунёдаги доимо очликдан азоб чекаётган ахолининг кўпчилик қисми истиқомат қиласидиган 86 мамлакатни қамраб олган. Дастур озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни қўпайтиришга, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган оиласлар турмуш шарои-тини яхшилашга қаратилган.

Аслида БМТ нинг ушбу ташкилоти (ФАО) 1945 йилнинг 16 октябрида Квебекда бўлиб ўтган конференцияда ташкил топиб, шу ерда унинг Низоми ҳам имзоланган эди. Ҳар йили 16 октябрь Жаҳон озиқ-овқат куни сифатида нишонланади, 170 дан ортиқ давлат ФАО аъзоси ҳисобланади. ФАО нинг Олий раҳбар органи – барча аъзо давлатларни таркибига олган Бош Конференция ҳар икки йилда бир маротаба сиёсатни белгилаш, бюджет ва фаолият дастурини тасдиқлаш учун йигилади. Конференция томонидан сайланадиган Кенгаш таркибига 49 аъзо – давлат кирган бўлиб, у Конференция сессиялари орасидаги даврда ФАО нинг раҳбар органи сифатида фаолият қўрсатади. Бош директор Конференция томонидан 5 йил муддатга сайланади. У Конференция ҳамда Кенгаш назорати остида ҳаракат қиласиди ва 7 та департаментга бўлинган Котибият раҳбари ҳисобланади.

Бундан ташқари, ФАО Африкада, Осиё-Тинч океани минтақасида, Европада, Лотин Америкасида, Яқин Шарқда минтақавий бўлимларига ва Шимолий Америкадаги алоқа буюросига эга. ФАО ўзга ихтисослаштирилган муассасаларда аъзо-давлатларнинг бадаллари БМТ тараққиёт дастури маблағлари, Жоҳон Банки маблағлари, шунингдек, аъзо-давлатлар томонидан пул билан таъминланадиган Васийлик фонди ҳисобига фаолият қўрсатиш билан фарқланади. ФАО қароргоҳи Рим (Италия)да жойлашган.<sup>1</sup>

Жаҳон озиқ-овқат дастури дунёда озиқ-овқат ёрдами кўрсатиш бўйича энг йирик ташкилот ҳисобланади. У 1997 йилда дунёнинг турли мамлакатларига 53 миллиондан ортиқ кишига озиқ-овқат ёрдами берилди. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодини мустахкам-лаш учун Жаҳон озиқ-овқат дастури бу мамлакатлардан Бирлашган

---

<sup>1</sup> Р.Ҳакимов. Ўзбекистон ва БМТ. Т. 2001 йил, 107-108 бетлар.

Миллатлар Ташкилотининг ҳар қандай бошқа маҳсус муассасаларидан кўра кўпроқ моллар ва хизмат турлари сотиб олади. Жаҳон озиқ-овқат дастури мунтазам равишда бутун дунё фавқулодда озиқ-овқат ёрдамининг 2,3% қисмини кўтариб бу билан миллионлаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолмоқда. Кейинги уч ўн йилликдан ортиқ вақт ичидаги Жаҳон озиқ-овқат дастури 90 дан ортиқ мамлакатга тараққиётни сармоялаш мақсадида 14 миллиард доллар ёрдам берди. Одамлар доимий турзда тўйиб овқатланмайдиган жойларга Жаҳон озиқ-овқат дастури улар ўзларни ўзлари таъминлашга эришишлари учун «мехнатни озиқ-овқатга алмаштириш» тамоили асосида ёрдам кўрсатади. Ушбу лойиха доирасида Жаҳон озиқ-овқат дастури Ганада йўл ва портларни таъмирлашга, Хитойда тепаликларни қатлам-қатлам қилиб тахлашга ва Эфиопияда янги ўрмонзорлар барпо қилиш ишларига озиқ-овқат билан ҳақ тўлайди.

«Ривожланишга озиқ-овқат алмашиш» лойихаси Гаити, Ангола, Мозамбик каби мамлакатларда болаларнинг мактабга қатнашишларига имкон яратди. Болаларга тушлик овқат берилиши ҳам уларнинг мактабда таълим олишларига кўмаклашмоқда. Масалан, Покистонда Жаҳон озиқ-овқат дастури кизларини ўқишга жўнатган ота-оналарга бир тўйимлик ўсимлик ёғи тарқатиб қизларнинг таълим олишларини рафбатлантирумоқда.

БМТ нинг дастурлари очлик ва камбағалликни ижтимоий аниқ йўналтирилган ва изчил режалаштирилган дастурлар ёрдамидаги на енгид ўтиш мумкинлигини қайта ва қайта намойиш қилмоқда, бу Қашшоқлашган аҳолининг узоқ муддатли эҳтиёжларини қондиришлари, илгари кўпгина озиқ-овқат ёрдам олувчи мамлакатлар эндиликда йирик озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилувчиларга айландилар. Жанубий Корея, Мексика, Хитой ана шундай давлатлар қаторига киради. Ҳатто 70-80 йилларда дунёда энг оғир ва узоқ давом этган очлик жараёнини бошдан кечирган Эфиопия кейинги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларининг ортиқчалиги тўғрисида ҳабар бермоқда. БМТ кейинги вақтда ривожланаётган мамлакатларда жумладан, соғлиқни сақлаш хизматларини қўллаб-куватлаш, юкумли касалликларга қарши кураш, асосий дори-дармонларни етказиб бериш, шаҳарларни ободонлаштириш ва фавқулодда вазиятларда тиббий ёрдам кўрсатиш каби ташабbusлари амалга оширишга ғоят жиддий киришгандир. Аммо дунёда ўлимнинг асосий

сабабчиси юқумли касалликлар бўлиб қолмоқда, ОИТС юқори юқумлилик даражасида тарқалишда давом этмоқда. Ўн йиллар давомида сиёсий йўналиш ва соғлиқни сақлаш муаммоларининг ижтимоий жиҳатларини ҳал этувчи тизим тузилганлиги туфайли БМТ касалликлар билан курашнинг олдинги сафларида бўлиб келмоқда. ЮНИСЭФ болалар ва оналар саломатлигига эътиборини қаратмоқда. БМТ нинг Аҳоли қатламлари бўйича жамғармаси (ЮНФПА) репродуктив саломатлик ва оиласи режалаштириш каби муаммолар билан алоҳида машғул бўляяпти. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти икки тарихий ютуқнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолди. Биринчиси 1980 йилда чечакни бартараф этишга глобалл даражасидаги эришиш, бу – ўн йиллик ҳатти-ҳаракатлар натижаси эди. Иккинчиси 1994 йилда Америка қитъасида полиомелит касаллигига барҳам бериш бўлди. Бу эса 2000 йил охиригача бутун дунёда ушбу касаликдан кутулиши вазифасини адо этишдаги биринчи қадам бўлди. 80-90 йиллар мобайнида ЮНИСЭФ ва Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг хамкорликдаги ҳаракатлари туфайли олтита ўта хавфли касалликлар-полиомелит, кокшол, қизамиқ, кўййутал, бўғма ва силга қарши глобалл эмлашга 5 фоиздан 80 фоизгача одамлар қамраб олинди, натижада йилига 3 миллион боланинг ҳаётини сақлаб қолишга эришилмоқда.

Кейинги ўн йилликда маориф соҳасида ҳам улкан мувоффакиятларга эришилди. Ривожланаётган мамлакатларда бошланғич ва ўрта мактаб ўқучилари сони 1960 йилдан 1995 йилгача бўлган даврда 270 млн дан 760 млн. га ошди. БМТ нинг қатор органлари, биринчи навбатда ЮНИСЭФ, БМТ тараққиёт ва қашшоқлик дастури, ЮНФПА ва Бутунжаҳон банки томонидан ўтказилган тадқиқотлар таълим олиш билан ижтимоий тараққиёт кўрсаткичларининг яхшиланиши бир-бирлари билан узвий боғлиқ эканлигини бир неча бор намойиш этди.<sup>1</sup>

БМТ тизимидағи кўпгина ташкилотлар маориф ва касбга тайёрлаш соҳасидаги қатор дастурларни молиялаштириш ва ишлаб чиқишида қатнашадилар. Мазкур дастурлар бошланғич анъанавий таълим ва инсоннинг бутун ҳаёти мобайнида касб камолотига эри-

<sup>1</sup> Я.Х.Ғаффоров, А.Холлиев. Ўзбекистон ва Жаҳон ҳамжамияти. Т. «Университет» нашр. 2003 йил, 103 бет.

шувчи, шунингдек, давлат ташкилотларини бошқариш, қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш раҳбарликдан тортиб кенг жамоатчиликка ОИТС касаллиги, гиёҳвандлик, инсон ҳуқуқлари, оилани режалаштириш ва шу каби қўплаб муаммолар бўйича таълим бериш компаниясини ўтказиш каби соҳаларда юқори малакали ходимларнинг техник тайёргарликларини ошириш сингари таълимнинг барча соҳаларини қамраб олади. Савод чиқариш ва мактаб таълими соҳасида ЮНИСЭФ ва ЮНЕСКО етакчи ташкилотdir. Улар аъзо мамлакатлар ҳукуматлари билан хамкорликда ўқитувчилар тайёрлаш, бошланғич таълимнинг ҳар бир бола учун мажбурий ва бупул бўлиши борасида иш олиб боради. Болаларни химоя қилиш ва ривожлантириш борасидаги ғоят катта ваколати доирасида ЮНИСЭФ кейинги ўн йилда бошланғич таълимни икки баровар ва ундан ҳам ортиқ даражада ривожлантиришни ўз зиммасига олди, бу ҳолда қизларга мактабда таълим беришга алоҳида эътибор қартилганdir.

Маориф–ЮНЕСКО нинг тўрт асосий йўналишидаги фаолияти нинг биридир. ЮНЕСКО ўзининг ҳар бир инсонга бутун умри мобайнида таълим олишга кўмаклашиш Дастурига мувофиқ ҳаммага ҳаёти давомида касб-кор таълими олишига доимо имкор яратиш учун маориф тизимини янгилаш ва муқобил стратегияларни ривожлантириш бўйича миллӣ лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди ва рағбатлантиради. ЮНЕСКО дастурлари бошланғич таълим олишни кенгайтиришга унинг сифатини яхшилашга, дунё мамлакатларида олий таълим тизимини ислоҳ этишга, шунингдек катта ёшдаги-ларга ҳам ўқишни давом эттиришга шароит яратиш учун ҳаракат қиласи. ЮНЕСКО нинг янги мақомидаги «Барқарор келажак йўлидаги таълим» фанлараро дастури аъзо мамлакатларга ўз миллӣ маорифини такомиллаштириш ва қайта кўриб чиқишлирида кўмаклашади, эндиликда унда тараққиётнинг табиатни муҳофаза этиш, демографик жиҳатлар, жумладан, саломатликка жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ва гиёҳвандлик ҳамда ОИТС ни бартарраф этиш албатта акс этиши керак.

«Таълим-бутун умр мобайнида, бошланғич мактабдан тортиб уз-луксиз таълимга қадар билим олиш-янги, глобал иқтисодиётнинг калитидир. Ривожланиш, ижтимоий тараққиёт ва инсон озодлиги учун у туб аҳамиятга эга» («Мингйиллик маърузаси»дан). Асосий

таълим, бу-фақатгина ўқиши, ёзиши ва ҳисоблашни ўрганиб олиш эмас у ўз таркиби жуда кенг маънодаги-ҳам расмий, ҳам норасмий ва барча ёшдаги таълимларни жамлаб олади. Кўпгина мамлакатларда «асосий» таълим тушунчаси таркиби маорифнинг «ўрта маълумотдан кейинги таълим» деган кўриниши ҳам кириб келмоқда, бу эса, ишлаш учун пойдевор ёки ёшлар таълимининг навбатдаги босқичи сифатида олиб қаралади. Эндиликда мамлакатларнинг кўпчилиги, жумладан, Бангладеш, Бразилия, Хитой ва Мексика сингари аҳоли кўп яшайдиган мамлакатлар ҳам сифат тўғрисида бош қотирмокдалар. Бу тушунча ўз доирасига мактабларнинг моддий аҳволидан тартиб яхши ўқитувчилар тайёрлашгача ва ўкув қўлланмаларини яратишдан тартиб бу ишга ота-оналарини фаолроқ жалб этишгача бўлган муаммоларни қамраб олади. Таълим тизимида самарадорликни зудлик билан оширишга эҳтиёж сезилмоқда. Бугунги кунда Жанубий Осиё ва Сахрои Кабирдан Жанубдаги мамлакатлардаги ҳар тўрт ўқувчининг учтаси мактабларнинг бешинчи синфиға етиб бораолмаяптилар. Бунинг бир нечта сабаблари бор. Кўпгина мамлакатларда таълим тизими иқтисодий бўйронлар ва сифатга салбий таъсир кўрсатадиган бошқа омилларга жуда секинлик билан мослашади. Таълимда ҳаммасидан зарур бўлган омил, бу қўшимча маблағлардир. БМТ Бош Котиби Кофи Аннан ўзининг «Мингйиллик маърузаси»да таъкидлашича, ривожланаётган мамлакатлардаги 130 миллион болани, улар бебаҳо қолаётган бошланғич таълим билан таъминлаш учун таълимни ўйил мобайнида йилига қўшимча 7 млрд доллар билан сармоялаб туриш талаб этилади.

«Ушбу мэрраларга эришиш бизнинг ғоят ҳушёргимизни, то-пқирлигимизни ва журъатимизни талаб этади. Бу-бутун халқаро ҳамжамият учун имтиҳон бўлади»-деди Кофи Аннан 2000 йилнинг апрелида Сенегалнинг Дакар шаҳрида ўтказилган маориф бўйича Бутунжоҳон форумида.

Турмуш шароитини яхшилаш ва камбағаллик даражасини қисқартириш фақатгина мавжуд ресурсларга боғлиқ бўлмай, балки иқтисодий – ижтимоий устуворликлар ва ҳукуматнинг сиёсатига ҳам боғлиқдир. Камбағалликнинг турли жиҳатлари таъсирини ҳатто, даромад жуда кам бўлган ҳолларда ҳам қисқартириши мумкин. Бугунги кунда эркакларга қараганда кўпроқ аёллар мутлоқ

камбағаллик шароитида яшамоқдалар. Уларнинг кўпчилигига иш жой, талаб этиладиган ихтисослик йўл, ишсизлик ўсиб бораётган шароитда биринчи бўлиб ишларни шу аёллар йўқотадилар. Ушбу ҳол уларни яна ҳам ночорлик ва қошшоқлик домига осон тушадиган қилиб қўяди. Бироқ, юқорида эслатиб ўтилганидек, тажрибалар гувоҳлик берадики, қизлар ва аёллар таълим мини сармоялаш ўз таъсирини яхши овқатлантиришда, соғлиқни сақлашдан баҳраманд бўлишда аниқ кўрсатади. Хотин-қизларга таълим беришга ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга аста-секин ва мунтазам эътибор жалб этилмаса камбағалликни бартараф қилиш қийин деган фикр кенг доирада тан олинган. Ҳисоб-китобларга қараганда, турли жинслар ўртасида таълим борасидаги фарқни бартараф этиш жон бошига ялпи миллий маҳсулотларнинг 0,5 фоиз ўсишига ёрдам бериши мумкин.

Бутун жаҳон бўйича болалар меҳнатини бартараф этиш иши билан БМТ нинг икки агентлиги шуғулланади. Булар-БМТ нинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЭФ) ва Халқаро меҳнат ташкилотидир. Улар муаммони аниқлашга ва уни ҳал этишининг халқаро ҳуқуқий асосини ишлаб чиқишига ёрдам бердилар. Мазкур саъй-ҳаракатлар туфайли эндилиқда бизнинг болалар меҳнатини тақиқлайдиган ва ҳукуматлар қабул қилишлари лозим бўлган аниқ чора-тадбирлар белгиланган бир неча халқаро шартномаларимиз бор. Кайсиdir мамлакат конвенцияни ратификация этиш билан БМТ органлари унинг тегишли мажбуриятларини бажаришини кузата бошлайди ва мажбуриятларни бузаётган мамлакатларни бунинг учун жавоб беришга чақиради. Кўпгина мамлакатларда енгил ва хавфли ишлар ўртасидаги меҳнат ёшидаги фарқ белгилаб қўйилган. Енгилроқ ишлар учун энг кичик ёш-12 ни, оғир ишлар учун эса 16 дан 18 ёшгача бўлган ёшни ташкил этади. Бутунжаҳон Мехнат ташкилотининг конвенциясида ҳам масалага шу тарзда ёндашилади. Конвенция енгил ишларга 12 ёки 13 ёшдан, оғир ишларга эса 18 ёшга тўлганидан сўнг рухсат беради. Бутунжаҳон Мехнат ташкилоти 15 ёшда мажбурий мактаб таълими тугашини ҳисобга олиб, меҳнат қилиш учун рухсат этиладиган энг кичик ёшни 15 деб белгилади. Ҳозирги пайдо бутун дунёда қанчалаб болалар меҳнат қилаётган бир пайтда бу-бирмунча кўп фойдаланадиган стандарт ҳисобланади.

1989 йили БМТ болаларни иқтисодий эксплуатациядан ва хавф-

ли ишлардан ҳимоялаш хуқуқларини белгилаб берадиган ва давлатларни 15 ёшга етмаганларни қуролли күчлар сафига чакирмасликка даъват этувчи Болалар хуқуқлар тўғрисидаги Конвенцияни қабул қилди. Инсон хуқуқларига ўхшаб кетадиган гендер tengлиги ва хотин-қизлар ролини ошириш муаммолари ҳам сиёсат, илмий тадқиқотлар, эълон қилинган дастурларни бажариш ёки ташкилотни ўзининг кадрлар сиёсати масалалари каби Ташкилот фаолиятининг барча жабҳаларида ўз аксини топади.

ЭКОСОС раҳбарлигида фаолият кўрсатадиган Хотин-қизлар аҳволи бўйича комиссия хотин-қизлар tengлиги борасида бутун дунёда эришилган тараққиёт ютуқларини таҳлил қиласи ва хотин-қизлар хуқуқлари борасида ёрдамлашиш учун сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда тавсиялар беради. Комиссия Хотин-қизлар муаммолари бўйича тўртингчлихалқаро Конференцияни, жумладан, 1995 йилда Пекинда бўлиб ўтган Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича тўртингчлихалқаро конференцияни тайёрладилар ва унинг якунида қабул қилинган Ҳаракат платформасининг ҳаётга татбиқ этилишини назорат қилмоқда. Бош Ассамблея томонидан қўллаб-кувватланган хотин-қизлар жинси туфайли камситиш ва уларга зўравонлик қилиш бартараф этиш тўғрисидаги конвенция мазкур Комиссия ва БМТ бошқа органлари хотин-қизлар аҳволини яхшилаш соҳасидаги ишларнинг якуни ҳисобланади. Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаментнинг Хотин-қизлар аҳволини яхшилаш бўлими ёрдамида Хотин-қизларни таҳқирлашга барҳам бериш кўмитаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларини бартараф этиш тўғрисида Концепцияси мониторингига қатъий амал қилинишини барқарор этди. Комитетнинг якуний хуносалари ва умумий тавсиялар хотин-қизлар иқтисодий ва ижтимоий хуқуқларини, уларнинг сиёсий ва фуқаролик хуқуқларини ва имкониятини таъминлаш воситаларини яхшироқ англаб этишга, бу хуқуқлардан хотин-қизларнинг ўзлари янада тўлиқроқ фойдаланишларига ёрдам берди. БМТ тизимида гендер тараққиёти масалаларини ҳал этиш борасида, глобал дастурларни илгари суриш ва катализатор ролини ўйнаш ишида Хотин-қизлар аҳволини яхшилаш бўлими олиб борган сайд-харакатларга кўшимча тарзда БМТ нинг барча аъзолари хотин-қизлар ва гендер муаммоларини ўз фаолиятлари доирасида ва ўзларининг

кўплаб дастурлари орқали ҳам кўриб чиқмоқдалар. Хотин-қизлар болаларни ҳимоя қилишдаги ЮНИСЕФ фаолиятида асосий роль ўйнайди. ЮНФПА ваколатининг муҳим қисми<sup>1</sup> хотин-қизлар саломатлиги ва уларнинг репродуктив хукуқлари билан боғлиқдир. БМТ тараққиёт дастури ЮНЕСКО Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури, Халқаро меҳнат ташкилоти ва бошқа муассасалар фаол гендер дастурлари ва вазифаларини ишлаб чиқадилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хотин-қизлар аҳволи борасидаги жамғармаси (ЮНИФЭМ)-ривожланаётган мамлакатларда хотин-қизларнинг сиёсий ва иқтисодий ролини оширишга кўмаклашадиган кўнгилли жамғармадир. ЮНИФЭМ асосан уч соҳа бўйича фаолият кўсатади: тадбиркор ва ишлаб чиқарувчи сифатида ишлашлари учун хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини ошириш; қарорлар қабул қилишда хотин-қизлар иштирокини оширувчи бошқарув ва раҳбарликка ёрдамлашиш; хотин-қизлар борасида инсон хукуклигига амал қилинишини таъминлаш.

ЮНИФЭМ юздан ортиқ мамлакатдаги ўн минглаб хотин-қизларга уларнинг ва оиласаларининг турмуш савиясини яхшилашга ёрдамлашади. У хотин-қизлар учун фойда келтирадиган ташаббускор лойиҳа дастурларни қўллаб-қувватлади; хотин-қизлар ташаббусларига бевосита техник ва молиявий ёрдам кўрсатади; хотин-қизлар бирлашмаларига уларнинг турли-туман дастурларини бажаришларида ютуқ ва омадсизликлар билан боғлиқ, нисбатан яхшироқ иш усуллари ва амалий сабоқлар тўғрисида ахборотлар тақдим этади. Шунингдек, Марказий Американинг олти мамлакатида Хотин-қизларнинг юридик хукуқлари тан олинишига эришиш учун ЮНИФЭМ адлия органларининг мансабдор шахслар, полиция амалдорлари ва судьялар билан бевосита хамкорликда фаолият юритади. 1976 йилда Бутунжаҳон Конференцияси тавсиясига биноан халқаро аёллар йили доирасида ташкил этилган Хотин-қизлар аҳволини яхшилаш бўйича халқаро ўқув ва илмий-тадқиқот институти хотин-қизлар ролини кенгайтириш; уларнинг фаолликларини ошириш ва тараққиётда teng хукуқли иштирокини таъминлаш; гендер муаммоларини англаб етишига кўмаклашиш; дунё миқёси-

<sup>1</sup> Ҳ.Муродов ва бошқалар. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти сафид. Т. 2000 йил, 19-бет.

да гендер тенглигига эришиш учун кенг тармоқ ташкил этиш учун сиёсий тадқиқотлар ва халқаро даражада ўкув дастурлари яратиш билан шуғулланади. Хотин-қизларнинг мавқеини яхшилаш бўйича халқаро ўкув ва илмий-тадқиқот институтининг фаолияти, асосан 1998-1999 йилларда бутун эътиборни сиёсий дастурлар тузишга, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ва аёл ишчи кучларининг вақтингчалик миграцияси муаммоларига жалб этувчи аниқ тадқиқот дастурлари ёрдамида хотин-қизларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги ролларини оширишга йўналтирилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти оиласга жамиятнинг асосий бирлиги сифатида қарагани туфайли болалар ва аёллар аҳволига алоҳида эътибор билан ёндашада. Оилалар турмуш тарзидаги ўзгаришлар юз берган бўлсада, дунёнинг ривожланаётган мамлакатларида ҳар йили қарийб 12 миллион бола кўпчилик ҳолларда олдини олиш мумкин бўлган касалликлардан ҳозиргача ҳалок бўлмоқдалар. Яна кўп миллионлаб болаларнинг соғлом ўсиб-унишлари учун қашшоқлик, ўқий олмаслик, камситишлар, қуролли тўқнашувлар натижасида олган жароҳатлари, эксплуатация ва бешафқат муносабатлар сабаб бўлмоқда. 1946 йилдан бошлиб БМТ нинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЭФ) болаларни тиббий ёрдам, озиқ-овқатлар, таълим, тоза сув ва етарли санитария шароити билан таъминлаш борасида 160 дан ортиқ мамлакатда ҳукуматлар, маҳаллий жамоалар ва бошқа хамкорлар билан фаолият кўрсатаётган етакчи ташкилот ҳисобланади.<sup>1</sup> БМТ нинг бутунлай болаларга бағищланган ягона тармоғи ҳисобланган ЮНИСЭФ Болалар ҳукуқлари Конвенцияси тўлиқ қўлланилишига кўмаклашиб, улар номидан иш кўради.

ЮНИСЭФ саъй-ҳаракатлари билан 1990 йилда БМТ бош қарроғида Болалар манфаатлари бўйича олий даражадаги халқаро учрашув чакирилди, унда 150 дан мамлакатларнинг бошликлари иштирок этдилар. Олий даражадаги учрушув ашёлар ўз мамлакатларининг ресурсларида «имтиёзли ҳукуқга» эга эканлигини тан олди. Дунё мамлакатлари ҳукуматлари болалар фаровонлигини ошириш борасида аниқ мақсадларни кўзлаган тадбирларни амалга ошириш ишини давом эттиришни кафолатлаб, олий даражадаги

---

<sup>1</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Асосий омиллар. Т. 2001 йил, 209 бет.

учрашув белгиланган вазифаларни ўзларининг сиёсий йўллари ва режаларига киритидилар. Ҳозирнинг ўзидаёқ сезиларли тараққиёт юз берди: бугун дунёда беш ёшгача бўлган болалар ўртасида ўлимнинг камайиши давом этмоқда, болаларнинг овқатланиши, уларга бошлангич таълим бериш ва катта ёшдагилар саводхонлигини ошириш борасида аҳвол яхшиланмоқда. Дунё мамлакатларида ўзини ва оиласини боқиш учун 250 миллион бола меҳнат қиласи, улар тинка-мадорини қуритадиган ва кўпинча хавфли фабрика ишларини бажарадилар, уйларга хизмат кўрсатишади, шахар кўчаларида тер тўқадилар ва ҳоказолар. ЮНИСЭФ алоҳида дастур асосида шундай болаларнинг билим олишларини таъминлашга, уларга маслаҳат ёрдами кўрсатишга ва парвариш қилишга кўмаклашади. У болаларни эксплуатация қилишга фаол қарши курашади, бундай ҳолларни улар ҳуқуқларини қўпол равишида бузиш деб ҳисоблайди ва оғир ҳамда хавфли болалар меҳнатига барҳам беришга ёрдамлашади.

Маълумотларга қараганда 15 ёшгача бўлган 3 миллионга яқин бола ОИТС касаллигини келтириб чиқарувчи вирусни юқтиргани маълумдир, бундан ҳам ортиқ сондаги болаларнинг ота-оналари ушбу касаллик курбони бўлдилар. ЮНИСЭФ мамлакатларнинг ҳукуматлари ва нодавлат ташкилотлар билан биргаликда ОИТС чораларини кўриш масалаларини кўтарммоқда, ота-оналари ОИТС қурбони бўлган болалар парваришига, улар ҳуқуқларини ҳимоялашга ва етим болаларга ёрдам дастурларига кўмаклашмоқда.

Халқаро иқтисодий ва ижтимоий тараққиётда, шунингдек халқаро тинчлик ҳамда жаҳон халқларининг хавфсизлигида марказий ролни ўйнайдиган шартномалар, одатдаги қонунлар, судлар қарорлари ва шунга мувофиқ бошқа манбалардан ташкил топади. БМТ раҳбарлигига ўтказилган музокаралар асосида тузилган шартномалар давлатлар ўртасидаги муносабатларни бошқариб борувчи қонунларга асос бўлиб хизмат қиласи. БМТ нинг бу соҳадаги ишлари қашшоқликка эътиборни тортмаётган бўлса ҳам, у бутун дунёдаги одамларнинг кундалик ҳаётига ўз таъсирини кўрсата олади. БМТ иқтисодий-сиёсий саъй ҳаракатларининг катта қисми инсоний фаолиятнинг барча ташвиш-тараддулари билан боғлиқ бўлган халқаро қонунлар, қоида ва меъёрларни ўрнатиш ёки узайтиришга бағишлилангандир. Унга инсон ҳуқуқлари, кочоқлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, одамлар билан, гиёҳванд моддалар билан

ноконуний савдо қилиш, халқаро савдо ва тараққиёт, транспорт ва алоқа, хотин-қизлар хукуқи, космик фазодан фойдаланиш, телекоммуникациялар, қуролсизланиш, халқаро терроризм ва атроф мухит мухофазаси бўйича меъёrlар киради.

1993 йили мамлакатимизда дунёning энг нуфузли халқаро ташкilotи-БМТ нинг ваколатхонаси очилди. Ўшандан бўён мустақил Ўзбекистон ушбу ташкилот ҳамда унинг хузурида фаолият юритувчи муассасалар билан самарали, БМТ нинг Тараққиёт дастури билан хамкорлигимиз алоҳида ўрин тутади. Тараққиёт дастурига 1965 йили асос солинган бўлиб, ҳозир у БМТ нинг ўттиздан ортиқ халқаро ва минтақавий муассасалари орқали бир юз элликдан ортиқ мамлакат билан аҳоли турмуш даражасини ошириш ва иқтисодий тараққиёт йўлида хамкорлик қиласи. Шу боис бу дастур қисқа даврда йирик халқаро тузилма мақомини олди. Тараққиёт дастури нинг фаолият кўлами жуда кенг. У қатор мамлакатларга мутахассис жўнатмоқда, кадрлар тайёрлаш, замонавий техника билан таъминлаш, тиббий заҳираларни ўрганиш, иқтисодий режалаштириш, лойиҳаларга сармоя жалб қилишни рағбатлантириш бўйича кўмак бермоқда. БМТ Тараққиёт дастури лойиҳаларни молиялаштириши хамкор мамлакатлар хукумати билан биргаликда амалга оширади. Айни пайтда дунё бўйича мазкур дастур кўмаги билан ҳаётга жорий қилинаётган лойиҳалар сони олти мингдан ошиб кетган.

Мамлакатимизнинг БМТ Тараққиёт дастури билан хамкорлик қила бошлаганига эндиғина ўн саккиз йилдан ошикроқ вақт ўтганига қарамай, бу муносабатлар Ўзбекистон тарихида алоҳида сахифа билан киради. Зеро, дастур доирасида мамлакатимизда кўплаб лойиҳалар амалга оширилди ва бу жараён изчил давом этмоқда. Тараққиёт дастури доирасида Ўзбекистонда маданият, спорт, таълим соҳаларида қатор лойиҳалар ҳаётга жорий қилинмоқда. Шуниси дикқатга сазоворки, дастур доирасидаги тадбирларнинг аксариятига ёшлар жалб этилмоқда. Масалан, 2002 йили БМТ ваколатхонаси ҳомийлигига мамлакатимизда тенис бўйича мусобақа ўюштирилди. Бу турнир «БМТ билан ғолиб бўл» номини олиб, халқаро мақомга эга бўлди.<sup>1</sup> Ёшлар хусусида гап кетганда, БМТ нинг мазкур дастур доирасидаги ОИТС кассалиги тарқалишининг олдини

---

<sup>1</sup> Ҳамкорликда тараққиёт сари. «Халқ сўзи» зазетаси. 2003 йил, 10 июнь.

олишга қаратилған тадбирларини айтиб ўтиш жоиздир. Бу тадбирлар ҳам давлат ва жамоатчилик ташкилотлари билан хамкорликда амалга оширилмоқда. Маълумотларга қараганда, МДҲ мамлакатларида ОИТС билан хасталаниш асосан, ёшларнинг гиёхванд моддалар истемол қилиши натижасида кўпаймоқда. Мазкур соҳа аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдек долзарб вазифани бажаришда БМТ Тараққиёт дастурининг ҳиссаси катта. Ушбу дастур билан мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш борасида ҳам самарали хамкорлик қилиб Тараққиёт дастур билан хамкорлиги мустақил Ватанимизнинг сайёрамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, оммавий қирғин қуроллари тарқалишига йўл кўймаслик, демократияни мустаҳкамлаш борасида БМТ амалга ошираётган ишларда фаол иштирок этаётганидан бир далолатдир.

Уюшган ҳалқаро жиноятчилик, гиёхванд моддаларни ноқонуний ташиш ва терроризм мамлакатлар ва бутун-бутун минтақалар тақдирини ўзгаришга қодир бўлган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий кучга айланмоқда. Кейинги вақтда пайдо бўлган кенг миқёсда мансабдор шахсларга пора бериш, «Ҳалқаро жиноятчилик» нинг ўсиши, шунингдек пул ўмариш бўйича ҳалқаро опрециялар, мирантларни яширинча ташиш ва заҳарли чиқиндиларнинг ноқонуний ташилиши гиёхванд моддаларни ва бошқа хил «товарлар»ни ноқонуний ишлаб чиқариш каби ҳаракатлар пайдо бўлди. Кичик ва йирик ҳамжамиятларни кўркитиш учун террордан фойдаланиш, иқтисодий тараққиётни собатаж қилиш ҳам ҳавф-хатар сифатида қаралади. Улар билан самарали курашиш учун ҳалқаро хамкорлик зарур. Бундай ҳавф-хатар билан юзма-юз келганда фуқароларни одатдагидек бошқариш, ижтимоий тенглик ва ҳақиқат учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Миллий чегараларни писанд қилмаётган бу каби ҳолатларга қарши курашга саъй-ҳаракатларни кучайтиришга ўз иштирокини янада кенгайтирмоқда.

Гиёхвандлик ва уюшган жиноятчилик бир-бири билан кўпинча бирикib кетгани учун БМТ нинг унга қарши ишлари 1997 йилда мустаҳкамланди. Бош қароргоҳ Венада жойлашган БМТ нинг Гиёхванд моддалар устидан назорат ўрнатиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ягона ижрочи директор томонидан бошқарилади. Бошқарма гиёхванд моддалар савдоси, уюшган жино-

ятчилик, халқаро терроризм ва Баш котиб жамиятдаги «фукаро-ликка қарши» унсурлар деб атаган бундай ҳолатлар билан глобал миқёсда кураш олиб бориш учун астойдил ҳаракат қылмокқа. Бошқарма Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёхванд воситалар устидан назорат бўйича халқаро дастур (ЮНДКП)ни ва Бутун жаҳонда жинояччиликни бартараф этиш маркази ҳаракатларини ўз ичига олади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти гиёхванд моддалар устидан қатъий назорат олиб боради. Ноқонуний гиёхванд моддалар савдо-си ҳисоб-китобларига кўра ҳар йилига 400 миллиард доллар миқдорида умумий даромад келтиради. Бу бутун дунё савдосининг 8%ни ташкил этиб, жаҳон металлургия ёки автомобил саноати оборотидан кўра кўпроқdir. Бутун дунёда 200 миллиондан кўпроқ киши гиёхванд моддалар қабул қиласи ва унинг билан курашга саноати ривожланган мамлакатларнинг ўзига йилига 120 миллиард доллар сарфланмоқда.<sup>1</sup> Мазкур кураш доирасида гиёхвандликка қарши қонунларни қўллаш уларни таъкиб этиш, камоқхоналарда саклаш ва гиёхвандликни бартараф этиш кабилар киради.

Биринчи Президент И.А.Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси номидан илгари сурилган дастлабки халқаро ташабbusлар ички сиёсатнинг давоми бўлиб, унда ислоҳотларимизнинг қуидаги принциплари мустаҳкамланган:

Биринчидан, иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, ички ва ташқи иқтисодиёт муносабатларини мафкурадан ҳоли қилиш;

Иккинчидан, давлат ўтиш даврида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришларнинг бош ислоҳотчиси;

Учинчидан, қонунийлик, қонуннинг устуворлиги;

Тўртинчидан, кучли ижтимоий сиёсий ўтказиш;

Бешинчидан, Бозор муносабатларига босқичма-босқич, яъни эволюцион йўл билан ўтиш.

Ташқи сиёсатда Ўзбекистон минтақавий низомларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор бермоқда. Шу муносабат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг 52-моддасига асосланиб, Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик тизимини яратиш таклиф қилиндики, «бундай тизим можоролар ва урушлар

юзага келгандар тинчликни сақлаш ва қайта тиклаш борасидаги чора-тадбирларни, жумладан, тинчликни ва чегараларнинг яхлитлигини бузмоқчи бўлганларга қарши дипломатик, молиявий, иқтисодий ҳамда бошқа тусдаги коллектив жазо чораларини кўзда тутиш, ушбу минтақада барқарорлик ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш бўйича БМТ учун тавсияномалар ишлаб чиқиши мумкин бўлур эди».<sup>1</sup>

1994 йил 8 февралда Россия билан Ўзбекистон Ташқи ишлар ишлар вазирлиги даражасида қабул қилинган Афғонистон бўйича Кўшма Баёнотда биргаликда ҳаракат қилиш, минтақавий низомлар ва бошқа муаммоларни ҳал қилишга келишиб олинганилиги маълум қилинди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 1996 йил 23 октябрдаги Баёнотида Ҳарбий ҳаракатларни дарҳол тўхтатиш, муаммоларни барча сиёсий, минтақавий, диний ва этник гурухлар иштирокида тинч мулоқат олиб бориб, фақат сиёсий воситалар билан ҳал қилиш, музокара жараёнини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбарлигига Ислом Конференцияси ташкилоти иштирокида амалга ошириш, Афғонистоннинг ҳудудий яхлитлигини тъминлаш, Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, низо минтақасига қурол-яроғлар етказиб беришга эмбарго жорий қилиш зарурлиги такидлаб ўтилади.

Биринчи Президент И.А.Каримов ташаббусларидаги мутлақо янги яна бир жихат Афғонистонга қурол-яроғ келтиришга эмбарго жорий қилиш мувалифлар сонини кўпайтиришдир. Ўзбекистоннинг ҳалқаро майдонда кўраётган конструктив тадбирлари ижобий баҳоланмоқда. Масалан, БМТ Бош Котиби Кофи Аннан ўзининг Биринчи Президент И.А.Каримовга йўллаган мактубида бундай деб ёза-ди; «Мен ҳукуматингизнинг Афғонистон ва Тожикистонда тинчлик ўрнатишга доир ҳаракатларини юқори баҳолайман. Тинчлик ўрнатиш ишида, Марказий Осиё ва бутун дунё ҳалқлари ўртасида ўзаро ҳамжамиятликни мустаҳкамлаш, шунингдек, Ташкилотимизни ку-чайтириш ишида бундан бўён ҳам мустаҳкам ва амалий ҳамкорлигимиз давом этишига умид қиласиз».<sup>2</sup> Ўзбекистоннинг ҳалқаро ташаббусларини ҳалқаро-хукукий бошқарув ҳажми бўйича ҳам фарқ

<sup>1</sup> Р.Ҳакимов. Ўзбекисон ва БМТ. Т. Ғ.Фулом нашр. 2001 йил, 40-41 бетлар.

<sup>2</sup> «Халқ сўзи» газетаси. 1997 йил, 19 феврал.

қилмоқ керак. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг асосий мақсади бўлмиш халқаро тинчлик ва халқларнинг тинчликни мустаҳкамлаш ва қўриқлаш манфаатлари Республикасининг кўпдан-кўп халқаро шартномалари ва ҳужжатларининг объектини ташкил қиласди.

ЭКО иштирокчилари бўйича давлатлар хавфсизлигига таҳдид solaётган норкобизнесга қарши қурашиш каби глобал муаммо ҳам четда қолмаётир. Шу муносабат билан Ўзбекистон наркотик моддалар ишлаб чиқариш, ташиш ва истеъмол қилишга қарши қурашнинг минтақавий дастурини ишлаб чиқишга таклиф қилди. Бу дастурнинг асосий қисмини, И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Саломатлик соҳасидаги хамкорлик ташкил этиш мумкин. Бу ерда мисол қилиб она ва бола саломатлигини яхшилаш, юкумли касалликларга қарши қураш, соғлиқни сақлаш миллий тизимини замонавий дори дармонлар ва ускуналар билан таъминлаш масалаларини келтириш мумкин».

ЕХХТ доирасида илгари сурилган ташаббуслар ҳам долзарб масалалардир. Биринчи Президент И.А.Каримов Истамбул саммитида янги хавфсизлик хартияси мухокама қилинаётганда сўзга чиқиб, куйидаги масалаларга эътиборни қаратган эди: ЕХХТ минтақаларда, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасида Хавфсизлик тизимини шакллантиришда кўпроқ фаол бўлмоғи керак. Бунда ЕХХТ майсул бўлган минтақаларда баркарорлик ва тинчликни бузиши мумкин бўлган ташки таҳдиднинг олдини олиш ва уни зарарсизлантиришга алоҳида эътибор бермоқ керак. ЕХХТ ва унинг тузилмалари инсоний стандартларни доимий яхшилаб боришга катта эътибор бермоқдаки, бунинг, айниқса, нисбатан яқинда демократик янгиланиш йўлига кирган янги мустакил давлатлар учун зарурлиги ва фавқулодда мухимлигига шак-шубҳа йўқдир. Шу билан бирга бу ташкилотнинг мухим аҳамиятини ҳисобга олиб, халқаро мажоролардан огохлантириб туриши ва уларнинг олдини олиши лозим бўлган халқаро ташкилот сифатида- ЕХХТ нинг функциясини аниқ белгилаб қўйиш, шунингдек, иқтисодий ва экологик ўлчамлар соҳасидаги ролини кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз. АҚШнинг ЕХХТ доирасида тезкор фуқаро корпуси (REACT) тизими тўғрисидаги ташаббуси-бу вазифаларнинг амалга ошишига хизмат қилиши мумкин.

Биз терроризмга қарши халқаро марказ тузиш масаласини қатъ-

ий қилиб қўйишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Унинг асосий вазифаси нафақат терроризмнинг кўринишларига қарши, балки биринчи навбатда, халқаро терроризмни молиялаб, қўллаб-куватлаб, таъминлаб ва йўлга солиб турган манбаларга ҳам қарши кураш бўйича қабул қилинадиган қарорларни сўзсиз бажаришга оид фаолиятни мувофиқлаштириб туришдан иборат бўлмоғи лозим. Ўзбекистон Республикасининг юқорида келтирилган халқаро ҳуқуқий ташаббуслари, биз кўрдикки, жаҳон ҳамжамияти олдида турган минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Улар энг аввало инсонининг асосий принциплари томонларнинг тенглиги, ички ишларга аралашмаслик, давлатларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий масалалар соҳасида ҳам икки томонлама ҳамда кўп томонлама ҳамкорлигидир. Ўзбекистоннинг халқаро ташаббусларининг БМТ, ЕХХТ, ЭКО каби ва бошқа обрўли ташкилотлар, шунингдек, кўргина давлатлар томонидан маъқулланиши ва қўллаб-куватланиши бунинг далилидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг вазифаси ҳам кўп жиҳатдан уруш ва тинчлик билан боғлиқдир-бу инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва давлатлар ҳамкорлигини прогрессив ривожлантиришdir. Ҳозирги урушлар харобалик келтиради ва давлатларнинг тенг ҳуқуқли ва суверен халқаро ҳамкорлигини издан чиқаради, бу эса, ўз навбатида, тинчлик ва хавфсизликни саклаш ишида давлатларнинг ҳамкорлик қилиш учун куч-гайратни бирлаштиришга олиб келади. Давлатларнинг шундай ҳамкорликлардан бири-Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзолари иштирокида 2000 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган учрашуви-«Мингийиллик саммит»dir. Бу саммитда турли-туман муаммолар ва давлатларнинг тинч халқаро ҳамкорлиги масалалари ўртага қўйилди, унда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов нутқ сўзлади. У, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташаббусларини ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаол иштирокида ривожланиш истиқболларини белгилаб берди.

Биринчидан, давлат бошлиги таъкидлаганидек Ўзбекистон хавфсизликнинг бўлинмаслиги принципини БМТ фаолиятининг асосий принципларидан бири сифатида тамомила қўллаб-куватлайди. БМТ нинг таъкидлашича минтақалар хавфсизлигига эришмай туриб умумий, ялпи хавфсизликнинг бўлиши мумкин эмас.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида халқаро терроризмга қарши кураш бўйича халқро марказ тузиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаш керак.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё минтақаси доирасидан чиқиб кетган Орол денгизи ҳавзаси муаммосининг тезроқ ҳал этилиши учун ҳаракат қиласи.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ўзларининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида уюшган жиноятчилик, гиёхванд моддалар билан савдо қилиш, яширинча қурол сотиш ва бошқаларга алоҳида тўхталиб шундай деган эдилар. Жиноятчиликдек мураккаб ҳодисани таҳлил қилас эканмиз, ушбу муаммонинг бошқа томонини ҳам назарда тутмоғимиз керак. Бу муаммонинг мазмунини битта жумла билан ифодалаш мумкин-жиноятчилар дунёси чегара билмайди. Енгил йўл билан жуда катта бойлик орттириш шарпаси турли мамлакатлардаги жиноятчи унсурларнинг бирлашишига, халқаро жиноий ҳамжамиятлар пайдо бўлишига олиб келишини кўрсатувчи мисоллар бутун дунё амалиётида етарли.

Наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш. Ушбу жиноий бизнес яратиб берадиган жуда катта бойлик орттириш имкониятлар унинг иштирокчиларини халқаро ҳукуқ нормалари билан ҳам, миллий қонунлар мажмуи билан ҳам, айниқса, «Оқажал»нинг ҳалокатли оқибатлари билан ҳам ҳисоблашмай, ҳамма ишни қилишга мажбур этмоқда. Яширинча қурол сотиш. Бу «бизнес» ҳам минтақавий можаролар ва маҳаллий урушларнинг тўс-тў-полонидан фойдаланиб қолувчиларга катта даромад келтирмоқда. Бундай корхоналар учун қуролли қарама-қаршиликни давом эттириш ва кескинликни сақлаб туриш қурол-яроғларнинг яширин бозорини кенгайтириш учун энг яхши шарт-шароит эканлигини яна бир бор таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак.

Яширинча қурол сотиш халқаро терроризм деб аталмиш жиноий ҳодиса билан бирга юради, баъзан эса уни келтириб ҳам чиқаради. Ўзгалар қонини тўкиш ҳисобига мўмай даромад олишни истовчилар батамом йўқ бўлиб кетадиган замонлар келишига ҳали анча борга ўхшайди. Бу тоифага кирувчи «бизнесчилар» учун кон ва нопок сиёsat қоришган пул дунёning турли бурчакларида халқаро

қотилларни ёллаб ва синааб кўриш мумкин бўладиган можароларни рағбатлантириш борасида энг қулай восита эканлигини гапирмаса ҳам бўлади. Шундай қилиб жиноятчилик, коррупция бизнинг ўз хавфсизлигимизга ҳам халқаро хавфсизликка ҳам таҳдид солувчи реал манбадир.

Ҳозирги пайтда БМТ раҳбарлигига тузилган қатор шартномалар, битимларда ҳукуматларнинг гиёҳванд ва беҳуш қилувчи моддалар ишлаб чиқарилиши ва уларнинг тарқатилишини назорат қилишни амалга оширишлари, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш олиб бориши зарур бўлган маъмурий аппарат ташкил этиш ва халқаро органларни бу борадаги ишлари тўғрисида хабардор қилиб туришдан иборат талаб мужассамдир.

Ҳукуматлараро Жиноятчиликдан огоҳлантириш ва жиноятни одил судлов комиссияси Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг фалият кўрсатадиган органи сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятини мустаҳкамлаш мақсадида 1992 йилда тузилган эди. Комиссия таркибида 40 аъзо давлат бўлиб, улар ҳар йили ўз сессиясини ўтказадилар. Комиссия тавсиясига биноан 1994 йилда Неаполда (Италия) вазирлар даражасида Халқаро уюшган жиноятчилик бўйича трансмиллий конференция чақирилди. Комиссия ваколатини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жиноятчиликдан огоҳлантириш бўйича халқаро маркази амалга оширади. Марказ куйидаги аниқ вазифаларни ҳал қиласди:

- Ривожланаётган ва иқтисодий ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатларга, айниқса жиноий судлов иши тизими соҳасида техник ёрдам кўрсатади ва маслаҳатлар беради.

- Трансмиллий жиноятчиликка қарши кураш ва ноқонуний пул оқими бўйича халқаро келишувга эришишга ёрдамлашади.

- БМТ ниний ҳукуқ жабхаларидағи сиёсатини рўёбга чиқариш ва унинг бу борадаги ваколатларини бажаришда хамкорлик қилиш вазифаларини зиммасига олган халқаро ва минтақавий криминалогия институтлари тармоқлари ишларини мувофиқлаштиради.

- Бутунжаҳон Интернет тармоғи ва жиноятчиликка қарши кураш ва одил судлов бўйича ўз Ахборот тизими орқали энг янги статистик маълумотлар ва ахборотлар тарқатади. 1968 йилда ташкил этилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноятчилик ва одил судлов масалалари бўйича минтақалараро илмий-тадқиқот институти

(ЮННКРН) жиноятчиликдан фаол огоҳлантириш ва қонунбузарлар билан муомала қилиш соҳасида амалий таҳдил билан шуғулланади.

Шундай қилиб, БМТнинг халқаро ташабbus ва шартномаларга нисбатан тутган позицияси умуминсоний қадриятларга ва ижтимоий тараққиёт ҳодисаларига ёндашувга асосланган ва инсоният тараққиётининг ҳозирги қоунуниятларини тӯла ҳисобга олади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ижтимоий тизимда тафовутлардан ва қаерда жойлашганилигидан қатъи назар барча давлатларнинг суверен ва тенг ҳуқуқли бўлиб яшашлари учун курашади.

## **2. БМТ фаолиятида тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари («Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»).**

БМТ нинг тараққиёт ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги роли фаолият кўлами ўсмоқда ва кенгайиб бормоқда, аммо унинг асосий мандати ўзгаришсиз қолмоқда: инсон қадр - қиммати БМТ нинг бошқаришдаги ташкилий элементлари, яъни унинг номидаги Низомда ёзилган «халқлар» қандай бўлишидан қатъий назар, улар албатта ҳамманинг ҳурмат эътиборида туриши кераклигига бутун дунёни ишонтириш. Халқаро ташкилот бўлган БМТ ўз ишларини бир неча йўналишлар бўйича ташкил этмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти глобал виждан ўчоғи сифатида миллат учун мақбул аҳлоқнинг таянч стандартларини яратиш борасида илк қадамларини қўяди ва бу стандартларни таъсирчанлигига путур етказадиган инсон ҳуқуқларига амал қиласлик ҳолларига халқаро ҳамжамият эътиборини тортади. Универсиаллик-бу Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқлари бўйича декларациялар ва конвенцияларнинг асосий тавсифидир.

БМТ қонун чиқарувчи сифатида халқаро қонунларнинг нодир кодификацияларини яратди. Аёллар, болалар, қўлга олингандар, хибсдагилар ва руҳий хаста кишилар ҳуқуқларини ҳимоя қиласидиган қонунлар, улар билан тенг кучли геноцид, ирқий камситиш ва қийноқларни таъкидайдиган қонунлар мазкур тизимнинг асосий қисмини ташкил этади, уларнинг қонунлари марказида, шубҳасиз, давлатлар ўртасидаги мулоқат туради. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кузатувчи сифатида инсон ҳуқуқлари мавҳум тушунча

сингари қабул этилмаслиги, балки амалиётида қўлланилиши учун бош ролни ўйнайди. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро битимлар ҳам давлатлар ўз мажбуриятларини қандай бажа-раётганликларини халқаро органлар томонидан кувзатиш имкони-ни берадиган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари сингари энг биринчи шартномалар қаторида жой олди.

Қонуний базани такомиллаштириш ва уни амалиётда қўл-лаш учун бебаҳо бўлиб кўринган БМТ томонидан тўпланган ин-сон ҳуқуқларини ҳимоя этиш муаммолари бўйича ахборотларни тадқиқотчиси сифатида ҳаракат қиласди. Масалан, 80 мамлакатда ўтказилган давлатшунослик тадқиқотлари халқлар ҳуқуқларини ҳимоя этиш бўйича қонун лойиҳаси учун асос яратиш имкони-ни беради. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссар Бошқармаси БМТ нинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш муаммолари билан шуғулланадиган бўлимлар учун худди шундай маълумотномалар ва маърузалар тайёрлайди. Бундай маърузаларда инсон ҳуқуқлари ҳурмат-эътиборини оширадиган йўллар, амалий чора-тадбирлар ва янги институтлар тавсия этилади. Инсон ҳуқуқлари бўйича ко-миссия белгиланган расмий тадбирга мувофиқ Комиссиянинг ўзи, унинг камситишларни бартараф этиш бўйича ва кичик гурухларни муҳофаза қилиш бўйича кичик комиссиялари ва уларнинг ишчи гурухлари ҳар йили ноҳукумат ташкилотлари ва алоҳида шахслар томонидан юбориладиган кўп сонли шикоятларни эшитадилар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия - фактларни холис ва беға-раз тадқиқ этувчи сифатида баъзи мамлакатларда турли хил кирди-корлик ва жиноявлар содир этилганда рўй берган ҳолат тўғрисида кузатув ва ахборот бериш механизмини яратади. Инсонпарварлик муаммолари, сиёсий мураккаб, баъзида, хатарли ҳисобланган маз-кур механизмга маҳсус маъruzachi – вакиллар ёки ишчи гурухлар кўшилади. Улар маълумотлар тўплайдилар, маҳаллий гурухлар ва ҳокимиятлар билан алока ўрнатади, ҳукуматнинг ижозати орқали ҳусусий шахслар билан учрашувлар ўтказадиган ва инсон ҳуқуқла-рига ҳурмат – эътиборни қандай ошириш кераклиги тўғрисида ўзи-нинг тавсияларини тақдим этади.

Турли мамлакатлардаги маҳсус – вакиллар Афғонистонда, Кубада, Конго Демократик Республикасида, Экваториан Гвинеяда, Эронда, Ирекда босиб олинган араб ҳудудларида, Мянмада, Судан-

да, Собиқ Югаславияда, Руанда ва Бурундида рўй бераётган воқеалар тўғрисида ҳисобот берадилар.<sup>1</sup> Бундан ташқари Бош котиб Бугенвил оролларида Кипрда, Тимор оролининг Шарқий қисмида, жанубий Ливанда, Беко водийсининг Фарбий қисмида, Тогода, Фаластиннинг босиб олинган қисмида, босиб олинган араб худудларида, босиб олинган Сурдия ва Жолан тепаликларида, шунингдек, Чеченистанда ишларнинг ҳолати тўғрисида маъруза тақдим этиш топширигини бериши мумкин.

БМТ нинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятининг энг жадал ривожланаётган йўналишларидан бири – ҳукуматлар илтимосига биноан тақдим этиладиган ва инсон ҳуқуқларига амал қилишни ва уни ҳимоя этишни таъминлайдиган ёрдам дастури ҳисобланади. Муайян мамлакатларда регионал ва халқаро даражада техник хамкорлик лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бундай дастур ўз доирасида ҳарбий кучлар учун кадрлар ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг мансабдор шахслари, суд аъзолари, адвокатлар, суд ижрочилар ва бошқа ходимларни тайёрлашни ҳам киритади. Шунингдек дастур халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка қўллаш бўйича маслаҳат ёрдами кўрсатишни ҳам кўзда тутади. Маслаҳат ёрдами ва ишларга қўмаклашишни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий дастурлар доирасида ва қонуний сайлаш ҳуқуқи ҳамда сайловлар ўтказиш нуқтаи назаридан амалга ошириди.

Техник хамкорлик дастурининг асосий вазифаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий институтларини тузиш ва мустаҳкамлашни қўллаб-қувватлашдан иборат. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар Бошқармаси бундай институтларни тузган давлатларни қўллаб-қувватлайди, уларнинг фаолияти самарали бўлиши учун маслаҳат ёрдам кўрсатади ва турли миллий институтлар ўртасида хамкорликнинг йўлга қўйилишига қўмаклашади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар Бошқармасининг бўлимлари ташкил этилиши ва жойларда акциялар ўтказилиши БМТ нинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича дустурда, нисбатан олганда, янгилик бўлди. БМТ ходимлари жойларда кўплаб турли-туман вазифа-

---

<sup>1</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Асосий омиллар. Т. 2001 йил 262-265 бетлар.

ларни бажармоқда: тезкор маслаҳат ёрдами кўрсатмоқда, кадрлар тайёрлаш ишларини амалга ошироқда ва хукумат қонунчиликда ислоҳатлар ўтказиш ҳамда инсон хуқуқларини химоя қилиш бўйича миллий тизимларнинг ролини кучайтириши каби масалаларга ёрдам бермоқда. Бу ҳолларда ходимларга инсон хуқуқларига амал қилишни назорат этиш ваколати берилади ёки улар мазкур ишларни ноҳукумат ташкилот вакили билан биргаликда бажаради. Масалан, 1998 йилда Инсон хуқуқлари бўйича Олий комиссар Бошқармаси-нинг Бурунди, Камбоджа, Конго демократик Республикаси, собиқ Югославия, Фаластииннинг Фазо миңтақаси, Грузия (Абхаря), Мала-ви, Монголия ва Руандада ўз вакиллари бор эди.

Инсон хуқуқлари умумий декларациясининг йигирма йиллиги Халқаро инсон хуқуқлари йили деб эълон қилинган 1968 йилда нишонланди. Ўша йилнинг энг асосий воқеаси Эроннинг Техрон шахрида бўлиб ўтган инсон хуқуқлари бўйича Халқаро конференция бўлди. Бу – хукуматларнинг факат ягона мавзуга бағищланган биринчи бутун жаҳон конференцияси эди. Инсон хуқуқлари бўйича бутун жаҳон конференцияси (Вена, 1993) биринчи бўлиб Техронда ўтган анжумандан буён инсон хуқуқларини химоя этиш борасида амалга оширилган ишларга якун ясади. Дунёнинг кўпгина худудла-рида инсон хуқуқлари химояси ва унга амал қилиш хавф-хатар гир-добида қолган дамларда Декларациянинг универсиаллиги ва инсон хуқуқлари муаммосининг марказий роли яна бир бор тасдиқланди. Мисли кўрилмаган сондаги хукуматлар делегациялари ва инсон хуқуқлари бўйича ноҳукумат ташкилотларининг вакиллари ишти-рок этган Конференция 1948 йилда Инсон хуқуқлари бўйича декла-рация қабул қилишга эришилган дамлардан бошлаб бирмунча та-раққиёт кўзга ташланганинги таъкидлади, у мавжуд тўсиқларни аниқлади ва уларни йўқотиш йўлларини белгилаб берди.

Конференция аъзо давлатлар, инсон хуқуқлари бўйича ноҳуку-мат ташкилотлари ва бошқа тизимларнинг мавжуд инсон хуқуқла-ри бўйича қонунлар мужмуаси БМТ ёрдамида тадбиқ этилишини талаб қилишга аъзо мамлакатларнинг ишончи мустаҳкамланаётга-нини намойиш этди. Бутун жаҳон конференциясида қабул этилган Вена декларациясида «Инсон хуқуқлари – халқаро ҳамжамиятнинг қонуний ташвишига айланди» деб таъкидланади. Кейинроқ Вена декларацияси «демократия, тараққиёт, инсон хуқуқларини хурмат-

лаш ва асосий озодлик бир – бирини тўлдиради ва яқиндан ўзаро алоқада бўлади» дея эълон қилди. Коференция Декларациянинг миллий мустақиллик, унинг универсаллиги, ноҳукумат ташкилотларнинг роли ва таъсирчанлик, одиллик ҳамда инсон хукуқларини таъминлайдиган янги ёки давр имтиҳонларидан ўтган, синалган механизмларнинг яшовчанлиги каби кўпгина қоидаларига нисбатан кескинлик мавжудлигини аниқлади. Конференцияда 171 мамлакат бир овоздан қабул қилинган Вена декларацияси ва ҳаракат дастури инсон хукуқларига амал қилиш ва инсон хукуқларини ҳимоя этиши ишида янги тарихий қадамлар ташланганлиги таъкидланди. Бу ҳақда қуйидагилар асосида баҳо бериш мумкин:

- 1.Инсонларнинг барча хукуqlари умумийлиги, муштарақлиги, ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро боғлиқлиги эълон қилинди;
- 2.Шахснинг ривожланиш хуқуқи ва инсон хукуqlари билан тараккиёт ўртасида узвий алоқа мавжудлиги яна тасдиқланди;
- 3.Инсон хукуqlари тўғрисидаги шартномани умумий ратификация қилиш жараёни тезлиши;
- 4.БМТ нинг инсон хукуqlарига амал қилиш бўйича фаолияти учун ажратилган ресурсларни кўпайтириш ҳакидаги илтимос билан мурожаат этиш таклиф қилинди;
- 5.Жаҳон туб ҳалқлар ўн йиллиги ва инсон хукуqlари борасида таълим олиш ўн йиллигини эълон қилишни сўраб Бosh Assambleяга мурожаат этиш тавсия қилинди, бу мурожаат кейинги ойларда адо этилди.<sup>11</sup>

БМТ томонидан катта саъии – ҳаракатлар сарфланаётган яна бир муҳим соҳа бор, у ҳам бўлса меҳнат хукуқини белгилаб олиш ва ҳимоя этишдир. Таркибига хукуматларнинг вакиллари, иш берувчилар ва меҳнаткашлар кирадиган Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий органларидан бири бўлган уч томонлама Халқаро меҳнат конференцияси тегишли конвенция ва тавсияномаларни ишлаб чиқиш йўли билан халқаро стандартларни белгилади.

Мазкур конвенцияда аъзо мамлакатлар томонидан улар ратификация қилингандан сўнг қабул этилган сулҳни ҳаётга тадбиқ қилиш имконини берадиган мажбуриятлар бир бутун ҳолда тўплан-

---

<sup>1</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилоти . асосий омиллар. Т. 2001 йил 266-167 бетлар.

ган. Тавсиялар сиёсатда қонунчиликни ишлаб чиқиша да амалий фаолиятта фойдаланиш мүмкін бўлган раҳбарлик тамойилларини ҳам ўзида намоён этади. Қатор йиллар мобайнида аъзо давлатлар ҳукуматлари ҳамда иш берувчилар ва меҳнаткашлар ташкилотлари меҳнат фаолиятни барча соҳалари бўйича халқаро нормалар тизимларини яратдилар. Ҳаммаси бўлиб 181 Конвенция ва 188 тавсиялар қабул қилинган эди. Уларнинг кўпчилиги меҳнат жараёни ва бошқа соҳаларда инсонлар асосий ҳукуқларини жойларида ҳимоя этиш, масалан, аёллар, болалар ва ногиронлар каби алоҳида тоифадаги кишиларни ишга жойлаштириш имконини берадиган маъмурият билан ўзаро алоқа, ишлаб чиқариш мулоқати, бандлик сиёсати, меҳнат шароити, ижтимоий таъминот, техника хавфсизлиги ва саломатликни муҳофаза қилиш каби масалаларга таалуклидир. Барча конвенциялар қоидаларини қонунчиликда ва амалиётда қўллаш имконини берадиган халқаро меҳнат ташкилоти томонидан тузилган шартномани бажариш усусларининг холисона баҳосига ва халқаро меҳнат ташкилоти уч томонли тизимининг амалга оширган – ҳолат таҳлилига асосланади. Ассоциацияда сўзга чиқиш ҳукуқини бузганик борасидаги имкониятни кўриб чиқиш каби маҳсус жараён мавжуд. Халқаро меҳнат ташкилоти қуидаги каби тарихий конвенцияларни ишлаб чиқиша да иштирок этди.

- Мажбурий меҳнат тўғрисида (1930) – зўрлаб ишлатишнинг барча шаклларини таъқиқлашни талаб этади.

- Ассоциация эркинлиги ва ташкилотлар ҳукуқини ҳимоя этиш тўғрисида (1984)- ишчи ва хизматчиларнинг ташкилот тузиш ва уларда илгаридан рухсат олмасдан сўзга чиқиш ҳукукларини барқарор этади. Шунингдек, мазкур ташкилотлар эркин фаолиятини кафолатлади.

- Жамоа шартномаларини ташкил этиш ва тузиш ҳукуки тўғрисида (1949) касаба уюшмаларида иштирок этганлик учун камситишлардан ҳимоя этади, ишчилар ва тадбиркорлар ташкилотларини ҳимоя этади ва маъмурият билан жамоа шартномалари тузишга ёрдамлашади.

- Тенг тақдирлаш тўғрисида (1951) – тенг бажарилган меҳнат учун тенг тўлов ва манфаатдорлик учун курашади.

- Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисида (1958) – меҳнаткашларга тенг имкониятлар ҳозирлаш ва иш жой-

ларига мурожаат этишни таъминловчи миллий сиёсатни барқарор этишга чақиради, ходимларни ирқий белгилари, терисининг ранги, жинси, диний ва сиёсий маслаги, ижтимоий келиб чиқиши бўйича камситишни таъкиқлайди.

- Энг кичик ёш тўғрисида (1973) – болалар меҳнатини таъкиқлашга йўналтирилган ва ишчининг энг кичик ёши мажбурий таълимни тугаллаган бола ёшидан кичик бўлмаслигини белгилаб беради.<sup>11</sup> Бу конвенцияларга қўшимча равишда Бош Ассамблея ишчи мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш бўйича қатор тадбирларни қабул этди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида БМТ жуда катта ишларни амалга ошираётганига қарамасдан кўпгина жойларда бундай ҳуқуқларнинг бузилиш ҳоллари қўпаймоқда. 1998 йилда Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясининг эллик йиллиги нишонланди, аммо бутун жаҳон бўйича берилаётган янгиликлар ичida инсон ҳуқуқларининг бузилиш ҳоллари салмоғи яққол кўзга ташланиб турибди. Келаётган ахборотлар оқимининг бир қисмини, хеч муబоғасиз, инсон ҳуқуқларини идрок этишнинг ўсиш ва болаларга нисбатан жиноят, аёллар ва зўравонлик ва шу кун нуктаи назардан олганда бадкорлик каби муҳим соҳаларни босқичма-босқич тадқиқ этиш деб тушуниш мумкин. Инсон ҳуқуқларига амал қилиш ва уни ҳимоя этиш тадбирлари, шубҳасиз, ҳар қачонгидан ҳам бирмунча қатъий ҳолатга келди ва улар ижтимоий адолат, иқтисодий тараққиёт ва демократия учун кураш билан узвий боғлиқдир. БМТ фаолиятини ислоҳ қилиш бўйича дастурда бош котиб Кофи Аннан – инсон ҳуқуқлари БМТ кўп киррали барча фаолият моҳиятига сингиб кетган асосий мавзу бўлишини, уни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш эса БМТ сиёсатини ва унинг дастурий мақсадларини белгилашда бош ролни ўйнашини таъкидлади. Инсон ҳуқуқлари бўйича янги Олий комиссарнинг тайинланиши ва унинг муассасалари ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга, ЮНЕСЕФ, ЮНЕСКО, БМТ Тараққиёт дастури, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўнгиллилар дастури ва БМТ нинг қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар Бошқармаси каби шериклар фаолиятини координация-

---

<sup>11</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилоти .Асосий омиллар. Т. 2001 йил 268-269 бетлар.

лашга йўналтирилган, шунингдек, унинг бошқа қадамлари эса инсон ҳуқуқларига амал қилиш учун курашда БМТ обрў-эътиборини кўтаришга мўлжалланган аниқ сайд-ҳаракат мажмуаси ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойили шаклланиши бевосита БМТ Уставининг қабул қилиниши билан боғлиқ. Уставнинг 55-моддаси муҳим аҳамиятга эга. Унга мувофиқ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти-биринчидан,-аҳолининг яшаш даражаси юксалишига, тўлиқ бандлигига, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш шарт-шароитларига; икнинчидан, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишга ва риоя этишга кўмаклашади.<sup>11</sup> Инсон ҳуқуқлари концепцияси ўз ичига иккита асосий тушунчани олади. Биринчиси, инсон бўлгани туфайли, инсонга ажралмас ва дахлсиз ҳуқуқлар хос. Улар ҳар бир инсон шахсининг одамий табиатидан келиб чиқувчи ва инсоннинг ўз қадрини билиш хиссиятини қўллаб-кувваатлашга қаратилган маънавий ҳуқуқлардир. Инсон ҳуқуқлари концепциясининг иккинчи тушунчасига миллий ва халқаро даражада содир бўлаётган, қоида яратувчи жараёнларга мувофиқ белгиланувчи юридик ҳуқуқлар киради. Мазкур ҳуқуқларнинг асосини тегишли тарафларнинг келишуви, яъни ҳуқуқ субъектларининг розилигини ташкил қиласди.

1945 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича Хайъати ташкил қилинди. Мазкур Хайъат (комиссиянинг) вазифаси Низомда қайд қилинган Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини белгиловчи инсон ҳуқуқлари халқаро Биллини тайёрлаш вазифаси юкланган эди. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро биллнинг 1-қисми 1948 йил 10 декабрда Бош Ассамблея бир овоз билан Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясини (барча халқлар ва барча давлатлар амалга оширишга ҳаракат қилишлари лозим бўлган вазифа сифатида) қабул қилингандан сўнг амалга оширилди.

Булардан ташқари, Декларациянинг биринчи моддасида инсон қадр-қимматини ҳурмат қилишда барчанинг тенглиги эълон қилинади, иккинчи моддада ҳар бир инсон истисносиз барча ҳуқуқларга эга эканлиги қайд қилинади. Мазкур ҳуқуқларни белгиловчи

---

<sup>1</sup> А.Саидов. Халқаро ҳуқуқ. Т. «Адолат». 2001 йил 95-бетлар.

асосий қоида Декларациянинг преамбуласида ифодаланган, яъни «Инсоният оиласи аъзоларига хос кадр-киммат ва уларнинг тенг ва ажралмас ҳукуклари тан олиниши таъкидланади». Декларациянинг кенг тарқалиши ва дунёнинг барча давлатларида ундан фойдаланиши Декларациянинг жаҳон миқёсида қўллаб-қувватланишини тасдиқлайди. Инсон ҳукукларига мансуб саволларни муҳокама қилишда Декларациядан далиллар келтирилади. Аслини айтганда, Декларациядан кўчирмалар кўп давлатларнинг конституцияларига киритилган. Бундан ташқари, кўчирмалар халқаро ҳужжатларга, жумладан минтақавий шартнома ва конвенцияларга, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган давлатлар билан келишилган ҳолда бир қанча шартномаларга ҳам киритилган. Ҳукуматлар инсон ҳукукларини бузишда бошқа давлатларни айблашда ҳам Декларациядан далиллар келтирилиши унинг универсал рухга эгалигини тасдиқлайди.<sup>1</sup>

Умумжаҳон Декларацияси Низом билан бир қаторда мустамлака ҳокимлиги остидаги миллион – миллион кишиларга ўз мустақиллигига эришиш ҳукуқига тенг бўлиш учун асос ва илҳомлаштирувчи манба бўлиб келди. Маълум халқлар томонидан эришилган озодликка айни инсон ҳукукларининг таъминлаш принциплари жаҳон миқёсида тан олиниши натижасида эришилди.

Инсон ҳукуклари соҳасидаги халқаро ҳужжатларнинг умумий тавсифини шу муаммога бевосита дахлдор бўлган халқаро ҳукукий ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида кўриш мумкин. Инсон ҳукуклари бўйича асосий халқаро ҳукукий ҳужжатлар қаторига аввало инсон ҳукуклари бўйича Халқаро билл киради. Халқаро билга:

- 1948 йилги Инсон ҳукуклари Умумжаҳон Декларацияси;
- 1966 йилдаги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳукуклар тўғрисида Халқаро пакт;
- 1966 йилдаги фуқаролик ва сиёсий ҳукуклар тўғрисидаги Халқаро пакт ва унга 1966 ва 1992 йиллардаги Факультатив протоколлар киради.

Инсон ҳукуклар бўйича халқаро ҳужжатлар жумласига яна қуйидагилар киради:

---

<sup>1</sup> Инсон ҳукуклари: савол ва жавоблар. «Иқтисод ва ҳукуқ дунёси нашриёт уйи» . Т. 1997 йил, 22-25 бетлар

- 1960 йилдаги Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тұғрисидаги Декларация;
  - 1948 йилдаги Геноцид жиноятининг олдини олиш ва уни содир этганларни жазолаш тұғрисидаги Конвенция;
  - 1965 йилдаги Ирқий камситишларнинг барча шаклини бекор қилиш тұғрисидаги Халқаро конвенция;
  - 1973 йилдаги Апартеид жиноятлариниг олдини олиш ва уни содир этганлик учун жазолаш Халқаро конвенцияси;
  - 1949 йилдаги Уруш қурбонларини химоя қилиш тұғрисидаги Женева конвенцияси ва 1977 йилдаги I ва II қүшімчада протоколлар.
  - 1952 йилдаги Аёлларнинг сиёсий хукуқлари тұғрисидаги Конвенция.
  - 1979 йилдаги Аёлларга нисбатан камситишининг ҳар қандай шаклини бекор қилиш тұғрисидаги Конвенция.
  - 1959 йилдаги Болалар хукуки Декларацияси.
  - 1989 йилдаги Болалар хукуки тұғрисидаги Конвенция.
  - 1957 йилдаги Турмушга чиққан аёлнинг фуқаролиги тұғрисидаги Конвенция.
  - 1974 йилдаги Аёллар ва болаларни қуролли мажаролар давридеги фавқулодда вазиятларда химоя қилиш тұғрисидаги Декларация.
  - 1976 йилдаги фуқаросизликни камайтириш тұғрисидаги Конвенция.
  - 1954 йилдаги Апартеидларнинг мақоми тұғрисидаги Конвенция.
  - 1951 йилдаги Қочоқлар мақоми тұғрисидаги Конвенция ва 1966 йилдаги протокол.
  - 1950 йилдаги БМТ нинг Қочоқлар иши бүйича Олий Комиссари Бошқармасининг Устави.
  - 1967 йилдаги Худудий бошпана тұғрисидаги Декларация ва бошқалар.<sup>11</sup>
- БМТ Устави инсон хукуқлари түшунчасини аниклаشتырылмасада, маълум даражада унга күмаклашуви бир неча тамойилларни ифодалайды. Жумладан, унда миллатларнинг тенг хукуқлиги, эрка-клар ва аёлларнинг тенг хукуқлигини, инсон шахсининг шаъни ва

---

<sup>11</sup> А.Сайдов. Халқаро хукуқ. Т. «Адолат», 2001 йил, 195-196 бетлар.

қадр-қиммати, яъни виждон, эътиқод эркинлиги ва ҳоказолар хусусида сўз боради. Уставнинг муқаддимаси ташкилот аъзоларини «Юксак эркинликда ижтимоий тараққиёт кўмаклашиш»га интилишлари тўғрисида сўз борадиган қисмида асосий демократик эркинликларга ҳавола қилинди. Энг аввало ушбу қоидалардан келиб чиқиб кўплаб тегишли халқаро ҳужжатлар ишлаб БМТ доирасида ва унинг энг аввал ЮНЕСКО, Халқаро Меҳнат Ташкилоти каби ихтинослашган муассасаларида олиб борилган ва олиб борилмоқда. Қайд этилган ҳужжатларнинг бир қисми - халқаро ташкилотларнинг резолюциялари – тавсиявий хусусиятга эга. 1948 йилдаги Инсон ҳукуқлари Умумжахон Декларацияси, 1988 йилдаги Дини ёки эътиқоди асосида барча шаклдаги камситишларни бартараф этиш тўғрисидаги Декларация, 1992 йилдаги кам сонли миллий ёки этник, тил ва диний гурухларга кирувчи шахсларнинг ҳукуқлари тўғрисидаги Декларация ва бошқалар ана шу ҳужжатлар сирасига киради.

Инсон ҳукуқлари соҳасида халқаро стандартларни шакллантириш ва мавжудларини аниқлаштиришда қабул қилинадиган резолюциялар мухим аҳамият касб этади. Уларнинг кўпларини ахлокий, сиёсий нуфузи баланд, гарчи расман юридик мажбуриятлар юкламасада, давлатлар улар билан ҳисоблашади. Инсон ҳукуқлари бўйича Умумжахон декларациясида биринчи марта инсон ҳукуқлари тоифасига кирадиган ҳукуқ ва эркинликлар санаб ўтилганлиги учун ҳам мухим рол ўйнаган. Резолюциялар инсон ҳукуқлари соҳасида халқаро шартномаларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Ҳолбуки, 1975 йил 9 декабрдаги барча шахсларни қийноқларга солиши ва бошқа ғайриинсоний зулм ўтказиш ёки қадр-қимматини камситувчи муомала қилиш ва жазолашдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Декларация 1984 йил 10 декабрдаги Қийноқ ҳамда муаммо ва жазолашнинг шафқатсиз ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи турли қарши Конвенцияни ишлаб чиқишида фойдаланилган.

Инсон ҳукуқлари соҳасида бошқа ҳужжатлар – иштирокчилар учун мажбурий характерга эга бўлган халқаро шартномалардир. Уларга 1965 йил 21 декабрдаги барча иркӣ камситишларни бартараф этиш тўғрисидаги Халқаро конвенция, 1966 йил 19 декабрдаги иктисадий, ижтимоий ва маданий ҳукуклар тўғрисидаги Халқаро пакт, 1984 йил 10 декабрдаги Қийноқ ҳамда муомала ва жазолаш-

нигнг шафқатсиз ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи турлари қарши Конвенция ва бошқа шартномалар киради. Ушбу шартномалар инсон хукуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни мустахкамлади.

1966 йилги Инсон хукуқлари түғрисидаги халқаро пактлар – БМТ нинг инсон хукуқларини таъминлаш бўйича давлатлараро хамкорлик соҳасидаги муҳим ютуқлардандир. Бу инсон хукуқларига даҳлдор масалалар бўйича халқаро хамкорлик учун универсал халқаро – хукуқий негизни яратишга йўналтирилган шартномалардир. Бугунги кунда улар имкон қадар, янада самарали бўлишига эришиш алоҳида долзарб аҳамиятга эга бўлмокда, бу анна шу хужжатларни универсаллаштириш, яъни иштирокчилар доирасини имкон қадар кенгайтиришни назарда тутади. Бугунга қадар уларда, ҳатто БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларидан ҳаммаси ҳам иштирок этмайди.<sup>11</sup>

Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) доирасида қабул қилинаётган хужжатлар ўзига хос хусусиятга эга. Уларнинг бир қатор қоидалари инсон хукуқларига бағишлиланган. ЕХХТ нинг Яқуний хужжатида инсон хукукларини хурмат қилиш тамой-илининг мазмуни умум европа жараёни иштироқиларининг ўзаро муносабатларига қўллашга нисбатан очиб берилган. Мазкур хужжатда инсон хукуқлари бўйича хамкорликка бағишлиланган маҳсус бўлим мавжуд. Инсон ўлчови (мезони) бўйича уч босқичда - 1989 йилда Парижда, 1990 йилда Копенгагенда ва 1991 йилда Москва-да бўлиб ўтган ЕХХТ Конференциясида қабул қилинган хужжатларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. ЕХХТ иштирокчилари инсон хукуқлари билан боғлиқ ўзаро муносабатлар доирасидаги масалалар мажмуини «Инсон мезони» атамаси билан яратилади. Конференция инсон мезони соҳасидаги қоидаларни татбиқ қилишнинг тегишли механизмини яратди. Барча халқаро механизмлар ва тартибларни консенсусуга (умумий фикрға) асосланган ва консенсусуга асосланмаган бўлиши мумкин.

Консенсусуга (умумий фикрға) асосланган – бу иштирокчиларнинг умумий келишувига асосланади.

Консенсусуга асосланмаган механизмлар ва тартиблар яқдиллик-

<sup>11</sup> А.Саидов. Халқаро хукуқ. Т. «Адолат» 2001 йил, 195-198 бетлар.

ни назарда тутмайдиган халқаро ташкилотларнинг резолюциялари билан яратилади. Халқаро механизмлар ва тартибларни айнан бир хил тушуниш жоиз эмас. Халқаро ташкилотлар томонидан қўлланиладиган тартиблар бирон – бир алоҳида назорат организиз, масалан ўзининг ялпи мажлисларида БМТ нинг инсон хукуқлари бўйича Комиссияси томонидан фойдаланилиши мумкин.

Ахборот тўплаш манбалари ва усувлари бўйича инсон хукуқлари соҳасидаги халқаро тартибларни неча хилга бўлиш мумкин;

биринчидан, ушбу соҳада давлатларнинг ўз мажбуриятларини бажаришлари тўғрисидаги миллий маърузаларини кўриб чиқиш;

иккинчидан, халқаро мажбуриятларнинг нисбатан даъвосини кўриб чиқиш;

учинчидан, хукуқлари бузилиши тўғрисидаги алоҳида шахслар, гурухлар ёки **ноҳукумат** ташкилотларининг имкониятларини кўриб чиқиш;

тўртинчидан, инсон хукуқларининг бузилиши билан ёки бузилиши мумкин бўлган вазиятни ўрганиш.

Инсон хукуқлари билан шуғулланувчи халқаро органлар тизими инсон хукуқлари соҳасида халқаро хамкорликнинг турли жиҳатлари билан шуғулланувчи қатор умумжаҳон ва минтақавий халқаро ташкилотлардан ташкил топган. Хусусан бундай ташкилотларга БМТ, ЮНЕСКО, Халқаро Мехнат Ташкилоти киради. Улар асосида минтақавий ташкилотларнинг, масалан, ЕХХТ ҳам дикқат марказида туради.

БМТ ваколатларига, унинг Уставига мувофиқ, инсон хукуқлари соҳасидаги муаммоларни ҳар томонлама кўриб чиқиш киради. Ушбу масалалар бўйича Ассамблея резолюциялар қабул қиласди. У шундай масалаларни қўпини ўзининг учинчи Кўмитасига кўриб чиқиш учун беради. Кўмита улар бўйича Бош Ассамблея қабул қиласдиган резолюция лойиҳаларини тайёрлайди. БМТ нинг иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши (ЭКОСОС) инсон хукуқлари бўйича резолюциялар ва шартномалар қабул қиласди, улар маъқуллаш учун Бош Ассамблеяга юборилади. Уларга инсон хукуқларига таълукларни кўринишда ёрдам бериш учун ЭКОСОС қошида инсон хукуқлари бўйича комиссия ва аёллар иши бўйича Комиссия ташкил қилинган.

Инсон хукуқлари бўйича Комиссия резолюциялар қабул қила-

ди, ЭКОСОСга юбориладиган резолюциялар ва шартнома лойихаларини тайёрлайди, алоҳида масалаларни кўриб чиқиш ва муайян мамлакатларни ёки ишчи гуруҳини тайинлайди. Инсон ҳуқуқлари Комиссияси ўз навбатда ўзининг эксперталар органи камчиликни ҳимоя қилиш ва камситишнинг олдини олиш бўйича кичик комиссия тузган. Инсон ҳуқуқлари билан бирга БМТ котибиятининг бўлинмалари – Бош котибнинг ўринbosари раҳбарлик қиласидаган инсон ҳуқуқлари бўйича Марказ ҳам шуғулланади. Бир қатор органлар борки, улар юридик жаҳатдан БМТ га ва бошқа халқаро ташкилотларга бўйсунмай, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар асосида ташкил қилинган. Мисол сифатида:

Биринчидан, 1966 йил 19 декабрдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактда назарда тутилган инсон ҳуқуқлари бўйича (18 нафар экспертдан иборат) Кўмита;

Иккинчидан, 1965 йил 21 декабрдаги Барча шаклдаги Ирқий камситишларни бартараф қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенциялар назарда тутилган ирқий камситишларни бартараф қилиш бўйича (18 нафар экспертдан иборат) Кўмита;

Учинчидан, 1984 йил 10 декабрдаги Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз файриинсоний ёки қадр - қимматини камситувчи турларига қарши Конвенцияда назарда тутилган қийноқقا қарши (10 нафаор экспертдан иборат) Кўмита;

Тўртингчидан, 1989 йил 20 ноябрдаги Болалар ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенцияда назарда тутилган болалар ҳуқуқи бўйича (10 нафар экспертдан иборат) Кўмиталарни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Одатда ушбу органлар аъзо давлатларнинг шартнома қоидаларининг бажарилиши бўйича маърузаларини кўриб чиқади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 29-модасида «Ҳар бир инсон мазкур декларацияда баён этилган ҳуқуқлар ва эркинликлар тўла-тўқис рўёбга чиқадиган ижтимоий ва халқаро тартиб бўлиши ҳуқуқига эгадир» дейилади.<sup>1</sup> Инсониятнинг кўп қисми мухтожлик ва ётишмовчилик шароитида яшайди ва муносиб ҳаёт ва моддий жиҳатдан минимал даражада таъминлашнинг оддий имкониятларидан маҳрумдир. Шу тариқа, миллион – миллион одамларнинг овқат, уй – жой ва тириклик қилиши учун зарур бўлган минимал шаро-

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари: савол жавоблар. Т. 1997 йил, 130-131 бетлар.

ит түғрисидаги асосий ҳуқуқлари бузилмоқда.

Халқаро миқёсда бир қанча ўн йилликлар давомида ривожла-нишга қаратилған чора – тадбирлар күрілганиңа қарамай, бой ва камбағал давлатлар орасидаги фарқ ошиб бормоқда. Бу дунё бой-ликлариниadolatciz тақсимваныши олиб борилаётган сиёсат ва мавжуд тартиблар томонидан чуқурлаштирилаётганидан далолат беради. Сиёсий мустақилликка эришган давлатлар иқтисодий қа-рамлик уларни бўғаётган ҳамда тенгсизликка барҳам бериш учун янги иқтисодий тартиб зарурлигини кўриб турибди. Бой давлатлар ўзларининг узоқ муддатта мўлжалланган манфаатларини – тинч-лик эҳтиёжи, хавфсизлик ва инсонпарварлик қадриятлар, уларнинг сиёсий иродаси орқали амалга оширилиши мумкин бўлган иқти-содий тартибни ўзгартириш лозимлигини англашга шошилмаяпти. БМТ нинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган қарорларда ҳамда давлатларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ва бурчлари Харитаси-да бой ва камбағал давлатлар орасидаги фарқни камайтиришга қа-ратилған халқаро иқтисодий муносабатларни ўзгартириш түғриси-даги таклифлар мавжуд. Гарчи мавжуд хужжатлардан биттасигина хусусан инсон ҳуқуқларига бағишланган бўлса ҳам, унинг коида-лари иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг амалга оши-рилишига сезиларли ҳуқуқларнинг амалга оширилишига бой ва камбағаллар орасида тенгсизликни камайтирувчи тартибни давлат ичидаги ҳам яратишни талаоб қиласди. БМТ таркибида «ривожланиш (тараққиёт) ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари билан бир қаторда тан олин-моқда».

Халқаро тартибга келсак, инсон ҳуқуқларини амалга ошириши-да тинчлик ва қуролсизлантириш катта аҳамиятга эгадир. «Тинчлик ҳуқуқи» ва «Қуролсизланиш ҳуқуқи» ни инсон ҳуқуқлари сифати-да кўрилиши учун таклифлар киритилмоқда. Халқаро кескинлик-нинг кучайиши ва кўп қуролли тўқнашувлар пайдо бўлиши Декла-рациянинг мазкур моддасида сўз юритилган «Халқаро тартибни» излашнинг кечикириб бўлмаслиги аён бўлмоқда. Халқаро тартиб түғрисида ўз юритар эканмиз, инсон ҳуқуқлари Умум Жаҳон Де-кларацияси муқаддимасининг сўзларини келтириш лозим:

«Инсон оиласи барча аъзоларига хос бўлган қадр - қиммат ҳамда уларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик,adolat ва ялпи тинчликнинг асоси бўлишини эътиборга олиб...»

29-модда: 1. Ҳар бир инсон жамият олдида олган, фақат шу тахлитдагина инсон шахси ва тўла – тўкис камол топиши мумкин.

2. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларини амалга оширилишида шундай чеклашларга мубтало бўлиши мумкинки, булар қонун томонидан белгиланиб қўйилиши ҳамда бунда бошқаларнинг ҳуқуқлар ва эркинликлари зарур даражада тан олиниши ва хурмат қилиниши ҳамда ахлоқ - одобнинг адолатли талаблари ижтимоий тартиб ҳамда демократик жамиятдаги бугунги фаровонликнинг адолатли талаблари қондирилган бўлсин.

3. Ана шу ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга ошилиши Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадлари ва қоидаларига сира зид бўлмаслиги лозим.

Хуллас, барча ҳуқуқларни ва инсоннинг асосий эркинликлари ва ажралмаслигини тан олиш 1977 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган резолюциясида тасдиқланган ва унда инсон ҳуқуқлар соҳасида ташкилот ўз фаолиятида амал қилиш концепцияси тўғрисида сўз юритилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлар умумий декларацияси – БМТ ва Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган декларация. У муқаддима ва 30 –моддан иборат бўлиб, уни қабул қилишдан мақсад ҳар бир инсон ва давлат мазкур Декларацияни назарда тутган ҳолда маърифат ва таълим орқали шу ҳуқуқ ва эркинликлар хурмат қилинишига қўмаклашиши лозим. Декларация ҳар бир инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари эълон этилган асосий халқаро хужжатdir. Шу тариқа халқаро муносабатлар тарихида биринчи марта инсоннинг ҳамма риоя этиши зарур бўлган асосий ҳуқуқлар ва эркинликлар доираси белгилаб берилган. Декларацияда «инсон оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммати, уларнинг teng ва ажралмас ҳуқуқларини тан олиш – эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик негизи» эканлиги эълон этилган. Унга кўра, умум хурмат ва риоя қилиниши шарт бўлган инсон ҳуқуқлар доираси шахсий, сиёсий ҳамда ижтимоий – иқтисодий ҳуқуқлардан иборатdir.

Шахсий ҳуқуқлар орасида аввало ҳар кишининг ҳаёти, эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги ҳуқуқи алоҳида таъкидланган. Декларациянинг бошқа қоидалари эса мазкур ҳуқуқларини тўлдиради. Хусусан, ҳеч ким кулликда, забун ҳолатда тутилмаслиги, қийноқقا

ёхуд аёвсиз ғайриинсоний, одам шаънини ерга урадиган муомала ва жазога дучор этилмаслиги; ўзбошимчалик билан қамоққа олин-маслиги, ушлаб турилмаслиги лозим эканлиги қайд этилган. Шахс хукуқлари сирасига шахсий ва оиласвий ҳаётнинг, турар жойнинг дахлсизлиги хукуқи, ёзишмаларни сир саклаш хукуқи, ўз шаъни ва обрўсини ҳимоя қилиш хукуқи, одил судлов томонидан муҳофаза этилиши хукуқлари кабилар киради.<sup>11</sup>

Декларацияда инсоннинг қуидаги сиёсий хукуқлар ҳамда эркинликлари ҳам таъкидланган: фикрлаш, виждан, дин эркинлиги; эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифодалаш хукуқи; тинч йиғилишлар ўтказиш ҳамда уюшмаларга аъзо бўлиш хукуқи; ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш хукуқи; яшириш овоз бериш йўли билан умумий ва teng сайлов хукуқи; эркин равишда кўчиб юриш ҳамда ўзига турар жой танлаш хукуқи; бошпана хукуқи; миллий ёки диний аломат бўйича ҳеч бир чекловсиз никоҳдан ўтиш ва оила қуриш хукуқи, мулкка ғалик қилиш хукуқи, меҳнат қилиш хукуқи, адолатли ва етарли равишда тақдирланиш ҳамда меҳнат учун teng меҳнат хақи олиш хукуқи, касаба уюшмалари тузиш хукуқи, дам олиш хукуқи, ижтимоий таъминланиш хукуқи, оналиқ ва болаликни алоҳида ҳимоялаш хукуқи, таълим олиш ва маданий ҳаётда қатнашиш хукуқи инсоннинг асосий ижтимоий – иқтисодий хукуқлари хисобланади. Декларацияда инсон манфаатларининг устуворлиги қуидаги тамойилларда ўз аксини топган; инсон хукуқларини хурмат қилиш, инсон хукуқларини тенглиги, инсон эркинликлари, инсон хукуқларини амалга оширишнинг демократик жараёни инсон хукуқларини таъминлашнинг адолатлилиги. Декларацияда эълон этилган мазкур инсон хукуқларги оид тамойилларга кўра барча кишилар эркин түғилади ва ўз қадр - қиммати ҳамда хукуқлар жиҳатдан teng бўлиб, улар қонун олдида teng ва қонун томонидан баб-баробар ҳимояланиш хукуқига эга.

Мазкур Декларация қоидалари давлат ёки айрим шахслар томонидан инсон хукуқларини бузиш учун ишлатилиши мумкин эмас. Ҳар бир шахс учун ўзгаларнинг хукуқ ва эркинликларини хурмат қилиш жамият аъзоларининг бурчидир.

«Инсон хукуқлари» умумий декларацияси катта халқаро аҳами-

<sup>11</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 2001 йил, 57 бет.

ятга ҳам эгадир. Жумладан, ушбу Декларация мустақил Ўзбекистон Республикаси имзолаган биринчи халқаро ҳужжатдир (1991 йил, 30 сентябр) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Инсон ва фуқароларининг асосий хуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб аталган 2-бўлими мазкур Декларация талабларига тўла мос бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари тенг хуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши, жинси, ирқи, миллати, тили, дини ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдida тенглиги таъкидланган. Республикада инсон хуқуқларига оид 100 дан ортиқ қонунлар қабул қилинган ва улар халқаро меъёрлар ва андозаларга мувофиқлаштирилган. «Инсон хуқуқлари бўйича Олий Мажлис Вакили (Омбудсман) тўғрисида» қонун қабул қилинган (1997 йил, 21 апрел). Инсон хуқуқларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни таъминловчи миллий институтлар. Инсон хуқуқлари миллий марказ ва амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ишлаб турибди. Тошкент шаҳрида хукуматга қарашли бўлмаган «Хьюман Райтс Ватч Хельсинки» халқаро ташкилотининг вакили, чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари фаолият кўрсатмоқда ҳамда хуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа халқаро ташкилотлар билан яқин алоқалар ўрнатилган.

Хуллас, 1948 йилги инсон хуқуқларининг умуний декларацияси қабул этилган дамларданоқ инсон хуқуқлари жаҳон жамоатчилигининг мисли кўрилмаган диққат эътибори ва қўллаб - қувватлашларига сабаб бўлди. Манфаатлари чеклаб қўйилган аёллар, болалар, ногиронлар, кичик элатлар, туб халқлар, меҳнаткаш мигрантлар ва аҳолининг бошқа гурухлари ҳозирги вақтда, кўп доираларда узок вақтлардан бери учраб турадиган камситишлардан ҳимояланиш хуқуқларини кўлга киритдилар.<sup>11</sup>

Бош Ассамблеяning энг асосий қарорлари мазкур хуқуқларни кенгайтирди ва улар жамият ривожланиши ҳамда демократиялашуви жарабёнлари билан ўзаро хамкорликда, аста – секин умунийлик ва муштараклик касб эта бошладилар. Бир вақтнинг ўзида кўп сонли миллий суд ва пенитенциар тизимлар фаолият БМТ томонидан ишлаб чиқилган ўкув дастурлари ва техникавий маслаҳатлар билан

---

<sup>1</sup> БМТ. Асосий омиллар. Тошкент. 2001 йил, 251-бет.

мустаҳкамланди. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги битимнинг изжорисини назорат этиш учун БМТ тизимида сафарбарлик ва аъзо мамлакатлар олдида катта обрў-эътибор талаб этилади. Орадан бироз муддат ўтгандан кейин ишларни мувофиқлаштириш ва Ер юзидан барча одамларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва қўллаб - қувватлаш борасида БМТ нинг позициясини мустаҳкамлаш учун БМТ нинг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комисиялари лавозими таъсис этилди. Бош котиб Кофи Аннан ислоҳотларни амалга оширап экан, инсон ҳуқуқларини – тинчликни барқарор этиш ва хавфсизлик, тараққиёт ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатишнинг энг муҳим соҳаларидаги БМТ фаолиятини бирлаштирувчи бош мавзу сифатида белгилади.

### **3. Атроф - муҳит соғлигини сақлаш тамойиллари.**

Бизнинг атроф – муҳит босқичимиз бир қатор омилларга боғлиқ. Биринчи омил – аҳоли сони. Одамлар қанча кўп бўлса шунча кўп захира талаб этилади. Иккинчи омил – аҳолининг ўртача истеъмол даражаси. Истеъмол даражаси қанча юкори бўлса, уни таъминлаш шунча кўп захира талаб этилади. Учинчи омил – захирадан фойдаланиш технологияларидир.

Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф – муҳитни асраб – авайлаш айниқса, ҳозирги анамал табиий ўзгаришлар шароитида Мингийиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади. Орол фожиаси экология муаммоларига маъсуллиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисолидир. Орол денгизнинг қуриши давом этаётгани ва унинг атрофида гуманитар фалокат содир бўлаётгани сабабли Орол бўйининг табиий биологик фондини асраб – авайлаш, Орол инқирозининг атроф – муҳитга, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган юз минглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа ҳисобланади. Шуни ҳисобга олиш зарурки, Орол ҳудуди иккита асосий манба – Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади, ушбу дарёлар оқимининг камайиши мазкур кенг миңтақаининг шундок ҳам заиф экологик мувозанатини бутунлай ўзгаририб юбориши мумкин. Кўплаб ҳалқаро экологик ташкилотлари ва нуфузли эксперtlар тавсия қилаётганидек, ушбу

дарёлардан шу миқдордаги энергетика қувватларини олиш учун нисбатан хавфсизлик, анча тежамкор кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш оқилюна йўл бўлур эди. Куриб бораётган орол муаммоси – бу ушбу минтақада яшаётган, БМТ дек нуфузли ташкилотга умид билан ёрдам сўраб мурожаат қилаётган миллионлаб одамларнинг муаммосидир. Барқарорликка эришиш охир – оқибатда хулқ-атвор ва ҳаёт тарзидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлади. Бу – сингиб кетган маданий ва хулқ - атвор қоидалари ҳамда қадриятлар ўзгариши учун асос талаб қилувчи ўзгаришdir. Бундай ўзгаришларсиз энг маърифатли қонунчилик ҳам, замонивий технологиялар ҳам, анча нозик тадқиқот ҳам узоқ муддатли барқарорликка томон ҳаракат қилаётган жамиятни бошқаришда мувоффакиятга олиб келмайди. Иқтисодий тарраққиёт билан атроф – муҳитнинг таназзули ўртасидаги алоқа илк бор халқаро кун тартибига 1972 йилда Стокгольмда бўлиб ўтган БМТ нинг Инсонни ўраб турган муҳим бўйича конференциясида қўйилган. Конференциядан сўнг ҳукуматлар глобал муаммоларни ечиш бўйича орган ва атроф – муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш борасида халқаро тарғиботчи бўлиб қолаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф муҳит бўйича дастурини (ЮНЕП) ишлаб чиқдилар.

1973 йилда БМТ мақсади – бўхронга дуч келган Фарбий Африка мамлакатларида саҳрона айланнишга қарши кураш учун саъий ҳаракатларни ва ўзларини озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлашга эришишдан иборат бўлган БМТ нинг Судан – Сахелиян тумани масалалари бўйича бюросини таъсис этди. Бюро фаолияти яхши самара бермади, аммо бу ҳолда атроф – муҳит ҳолати миллий – иқтисодий режалаштириш ва қаролар қабул қилиш тўғрисида фамхўрлик кўрсатишга мажбур этувчи экологик ёндашувни жорий этишига эришилди. Умуман, экологик вазият янада ёмонлашмоқда, айниқса аzon қатламишининг сийраклашуви, иқлим глобал ҳароратининг ошиши ва табиий ресурсларни йўқ қилиш жараёни суръатининг хатарли даражада ўсиши мобайнида сувларнинг ифлосланиши кабилар ўта муҳим муаммоларга айланди. 80-йилларда аъзо давлатлар ўртасида экологик соҳасида бир неча катта хавф-хатарлар, жумладан, аzon қатламини муҳофаза қилиш ва заҳарлар чиқндишлар ташилишини назорат этиш тўғрисидаги битимларга эришиш мақсадида муҳим маслаҳатлар ва музокаралар бўлган эди. 1983 йилда Бирлашган Мил-

латлар Ташкилоти фаолияти бундай тараққиётда атроф – мұхитни асраб–авайлашга, шунингдек, ер куррасининг ҳар қандай қисмидә яшаётган одамлар фаровонлиги учун фойда келтириши мүмкін бўлган кучли эҳтиёж ҳисси ва янгича англаб етиш заруратини на-моён этишга ёрдам берадиган Атроф – мұхит ва тараққиёт бўйича бутунжаҳон Комиссиясини тузди. Бирмунча бой мамлакатларларда саноат ифлослантирилиши билан боғлиқ бўлган атроф – мұхит таназзули ривожланаётган мамлакатлар учун борган сари жиддий хавф бўлиб қолмоқда. Гру Харлем Брунтланд (Норвегия) бошлили-гидаги Комиссия 1987 йилда Бош Ассамблеяга тақдим этган маъ-рузасида факат иқтисодий ўсишга асосланган муқобил ёндашув си-фатидаги «барқарор тараққиёт» Концепцияси илгари сурилган эди. Янги концепция «Келгуси авлодлар имкониятларини хавф остида қолдирмасдан ўз шахсий эҳтиёжларини қондириш билан ҳозирги давр эҳтиёжларига мос келади». <sup>1</sup>

Маърузани кўриб чиққан Бош Ассамблея 1992 йилда Рио-де Жа-нейрода «Ер муаммолари бўйича олий даражадаги учрашув» номи билан танилган БМТ нинг атроф мұхит муҳофазаси ва тараққиёт бўйича концепцияси (ЮНСЕД-92)ни чакирди.

Ҳозирги вақтда барқарор вазиятни қўллаб-куватлашнинг зару-риятини англаш ва атроф - мұхитни муҳофаза қилиш аслида БМТ фаолиятининг барча соҳалари ёрдамида назорат қилинмоқда. 1972 йилдаги янгича далил тартиблар шарофати туфайли янги ме-ханизмлар яратилди. Ташкилот ва ҳукуматлар, нодавлат ташкилот-лари, илмий жамиятлар ва хусусий секторлар ўртасидаги барча мамлакатлар томонидан ишлаб чиқилаётган бараварига хамкорлик экологик муаммоларни ҳал қилиш доирасига янги билимлар ва аниқ саъй – ҳаракатларни жалб этишга ёрдам беради. Эндилиқда БМТ атроф - мұхитни муҳофаза этиш зарурати тамойили иқтисо-дий тараққиётга йўналтирилган ҳар қандай фаолиятнинг таркибий қисмдир, деб ҳисобламоқда. Ҳукуматлар Рио-Де-Жанейрода Ер муаммоларига бағишилаб ўтказилган олий даражадаги учрашувда, ўзида барқарор тараққиётнинг барча соҳаларидағи глобал саъй – ҳаракатларнинг кенг қамровли режаларини мужассам этган «Кун тартибида – XXI асрға ташриф» дастурини қабул қилиб, сайёра-

---

<sup>1</sup> БМТ Асосий омиллар. Т. 2001 йил, 224-225-бетлар.

миз келажагини таъминлаш мақсадида олға томон тарихий қадам ташлайдилар. Конференция атроф – мухит ҳолатининг ёмонлашаётганига чек қўйиш ва XXI асрдаги барқарор ҳаёт учун асос яратиш чораларини белгилади. Барча халқлар эҳтиёжларини қондириш орзусида атроф – мухитни муҳофаза этиш ва тараққиёт мақсадлариға мурожаат этган «Кун тартибида XXI асрга ташриф» дастурига қўшимча тарзда, учрашувда давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берган. Атроф – мухит ва тараққиёт бўйича Рио декларацияси ҳамда бутун дунё миқёсида ўрмонларни оқилона бошқариш учун раҳбарлик тамойилларини акс эттирган барча турдаги ўрмонларни бошқариш, сақлаб қолиш ва барқарор ривожлантириш глобал консенсус тамойиллари тўғрисидаги баёнот қабул этилди.

Атроф – мухит ва тараққиёт бўйича Рио декларацияси давлатларининг мазкур муаммоларга таалуқли бўлган ҳуқуқ ва бурчларини белгиланган ҳолда «Кун тартибида XXI асрга ташриф» дастурини қўллаб-куватлайди. Декларациянинг айrim тамойилларини эслатиб ўтамиш:

- Барқарор тараққиёт ташвишлар одамлар зиммасига тушади. Инсонлар табиат билан уйғун ҳолда соғлом ва фаровон ҳаёти кечиришга ҳақлидирлар.

- Жиддий ёки ўрнини тўлдириб бўлмайдиган зарап етказиш хавфи туғилганда атроф – мухит таназзулини бартараф этиш илмий ноаниқлик туфайли тўхтаб қолмаслиги керак.

- Қашшошликка барҳам бериш ва дунё миқёсида яшаш тарзларидаги кескин фарқни камайтириш барқарор тараққиёт учун «зарурыйдир».

- Барқарор тараққиётга эришишда хотин - қизларнинг мутлоқ тенг ҳуқуқли иштироки зарур.

- Саноати ривожланган мамлакатлар барқарор тараққиёт учун халқаро курашда глобал атроф – мухитга ўзларининг жамиятлари кўрсататётган босим нуқтаи назаридан, шунингдек, қўл остиларидағи технологиялар ва молиявий ресурлар учун ўз маъсулиятларини тан оладилар.

Дунё миқёсида барқарор тараққиётга эришиш, асосан ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳарактерининг ўзгаришига, яъни қандай ишлаб чиқаришимизга ва қанча истеъмол қилишимизга боғлиқ бизнинг ишлаб чиқариш моделларини ва истеъмолни ўзгартириш

йўлларини қидириш масалалари илк бор Ер муаммолари бўйича ўтказилган Олий даражадаги учрашувнинг халқаро кун тартибига киритилган эди. Шундан бери Барқарор тараққиёт Комиссияси Ҳаракат дастурини айрим истеъмолчилар, оиласлар, саноат концернлари, ишбилармон доиралар ва ҳукуматлар муносабатларини ўзгартириш мақсадида БМТ тизимидағи ва чет ташкилотлар билан ҳамкорлик қилган ҳолда бошқармоқда.

Ушбу соҳада Барқарор тараққиёт бўйича Комиссиянинг ишчи дабстури қуидаги масалаларга диққат эътиборини қаратди: ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг режалаштирилган тенденцияларига; ривожланаётган мамлакатларга, жумладан уларнинг савдо имкониятларига таъсир кўрсатишга; сиёсий воситалар самарадорлигини баҳолаш, жумладан янгича ёндашувларга; мамлакатлардаги қўнгилли шошилинч мажбуриятлар равнақига, шунингдек, истеъмолчиларни ҳимоя қилиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тамойилларини кенгайтириш ва қайта кўриб чиқишига.

1990 йилда иқлим ўзгаришлари бўйича ҳукуматлараро экспертилар гурухи ўзининг биринчи баҳоловчи ҳисботини чиқарди. 1988 йилда БМТ нинг атроф – муҳит дастури (ЮНЕП) ва Бутун жаҳон матеорология ташкилоти томонидан тасдиqlанган гурух иқлим тизими ва иқлим ўзгаришлари борасидаги мавжуд билимларни, иқлим ўзгаришларига экологик, иқтисодий ва ижтимоий таъсир кўрсатишни, шунингдек, мазкур муаммони ҳал этиш мумкин бўлган стратегияни баҳолаш ваколатини олган. Бу – сиёsatчиларга, шунингдек, кенг оммага жуда катта таъсир кўрсатади ва 1991 йилнинг илк ойларида бошланган иқтисодий иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги конвенцияснинг тузилиши борасида музокаралар олиб боришга асос бўлиб хизмат қиласди.

1995 йилнинг декабрида иқтисодий иқлим ўзгаришлари бўйича ҳукуматлараро гурух ўзининг иккинчи баҳоловчи ҳисботи билан чиқди. Бутун дунёда 2000 олим ва эксперт томонидан ёзилган ва ўрганиб чиқилган бу ҳужжат ўзининг «ушбу гувоҳнома инсон фаолияти Ер юзи иқлимига сезиларли таъсир кўрсатяпти, деб ҳисоблашга мажбур этади»-деган хуносаси билан тезда танилди.

1997 йилнинг декабрда, Японияда Конвенцияга имзо чеккан давлатларнинг учинчи Конференциясида қарийб юз минг делегат, шарҳловчи ва журналистлар тарихий Киото протоколини қабул

етилишининг гувоҳи бўлдилар. Киото протоколига биноан саноати тараққий этган мамлакатлар ажралиб чиқаётган парник газлари умумий ҳажмини 2008-2012 йилларга бориб 1990 йилги даражага нисбатан камида 5 фоизга қисқартириш учун расман мажбурият оладилар. Протокол камида Конвенцияни имзолаган 55 мамлакат томонидан, жумладан, ажралиб чиққан умумий карбонат ангидриднинг 5 фоизи улар зиммасига тўғри келган тараққий этган мамлакатлар томонидан ратификация қилингандагина кучга киради.<sup>1</sup>

Хуллас XX аср инсониятида янгича сиёсий дунёқараш ва экологик тафаккур шаклланди. Бу дунё олимларининг табиатни муҳофаза қилиш, экологик муаммоларни ҳал этиш борасидаги ўзаро хамкорлиги ва муносабатларида катта аҳамият касб этмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча тизимлари ўз фаолиятларининг турли соҳаларида у ёки бу йўллар билан атроф муҳит муҳофазасига аралашсада, бу борадаги унинг етакчи муассаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) ҳисобланади. БМТ тизимининг экологик виждани бўлиши мақсадида ташкил этилган ЮНЕП бутун дунё миқёсида атроф – муҳитнинг ҳолатини баҳолайди ва ҳалқаро хамкорликни талаб этувчи муаммоларни аниқлайди:

Ҳалқаро экологик қонунчиликни ишлаб чиқишга ёрдам кўрсатади; ижтимоий – иқтисодий сиёсат ва БМТ тизими дастурларига экологик муроҳазаларни бир бутун қилиб тўплашга кўмаклашади.

ЮНЕП нинг вазифаларидан яна бири атроф – муҳит тўғрисидаги билимлар ва ахборотлар тўплашга ёрдамлашишдир. ЮНЕП томонидан рағбатлантирилган ва мувофиқлаштирилган экологик ахборотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш. Атроф – муҳитнинг ҳолати ҳақида кўплаб маърузалар яратилишига олиб келди ва бутун жаҳон миқёсида юзага келаётган экологик муаммолар тўғрисидаги тушунчани ишлаб чиқди, айниқса уларнинг айримлари қатор ҳалқаро экологик конвенциялар қабул қилинишига асос бўлди.

ЮНЕП доирасида иш олиб борадиган экологик мониторингнинг глобал тизими ва ресурслар бўйича маълумотларнинг глобал ахборот баъзаси атроф – муҳит эътиборини табиатни асрашга қаратилган фаолиятнинг муҳим йўналишларига, жумладан, иқтисодийлиги

---

<sup>1</sup> Мингйиллик маъruzasi. Т. 2003 йил, 112-бет.

ва атмосфера, океанлар, қайтадан тикланган ресурслар, транс-чегаравий ифлосланиш ва ифлосланишнинг глобал тизими 25 йирик мониторинг глобал тармоғига, ресурслар бўйича маълумотларнинг глобал ахборот баъзаси эса 142 мамлакатда иш олиб борадиган 12 тармоқ марказларига эга, уларда 30000 олим ва техник мутахассис жалб этилган; улар ишлайтган муассасалар хукumatлар ва халқаро агентликлар томонидан молиялаштирилади.<sup>1</sup>

ИНФОРТЕРРА, бу ташкилотлар ва айрим шахсларга атроф – муҳит ҳақида ахборот олишларига ёрдамлашадиган 171 мамлакатдаги Миллий тармоқлар марказларининг бутунжаҳон тармоғидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ишбилармон ва саноат доираларини, улар айни пайтда фойдаланаётган ишлаб чиқариш моделларини иқтисодий иқлимининг глобал қизиб кетиши, озон қатламининг сийраклашуви, шунингдек ичимлик ва денгиз сувларининг ифлосланишига олиб келиш ҳолатларини камайтирадиганлари билан ўзгартиришга ишонтириш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатларида ЮНЕП тизимига кирувчи Саноат ва атроф – муҳит бошқармаси ҳал қилувчи роль ўйнайди. ЮНЕП, шунингдек, денгизлар ва океанлар муҳофазаси бўйича хам чоралар кўради, хозирги кунда ўзининг 140 дан ортиқ мамлакатда амалга оширилаётган 13 Минтақавий денгиз саъй-ҳаракатлари дастурига мувофиқ тарзда денгиз ресурсларидан экологик хавфсиз фойдаланишга кўмаклашади. Халқаро океан йили деб эълон қилинган 1988 йилда ушбу дастурнинг янги ҳудудлар ҳисобига кенгайиши кузатилди.

Ер муаммолари бўйича Олий даражадаги учрашувнинг мурожаатига жавобан ЮНЕП ҳомийлик қилган музокаралар 1995 йилда, куруқликдаги одамлар фаолияти туфайли ифлосланган океанлар, эстуарийлар қирғоқ яқинидаги сувларни ҳимоя қилишдаги халқаро ҳамжамият интилишларининг асоси бўлиб қолган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг денгиз муҳитини муҳофаза этиш бўйича глобал ҳаракатлар дастурининг қабул этилишига ва қирғиз туманларида яшаётган 3,5 миллиардга яқин одамларнинг фаровонлигини таъминлашга сабаб бўлди.

ЮНЕП қатор экологик битимларнинг бажарилишини кузатиб боради. Тарихий Монреал протокол (1987) ва унга киритилган кей-

---

<sup>1</sup> БМТ. Асосий омиллар. Т. 2001 йил, 234-бет.

инги тузатишлар атмосферанинг юқори қисмларидағи азон қатламини муҳофаза этишга қаратылған. Трансчегаравий хавфи чиқиндиларни ташиш ва уларни йүқотишиңи назорат қилиш тұғрисидаги Базел Конференцияси (1989) заһарлы чиқиндилар билан ифлосланиш хавфини камайтиради. Күпчилик томонидан тан олинган йүқолиб бораётган турлар билан халқаро савдо ҳақидаги конвенция (1973)нинг ютуғи унинг табиат билан савдо қилишни назорат остига олганидір. ЮНЕП нинг Халқаро озиқ-овқат атроф – мұхит ва қишлоқ хұжалаги ташкилоти билан хамкорликда хукуматларға айрим хавфли ҳимиявий моддалар ва пеисдициларнинг халқаро савдосида илгаридан огохлантиришга асосланған келишув тартиби тұғрисидаги Конвенцияни тузиш ишида консенсусса эришишларда құмаклашды. ЮНЕП тарихий Озон қатламины муҳофаза этиш тұғрисидаги Вена Конвенцияси (1985) ни қабул қилиш, унға Монрел протоколини (1987) ва Лондон (1990) ҳамда Копенгаген (1992) тузатышларини қўшишга эришди, эндилікда эса уларни ҳаётта тағбиқ этмоқда. Ушбу бюоитимларға мұвоғиқ саноатни ривожланған мамлакатлар озон қатламины сийраклаштирувчи хлорфтоглерод моддаларининг ишлаб чиқарылышы ва сотилишини тақиқламоқдалар. Шунингдек озон қатламины сийраклаштирувчи бошқа моддаларни ҳам босқичма – босқич йүқотиши режалаштирилмоқда.

Атроф – мұхит экологик ҳолатини яхшилаш фактат атроф – мұхит Ўзбекистон ёки Марказий Осиёда әмас балки жағон миқёсида дол зарб масала бўлиб қолди. «Атроф – мұхит гигиенаси» тушунчаси 1984 йилда ўзининг халқаро мақомига эга бўлди. Ўшанды Европа минтақасидаги Бутунжағон соғлиқни сақлаш ташкилоти аъзолари бўлган давлатлар ҳамманинг соғлом бўлишига эришиш, деб аталган стратегияни қабул қилдилар. Атроф – мұхит муҳофазасига оид устуворликни аниқладилар. Бу инсон саломатлигининг турли жаҳатларидир. Экологик ҳисобланувчи жисмоний, кимёвий, биологик бевосита омиллар ҳам, уй-жой, шаҳарлар ривожи, ерлардан фойдаланиш, транспорт каби билвосита омиллар ҳам шунга киради. Атроф – мұхит ва саломатлик юзасидан 1992 йилда Рио-де Жанейрада биринчи, 1994 йилда Хельсинкида 12-Конференция ўтказилди. Сўнгра конференцияда экологик муаммоларнинг оқибатлари билан шуғулланиш әмас, балки уларнинг манбаларини йүқотиши йўли билангина бу соҳада ижобий натижаларга эришиш

мумкинлиги алоҳида таъқидланди. Бунинг учун жойларда экологик бўйича режалар ишлаб чиқиши зарурияти кўрсатилди. Ўзбекистон Республикаси таклифига биноан Ўзбекистон атроф – муҳит мухофазаси бўйича миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқиши бўйича синов мамлакати қилиб белгиланди. Бунда Ўзбекистон Республикаси томонидан синаб кўрилган Миллий режали Марказий Осиё ва Озорбайжонга тавсия этиш учун асос қилиб олиш назарда тутилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда мазкур миллий режа устида жиддий ишлар олиб борилмоқда.

Атроф – муҳитнинг экологик ҳолати ва худудлар экологик мувозанатининг бузилиши кўп жиҳатдан атмосфера ҳавосининг таркибиغا ҳамда унинг турли ишлаб чиқаришлар таъсиридаги салбий ўзгаришларига боғлиқdir. Бу ўзгаришлар сайёравий, регионал ва топологик (маҳаллий) масштабларда рўй беради. Марказий Осиё худудларининг ўзига хос табиий хусусиятлари уни экологик хўжалик туманларига ажратишга ва ҳар бир туман ер усти атмосфера ҳавосининг ифлосланиш потенциалини аниқлашга имкон беради. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишини бундай илмий башорат килишда асосий шамолларнинг тақрорланиши, қанча вакт сурункали эсиши ва бошқа хил кўрсаткичлардан фойдаланилади. 90-йиллардаги маълумотларга кўра Марказий Осиё Республикалари ичida биргина Ўзбекистонда ҳавони булғаётган 35000 доимий манба бўлиб, уларнинг ярмига яқини чанг ва турли хил заарарли газларни тутиб қолувчи ва тозаловчи мосламага эга, бу мосламаларнинг 4,1 қисми эса бузук ёки самарадорлиги жуда паст.<sup>1</sup>

Кейинги йилларда атмосфера ҳавосининг тозалиги устидан назоратнинг кучайтирилиши, корхоналарда технология жараёнларининг тақомиллатириши, ҳаво тозалиги мосламалардан кўплаб фойланилиши, мутахассислар экологик онги ва маъсулиятининг ошиши «Экосан» ҳалқаро экологик ва саломатлик жамғармасининг фан саъӣ-ҳаракати натижасида Ўзбекистонда бир қанча ижобий силжишлар рўй бермоқда.

Марказий Осиё давлатларининг барчасида давлат экологик сиёсати асосларининг шаклланиши табиатни мухофаза килишда

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси. Т. «Қомуслар Бош таҳририяти», 1997 йил, бир томлик, 38-бет.

муҳим ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий омил ҳисобланиб, таъқиқловчи, кўриқловчи назорат ва жазоловчи, меъёрловчи ҳарактерга эга.

Бугунги кунда экологик муаммоларга нисбатан «табиат-табиат учун» (Консервационализм) «табиат-жамият учун», «экологик пессимизм» яъни табиатни муҳофаза қилишга қаратилган фаолиятларга ишончсизлик, экологик ҳаракатнинг муқаррарлигини эътироф этиб, тушкунлик кайфиятини вужудга келтирувчи ёки аксинча, табиат ва инсон ўртасидаги муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади, вақти келиши билан ўз ечимини топади деган қарашлар оғир экологик ҳолатни кўра билмасликдан, сохта Экологик Оптимизм позициясида турувчи таълимот ва назариялар мавжуд. Булардан ҳеч бири, илмий чекланганлиги боис муаммони позитив ҳал қила олмайди. Экологик дунёқарашни шакллантиришда, маънавий омилни кучайтириш экологик таълим – тарбиянинг асосий вазифасидир, негаки «Биронта жамият маънавий ва ахлоқий қадрияларни ривожлантирмай ҳамда мустахкамламай туриб ўз истикболини тасаввур эта олмайди.

Марказий Осиё давлатларида азалдан тибиат жамиятнинг моддий ва маънавий хаёт манбаидир. Табиий борликнинг таркибий элементлари: ер, осмон ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, яъни экосистема ҳар бир ҳалқнинг, миллатнинг моддий ҳаётини ривожланишига, ватан туйғусини шакллантиришга ўз таъсирини кўрсатиб келган ва шундай бўлиб қолади. Демак ҳалқнинг этник жиҳатдан ўз-ўзини англашида ҳар бир географик ҳудуднинг ўзига хос экосистемасини сақлаб қолиш, шу ҳалқ ривожланишига ёки инқирозга юз тутишига кўхна тарих кўп марта гувоҳ бўлган. Масалан, қадимги Юнонистонда ерни чукур ҳайдаш, чорва молларининг кўпайтирилиши, юқори ҳосил олиши аҳолини озиқ-овқат махсулотлари таъминлашда катта самара берди. Лекин кейинчалик тупрок, нурашига, ўсимликларнинг камайишига, охир-оқибатда буюк цивилизациянинг инқирозига сабаб бўлган эди.

Марказий Осиё ҳалқларининг табиат қадимги билимлари, экологик мазмуни ва моҳиятга эга бўлган қарашлари, миллий урф-одатлар, анъаналар, байрамларда ўз аксини топган бўлиб, миллатимиз тарихий хотирасининг таркибий қисмига айланган.

Машҳур эколог олим Грегори Бейтсон «XX аср охирида ҳудуднинг табиий равишда чўлга айланиши жадал суратларда кечаётган-

лиги етмаганидек, одамларнинг муносабати туфайли чўлга айланиб бориш жараёни шитоб билан давом этаётганлиги бу муаммони янада чуқурлаштироқда. Бу дунёнинг асосий муаммолари – табиат қандай фаолият кўрсатиши билан инсон қандай фикрлаш орасида фарқ натижасидир».<sup>1</sup> Бугунги кунда табиатни тушуниш ва уни муҳофаза қилишни тарғиб этиш, атроф-мухит гўзалликларидан бири бўлиб қолмоқда. Табиий бойликларни тез суратлар билан ўзлаштириш ва бунинг натижасида инсон ҳаёт кечирадиган муҳитнинг тез бузилиши ҳам саноатлаштириш давридан бошланди. Маҳаллий маданиятлар ва анъанавий касб-хунар учун бешафқат, бузгунчи бўлган бир томонлама тараққиётга эришилди ва бу табиатдан қароқчиларча фойдаланиш орқали амалга оширилди. Айниқса, Европа ва АҚШ даги саноатлаштиришга жавоб сифатида «романтизм» деб номланган оқим вужудга келди. Унда инсонлар ресурсларига асосланган тарракқиётга муносабати аниқ ифода этилди.

XVIII асрғача табиат «ўзлаштирилмаган ер»дек, инсон учун хавфли муҳитдек қабул қилинار эди. Саноат ривожланиб бориши ҳамда романтизм кенг тарқалиши билан табиатнинг тан олишиниши ва муҳофаза қилиниши, ёввойи худудлар дам олиш ва таълим олиш мақсадларида ҳамда ўсиб бораётган шаҳар ҳудудларининг саломатлигини сақлаб қолиш учун қолдирилиши кераклигини тушуниш ҳам ўсиб борди. Бу гоя охир-оқибат таълим муассасаларига табиий тарих ва табиатшунослик фанлари орқали кириб келди. Табиатни ўрганиш ривожланиб борган сари унинг турли фанлар билан боғлиқ эканлиги янади яққолроқ қўзга ташланди. Даставвал экологик таълим ёввойи табиатнинг ажойиб манзараларидан завқланиш натижасида пайдо бўла бошлади, кейинчалик у ботаника, биология, умумий боилогия, география бўйича билмлар олиш сари ўзгарди. Бу анъана қайсиdir маънода ҳалигача сақланиб қолган. Экологик таълим доимо севиш ва қўриш, тушуниш ва бажаришдан иборат бўлган. Умуман олганда, буни қуйидагича тушунтириш мумкин: табиат ажойиб, лекин у муҳофазага муҳтоҷ, шунинг учун ун ўрган ва сақлаб қолиш учун бирор нарса қил. Бундай ёндашувнинг яққол мисоли «дунё бизнинг қўнимизда» тимсолидир. Бу мисол плакат-

<sup>1</sup> Экологик таълимдан барқарор ривожланиш таълими сари. Т. «Талқин» нашр, 2007 йил, 40-бет.

ларда, китоблар муқоваларида ва «яшил» журналларда, халқаро конференцияларда жуда кўп қўлланилади ва ҳали ҳам инсонларда қизикарли уйғотмоқда. Шундай қилиб, экологик таълим жуда қизик бирикмага айланди: бир томондан, у экологик муаммоларни илмий тушунишга таяниб, ҳиссиётларни уйғотишга қаратилган ҳаракат бўлса, иккинчи томондан, «билим ва фан соғлом сиёсатга ва умумий фуқаролик маъсулиятига томон тўғри йўл» деган фикрга болаларни ишонтиришга бўлган ҳаракатдир. Аслида болалар амалда бунинг аксини кўрадилар.

Экологик таълимнинг қарама-қарши тимсоли шу тариқа шаклланган. Натижада айнан шу қарама-қаршиликлар асосида ҳар бир киши «табиатга ғамхўрлик» қилиш, тирик организмларнинг яшаш жойини сақлаш, табиатни кузатиш, атроф – мухит мониторинги, ўсимликлар ва ҳайвонлар, физик жараёнлар, «ифлосланиш» тушунчасининг биологик ва кимёвий жиҳатлари билан боғлиқ чукур билимларни эгаллаш йўлини топишга ҳаракат қилиб кўрди.

Бугунги кунда Экологияга солинаётган хавф Ўзбекистон учун, умуман бутун Марказий Осиё минтақаси учун нақадар юқори эканлигини хисобга олган ҳолда ҳукумат ва давлат атроф-мухитни ҳимоя қилиш, табиат заҳиралардан оқилона фойдаланиш масалаларига жуда катта эътибор бермоқда. Атроф-мухитни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги миллий тадбирлари бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан кенг ва ҳар томонлама хамкорлик қилиши билан қўшиб олиб борилмоқда. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишининг турли жиҳатларини тартибга солувчи кўплаб хилма-хил халқаро шартномалар ва битимлар тузилди.

Мустақиллик йилларида қўшни Марказий Осиё давлатлари Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон Республикаларида ҳам атроф-мухит ва уни соғлигини сақлаш асосий масалалардан бири бўлиб қолди.

Марказий Осиё ҳудудларида XX асрнинг 80-йилларида келиб атроф-мухитнинг экологик ҳолати янада ёмонлашди, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланиш оқибатлари муаммолар ижтимоий тус олди. Ўтқир экологик муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, ҳукумат, маҳаллий маъмурият ва кенг халқ оммаси эътиборини уларга

қаратишда олимлар билан бирга шоир ва ёзувчилар, айниқса публицистлар катта фаоллик кўрсатдилар. Улар ташаббус билан Орол фонди ташкил этилди, Орол дengизини кутқазиш ижтимоий қўми-таси тузилди.

Экология муаммоси Ер юзининг ҳамма бурчакларида ҳам дол-зарб. Фақат унинг кескинлик даражаси дунёнинг турли мамлакатларида минтақаларида турличадир. Марказий Осиё минтақасида экологик фалокатнинг ғоят хавфли зоналаридан бири вужудга келганлигини алам билан очиқ айтиш мумкин. Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, у бир неча ўн йилликлар мобайнида ушбу муаммони инкор этиш натижасидагина эмас, балки минтақада инсон ҳаёт фаолиятининг деярли барча соҳалари экологик хатар остида қолганлиги натижасида келиб чиққандир. Табиатга қўпол ва такаббурларча муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Биз бу борада аччиқ тажрибага эгамиз. Бундай муносабатни табиат кечирмайди. Инсон – табиатнинг хўжайини, деган соҳта социалистик мафкура-вий даъво айниқса, Марказий Осиё минтақасида қўплаб одамлар, бир қанча халқлар ва миллатларнинг ҳаёти учун фожиага айланди. Уларни қирилиб кетиш, генофонднинг йўқ бўлиб кетиши ёқасига келтириб қўйди.

Афсуски бу жараёнлар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Бу ерда, мутахассисларнинг баҳолашиба, жуда мураккаб, айтиш мумкинки хавфли вазият вужудга келмоқда. Бундай вазият нимадан иборат?

Биринчидан, ернинг чекланганлиги ва унинг сифат таркиби пастлиги билан боғлиқ хавф тўхтовсиз ортиб бормоқда. Марказий Осиё шароитида ер Оллоҳ таолонинг бебаҳо инъомидир. У том маънода одамларни боқади, кийинтиради. Айни вақтда ер улкан бойлик бўлибгина қолмай, мамлакатнинг келажагини белгилаб берадиган омил ҳамдир. Бу ҳол айниқса Ўзбекистонда яққол намоён бўлмоқда. Республиканинг 447,4 минг километрдан ортиқ бўлган умумий майдонининг атиги 10 фоизигина экин майдонлари ташкил этади. Айни чоғда Ўзбекистон эгаллаб турган майдоннинг анча қисмини Коракум, Қизилқум, Устюрт каби чўл ва ярим чўл ерлар ташкил этади. Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонда аҳолининг зичлиги айниқса юқори бўлиб 1 кв км га 51,4 киши тўғри келади, ҳолбуки бу ракам Қозогистонда – 6,1, Қирғизистонда

– 22,7, Туркманистанда – 9,4 ни ташкил этади.<sup>1</sup>

Республикамизда ҳар бир одамга 0,17 гектар майдони тўғри келса, Қозоғистонда – 1,54, Қирғизистонда – 0,26, Украинада – 0,59, Россияда 0,67 гектар экин майдони тўғри келади.

XX аср охирида ерларнинг табиий равишда чўлга айланиши юқори даражада бораётганлиги етмаганидек, одамларнинг муносабати туфайли чўлга айланниб бориш жараёни шитоб билан давом этаётганлиги бу муаммони янада кучайтироқда.

1960 йилдан бошлаб Ўрта Осиёning энг катта сув хавзаси – Орол денгизи катта тезлик билан қурий бошади. Унинг сув сатҳи 1884 йилга келиб 36,94 м ли белгига тушиб қолди. Сув ҳажми эса 784 км<sup>3</sup> га қисқарди. Денгиз остидан чиқиб қолган 33000 км<sup>2</sup> дан ортиқ ер қумли ҳамда шўрхок чўлга айланди. Шу тарзда Орол денгизи бўйида яна бир қуруқ чўл вужудга келиб, денгиз суви юзасининг қисқариши хисобига тобора кенгациб бормоқда. Орол денгизининг сув ҳажми 1960 йилги 1062 км<sup>3</sup> дан 1994 йилга келиб 278 км<sup>3</sup> га қисқарди. 1981 йилга келиб Орол денгизида кемалар бутунлай тўхтади. 1984 йилдан бошлаб эса денгизда боғлик тутиш бутунлай барҳам топди.

Орол бўйидаги табиий, экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазият ниҳоятда оғирлашиб, жаҳон жамоатчилигини ташвишга солган «Орол муаммоси» вужудга келди. Бу муаммо, ўз навбатида ўзаро чамбарчас боғлик икки масаладан иборат:

1. Орол денгизини саклаб қолиш, яъни унинг сув сатҳи камайишини бир-бир мутлақ белгига тўхтатиб қолиш;

2. Орол бўйича вужудга келган нокулай экологик вазиятни бартараф этиши.

Бу ҳар иккала муаммо туғилишининг бош сабаби, табиийки, денгиз сувининг кескин камайиб кетиши бўлди. Оролга келиб қўйиладиган сувнинг кескин камайишига эса ўлкада ирригация ишларининг ниҳоятда авж олганлиги, кейинги 30 йил мобайнида Орол ҳавзасида деярли 30 млн. гектар янги ер ўзлаштирилиб, уларга сув чиқарилиши, пахта якка ҳокимлиги, дарёлар, сув омборлари ва каналлар сувидан нооқилона фойдаланиш, экинларнинг суғориш нор-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Т. «Ўзбекистон» 1997 йил 116-117 бетлар.

масига амал қилмаслиқ, сувни энг кўп ишлатадиган дехкончилик тармоғи – шоликорликнинг кенгайиши каби омилларнинг бир бутун мажмуи сабабдир.

1960 йилларда Орол денгизига йилига  $58,9 \text{ km}^3$  дан ортиқ Амударё ва Сирдарё сувлари қўйилар эди. 70-йилларнинг ўрталаридан эътиборан Сирдарё суви Оролга умуман етиб бормади. Амударё эса эндилкда йилига ўрта ҳисобда  $3-10 \text{ km}^3$  атрофида сув келтириб қўя бошлади. 1982, 1986 йилларда эса ҳатто Амударё суви ҳам денгизга умуман етиб бора олмади. Бинобарин, денгиз суви мутаносиблигида кескин ўзгариш рўй берди: сув кириш сув сарфидан деярли 10 баробар камайиб кетди. Кўрилган чора-тадбирлар ва 1993 йилнинг серсув келиши натижасида 1994 йилда Орол ленгизига  $30,6 \text{ km}^3$ , жумладан, Амударёдан  $21,6 \text{ km}^3$ , ва Сирдарёдан  $8,9 \text{ km}^3$  сув тушди.<sup>1</sup>

Орол денгизининг куриб бориши хавфи ғоят кескин муаммо, айтиш мумкинки, миллий кулфат бўлиб қолди. Орол денгизи муаммоси узоқ ўтмишга бориб тақалади. Лекин бу муаммо сўнгги ўн йилликлар мобайнида хавфли даражада ортди. Марказий Осиёнинг бутун ҳудуди бўйлаб суғориш тизимлари жадал суратда кириш кўплаб ахоли пунктларига ва саноат корхоналарига сув бериш баробарида кенг кўламдаги фожеа – Орол ҳалок бўлишининг сабабига ҳам айланди. Орол танглиги инсоният тарихида энг йирик экологик ва гуманитар фожеалардан биридир. Денгиз хавзасида яшайдиган қарийб 35 миллион киши унинг таъсирида қолди. Биз 20-25 йил мобайнида жаҳондаги энг йирик ёпик сув ҳавзаларидан бирининг йўқолиб боришига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Оролнинг матҳи 20 метр пасайиши натижасида у энди яхлит денгиз эмас, балки иккита қолдиқ қўлга айланиб қолди. Унинг соҳиллари 60-80 километрга чекинди. Амударё билан Сирдарёнинг дельталари жадал суратлар билан бузилиб бормоқда. Денгизнинг сув кочган туби 4 милион гектардан ортиқроқ майдонда кўриниб қолди. Натижада яна битта «Қўлбола» қумли – шўрхок сахрога эга бўлдик. Шамол Орол денгизининг куриб қолган тубида туз ва чанг тўзонни юзлаб километрга учирив кетмоқда. Оролнинг куриб қолган тубидаги чанг бўронлари 1975 йилда ёқ космик тадқиқотлар на-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедияси. Т. Қомуслар Бош таҳририяти, 1997 йил, 39-бет.

тижасида аниқланган эди. 80-йилларнинг бошларидан буён бундай тўфонлар бир йилда 90 кун давомида кузатилмоқда. Чанг бўронларининг таъсири доираси эса 300 километргача етмоқда. Мутахассислар берган маълумотларга қараганда, бу ерда ҳар йил атмосферага 15-75 миллион тонна чанг кўтарилади. Орол дengизининг қуриб бориши ва жараён туфайли Орол бўйи минтақасидан табиий мухитнининг бузилиши экологик фожеа сифатида баҳоланмоқда. Чанг ва туз бўронларининг пайдо бўлиши, факат Орол бўйича эмас, балки дengиздан анча наридаги бепоён худудларда ерларнинг чўлга айланиши, иқлим ва ландшафтнинг ўзгариши – булар ана шу фожеа оқибатларининг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир. Ҳозир Орол муаммоли нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё олдида турган энг дол зарб экологик муаммодир. Шунинг учун бу масалани ҳал қилишда Марказий Осиё давлатлари, бошқа хорижий давлатлар, кенг жамоатчилик, турли ташкилотлар биргаликда фаолият кўрсатмоқдалар. Орол дengизининг қуриб бориши муносабати билан ҳалқаро, кенг кўламли аҳамиятга молик бўлган экологик, ижтимоий – иқтисодий ва демографик муаммоларнинг мураккаб мажмуи вужудга келди. Орол дengизининг қуриб бориши ва минтақанинг чўлга айланиши билан боғлиқ экологик фожеа бу ҳавзада яшаётган барча ҳалқларнинг дарду аламидир. Сув захиралари билан боғлиқ бўлган муаммолар мажмуаси кенг кўламли ва мураккаб кўп томонлама ёндашувни, минтақадаги давлатлар билан ҳалқаро ҳамжамият ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришни талаб килади.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидланларидек Ўтган сўнгги йилларда минтақа давлатлари ҳалқаро ташкилотлар билан биргаликда Орол дengизи ҳавзасида экологик ҳамда ижтимоий – иқтисодий муаммоларни енгиб ўтиш ва минтақадаги вазиятни яхшилаш бўйича сезиларли саъй-ҳаракатларни амалга оширишди. Ишоним комилки, глобал ижтимоий муаммолар, жумладан Минг йиллик ривожланиш мақсадлари доирасида, «Регионализм орқали глобализм сари» формуласи бўйича, самарали минтақавий механизmlар яратиш йўли билан ҳал этилиши лозим.

БМТ Бош Ассамблеясининг қарори билан 2005-2015 йиллар «Сув ҳаёт учун» ҳаракати Ҳалқаро ўн йиллиги деб эълон қилинди. Бугунги Тошкент Конференцияси нафақат Орол дengизи муаммоларини ҳал этиш бўйича Марказий Осиё давлатларининг ўзаро саъ-

й-харакатлари тўғрисидаги биринчи битими имзоланганининг ўн беш йиллик даврида, балки 22 марта, Бутунжахон сув русурслари кунига яқин қолганда, БМТ эълон қиласан Халқаро Ер сайёраси йи-лида бўлиб ўтаётгани ҳам рамзий маъно касб этади».<sup>1</sup>

Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг 1993 йил март ойида Кизил ўрдада бўлиб ўтган учрашуви ана шу муаммоларни ҳал қилиш йўлидаги туртки бўлди. Бу учрашувда Орол денгизи танглигини ҳал этиш юзасидан биргалиқда ҳаракат қилиш тўғрисида Битим имзоланди. Орол денгизи муаммолари бўйича Давлатлараро Кенгаш ва унинг ишчи органи –ижроия Кўмитаси, шунингдек, Оролни қутқариш Халқаро фонди ташкил этилди. Марказий Осиё Республикалари давлат бошлиқларининг 1994 йил январида Нукус шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи учрашувида Орол денгизи ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилаш юзасидан яқин уч-беш йилга мўлжалланган, минтақани ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ ҳаракатлар дастури тасдиқланди. 1994 йил март ойида Тош ховузда бўлган учинчи учрашувда Давлатлараро Кенгашнинг ушбу дастурнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

1997 йил февралда Марказий Осиёдаги беш давлат бошлиқларининг БМТ, Жаҳон банки, ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида Алматада бўлиб ўтган учрашувида Орол муаммосини ҳал этиш бўйича ташкилий тузилмалари такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди-Оролни қутқариш Халқаро фондининг анча ишchan таркиби ва унинг негизида ҳаракатчан Ижроия қўмитаси тузилди.

Орол муаммосинининг бутун кескинлигини, уни сақлаб қолиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш зарурлигини тушунган ҳолда, Марказий Осиё Республикаларининг хукуматлари, мутахассислари ва минтақанинг илмий жамоатчилиги, халқаро ташкилотлари 1995 йил 20 сентябрда Нукус шаҳрида Марказий давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Декларацияни қабул қилдилар. Декларация барқарор ривожланиш қоидаларига

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» халқаро Конференцияси иштирокчиларига сўзлаган нутқдан. Т. «Ўзбекистон» 2008 йил, 286 бет, 16-жилд.

қатъий амал қилишни назарда тутади ва эътиборни қуидаги фоят муҳим муаммоларни ҳал қилишга қаратилади:

- қишлоқ ва ўрмон хўжалагининг янада мувозанатли ва илмий асосланган тизимиға ўтиш;

- сув захираларидан фойдаланишнинг тежамли усулларини ишлаб чиқиш, сугоришида ва атроф мухитни муҳофаза қилишда та-комиллашган технологияларни кўллаш воситасида ирригациянинг самарадорлигини ошириш;

- минтақанинг табиий захираларини комплекс бошқариш тизимини такомиллаштириш.

Пировард натижада Орол танглигини барқарор ривожланиш, бу минтақада яшаётган одамларнинг турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл кўймаслик, келажакда ёш авлод учун муносиб турмушни таъминлаш тамойиллари асосида ҳал қилиш бўйича узоқ муддатли стратегия ва дастурни ишлаб чиқиши ҳамда рўёбга чиқариш зарур.

80-йилларнинг бошларида кўшни Тожикистонда алюмин заводи ишга туширилиши муносабати билан Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятига карашли кўплаб туманларида экологик жиҳатдан танг аҳвол вужудга келди. Завод атмосферага кўп микдорда фторли водород, углерод оксиди, олтингурут гази, азот оксидларини чиқариб ташламоқда. Водийнинг юқори қисмида Тожикистоннинг Ўзбекистон билан чегарасида жойлашган заводнинг чиқиндилари тоғдан водий томонга эсадиган шамол билан ундан узоқроқларга, асосан Республиканинг чегара дош туманлари – Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой туманлари ҳудудига тарқалмоқда.

Умуман олганда, Орол ва Орол бўйи муаммосининг ечими моҳият эътибори билан бутун Туркистон табиий минтақасида сувдан оқилона илмий асосланган ҳолда тежаб-тергаб фойдаланиш масаласига боғлиқдир.

Марказий Осиё давлатлари ичида Ўзбекистон Орол муаммосидан ташқари, оқар сувлар ва ер ости сувларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Барча дарё, сой ва ер ости сувларининг сарфи устидангина эмас, балки сифати юзасидан ҳам жиддий назорат ўрнатилмоқда. «Биз, Ўзбекистон Орол денгизини том маънода кутқарив қолишнинг амалда деярли иложи йўқлигини яхши англаймиз. Аммо бу ерда яшаётган аҳолига соғлом турмуш кечириш учун за-

рур шарт-шароит яратиш мақсадида ҳар томонлама пухта ўйланган чора-тадбирлар Дастурини амалга оширишимиз шарт. Бу бизнинг бурчимиздир. Орол қуриш оқибатларини бартараф этиш ва Орол денгизи ҳавзасини экологик жиҳатдан соғломлаштириш борасида бизнинг асосий, энг муҳим вазифаларимиз».<sup>1</sup> дир деган эди Биринчи Президентимиз И.А.Каримов.

#### **4. Экологик муаммоларни бартараф этилишида илм-фан хамкорлиги.**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маданий ва илмий ютуқларни алмашувга, шунингдек Коммуникацияга халқаро тинчлик ва тараққиётга муҳим ҳисса қўшувчи унсурлар сифатида қарайди. БМТ нинг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) бошқа яна уч соҳага дикқат эътиборини қаратди. Улар тараққиётга хизмат килувчи фан, маданий тараққиёт, шунингдек ахборот ва информатиканинг мулоқатидан иборатdir.

ЮНЕСКОнинг маданий фаолияти маданий меросни саклашга қаратилгандир. 1972 йилда қабул қилинган Бутунжоҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш ҳақидаги конвенцияга мувофиқ 152 давлат ўз зиммаларига 112 мамлакатдаги 550 дан ортиқ оламшумул маданий ёдгорликларни муҳофаза этишда халқаро хамкорлик қилиш юзаасидан мажбурият олдилар. Бу маданий ёдгорликлар ичida Жаҳон мероси рўйхатига кирган муҳофазага олинган шаҳарлар, ёдгорликлар, миллий боғлар бор. Вайрон бўлиб кетаётган маданий ёдгорликлар хавф остида қолган Жаҳон мероси обьектлари рўйхатига кирган.

Фан – техника инқилоби даврида инсон жуда катта кучга эга бўлади. У атроф-муҳитда ўз манфати йўлида истаганича ва хоҳлаган йўналишда фойдаланиши мумкин. Инсон табиатни ўз ҳоҳиш истагига бўйсундиришга қодир. Аммо инсоннинг табиат учун маъсуллиги ва у билан уйғунликда бўлиш муаммоси ҳам тобора ортиб

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувда сўзлаган нутқ. Т. Ўзбекистон, 2009 йил, 17-жилд, 213-бет

бормоқда.

Фан – техник инқилоби шароитида табиий бойликлардан кенг миқёсда фойдаланиш ҳамда атроф-мухитни ифлослантирувчи санаат ва майший чиқиндиларнинг ортиши инсоннинг табиатга кўрсатаётган умумий салбий таъсирини кескин қучайтиради. XX асрнинг иккинчи ярмида табиатни муҳофаза этиш глобал муаммога айланди. Инсоният маданияти ва цивилизация тақдири худуди анна шу муаммони ҳал этиҳга кўп жиҳатдан боғлиқdir. Табиатнинг соғлиги учун курашишга кенг меҳнаткашлар оммаси жалб этилмоқда, турли жамоат ташкилотлари тузилмоқда. Уларнинг аъзолари турли идеалларни тарғиб этишиб, улариннг барчаси сайёрамиздаги ҳаёт учун маъсул эканини англашади ва шунинг учун ҳам уни, улар фаол ҳимоя килишга ҳамма тайёрдирлар.

Инсон цивилизациясининг ривожланиши ва унинг табиат бағрига тобора чукуррроқ кириб бориши оқибатида ахвол тубдан ўзгарди. Одамлар ўсимлик ва ҳайвонот оламига бостириб кириб, кўпинча ўз фаолиятининг салбий оқибатлари табиатни ўзгартириб юбориши мумкинлиги ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам кўришмайди.

Экологик мувозанатнинг бузилиши инсон фаолияти оқибатида юзага келади. Агар бу бузилиш маълум кескинлик ҳолатидан юқори бўлмаса, мувозанат қайтадан тикланади.

Маълумки, қадим-қадим замоналардан бошлаб, экологик маданият Ўрта Осиё ҳалқларига хос хусусият бўлган. Бу ҳақда қадимги кўлёзмалар ва улуғ алломаларимизнинг асарлари гувоҳлик беради. Уларда сув, табиат, ўсимликлар, жонзорлар ва уларнинг атроф-мухит билан ўзаро муносабатлари, алоқалари ва бошқалар борасида қимматли фикрлар ёзиб қолдирилган.

Гарчанд, у вақтларда экология фан сифатида шаклланмаган бўлсада, лекин ўша вақтларда табиат ва ундаги табиий мувозанат, тозаликнинг аҳамияти, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиатни эъзозлаш зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Ҳатто улар табиатни, сувни, оловни, шамол ва бошқа унсурларни муқаддас деб билишган, уларга сифи нишганди.

Инсоният ҳаёти табиий муҳит билан узвий боғлиқdir. Табиат – ҳаёт бешиги, инсон яшайдиган табиий муҳитdir. Инсон бу табиий муҳит ёки ҳаётдан ташқарида яшай олмайди. У денгиз ва океанлар тубида маҳсус яшаш маскани яратсада, ҳатто самоларда кичик

шаҳарлар барпо эта олса ҳам мазкур жойларда биологик тур сифатида мавжуд бўлиши учун тегишли ҳаётий шарт-шароитларни таъминлаши лозим бўлади. Бироқ ҳозирги даврда атроф–мухит ифлосланишувининг тобора кенгроқ тус олиши охир-оқибатда одамлар ҳаётининг табиий асосларининг емирилишига олиб боради.

Халқимизда «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қиласди» деган нақл бор. Экологик хавф-хатар кўлами пинҳон тутилгани билан унинг ҳалокатли белгилари аниқ кўрина бошлайди. Аммо бугунги кунда вазият анча ўзгарди. Дунёning турли нуқталаридаги экологик танглик очик-ойдин муҳокама этилмоқда. Чунки атроф – муҳитнинг ифлосланиши, заҳарланиши ва ишдан чиқиши бутун сайёра миқёсидаги ҳодисага айланди. Экологик тангликнинг акс-садоси барча қайта тикланиш жараёнларида ўз ифодасини топмоқда. 70-йилларнинг ўзидаёқ ҳар йили биосферага ўртacha 40 миллиард тоннадан ортиқ ишлаб чиқариш чиқиндилари ташланарди. 2000 йилга келиб, унинг ҳажми 100 миллиард тоннага етди.<sup>1</sup>

Инсон ва табиатни ўзаро муносабатининг ҳозирги ҳолатини ҳамда уларнинг тарихини ўрганмасдан туриб, ижтимоий – экологик назарияни яратиб бўлмайди. Ижтимоий–экологик назариясиз эса инсон ўзининг табиатни ўзgartириш борасидаги амалий фаолиятларида катта мувоффақиятларга эриша олмайди. Ижтимоий – экологик концепциялар ҳозирги замон экологик ҳолат ҳақидаги маълумотларга, экология тарихи ва экология фани асосларига таянади. Антропоген давр ер тарихида инқиlobий хисобланади. Инсон сайёрадаги фаолиятнинг миқёсларига кўра ўзини буюқ геологик куч тарзida намоён этмоқда.

Инсонининг табиатни ўзgartириш борасидаги техник имкониятлари жадал суратда ортди. Бу айниқса фан–техника ютуқлари даврида яққол кўзга ташланди. Ҳозирги вақтда инсон табиий муҳитни ўзgartиришнинг шундай лойиҳаларини амалга оширишга кодирки, яқин ўтмишларда у ҳатто бу шаклда орзу ҳам қилолмасди.

Инсон табиатни тобора ўз измига бўйсундирмоқда, мақсадлари йўлида хизмат қилдирмоқда. Инсоннинг табиатга боғлиқлиги гўё камайгандек туюлади. Аслида эса бундай эмас. Ҳозирги вақтда «Табиатни муҳофаза қилиш», «Экологик танг аҳвол» каби иборалар-

---

<sup>1</sup> И.Холлиев, А.Каримов. Экология. Т., «Мехнат» 2001 йил, 83-бет.

нинг тез-тез эшитилиши бунинг аксини кўрсатади. Аксинча табиий муҳит ҳолатига инсон ҳаёти тобора боғлиқ бўлиб бормоқад. Бундан аниқ бўладики, инсон қудратининг ортиб бориши нафакат табиат учун, балки охир-оқибатда унинг ҳаёти учун хавфи бўлган салбий оқибатларнинг кўпайишига олиб келар эди. Бунинг аҳамияти ва салмоғи эндиликда англаб етилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам фан-техника тараққиёти ютуқлари бизнинг сайёрамизда кучли экологик ҳалокатларга олиб келди. 1945 йилда атом бомбаси яратилди. Бу инсоннинг оқибати ҳали номаълум бўлган имкониятларидан эди. 1954 йилда дунёда биринчи атом элекр станцияси курилди ва «тинчлик атоми»га катта умид билан қаралди. 1986 йилда Ер тарихида энг йирик техноген ҳалокат содир бўлди. Чернобил АЭСда фалокат юз берди. Бу атомни ўзи учун ишлашга «ўргатиш» га уриниш оқибат эди. Чернобил ҳалокатидан 7 млн. дан ортиқ инсон зарар кўрди. Чернобил фожеаси инсоният ўз бошидан кечираётган экологик танглик, экологик қийинчилик борасида сўзлаш ҳакиқат эканини, экологик ҳалокат ҳам рўй бериши мумкинлигини кўрсатди. Чернобил ҳодисаси – экологик ҳалокат эди.

Катта худудий миқёсидаги иккинчи йирик ҳалокат–Орол денгизининг қуриб қолиши ҳисобланади. Орол денгизининг қуриши ҳам бамисоли Чернобил воқеасидек фожеали фалокатга айланди. Фақат унинг фарқи шундан иборат эдики, у бир лаҳзада эмас, йиллар давомида даҳшатли қўринишга айланниб борди.

Сайёрамизнинг бошқа жойларида ҳам Орол ва Чернобил ҳалокатларига ўхшаш экологик фожеалар юзага келмоқда. Масалан бугунги кунда Бразилияning улкан худудларидаги асрий ўрмонлардан асар ҳам қолмади. У жойлар қуруқ ерга айланди. Буларнинг барчаси сайёрамиз иқлимининг ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин. Афсуски, унинг оқибатларини биз тўла ҳолда олдиндан била олмаймиз.

Ҳозирги замон ишлаб чиқариши экологик тангликни келтириб чиқарди. Ишлаб чиқариш эса замонавий техникага асосланган. Техниканинг манбаи эса фандир. Демак, экологик қийинчиликлар фан–техника тараққиёти билан узлуксиз боғлиқдир.

Фан ёрдамида табиатнинг қонунлари кашф этилди. Инсон омили ҳисобга олинмасдан ўтказиладиган ҳар қандай тадқиқотлар ҳозирги замон экологик вазиятни ҳақиқий тарзда акс эттира олмайди. Экологик танглик сабабларидан бири илмий тафаккурдаги ҳаддан

ортиқ таҳлилий – мuloҳазавий ёндашувдир. Экологик муаммолар-нинг нотекис ривожланиши билан ҳам боғлиқ. Бу фанларнинг таъсири билан белгиланади. Шуни назарда тутмоқ лозимки, экологик қийинчиликларга фаннинг бирор соҳада эришилган ютуқлар «айбдор» эмас. Ҳамма гап унинг натижаси ўлароқ билимнинг бошқа соҳаларида тегишли ўзгаришлар тезроқ содир бўлмаганидадир. Демак, фанга ҳам нозиклик зарур.

Бизни табиатни муҳофаза этиш, экологик жиҳатдан асосланган технологиялар, ишлаб чиқаришлар, лойиҳаларга ўтишнинг инқиlobий даври кутмоқда. Унинг оқибатида инсон фаолияти табиат жараёнларини сўндирумайди, аксинча, уларга бамисоли «сингиб» кетади. Халқ олим ва мутаххасислардан очиқ курашларда ва ҳатто муқобил техник варианtlарда туғилган ажойиб лойиҳаларни кутмоқда. Мамлактларнинг табиатини ва маданий-тарихий қадриятларига беписандлик ва оқибати ўйланмасдан қабул қилинган монополистик қаророларни жамоатчилик эътиборидан сир сақлашга энди сира ўрин йўқ.

Фан – техника тараққиётининг энг сўнги ютуқларидан кенг фойдаланиш асосида янги илгор технологиялар яратилди. Бу эса кам харажат қилиниб, ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишининг экологик, ташкилий, техник, иқтисодий муаммоларини айни бир вактда ҳал этиш имконини беради.

Экологик жиҳатдан тоза ва табиатга зарап келтирмайдиган технологиядан оқилюна фойдаланиш меҳнат унумдорлиги ва ҳаёт даражаси ни ошириш, кишиларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, табиат захиралари базасини асраш борасида тенг имкониятлар беради. Янги материаллар ишлаб чиқаришага янада ихчам ёндашишларни тақазо этади.

Фан қанчалик юксак ривожланмасин, мутлақ ҳақиқат борасида энг сўнгги сўзни ва инсон фаолиятининг барча оқибатларини олдиндан айта олмайди ва албаттa, табиий вазиятнинг ўзгаришлари ҳақида анча кечикиб муносабат билдиради. Шундай бўлса-да, фан инсоннинг табиий муҳит билан ўзаро муносабатини уйгуналаштириш борасидаги ҳақиқатни акс эттиришда зарурый восита ҳисобланади.

Фан инсонга энг ишончли ахборотлар беради. Инсоният бу ахборотларни қайта ишлаб, табиий тизимлар экологик ҳолатининг яна-

да ёмонлашувининг олдини олиш мумкин. Бинобарин, инсон фан орқали табиий муҳитдан кўп нарса ўрганади. Билиш табиатдаги тартибликни аниқлаш жараёнидан иборатdir. Демак, фан инсонга ҳар қандай ҳолатни, хусусан экологик вазиятни яхшилашга имконини ҳам беради.

Фан – техника тараққиётининг атроф – муҳитга таъсири ҳам ижобий ҳам салбий бўлиши мумкин. Мободо, фан ва техника ютуқларини хўжалик фаолиятига татбиқ этишда жамият ва табиатнинг уйғун ҳолда ривожланиш талаблари эътиборга олинмаса салбий оқибатлар келиб чиқади.

Фан – техника тараққиётининг тартибсиз, бошқариб бўлмайдиган ривожланиши натижасида инсоният шундай чегарага етиб келдики, чанг–тутун ва нур касаллиги, турли токсик, аллергия, эндокрин ва ижтимоий чегара билмайдиган потологиянинг бошқа турлари билан боғлиқ хасталиклар хавфи кўндаланг бўлиб турибди.

Хозирги вақтда экологик сиёсатни ишлаб чиқишида дунёда муайян тажриба тўплланган. Қоида бўлиб қоланидек, у даврлар ва унинг жойлардаги Марказий, маҳаллий, ишлаб чиқариш, жамоат ва бошқа даражадаги органларининг асосий уч соҳадаги тартибга солиб турувчи фаолиятини ўз ичига олади. Бу соҳалар жамиятнинг атрофдаги табиий муҳит билан мавжуд ва потенциал ўзаро алоқаларига даҳлдордир:

Биринчидан, бу гўё табиатни «Консерватив» муҳофаза қилиш, яъни қўриқхоналар ҳудудлари, миллий боғлар ва ўрмонлар, биосфера қўриқхоналар ҳамда табиатни муҳофазалаш обьектларини эҳтиётлаш, шунингдек, ўсимликлар ва ҳайвонот оламини табиий ҳолатда саклашни ташкилий – ҳуқукий чораларини ишлаб чиқиш;

Иккинчидан, табиатни муҳофазалайдиган ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатдаги экологик мувозанатни ҳисобга олиб, ҳудудларни хариталаштириш, ҳом ашё ва энаргия манбаларидан тўғри фойдаланиш, фойдали қазилмаларни қазиб олишни тартибга солиш ва бошқалар;

Учинчидан, сув, ҳаво ва ерни муҳофаза қилиш, шовқин – сурон ва радиацияга қарши кураш чиқиндисиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аҳоли дам олиши учун қулай шароитлар яратиш ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, экологик сиёсат бу – жамият ва табиатнинг жуда

ранг–баранг ўзаро алоқалари ҳолатида бошқаришнинг мураккаб ва мажмуий механизми сифатида номоён бўлади.

Экологик муаммонинг глобаллашуви ўз ҳарактерига кўра объектив жараёндир. Чунки табиат чегара билмайди ва ягона экотизмни ташкил этади. Шунинг учун ҳам расмий ҳам ҳам норасмий халқаро экологик ташкилотлар, шунингдек, турли саноат корпорацияларнинг фаолият дунёвий тус олмоқда.

Бугунги кунда тобора модага айланиб бораётган «Глобаллаштириш» сўзи остида Америкача ёки Россияча юзага стандартларни тадбиқ этиш маъноси яширган бўлади. Аслида бу ҳам ўзига хос ижтимоий «Клонлаштириш»дир. Бу кўпинча дунёвий барқарорлик зарурати билан асосланилади. Аммо асоссиз даъватлар билан барқарорликка эришиб бўлмайди. Барқарорлик ҳар бир халқнинг ҳаётий анъаналаридан келиб чиқади ва барча маданиятларнинг ўзига ихтисослигига асосланади.

Глобал муаммоларни ҳал этишда миллий ўзига хосликни ҳам унутмаслик керак. Аксинча, ҳар бир миллат уларни ўзича англаши зарур. У глобал муаммоларни фақат ўзининг миллий ҳарактерига асосланиб ҳал этади. Аммо, бунда миллат факат ўз қобигига ўралиб қолмаслиги, умуминсоний қадриятларга иш тутмоғи лозим.

Аммо эндиликда инсониятни умуминсоний қадриятлар асосида бирлаштирувчи янги мафкура–экологик мафкура пайдо бўлмоқда. Бу – инсоният мафкурасидир. Чунки экологиянинг ўзи тобора умуминсоний муаммога айланиб бораёттир. Экологик мафкура диний, миллий, синфий келишмовчиликларни мутлақ инкор этади. Унинг янгилиги ва ўзига хослиги ҳам, эҳтимол, ҳудуд ана шундадир. Экологик мафкура нафақат умуминсоний, балки айтиш мумкинки, табиат ва инсон учун ягона бўлган умум ҳаётий қадриятларга таянади. Экологик мафкура – ҳаёт, инсон ва табиат ҳамкорлиги мафкурасидир.

Барқарор ривожланишнинг жойдаги муҳокамаси деярли ҳар доим биринчи навбатда умумий вазиятни, сўнгра масаланинг ҳар бир томонини кўриб чиқиши ўйли билан амалга оширилади. Экологик таълим – тарбия ва барқарор ривожланриш таълими амалиётидаги ўзгаришлар ўзувчилар билан биргаликда экологик ва иқтиёмий муаммоларнинг ҳаётга татбиқ этса бўладиган, кенг кўламли ечимларини излаш ва уларга таъсир этувчи омилларни кўриб чиқиш

орқали амалга оширилиши зарур.

Таълим – болалар қўллари билан ҳозирги замон муаммоларига қарши курашиши эмас, балки биринчи навбатда келажак тимсолилини куришдир.

Дунёнинг бой мамлакатларидаги қўпгина истеъмолчилар экологик турмуш турзини олиб боришни, атроф–мухитга маъсуллиятлироқ бўлишни ҳоҳлашларини айтишади, аммо уларнинг жуда оз қисмигина бу борада қандайдир ҳаракатни амалга оширадилар. Бу қарама-қаршилилик қўпгина компанияларни «яшилроқ бўлишни ҳоҳлайдиганлар учун» махсус махсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда хизмат қўрсатиш фойда келтирмаслигига ишонтириди, чунки бу инсонлар аслида «яшилроқ бўлишни» унча ҳоҳламайди. Лекин нима учун ҳукуматлар бу қарама-қаршиликни ўzlари амалга ошира олмайдиган истеъмолчилар номидан енгишга ҳаракат қилмайди ва компанияларни экологик ва ахлоқли бўлишга мажбурламайди. Кўпгина экологик муаммолар ҳозирги ижтимоий–иқтисодий тизим туфайли пайдо бўлган экан, асосий эътибор айнан иқтисодиёт ҳамда табиат ва ижтимоий вазиятнинг боғлиқлигини ўрганишга қаратилиши зарур.

Экологик таълим экологик муаммоларни ижтимоий – иқтисодий ва маданий жиҳатларига етарлича эътибор қаратмайди ёки уларни жуда бузилган ҳолда кўриб чиқади. Экологик таълимда амалий ёндашув зарур нарсаларнинг атиги бир қисмидир. Ҳаттоқи, «Экологик таълим» терминининг ўзи ҳам барқарор ривожланишнинг асосий учта ташкил этувчиси, яъни – экология (табиат) жамият ва иқтисодиётни етарлича акс эттиrmайди. Барқарор ривожланиши таълимида бундай динамик жараён ўқувчиларнинг ўз потенциалларини яхшироқ намоён этишлари учун имконият яратувчи турли ўқитиш услубларидан фойдаланишни акс эттиради.

«Экологик таълим» ёки унга яқин «глобал» ва «ноосферавий» таълим барқарор ривожланиш таълими ғоясининг барча жаҳатларини тўлиқ ёритиб бермаслиги кўриниб турибди. Ўқувчилар учун атрофга назар ташлаш ва теварак атрофидаги нарсаларни кўриш кифоя. Улар таълим муассасасиниг асосий мақсади – баҳолаш ва аттестациялаш эканлигини кўришлари мумкин. Бу ўринда экологик билим ва кўникмаларнинг аҳамияти жуда кам бўлади.

Экологик таълим – тарбия умумий таълимнинг ўзаро алоқадор-

лиги, инсонни унинг ўраб турган табиатга нисбатан масъулияти тўғрисидаги умумий тасаввур асосларни шакллантиришга асослангандир.

Бундан ташқари экологик тарбия теварак мухитга нисбатан муносабатларида тубдан ўзгартириш киритишни, ўз фаолиятларини назарий билимлар билан узвий алоқадорликда амалга ошириб боришиларини, бу борадиган кўнишка ва малакаларини изчиллик билан бойитиб боришиларини тақозо этмоқда.

Экологик таълим–тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини хисобга олган ҳолда қўйидаги муҳим талабларга амал қилмоқ лозим:

- табиий мухит ва уни яхшилаш бўйича амалий фаолиятни маънавий ва эмоционал жаҳатдан узвий бирлигини идрок этиш;

- экологик тарбиянинг борғлигини ва узлуксизлигини, унинг предметлар ва курслараро алоқа боғлаш билан амалга ошириб бориб;

- ва ниҳоят, экологик талим-тарбияни амалга ошириб бориши экологик муаммоларни умумбашарий, бир вақтда миллий ва ўлкашунослик характер касб этишини хисобга олган ҳолда фаолият кўрсатиш.

Экологик тарбия ёшларда фақатгина экологик – маданиятниги-на шакллантириб бормасдан, балки таълим ва тарбиянинг кўпгина умумий бир бутун вазифаларни ҳал этишда ҳам катта роль ўйнайди.

Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро алоқадорликларни кўрсатишнинг ўзи ўқувчиларда реал дунёнинг бир бутун эканлиги тўғрисидаги дунёқарашга хос билимларини янада бойитади. Экологик билимлар ёшларда сабаб мақсад алоқалари, воқеа ва ходисаларни систематик тузилиш жиҳатидан ривожлантиришларини таъмин этадиган вазифаларни янада ижобий ҳал этиб боришиларини таъминлашга кўмаклашади.

Табиатни тушуниш ва у билан мулоқотда бўлиш шахснинг аҳлоқий тарбияси, унинг инсонпарварлик хусусиятлари – эзгулик, кўнгилчанлик, раҳмдиллик бўлишга даъват этади.

Табиат чин кўнгилдан инсонни ҳар доим «вижданли, инсофли бўлиб олишга ёрдам беради. Табиат ҳар доим у – она эканлигини эслатиб туради». Гўзалликнинг битмас – туганмас манбаи бўлган табиат – умуман эстетик тарбиянинг муҳим воситаси, табиатни

шафқатларча вайрон этишга қўл урилган кучларга қарши турувчи инсонни камол топишиига катта ёрдам беради.

Экологик билмлар меҳнат таълими ва тарбиясида, шунингдек ёшларни жисмоний ривожланишлари ва табиий тарбияларида ҳам катта роль ўйнайди.

Бизнинг муштарак бурчимиз ер юзини болаларимиз ва набирала-римизга обод ва баҳтиёр яшашлари учун муносиб қилиб қолдириш-дир. Ўзбекистон энг оғир қийинчиликларга дуч келди. Оролнинг экологик ҳолати жаҳон миқёсидаги фожиа эътироф этилмоқда. Бу фожиани Ўзбекистон ва унинг қондош - қардош қўшнилари якка ҳолда даф этолмайдилар. Яшаш мұхитни, табиат ва маънавият экологияси бир – биридан ажралмасдир. Сиҳат – саломатлик бўлишнинг аъанавий қадрини қайта тиклаш ва оила қадри билан шарафли бир ўрнига қўйиш керак.

Шуниси мұхимки, одамлар сўзда эмас, балки амалда ўз саломатлигининг қадрига етиб, уни миллий бойлик сифатида авайлаб – арасинлар.

Табиатга яқинлик, жонажон ўлканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озик беради кучайтиради. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 9 декабрида «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» маҳсус қарор қабул қилган. Бу Қарор Республикамиз мактабларида экологик таълим ва тарбия олиб боришнинг асосий дастури бўлиб қолиши керак.

Бу хужжатда жумладан шундай ёзилган: «Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини экологик тизимлари, табиат комплекслари ва айrim объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф мұхитга эга бўлиш: ҳуқуқини кафолатлашдан иборат-дир».

Экологик таълим – тарбия олиб бориш жараёнида мазкур Қонуннинг Табиатни муҳофаза қилишдан мақсади:

- инсон саломатлиги учун, Экологик мувозанатни сақлаш учун, Республикада самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб

қолиш;

- экологик тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш;
- экологик хавфсизлигини таъминлаш;
- табиат объектлари билан боғлиқ, маданий меросни асраб қолишдир.

Экологик тарбия олиб бориши кундалик ҳәётимизда содир бўлаётган веқеа ва ходисалар билан узвий алоқада боғлаб борища Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш Давлат Кўмитаси фаолиятини баён этиб борадиган материаллар ва ахборотлардан системали равишда фойдаланиб бориш лозим.

Мазкур Конунда нафақат табиатни муҳофаза қилишдан кузатилган мақсад, балки уни самарали ҳал этиш, «Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш» (4-модда) ҳам қуидагича аниқ кўрсатиб берилган.

Инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш, одамларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлиги, инсон ва уни келгуси авлодлари генетик фонд хақида ғамхўрлик қилиш;

- фуқароларнинг ҳаёт учун кулай табиий муҳитга эга бўлиш хукуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурийлиги;
- жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манбаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунлаштириш;
- табиатдан оқилона фойдаланишни ва табиатни муҳофаза қилишни рағбарлантириш;

табиий ресурсларни тиклаш зарурлиги, атроф табиий муҳит ва инсон сиҳат-саломатлиги учун заарарли, тиклаб бўлмас оқибатларга йўл қўймаслик;

- табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда ошкоралик;
- табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, регионал ва ҳалқаро манбаатларни уйғунлаштириш;
- табиатни муҳофаза қилиш қонунлари талабларини бузганлик учун жавобгар бўлиш.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> «Ўзбекистон табиати». газетаси. 1993 йил 3 феврал. №5-6

Хуллас, ҳар бир инсоннинг таълим олиш ҳуқуқи – демократик жамиятда инсоннинг энг муҳим ҳуқуқларидан биридир ва айнан таълим барқарор ривожланишга эришиш омилларидан бири ҳамда қарор қабул қилишга ва демократияни ривожлантиришга асосланган самарадор бошқарувнинг муҳим элемантидир. Шу тариқа барқарор ривожланиш таълими минтақанинг барқарор ривожланиши ҳақидаги тасавурларимиз ҳақиқатга айланишида кўмаклашиши мумкин. БМТ шахсий фикрға эга бўлиш ҳамда алоҳида шахслар, гурухлар, ҳамжамиятлар, ташкилотлар ва мамлакатларнинг барқарор ривожланиш имкониятини берувчи салоҳиятини ривожлантироқ, соғломроқ ва гўзалроқ қилиш имкониятини бериб, уларнинг дунёкараши ўзгаришига ҳам кўмаклашиши мумкин. Бу орқали албатта, тумуш даражаси ҳам ўсади. Барқарор ривожланиш таълими танқидий фикрлашни таъминлаши ва ҳабардорликни оширишда, шунингдек имкониятларнинг кенгайтиришда кўмаклашиши мумкин.

Барқарор жамият тараққиётини тажриба ортиб бориши билан тўғри жавоблар ва қарорлар ҳам ўзгариши мумкин бўлган узлуксиз таълим жараёни, муаммо ва мулоҳазаларнинг тадқиқи, деб тушуниш олзим.

Таълим тизимида экологик тарбиянинг мақсадлари билимларни кенгайтиришда, маҳсус қўниқмалари ва интеллектни ривожлантириш, ҳаётий қарашларни ва қадриятларни шакллантиришни ўз ичига олиши лозимдир. Фан – техника ва ижтимоий тараққиёт шароитида экологик таълим ва тарбия янги қисмидир. Шунинг учун ҳам, экологик тарбия жараёнида фойдаланадиган асосий тушунчалар мазмунини очиб бериш тўла асослидир.

Таълим тизимида экологик тарбия ишларини мақсадга йўналтирилган ҳолда ташкил этиш лозим. Бунда, энг аввало, ўқувчиларда табиатга, атроф – муҳитнинг тури турли обьектларига нисбатан, заводлар, фабрикалар, гурухлар томонидан қабул қилинган қарорларга, катта ёшдаги кишилар ва ўртоклари феъл-авторини, ўзларининг хулқини таҳлил этишга экологик ёндашувни шакллантириш бора-сида аниқ тадбирлар белгилаш лозим.

Таълим тизимида экологик онг, экологик билим, экологик тарбия ёшлар дунёкарашининг таркибий қисми бўлмоғи зарур.

Экологик тарбия – бу табиатга мавхум муҳаббат уйғотиши восиатси эмас, у – инсоннинг унга бўлган оқилона муносабатини шакллантириш, меҳр-муҳаббатини барқарорлаштириш усули. Шунинг учун ҳам у кишиларга бўлган хурмат ва эътибор, ишонч, улар меҳнати ва ҳаётини эъзозлаш орқали узоқ мураккаб йўлни босиб ўтади. Бироқ экологик тарбияни сира ҳам ишонтириш, табиатни севишга чакирувчи қуруқ даъватнома тарзида тушунмаслик керак, у айни вақтда, маълум даражада таъкиқ ва қаттиқ жазо ҳамдир.

## **5. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик йўллари.**

Биз жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашув ҳақида гапирганимизда энг аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятида иштирок этишимизни назарда тутамиз. Биз ўзимизнинг бундай обрўли ҳалқаро ташкилот ишидаги иштирокимизни Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик, тинчлик ва тотувликни таъминлашнинг кескин муаммоларига жаҳон жамоатчилиги эътиборини қаратиш имконияти деб биламиз. Ҳозирги пайтда умумий хавфсизлик муаммосига алоқадор бўлган ҳалқаро ташкилотлар ғоят хилма-хил бўлишига қарамай факат БМТ-гина хавфсизликни сақлаш ва таъминлашга хизмат қиласидиган – олдини олишга қаратилган дипломатиядан тортиб ва тинчлик ўрнатишга қаратилган операцияларда қатнашишгача бўлган воситаларнинг ҳаммасига эга. Иккинчи жаҳон уруши ниҳоясига етиб қолганида бир қатор давлатлар томонидан ер юзида мустаҳкам ва узоқ муддатга мўлжалланган тинчликни таъминлашга қаратилган нуфузли ҳалқаро ташкилотни юзага келтириш ғояси илгари сурилди. 1944 йилнинг август-сентябр ойларида АҚШ-нинг Думбертон-Окс шаҳрида собиқ Совет Иттифоқи, АҚШ ва Буюк Британия вакиллари иштирокида ўтказилган конференцияда бўлак ташкилот Низомининг дастлабки лойиҳаси қабул қилинди. 1945 йилнинг апрел-июн ойларида эса Сан-Францискода БМТ Низомининг якуний матни ишлаб чиқилиб, унга мазкур ташкилотнинг 51 та дастлабки аъзолари 1945 йил 26 июняда имзо чекилди. 1945 йил 24 октябр – БМТ Низоми кучга кирган кун ҳисобланиб, у ҳар йил жаҳон жамоатчилиги томонидан Бирлашган Миллатлар

Ташкилоти куни сифатида кенг нишонланади.

Ер юзида халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг биргаликдаги чораларини таъминлаш, халқларнинг тенг ҳуқуқлигини ва ўз тақдирини ўзи белгилаш принципини хурмат қилиш, барча миллатлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантириш, ижтимоий-иктисодий, маданий ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ халқаро муаммоларни ҳал этиш БМТ-нинг бош мақсадидир. Ўтган йиллардаги фаолияти мобайнида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти дунёдаги энг йирик ва халқаро таъсирчан ташкилотга айланиб, 2010 йилга келиб у ўз сафида жаҳоннинг 200 га яқин давлатини бирлаштириди. У ўзининг ярим асрлик тарихи давомида халқаро ижтимоий ва иктиносидий хамкорликнинг қатор муаммоларини ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшди. БМТ ер куррасининг турли минтақаларида тинчлик ўрнатиш, ҳарбий можароларнинг олдини олиш, ривожланаётган мамлакатларга иктиносидий ёрдам кўрсатиш, табиий оғатлардан шикаст топган давлатларга ёрдам кўлини чўзиш жаҳон маданиятини ривожлантириш каби ҳайрли ишларда фаоллик кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги кунда ушбу ташкилотнинг 6 та бош орган: Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иктиносидий ва ижтимоий кенгаш, Васийлик кенгаши, Ко-тибият, 16 та ихтисослашган муассасалари: Халқаро меҳнат, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотлари, Тикланиш ва ривожланиш халқаро банки, Халқаро валюта жамғармаси, Халқаро молиявий корпорация, Халқаро ривожланиш уюшмаси, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик, Фуқаролик Авиацияси, Халқаро денгиз бўйича ташкилотлари, Жаҳон почта уюшмаси, Электр алоқаси уюшмаси, Жаҳон метеорология ташкилоти, Халқаро қишлоқ хўжалиги ривожланиши жамғармаси, Саноат ривожи, Маориф, фан ва маданият масалалари, Жаҳон ақлий мулк ташкилотлари ҳам айни шу мақсадда иш олиб бормоқдалар. Халқаро ҳуқуқнинг ижодкорлари сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳон халқлари тақдирига оид бир қатор ҳужжатлар ишлаб чиқди. Бу ташкилот дунё аҳамиятига молик бўлган кўпгина тадбирларнинг ҳам ташаббускори ҳисобланади. Жумладан, халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили – қуролсизланиш масаласига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ катта аҳамият бериб келмоқда. БМТ Бош Ассамблеясининг 1978, 1982, 1988 йиллардаги учта маҳсус сессияси ушбу масалаларга бағишлиланган. 1977 йилда

үтказилган 31-сессиясида эса табиий муҳитга нисбатан ҳарбий ва ҳар қандай тажовузкор воситалардан фойдаланишини таъқиқлаш ҳақидаги конвенция қабул қилиниши Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги бир қатор давлатларда мустамлакачиликдан озод бўлиш жараёнларини тезлаштириб юборди. Саксонинчى йилларнинг охирларида халқаро аҳволнинг ўзгариши туфайли БМТ фаолиятида янги босқич бошланади. Бу эса ташкилот фаолиятининг янада жонланишига олиб келди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракатларини мазмунан тўлдирди. Ташкилотнинг Яқин Шарқдаги тажовузига қарши белгиланган таъсирчан чоралари, Комбоджадаги ва Яқин Шарқдаги вазиятни барқарорлаштириш тадбирлари, Яқин Шарқда ҳамда Афғонистонда тинчликни таъминлаш, собиқ Совет Иттифоқи ва АҚШ ўртасида ядро қуролларини қисқартириш тўғрисидаги иккита муҳим шартномалар шулар жумласидандир. Буларнинг ҳаммаси БМТнинг тинчликсеварлик сиёсатини изчили олиб боришидан далолат беради ва унинг фаолиятидаги умуминсоний қадриятлар, манфаатлар негизига қурилган йўналишни янада мустаҳкамлади. “1992 йилнинг 2 марта халқимизнинг хотирасида учмас воқеа сифатида қолди. Ўзбекистон шу куни БМТ аъзолигига халқаро ҳамжамиятининг teng ҳуқуқли субъекти сифатида қабул қилинди. Республикамиз жаҳон ташкилотининг тўлақонли аъзоси сифатида муҳим халқаро муаммоларни муҳокама қилишда фаол иштирок этиш учун катта имкониятлар яратилди”<sup>1</sup>. Ушбу тарихий кундан бошлаб БМТнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги қатъий йўлга қўйилди. Республика ҳукумати билан БМТ ўртасида 1992 йил 16 ноябрдаги битимга мувофиқ 1993 йил февралида Тошкент шаҳрида бу ташкилотнинг ваколатхонаси ўз фаолиятини бошлади. БМТ ваколатхонасининг очилиши мазкур ташкилот билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Хозир ваколатхона таркибида БМТнинг тараққиёт дастури болалар жамғармаси, саноат тараққиёти дастури, Наркотикларни назорат қилиш бўйича дастур, Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти, Аҳолини жойлашиши жамғармаси сингари ихтисослашган муасса-

<sup>1</sup> “Ўзбекистон Мустақиллик одимлари”. Т., “Ўзбекистон”, 1995 йил. 44-бет.

салари фаолият кўрсатмоқда. 1993-1997 йиллар ичидаги ушбу нуфузли халқаро ташкилотнинг бевосита ташабуси ва иштирокида бир қатор халқаро дастурлар ишлаб чиқилди, ҳамда Тошкентда халқаро анжуманлар ўтказилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда БМТ 10 га яқин йўналишда фаолият олиб бормоқда. Улар атроф мухитни муҳофаза қилиш, бошқарувни такомиллаштириш, чет элда яшовчи юртдошларимиз томонидан Ўзбекистонга ёрдам ташкил этиш (ТОКТЭЕ дастури) ва бошқа соҳаларда изчиллик кўрсатаётир. Республикашимиз ер юзида осойишталик ва тинчликни барқарорлаштириш бўйича жиддий ишлар олиб бораётир. Бунинг яққол мисоли тариқасида Ўзбекистон раҳбариятининг кўшни Тожикистонда тинчлик ўрнатиш билан боғлиқ ҳаракатларини кўрсатиш мумкин. Республикашимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида 1993 йил 28 сентябрдаги нутқи нафақат минтақамиз аҳлида, балки жаҳон жамоатчилигига ҳам катта қизиқиши уйғотади”<sup>1</sup>. Республикашимиз Президенти қатор муаммолар ечимиға оид бирталай таклифларни илгари сурди. Жумладан Тошкент шаҳрида мазкур ташкилотнинг Марказий Осиёда Хавфсизлик ва фаровонлик муаммоларини ҳал этишга бағишинган доимий семинарини ташкил этиш таклифи ўртага ташланди.

Кўп ўтмай ташаббус ўзининг амалий ифодасини топди. 1995 йилнинг 15-16 сентяброда Марказий Осиёда хавфсизлик ва хамкорлик масалалари бўйича Тошкентда халқаро семинар бўлиб ўтди. Бу семинарда 20 та халқаро ташкилот ва жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатлари, шу жумладан АҚШ, ГФР, Фарнция, Буюк Британия, Россия, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва бошқа давлатларнинг дипломатия ҳамда ҳукумат вакиллари иштирок этишди. Унда минтақадаги барқарорликни мустаҳкамлашга оид янги фикр ва мулоҳазалар умумлаштирилди. Шу йилдаги манфаатдор ҳаракатларни бирлаштириш учун янги қадам ташланди. Мазкур кенгашда халқаро ташкилотларнинг биргаликда амалга оширадиган дастурлари ҳам ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон БМТнинг жаҳон тартиботини шакллантириш бора-сидаги илфор йўлини хамиша қўллаб-қувватлаб келмоқда. Унинг

<sup>1</sup> Сайдов А. “Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат”. Т., “Ўзбекистоон”, 1994 йил.

мавқеини тобора юксалтириш учун Республикамиз барча ишларни килажаги шубҳасиздир.

Хақиқатдан ҳам БМТга аъзо бўлиш, унинг сессиялари ишида қатнашиш, унинг ташкилотлари бўлган давлат байроқлари орасида ўз давлатининг ҳам байроғи борлигининг шоҳиди бўлиш жуда катта баҳт ва ифтихордир. Бутун ер куррасидаги мамлакатларни ўз атрофига бирлаштирган бу ташкилот халқаро ташкилотларнинг энг обрўлиси ва нуфузлисидир. Жаҳон сиёсати инсониятнинг ташқи сиёсати соҳасида орттирган тарихий тажрибасини мужас-самлаштирган ҳолда бойиб, такомиллашиб, уйғунлашиб, муштара-клашиб боради. Бундай сиёсатнинг ажралмас йўлдошлари, зарурий бўлак қисмлари сифатида халқаро ташкилотлар амал қилиди. Улар жаҳон сиёсатининг йўналишларини белгилаб беришда, унинг амал қилиши ва давом этишида, умуминсоний мақсад манфаатлар йўли-да хизмат қилишида жуда муҳим аҳамият касб этади.

Бу ўринда жаҳон сиёсатининг рамзи, тимсоли сифатида вужу-дга келиб фаолият кўрсатиб келаётган БМТни алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бу халқаро ташкилот тўғрисида фикр юритишидан олдин муҳим масалага дикқатни каратсак. Тарихий манбаларга мурожаат этсак жаҳон сиёсати миқёсида амал қилиш жиҳатидан биринчи ҳисобланган – Миллатлар Иттифоқини тузиш тўғрисидаги фикр биринчи жаҳон урушининг охири – 1918 йилда илгари сурилган.

Уруш ғолиблари бўлган мамлакатлар Франциянинг Версаль шаҳрида 1919 йилда Конгресс чақириб бундан буён катта қирғин-чилик ва вайронагарчиликларга сабаб бўлиб келаётган урушлар сиёсатига чек қўйиш ҳамда давлатлар, мамлакатлар, халқлар ўртасида ўзаро ва ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш мақсадида мустаҳкамла-ниб, фикрлашиб турувчи халқаро ташкилот тузиш ҳақидаги қарор қабул қилган эди. Унинг вазифаси, Низомга кўра халқлар ўртасида-ги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда уларнинг тинчлик ва хавф-сизлигини таъминлаш эди.

Бу ташкилот ўз фаолиятини иккинчи жаҳон уруши бошлангун-ча (1939 йил сентябр) давом эттириб, 1946 йил апрел ойида чақи-рилган маҳсус ассамблея қарори билан расман тарқатиб юборил-ган. Чунки, олижаноб умуминсоний мақсад – манфаатларни амалга ошириш вазифасини ўзининг бурчи қилиб белгилаган Миллатлар

Иттифоқи фаолиятида аста-секин йирик капиталистик мамлакатлар ўзаро қарама-қаршилик курашларининг акс садоси таъсир кўрсата бошлаган эди. Бунинг натижасида жаҳон сиёсати доирасининг айрим давлатлар гурухи ташқи сиёсатлари даражасига тушиб қолишига олиб келди. Лекин иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган тарихий, ижтимоий-иктисодий, сиёсий шарт-шароитлар, халқаро сиёсий муносабатларни талаб эҳтиёjlари жаҳон сиёсатининг умуминсоний қадриятлар томон ўсиб, ривожланишини тақозо этар эди. Янги давр талабига жавоб тариқасида халқаро муносабатларни яхлит жаҳон сиёсати йўналишида уйғунлаштириб ва бошқариб туриш механизми сифатида фашизм устидан ғалаба қозонган барча тинчликсевар демократик, ижтимоий тараққиёт тарафдорлари бўлган кучларнинг ташаббуси ва иродаси билан янги жаҳон миқёсидаги ташкилот – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вужудга келтирилди. БМТнинг мақсади ва вазифаси ер юзида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, давлатларнинг ўзаро хамкорлигини ривожлантиришдан иборат, деб белгиланади. Бу ташкилотни барпо этиш ҳақидаги қарор 1943 йилда Собиқ СССР, АҚШ, Англия ва Хитой Ташкилар вазирлигининг Москвада бўлиб ўтган кенгашида қабул қилинган эди. Бу даврда иккинчи жаҳон уруши фронтларида вазият ҳақиқат учун курашаётган кучларнинг фойдаси томон ўзгарган эди. БМТнинг тузилиши бир неча босқичларда амалга ошди. 1944 йилда Думбартон – Окс конференцияси, 1945 йилда Крим конференцияси ва ниҳоят 1945 йил ўрталарида Сан-Франциско конференциялари бўлиб ўтди. Сўнгги конференцияда 26 июнда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми 51 давлат томонидан имзоланди ва 24 октябрда кучга кирди. Шу кун БМТ ташкил топган кун сифатида нишонланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий бош муассасалари ўзаро келишувига биноан АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида унинг бир нечта ихтисослашган бўлимлари эса Европанинг Париж, Женева, Вена каби бир қатор шаҳарларида жойлашган. БМТ – Низомида кўрсатилгандек халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, халқларнинг тенг-хукуклиги ва ўз тақдирларини ўzlари белгилаш принципларига амал қилиб, миллатлар ўртасида дўystlik муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашни, ижтимоий-иктисодий, маданий муаммоларни ҳал қилишида халқлар ўртасида

хамкорликни таъминлашни кўзда тутади ҳамда шу умумий мақсадларга эришишда миллатлар, ҳалқлар ҳаракатини уйғуллаштириб турадиган марказ ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси қабул қилган қарорлар БМТга аъзо бўлган давлатларга мажбурий эмас, балки маслаҳат тарзида ихтиёрий бажариш учун тавсия этилади. Агарда илгари бу қарорни менсимаслиқ, бажармаслик ҳолатлари қайд қилинган бўлса, бугунги кунда ундан аломатлар деярли йўқотилиб борилаяпти. Бу БМТнинг обрў-эътибори таъсир кучи ўсганлигининг далолати эмасми? БМТнинг асосий органлари; Бош Ассамблея, Хувфизија Кенгаши, Иктиносидий ва ижтимоий кенгаш, Васийлик кенгаши, Халқаро суд. Бош котибијат – Бош котиб ва ҳокозолардан иборат. Турли даврларда БМТнинг Бош котиби вазифасини Трюгвели (Норвегия, 1946-1952 йиллар), Даг Хаммаршелд (Швеция, 1953-1961 йиллар), Ут Тан (Вирма, ҳозирги пайтда Мянма, 1962-1971 йиллар). Курт Валдхайм (Австрия, 1972-1981 йиллар), Хуан Перес дэ Куэльяр (1982-1991 йиллар), Бутрос Голий (Миср Араб Республикаси 1992-1997 йиллар) Кофе Аннан(1997-2006 йиллар) каби сиёсий арбоблар бажариб келгандар, амалдаги бош котиб Пан Ги Мун 2006 йилдан бошлаб фаолият кўрсатиб келмоқда. Бош котиб Кенгаш тавсиясига мувофиқ, Бош Ассамблея томонидан 5 йил муддатга тайинланади. У ҳар йили БМТнинг фаолияти хақида ҳисобот бериб туради. БМТнинг сессияси йилда бир марта – сентябр ойида чакирилади. Навбатдаги ҳар бир сессиянинг кун тартибига 100 га яқин масала киритилади ва уч ой давом этади. Хувфизија Кенгашининг ёки БМТ аъзолари кўпчиликнинг талаби билан маҳсус сессия чакириш мумкин. БМТнинг расмий тиллари – инглиз, француз ва испан тилларида олиб борилади.

1995 йил 19 сентябрда БМТ Ассамблеясининг 50-юбилей сессияси очилди. Бунда Хувфизија Кенгаши 10 йил ичидаги амалга оширган фаолиятига баҳо берилди ва келажакка мўлжалланган ҳаракат йўли аниқланди. Сессия жаҳоннинг БМТ аъзолари бўлган 185 давлатларидан вакиллар қатнашди. БМТнинг “Олтин” тўйида 150 дан ортиқ давлат раҳбарлари иштирок этишди. Шулардан 115 таси тантаналарда сўзга чиқишиди.

Шу раҳбарлар орасида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ҳам бўлиши ўзбек ҳалқи учун ку-

вончли воқеага айланди. Ҳа, БМТ Хавфсизлик кенгаши қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси 1992 йил марта Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси қилиб қабул қилинди. Бу мустақиллик ва истиқлол нашидасининг баҳорини ўтказаётгани учун, кўп миллат халқимиз учун улкан ютуқ ва арзигулиқ тортиқ эди. Мамлакатимиз жамоатчилиги хурсандчилик ва чексиз гурур билан қарши олди. Чунки бу қарор билан Республикамизга, унинг халқига жуда катта хурмат ва эҳтиром изхор қилинган эди. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясига таклиф этилди ва унга 1993 йил 28 сентябрда жаҳон минбаридан туриб нутқ сўзлашдек катта шараф кўрсатилди. У маъруzasida “Бизнинг тасаввуримизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – барча давлатларнинг минтақаларининг бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ечиш учун тузилган ноёб ташкилотдир”<sup>1</sup> – деб БМТнинг мақсад ва вазифаларига юқори баҳо берди.

Шуни ҳам кўрсатиб ўтиш лозимки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўзи ҳам фаолияти давомида маълум қийинчиликларга дуч келмоқда. Молиявий танглик жаҳон ҳамжамияти ишга асосий тўсиқ бўлмоқда. Масалан, 1995 йилнинг август ойида унга аъзо бўлган мамлакатларнинг БМТга бўлган тўлов қарзи 3,7 миллиард долларга етди. БМТнинг тинчлик ўрнатувчи операциялари эса катта маблағни талаб этади. Ҳозирги пайтда БМТ ер юзининг турли нуқталарида 16 та тинчлик ўрнатувчи операцияни ўтказмоқда. Ўтган йили шу мақсад учун қилинган сарфлар 3,5 миллиард долларга тенг бўлди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига халқларнинг тинч-тотув яшашга бўлган эзгу иродасининг буюк рамзи, инсоният маънавий тараққиётининг ёрқин нишонаси сифатида қараб, ўз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ жаҳон ҳамжамияти билан амалий алоқаларни мустаҳкамлашга киришиди. Мустақил давлатимиз ушбу катта халқаро обрў ва нуфузга эга бўлган ташкилотга тенг хуқуқли аъзо бўлиб кирди. Тошкентда БМТнинг доимий ваколатхонаси очилди. 1995 йил январ ойида эса БМТ ваколатхонаси билан хамкорликда Ўзбекистон Республикаси

<sup>1</sup> Каримов Ислом. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., “Ўзбекистон”, 1996 йил, 47-бет.

тараққиётининг стратегик муаммолари ва БМТ билан ўзаро хамкорликни янада чуқурлаштиришга бағишилаб семинар кенгаши ўтказилди.

Ўзбекистон бутун дунё учун очиқ ва биз сайёрамизда рўй берадётган жараёнларни теран ва пухта идрок этишга, демократик қурилиш, бозор муносабатларига асосланган хўжалик юритиш борасида давлатлар тўплланган улкан тажриба асосида замонавий цивилизация ютуқлари билан танишиш, Европа ва жаҳон ҳамжамиятига янада фаол қўшилишга ҳаракат қиласиз. Дарҳақиқат, мустақил мамлакатимизнинг БМТ тадбирлари яқиндан қатнашиши, дунё ишлари, жаҳон сиёсати ва муносабатларда фаоллик кўрсатаётганлиги бунинг учун қулай шароитлар кенг имкониятлар туғдириб бермоқда. Ўзбекистон ташки сиёсатининг жўшқинлиги давлатимиз халқаро обрў-эътибори ва унинг дунё ишларига бўлган таъсирини тинмай ошириб бормоқда.

1995 йил 15-16 сентябр кунлари Тошкентда, Марказий Осиёда хавфсизлик ва хамкорлик масалалари бўйича кенгаш-семинар 18-20 сентябр кунлари эса Нукус шахрида БМТ раҳнамолигида Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш масалаларига бағишиланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон пойтахтидаги йигин “Марказий Осиё хавфсизлиги ва хамкорлик масалалари бўйича Тошкент кенгаш-семинари баёноти”ни қабул қилди. Нукусдаги халқаро анжуман эса муҳим ҳужжат – “Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Нукус декларацияси”ни тасдиқлаш билан якунланди. “Марказий Осиё давлатлари” – дейилади Тошкентда ўтган халқаро кенгаш-семинарда қабул қилинган баёнотда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотини янги жаҳон тартибини шакллантириш жараёнида энг илгор воситалардан бири сифатида унинг бу борадаги ўрнини юксак баҳолайдилар ва БМТнинг имкониятлари ҳамда ортирган тажрибаси минтақадаги мавжуд муаммоларни мувваффақият билан бартараф этишга имкон яратишга ишонадилар. Афғонистондаги қонли низони тугатиш, Афғонистон-Тожикистон чегарасида кескинликни юмшатиш. Тожикистондаги вазиятни соғломлаштириш бўйича жаҳон ҳамжамиятининг баҳоли құдрат ҳаракат қилаётганлиги бундай ишончга асос

бўла олади<sup>1</sup>. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ўз навбатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг Бош котиби Бутрос Голий Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг халқаро фаолиятини юқори қадрлаган эди. Давлатимиз ташқи сиёсатининг халқлар ўртасидаги муносабатларини кенгайтириш, халқаро иқтисодий, ижтиёмий, маънавий ва бошқа соҳалардаги умумжаҳон муаммоларни ҳал этишда халқаро хамкорликни кучайтириш борасидаги таклиф ва ташаббусларини қизгин маъқуллар эди.

1995 йилнинг 23-25 октябр кунлари Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси БМТнинг 50 йиллик юбилейига бағишлиланган уч кун давом этган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Гарчи БМТга асос солинган пайтда кўзланган ялпи тинчлик, хавфсизлик, тараққиёт, соғлиқни сақлаш, таълим ва инсон хуқуқларини ҳимоя этиш каби улуғ мақсадларнинг қўпчилиги ниятлигича қолиб кетган бўлса, вакт бундай халқаро ташкилот зарур эканини кўрсатди. Гарчи жаҳоннинг айrim етакчи мамлакатлари оммавий ахборот воситалари БМТнинг баъзи йирик давлатлар қўлида ўйинчоққа айланиб қолаётгани, ҳатто бу халқаро ташкилотни тугатиш борасида харакатлар вужудга келгани тўғрисида хабарлар тарқатаётган бўлсада, тантанали мажлисда 150 га яқин давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этгани бугунги кунда унга муқобил йўқлигини йўқлигини намойиш қилди. Негаки дунёнинг айrim минтақаларида юзага келаётган муаммолар ҳам эндиликда кенг кўламли ечимларни тақозо этмоқда. Шунинг учун бўлса керак, БМТ қароргоҳида олиймақом утрашувлар чоғида қўпчилик нотиқлар ўзлари раҳбарлик қилаётган мамлакат ва ўзлари мансуб минтақа муаммолари тўғрисида гапириш баробарида мазкур халқаро ташкилот тузилмаларини ислоҳ қилишни таклиф этишиди. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳам тантанали мажлисидаги нутқида БМТ тузилмаларини ислоҳ қилиш тўғрисидаги ўз таклифларини баён этди. Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари қаторига дунё сиёсатида етакчи мавқега эга бўлган Германия ва Японияни киритиш, қабул қилинаётган қарорлар ижросини таъминлаш учун Бош котиб ваколатларини кенгайтириш, жойлардаги тангликни олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида

---

<sup>1</sup> “Халқ сўзи” газетаси, 21 октябр, 1995 йил.

БМТнинг халқаро минтақавий тузилмаларини ривожлантириш каби таклифлар шулар жумласидандир.

Сир эмаски, Марказий Осиёнинг келажаги кўп жиҳатдан Афғонистонданда давом этаётган биродаркушлик урушига барҳам бериш, Тожикистондаги вазиятни изга солиш каби долзарб масалаларга боғлиқ. Негаки Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши нафақат Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва барқарорлик, шунингдек, унинг иқтисодий равнақи ва қарор топаётган бозор иқтисодиёти муносабатларининг инфраструктурасини шакллантириш учун ҳам аҳамиятга эга. Чунки, бу минтақа аҳли энг яқин сув йўлларига факат Афғонистон орқали чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Раҳбари БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлашга даъват этди. Покистон давлати раҳбарлари ҳам таклиф асосида Бирлашган Миллатлар Ташкилотини Афғонистонда тинчлик ўрнатиш йўлида фаолроқ ҳаракат ва бир ярим миллиондан ортиқ афғон қочоқлари қисматини енгиллаштиришда ёрдам беришга чакирдилар. Бой табиий ва стратегик ресурслари билан машҳур минтақа бугунги кунда ташқи кучларнинг иқтисодий ва жуғрофий сиёсий манбаатлари йўлидаги кураш майдонига айланиб қолаётгани ташвишли ҳолдир. Уни бартараф этишда халқаро ташкилотлар кўмаги зарур. Минтақа хавфсизлигини таъминлаш ва хамкорликка йўл очиш борасида муайян силжишлар бўлмоқда: шу йил сентябр ойида БМТнинг Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва хамкорлик бўйича кенгаш-семинари иш бошлади. Президент ўз нутқида таъкидлаб ўтганидек, минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқалигина ялпи хавфсизликка эришиш мумкин. Масаланинг яна бир жиҳати, Марказий Осиё мамлакатларининг хавфсизлиги ва барқарорлиги улар ўз мустақиллигини қай даражада таъминлай олишига боғлиқdir. Бунинг учун халқаро ташкилотлар, қолаверса ривожланган давлатларнинг нафақат моддий, балки сиёсий-маънавий мадади ҳам зарур. Бинобарин, эски империяни тиклашга уринишлар янги кескинлик ўчоклари пайдо бўлишига ҳамда шаклла-наётган интеграция жараёнларини тўхтаб қолишига сабаб бўлиши ва бундан Марказий Осиё иқтисодига сармоя киритаётган барча мамлакат ва компаниялар бирдай зарар кўриши мумкин. Бош котиб Бутрос Голий тантанали мажлис иштирокчиларига мурожаатига дунё янги асрда глобаллашиш ва аксинча бўлиниш каби бир-би-

рига қарама-қарши кучлар түқнашувига, улар келтириб чиқаради-  
ган экологиянинг ёмонлашуви, халқаро жиноятчиликнинг ўсиши  
(глобаллашув оқибати) мутаассиблиқ, изоляционизм, сепаратизм,  
фуқаролар урушининг авж олиши бўлиниш оқибати каби муаммо-  
ларга дуч келиши мумкинлигини таъкидлади. Унинг фикрича, БМТ  
муассасалари бундай муаммоларни ҳал этишга мослашмаган.

Ялпи хавфсизликни таъминлаш учун, аввало, минтақавий хавф-  
сизликка эришиш зарур, яъни БМТ Бош котибининг мурожаатида  
тилга олинган глобаллашув ва бўлиниш масалаларини ечишда би-  
ринчи навбатда минтақаларнинг муаммоларини ҳал этиш йўлидан  
бориши керак бўлади. Бундан ташқари, семинар-кенгашда қурол-я-  
роғ сотиш айрим давлатлар учун валюта топишнинг асосий манбаи-  
га айланниб қолаётганини, айниқса, ядро технологиясини сотиш ҳол-  
ларидан ташвишда эканлигини билдирилди. Ўзбекистон оммавий  
киргин қуролларини тарқатмаслик борасида халқаро кафолатларни  
таъминлаш, ядро қуроли синовларини бутунлай тўхтатиш тўғриси-  
даги битимга эришиш тарафдори эканини маълум қилди. Экология-  
ни соғломлаштириш ҳали ялпи интеграцияга эришилмай туриб ҳам  
умумжаҳон миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолардан би-  
рига айланмоқда. Орол денгизи муаммоси шулар сирасига киради.  
Республика раҳбариятининг саъй-харакатлари самараси ўлароқ бу  
борада муайян силжишлар рўй бермоқда. 1995 йил сентябр ойида  
Нукус шахрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигига  
Оролбўй ҳавзаси мамлакатларини барқарор ривожлантириш бўй-  
ича ўтказилган конференция бунинг далилидир. Бироқ Бош Ассам-  
блея минбаридан туриб жаҳон жамоатчилиги эътиборини яна бир  
марта умумжаҳон миқёсига чиқаётган биосфера ҳаёт шароитлари,  
миллионлаб кишиларнинг саломатлиги ва ирсиятига таъсир кўр-  
сатаётган ушбу муаммони Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг  
таъсири ҳамда халқаро молиявий муассасаларнинг ёрдамисиз ҳал  
етиш қийинлигига қаратилди. Албатта, Бош котиб таъкидлагани-  
дек, бугунги кунда БМТ дуч келаётган молиявий танглик давлат ва  
хукумат раҳбарлари кўтарган муаммоларнинг барчасини ҳал этиш-  
га имкон бермайди. Ўшанда Бош Котиб бу муаммо яқин вақт ичida  
ҳал этилмаса, Бош Ассамблеяниң маҳсус сессиясини чақиришини  
таклиф этди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари са-  
фини кенгайтириш тўғрисидаги таклиф ечимини кутаётган долзарб

масаладир. Бундай таклиф бошқа давлат ёки хукумат бошликлари нутқларида ҳам баён этилди. Масалан, Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжор мазкур кенгаш таркибини кенгайтириш анчадан бери кун тартибида турганини таъкидлаган бўлса, Франция Президенти Жак Ширак унга Германия ва Японияни киритишни, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари раҳбарлари кенгашининг доимий аъзолари сафида ўз вакиллари бўлиши зарурлигини айтди. Бу борадаги таклифлардан оммавий ахборот воситалари ҳам четда тургани йўқ. Лондонда чиқадиган “Санди Таймс” газетаси шархловчиси Питер Келнер Хавфисизлик Кенгаши доимий аъзолари сонини бештадан ошириб бўлмаслигини, мабодо 10 та бўлса, муаммоларни ечиш жараёни ниҳоятда чўзилиб кетишини таъкидлайди. Бироқ, у масалага сал бошқачароқ ёндашади, яъни Кенгашининг доимий аъзолари ҳозиргидай, АҚШ, Франция, Англия, Хитой ва Россиядан иборат бўлмаслиги, бу рўйхатни АҚШ, Европа Ҳамжамияти, Россия, Хитой ва Япония ташкил этиши керак. Доимий аъзоликка даъвогарлар орасида аҳолиси сони миллиардга яқинлашиб қолган Ҳиндистон, шунингдек, Бразилия ҳам бор. Президентимиз айтмоқчи, икки давлатнинг бир-бiri билан келишиши кийин бўлган бу дунёда БМТга аъзо 185 давлатнинг баъзан бир-бирига мутлақо зид келиб қоладиган манфаатларини мувофиқлаштириш осон эмас. Ташкилот тузиш чоғида унинг зиммасига юқланган вазифалар ҳамон долзарблигича қолмоқда. Боз устига, янги воқелик умумжаҳон миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган янгидан-янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ялпи интеграция сари юз берадиган бугунги дунёда кўп томонлама ҳамкорликни мувофиқлаштирадиган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Ҳамма гап унинг муассасаларини янги замон талабларига мос равиша ислоҳ эта билишидадир.

Хуллас, бу анжуман миллатлар ўртасида тинчлик, ўзаро бир-бiriни тушуниш ва тараққиётга эришиш йўлида янги бир қадам бўлди, дейиш мумкин.

Инсониятнинг эзгу ниятлари маҳсули сифатида юзага келган БМТнинг 50 йиллиги жаҳондаги барча мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда ҳам кенг нишонланди. 1995 йил 24 октябр куни пойтахтимизнинг Алишер Навоий ёдгорлиги мажмуи майдонида жаҳон ҳамжамиятиянинг ярим асрлик тўйи муносабати билан байрам тан-

танаси бўлиб ўтди ва ушбу қутлуғ санага бағишлиланган Ўзбекистон ҳунармандларининг биринчи Республика ярмаркаси очилди. БМТ-нинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик байрам тантасини очар экан, жаҳон ҳамжамиятининг мазкур нуфузли минбарининг тарихи ва ярим асрлик фаолияти ҳақида сўзлаб, бугунги қувончли сана дунёдаги барча миллатлар, жумладан, ўзбек халқининг ҳам улкан байрами эканини таъкидлади. Ўзбекистон БМТ минбари орқали жаҳонга юз тутди ва бугун нафақат минтақавий муаммолар, балки, жаҳон миқёсида долзарб масалаларни ҳал этиш йўлларини қидиришда ҳам фаол иштирок этмоқда, - деди у.

Мамлакатимиз БМТ аъзолигига қабул қилингач, жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ва муносиб ўрин олди ҳамда ўзининг тинчликсевар сиёсати, бой маданий мероси билан башарият тараққиётига хисса қўшиш йўлидан бормоқда. БМТнинг дастури, ЮНЕСКО, ЮНИДО, ЮНИСЕФ, ЮНДКП каби ташкилотлари билан хамкорлик мамлакатимизда чуқур иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар бўлаётган пайтда яхши самаралар бермоқда. Дарҳақиқат, биргина ЮНЕСКО билан хамкорликда амалга оширилган ишлар кўлами бунга яққол мисол бўла олади. Зеро, ЮНЕСКО ўзбек халқининг қадим ва бой маданияти, улуғ алломалари ҳамда улар қолдирган бебаҳо илмий ва маданий меросини ўрганиш, дунёга танитиш борасида улкан ишларни амалга оширмоқда. ЮНЕСКО ташаббуси билан Самарқандда Марказий Осиё тадқиқотлар халқаро институти очилди. ЮНЕСКО ўзбек миллий-маданий анъаналари ва халқ ҳунармандчилиги тикланишида ҳам мамлакатимиз билан яқин хамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон ҳунармандларининг биринчи ярмаркаси БМТ юбилейига бағишлилангани бежиз эмас. Тантана иштирокчилари миллий ансамбларининг концерт дастурларини томоша қилдилар. Республикаизнинг барча вилоятларидан келган халқ ҳунармандчилиги вакилларининг бетакрор санъати намуналари билан танишдилар. Ўтган йиллар мобайнида БМТ оғир синовларга дуч келган дамлари кўп бўлди. Бу синовларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтишнинг ҳожати йўқ. Бизнингча, баъзи номларни айтиб ўтишнинг ўзиёқ бу нуфузли ташкилот фаолиятининг ўта мураккаб жиҳатларини кўрсатади. Жумладан, Корея ярим ороли, Кашмир, Вьетнам, Ирок, Жазоир, Яқин Шарқ, Куба, Венгрия, Чехословакия, Афғонистон сингари ўрлаб “оловли ўчокларда” юзага келган

ҳолат холисона ечимлар топишида БМТни танг аҳволда қолдирди. Айниқса, Яқин Шарқ масаласида БМТнинг бир қанча мухим қарорлари ўз вактида бажарилмай қолганлигини, 60-70 йилларда Хавфсизлик Кенгашининг айрим доимий аъзолари ўртасида ҳукм сурган қарама-қаршилик билан изоҳлаш кероак. БМТ ўзининг юбилейи нишонланадиган 1995 йилда ҳам мураккаб муаммога дуч келди. Босниядаги можарони тинчлик билан бартараф этиш йўлидаги дастлабки уринишлар самара бермади. БМТ ёш Ўзбекистон давлатини 1992 йил 2 март куни таниди. Ўша кутлуг кунни фақат биз эмас, балки дунёдаги ўзбеклар байрам қилишди. Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган дастлабки пайтлардаёқ ҳукуматимиз унинг ишида фаол иштирок эта бошлади. Чунки қўшни давлатлар Афғонистон билан Тожикистондаги вазият тезроқ ташаббусни қўлга олиб минтақа хавфсизлигини таъминлаш ва хамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан зудлик билан чоралар кўришни тақозо этарди. Ёш давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва аҳамияти айниқса 1993 йилда яққол кўзга ташланди. Ўша йили июль ойида Ўзбекистонда БМТнинг доимий ваколат хонаси расмий равишда очилган бўлса, сентябр ойида Ўзбекистон овози илк бор БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан янгради.

Халқаро ташкилотга яна бир таклиф Орол денгизининг ҳалокати бутун дунё учун олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлар келтириб чиқармоқда. Биз жаҳон ҳамжамиятияга мурожаат қилиб, Оролни ва Орол бўйини қуткаришда ёрдам беришга чақирамиз. Фалокатнинг ҳақиқатдан ҳам жаҳон миқёсида эканлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон БМТнинг Орол муаммоси бўйича маҳсус комиссияси ташкил қилинишини ёқлаб чиқсан бўлур эди. Бу комиссия минтақадаги ҳукуматлар билан келишилган ҳолда ва БМТнинг имкониятлари орқали халқаро қучлар ва маблағларни мана шу экологик фожеани бартараф этишга жал қилинган бўлур эди. Дастлабки қадам сифатида мазкур комиссия ушбу муаммо бўйича Нукус шаҳрида БМТ ҳомийлигида халқаро конференцияни тайёрлаш мумкин бўлур эди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон раҳбарининг бу таклиф ва ташабbusларини эътиборсиз қолдирмади. Кейинги икки йил давомида улар пухта ўрганиб чиқилди. Ана шу муддатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ва унга қарашли нуфузли идораларнинг раҳбар ходимлари Ўзбекистонга ташриф буюриб вазият-

лар ҳамда имкониятлар билан яқындан танишдилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти асrimiz бошларига келиб иқтисодий ўсиш, глобализация, инсонлар фаровонлигини оширишга қаратилган барқарор тараққиёт, қашшоқликка барҳам бериш, ҳалол савдо сиёсати ва қарздорликни қисқартириш варианtlарини юзага келтириш йўлларини қидириб топишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ягона таркиб бўлиб қолмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиётида номуносиблигни тугатишга йўналтирилган микроиктисодий сиёсат ўтказилишини қаттиқ туриб талаб қиласди. Айниқса бу Шимол ва Жануб ўртасидағи ўсиб бораётган тафовутга, камроқ тараққий этган мамлакатларнинг этилган муаммоларига ва режали ривожланишдан бозор сиёсатига ўтаётган мамлакатлар иқтисодийтисодиётнинг мислсиз ўсиб бораётган талабларига таълуқлидир. БМТ нормал тараққиёт учун глобал ва миллий даражада яхши шароит яратишга ҳаракат қиласди. У ҳамма жойда одамларнинг очиқ ва қашшоқликдан қутилишларига, болаларнинг соғ-омон турмуш кечиришларига, атроф-муҳит муҳофазасига; хотин-қизларга хурмат-эътиборнинг ошишига, инсон ҳуқуқлари ва демократиянинг мустаҳкамлашига ҳаракат қиласди. Камбағал мамлакатларда яшаётган миллионлаб кишилар учун ушбу дастурлар ҳам ёрдам, ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятининг туб моҳияти ҳисобланади. Кам ривожланган мамлакатлар БМТ нинг ёрдам кўрсатиш бўйича бир қанча дастурларини, жумладан, кам ривожланган мамлакатлар учун 90-йилларда ҳаракатланиш дастурларини ўзида мужассам этган Ҳозирги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти чукур ўзгаришлар жараёнини бошдан кечираётган бир пайтда, мазкур ўзгаришларни амалга оширишни танқидий баҳоламоқда ва янгиланиб бораётган дунёning қўплаб ўзгача талабларига жавоб берар экан ўзининг Марказий ролини кучайтиришга ҳаракат қилмоқда. Замонавий, самарали фаолият кўрсатётган Ташкилот шундай аниқ мақсадга йўналтирилган, кўп киррали саъй-ҳаракатлари туфайлигина барқарордир. Аъзо давлатлар кейинги йилларда унинг таъсис этилган Низомини яна бир бор тасдикладилар, тинқчликни мустаҳкамлаш ва янада тараққий эттиришга йўналтирилган кенг кўламли кун тартибини муҳокама қилдилар.

Бугун ҳамжамият олдида, ҳал этиш жараёнининг ўзида таҳдид

ҳам, шунингдек тинчлик ва бутун жаҳонда тараққиёт борасидағи орзу-умидларнинг амалга ошиш имконияти ҳам муҳим бўлган кўплаб ғоят мураккаб вазиятлар кўндаланг бўлиб турибди. Демократия тамойилларини кенг қулоч ёздириш эркинликнинг мисли кўрилмаган даражада кенгайишига олиб келади. Шунунгдек, глобаллаштириш даври билим ва ахборотларни кенг тарқатиш, дунёнинг ҳар бир буржида катта имкониятлар яратиш билан бутун дунёни ўзгартириб юборади. Шу муносабат билан бизга БМТ нинг энг муҳим органи – Хавфсизлик Кенгаши ҳозирги дунёнинг ижтимоий–иктисодий, этник–маданий, диний, маънавий жиҳатдан ғоят хилма–хиллигини баббаровар тарзда акс эттириши, ўзининг таркиб топган консерватив тузилмасини қайта кўриб чиқиши учун ҳам самарали чоралар кўриш зарурати ниҳоятда етилди.

Умуман, кўпгина жабхаларда ютуқларга эришилганига қарамай, дунёда ҳануз бойлик ва фаровон ҳаёт кечириш борасида улкан но-мувофиқлар мавжуд. Камбағаллик билан кураш, бир мамлакат ичидан ва давлатлар ўртасидаги тенгсизликни йўқотиш ҳамон БМТ нинг асосий мақсадларидан бири бўлиб қолмоқда. БМТ тизими факат атроф–муҳит сиёсий йўналишини ишлаб чиқибгина колмай, ўз иктисодий ва ижтимоий мақсадларига эришиш учун турли йўллар билан фаолият кўрсатади, яъни ҳукumatлар билан тараққиёт дастури ва режалари юзасидан маслаҳатлашади, ҳалқаро меъёр ва стандартни жорий қиласиди. Ҳар йили 25 миллиард доллар инвестициялашган жамғармаларни мобилизация қиласиди, бунга тараққиёт дастурини амалга оширишга қаратилган молия институтларидан тушадиган тушумлар ҳам қўйилади. Тараққиёт фаолиятини координация қилишнинг турли органлари, маҳсус муассасалари – маориф, атроф муҳит муҳофазаси ва меҳнат шароити, самолётлар парвози хавфсизлиги каби хилма–хил соҳалар бўйича дастурларни амалга оширади. БМТ амалга ошираётган ишлар, ташабbusлар инсонлар ҳаётининг барча жабхаларига тегишилдир. БМТ нинг бош органи саналиш Низомга мувофиқ БМТ нинг иктисодий ва ижтимоий фаолиятини мувофилаштириб турувчи иктисодий ва ижтимоий кенгаш (ЭКОСОС) тезкор таянч саналади. Кенгаш ҳалқаро иктисодий ва ижтимоий муаммоларни муҳокама этиш учун, шунингдек, ушбу соҳалар сиёсатига нисбатан тавсиялар ишлаб чиқишида асосий форум хизматини ўтайди.

1990 йил Баш Ассамблеяning махсус сессиясида халқаро иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги Декларация қабул қилиб, унда, шунингдек ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсиш ва тараққиётдаги жонланиш қайд этилди. Ассамблея охирида БМТ нинг тўртинчи Ўн йиллик тараққиёти (1991-2000) учун ривожланишининг халқаро стратегияси қабул қилинди. Унда муҳим тўрт соҳа—очлик ва камбагалликка барҳам бериш, инсон ресурлари ва институционал тараққиёт, аҳоли яшайдиган жойлар ва атроф муҳит соҳалари алоҳида ажralиб кўрсатилган.<sup>1</sup>

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий мақсадларидан бири – бу Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида қайд қилинган барча ҳуқуқлар ва эркинликларни самарали амалга ориши ва уларга риоя қилишни таъминлашдан иборат. Бунинг учун БМТ барча аъзо давлатларнинг диққат атроф – муҳит эътибори ва уларнинг саъии-харакатларини, биринчи навбатда ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилишга сафарбар этишларини рағбатлантиришга қаратмоқда. БМТ ихтиёрий ташкилот бўлсада, бироқ унинг Низомида белгиланган меъёрлар ва талабларини бажаришда ҳар бир аъзо – давлат маъсулдир.

Маъсулият БМТ томонидан бирор-бир давлатни унинг низомидаги талабларни бажаришга мажбур қилишни эмас, аксинча уларнинг ихтиёрийлиги асосида инсон ҳуқуқларини камситиш йўлидаги уринишларга йўл қўймаслик бурчини чукур англашни ифода қиласди.

БМТ инсон ҳуқуқларига доир қабул қилган халқаро хужжатлари мантиқан бир-бирини тўлдиради ва мазмунан бойитадио бу моддаларда белгиланган меъёрлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилиши зарур бўлган талабларга асло зид эмас. Улар БМТ фаолиятининг айрим даврларида ишлаб чиқилган бўлсада, ўзининг моҳияти эътибори билан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадларига тўла мос келади.

БМТ инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир фаолиятини ўзи ишлаб чиқсан ва қабул қилган ана шу тарихий хужжатнинг талабларига мувофиқ равишда олиб боришга ҳаракат қиласди.

---

<sup>1</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Асосий омиллар. Т. 2001 йил, 142-143 бетлар.

БМТ нинг инсон хукуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ фаолиятида унинг кўплаб ихтисослашган ташкилотлари муҳим ўрин эгаллайди. Бундай ихтисослашган ташкилотлар тизимида «БМТ нинг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти (ЮНЕСКО)», «БМТ нинг озиқ-овқатроф – муҳит ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (ФАО)», «БМТ нинг савдо ва тараққиёт масалалари билан шуғулланувчи Конференцияси», «БМТга кўмаклашадиган ассоциацияларнинг жаҳон федерацииси», «БМТ нинг тараққиёт дастури», «БМТ нинг болалар фонди (ЮНЕСЭФ)», «БМТ нинг маҳсус фонди» сингари ташкилотлари<sup>1</sup> алоҳида аҳамиятга эгадир. БМТ нинг булар каби ихтисослашган ҳалқаро ташкилотларнинг ҳар бири, гарчи улар инсоннинг хукуқ ва эркинликлари масаласи билан бевосита шуғулланмасаларда, айни пайтда улар инсоннинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳадаги эҳтиёжларини қондиришда муҳим рол ўйнайди.

Инсон ижтимоий, моддий ва маънавий эҳтиёжларининг қондирилиши ҳар бир мамлакатда амал қилинадиган қонунлар, хукукий ҳужжатларда у ёки бу даражада акс этади. Ҳар бир давлат ўз фуқароларининг бундай эҳтиёжларини қондиришда мамлакатда аник тадбирларни, вазифаларни белгилайди, фуқаролар эҳтиёжининг қондирилишида рўй берадиган нохуш ҳолатларга қарши кураш олиб боради. Бинобарин, инсон эҳтиёжларини қондириш борасида рўй берадиган салбий ҳолатларни бартараф қилишда мамлакатда амалда бўлган хукукий кафолатлардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Уларнинг бундай ҳаракатлари қандай амалий натижаларга олиб келишидан қатъий назар, инсон эҳтиёжларини ҳимоя қилишда қонунлар кучидан фойдаланишнинг ўзи муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб БМТ нинг инсон хукуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти қуйидагилар билан белгилана-ди:

Биринчидан, БМТ га аъзо бўлган мамлакатларда аҳоли турли қатламларининг эҳтиёжларини қондиришда социал-иктисодий, сиёсий, маданий ёрдам кўрсатади ва шу йўл билан мамлакатларда инсон хукуқларини ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнайди. Масалан, БМТ нинг «Бирлашган Миллатларнинг озиқ-овқат, атроф – муҳит

---

<sup>1</sup> Инсон хукуқлари. Т. «Ўзбекистон» 1997 йил, 91-92 бетлар.

ва қишлоқ хўжалик ташкилоти» халқларнинг турмуш шароитлари ни яхшилаш мақсадида очарчилик ва қашшоқлик рўй берган мамлакатларга моддий ёрдам кўрсатади ва ҳоказолар.

Иккинчидан, БМТ нинг ихтисослашган ташкилотлари ўз фаолиятида инсон ҳукуқларини камситишга олиб келувчи иқтисодий, ижтимоий–сиёсий ва мъянавий омилларнинг ривожига тўсқинлик қилиш мақсадларига хизмат қилувчи сиёсий кучлар сифатида фаолият кўрсатадилар. Масалан, БМТ нинг ихтисослашган ташкилотларидан бири бўлган «Бирлашган Миллатлар Ташкилотига кўмаклашадиган ассоциацияларнинг жаҳон федерацияси (БМТКАЖФ) инсон ҳукуқларини ҳурматлаш ва уларга риоя этиш, дунёдаги иқтисодий ва ижтимоий шароитни яхшилаш манфаатларини кўзлаб миллий ассоциацияларнинг фаолиятларини уйғунлаштириш мақсадларини амалга оширишга хизмат қиласди».<sup>1</sup> БМТ нинг бу ихтисослашган ташкилоти Бирлашган Миллатлар Ташкилотига кўмаклашувчи ассоциацияларнинг Ялпи сессияларини ўtkазиб туради ва бу сессиялар ишида инсон ҳукуқларини ҳимоя қилишга доир масалаларни вақти–вақти билан муҳокама этиб, тегишли қарорларни қабул қиласди.

Учинчидан, БМТ нинг ихтисослашган ташкилотлари инсоннинг иқтисодий, социал ва мъянавий ҳаётини яхшилашга кўмак бериши билан, бундай ёрдам озми–кўпми даражада бўлишидан қатъий назар, инсоннинг шаъни, унинг қадр–қиммати, эркинликлари ва бошқа ҳукуқларининг камситишларига маълум даражада тўсқинлик қиласди. Бундай тўсқинлик бевосита ҳукуқий меъёрларни қўллаш йўли билан эмас, балки ҳукуқий меъёрларнинг бузилишига олиб келадиган шароитларга йўл қўймаслик ёки уларнинг олдини олиш орқали амалга оширилади. Хуллас, БМТ нинг ихтисослашган ташкилотлари инсоннинг ҳаётини яхшилаш, унинг хилма–хил эҳтиёжларини қондириш соҳасида қанчалик кўп хайрли ишларни амалга ошириш борсалар, бу уларнинг шахсий ва ижтимоий ҳукуқларидан фойдаланишдаги имкониятларнинг шунчалик кенгайиб боришига ёрдам беради.

XX аср инсониятда янгича сиёсий дунёқараш ва экологик тафаккур шаклланди. Бу дунё олимларининг табиатни муҳофаза қилиш,

---

<sup>1</sup> Инсон ҳукуқлари. Т. «Ўзбекистон», 1997 йил, 93-94 бетлар.

экологик муаммоларни ҳал этиш борасидаги ўзаро хамкорлиги ва муносабатларида катта аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари тобора ортиб бормоқда. Ҳар қандай муаммони, хусусан, экологик масалаларни ҳал этишда ҳам зиддиятлар туғилади. Экология, энг аввало, инсоннинг маънавияти, руҳий дунёси билан чамбарчас боғланган. Инсоннинг турли–туман жисмоний ва руҳий жиҳатдан хасталикларга чалинишидан тортиб, то унинг хулқ–атворидаги ҳар хил иллат, айтайлик, гафлат, билимсизлик, жаҳолат, ҳудбинлик, атроф–муҳит ўз мақсад ғояларини яхши кўриш, очқўзлик, қизганчиқлик ва бошқалар, сўзсиз, инсон маънавияти оламининг зиддиятили экологиясига бориб тақалади.

Хозирги замон жаҳон цивилизацияси, тараққиёт муаммолари ва унинг истиқболи умуминсоний маънавий қадриятларнинг аҳамиятини ниҳоят даражада оширди. Шу билан бирга қадриятлар тизимида экологик маданият ва таълим–тарбия ҳаётий заруриятга айланаб бормоқда.

Бугунги кунда жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларни инсонпарварлаштириш давр талабига айланаб бормоқда. Бунинг учун инсон чуқур фикрлашга, кенг дунёқарашга эга бўлса, унда экологик маданият ҳам шаклланади.

Бугунги кунда табиатни муҳофаза қилиш борасида бир қатор маҳсус қонунларга амал қилинмоқда. Мустақил давлатимиз Конституциясида ҳам фуқароларнинг табиат ва унинг бойликларига эҳтиёткорона муносабатда бўлишлик бурчлари алоҳида модда билан белгилаб қўйилган. Шунингдек, мамлакатимиз ва унинг қатор вилоятларида «Экология ва саломатлик» жамғармаси (ЭКОСАН) фаолият кўрсатмоқда. Бу ташкилот жамиятимизда бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тизимида ҳам атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ишловчи кадрларни қайта тайёрлаш бўйича ўқув–тадиқот маркази ташкил қилинган. Оҳирги йилларда экологик муаммолар бўйича абадиётлар рўйхати жуда тез суратлар билан ўсиб бормоқда. Лекин хозирги вақтда Олий ўқув юртлари ўқитувчилари икки хил ҳарактердаги мураккабликка дуч келиб турибдилар.

Экологик маданиятни такомиллаштириш ва таълим–тарбиянинг

Марказий йўналишларидан бири ёшлардаги илмий экологик дунёкарашни шакллантиришга қаратилган. Албатта бу вазифа илгари ҳам муҳим эди. Уни тақомиллатириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Чунки ёшлардаги дунёкарашнинг ўзи жамиятнинг маънавий қиёфасини белгилайди. Уларнинг юриш–туриш ҳамда турмуш тарзига бошқарувчилик таъсирини ўтказади.

Дунё давлатларининг барчасида экологик ва таълим тарбиянинг зарурлиги ва долзарблигига биз иккита концептуал қоида нуқтаи назаридан қарамаймиз. Биринчидан, бу ҳозирги замон экологик вазиятда инсоннинг яшаш муҳитини сақлаш зарурияти, яъни инсоннинг ҳаёт фаолияти табиий асосларини таъминоти туфайли талаб қилинмоқда. Иккинчидан, бундай маданий тарбия ҳар томонлама шаклланган шахсни шакллантириш мақсадида эришиш учун муҳим. Бундай шахснинг шаклланиши табиат билан боғлик оламни инсонпарварлик асосида бошқарувига хизмат қиласади.

Дунё минтакаларида хавфсизликни кучайтиришнинг ҳозирги асосий йўналишлари қуидагилардан иборатdir:

1. Тегишли технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Қишлоқ, ўрмон ва бошқа ва хўжалик тармоқларидаги табиий жараёнларнинг кескин бузилишига олиб келадиган барча захарли кимё вий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш. Ҳаво ва сув муҳитни инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддалар билан ифлослантиришини тўхтатиши.

2. Қайта тикланадиган захираларни қайта ишлаб чиқаришнинг табиий равишда кенгайишини таъминлаган ҳамда қайта тикланмайдиган зихираларни қатъий мезон асосида истеъмол қилган ҳолда табиий захираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш даркор.

3. Катта–катта ҳудудларда табиий шароитларни табиий захиралардан самарали ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган дараја аниқ мақсадга қаратилган, илмий асосланган тарзда ўзгаришиш лозим.

4. Жонли табиатнинг бутун табиий генофондини маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига бошлинигич баъза сифатида сақлаб қолиш керак.

5. Шаҳарсозлик ва туманларни режалаштиришнинг илмий

асосланган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимини жорий этиш йўли билан шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида аҳолининг яшashi учун кулагай шароит яратиш зарур.

6. Экологик кулфатлар чегара билмаслигини назарда тутган ҳолда жаҳон жамоатчилигини эътиборини экологик муаммоларга қаратиш лозим. Орол муаммоси бугунги кунда чинакам кенг кўламли, бутун сайёрамизга даҳлдор муаммо бўлиб қолганлигини, унинг таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ биологик мувозанатни бузгаётганлиги, бепаён ҳудудларда аҳолининг генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатаётганлигини назарда тутиш лозим.

Халқаро тузилмаларнинг захиралари, имкониятлари ва инвестицияларини ана шу муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш–биринчи даражали вазифадир.

Шундай қилиб, айниқса ёшларда атроф мухитни муҳофаза қилиш вазифаларини бажаришдек тарихий маъсулиятни англаш ҳиссини шакллантириш керак. Талабаларни экологик муаммоларни ҳал қилиш бўйича ўналишларни излаб топишга жалб қилиш кела-жакнинг вазифаси деб ҳисоблаймиз.

Хуллас, БМТ нинг атроф – мухит ва экологик муаммоларни бартарф этишдаги хизматлари ва қолаверса бизнинг назаримизда, атроф-муҳитни ҳимоя этиш ва табиий ресурсларни тиклаш масала-сида қуидагилар эътиборга олинниши керак:

- Локал (маҳаллий) ва глобал экологик мониторинг, яъни атроф-муҳитнинг мухим ҳарактерли ҳолатини, сув тупроқ, атмосферадаги заарарли моддаларнинг концентрациясини назорат қилиш ва ўлчаш;

- ўрмонларни тиклаш ва ёнгин, зааркунандалар, касалликлардан муҳофаза этиш;

- қўриқхоналар, этalon экотизмлар, бебаҳо табиий мажмуаларин кенгайтириш ва улар сонини қўпайтириш;

- ўсимлик ва ҳайвонотларнинг ноёб турларини сақлаш ҳамда қўпайтириш;

- аҳолининг экологик маърифати ва маданиятини юксалтириш;
- атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ишида ҳалқаро ҳамкорлик.

Табиатни янгича муносабатни шакллантириш бўйича инсон фамилиясининг барча соҳаларида фаол ишлар олиб бориш, табиатдан

оқилона фойдаланиш ва табиатни асраш технологиясини ишлаб чиқишигина бугунги кундаги экологик муаммоларни ҳал этишга қолаверса, табиат билан уйғун ҳолда муносабатда бўлишга қўмаклашади.

### **Таянч сўзлар.**

Саммит, форум, Декларация, миссия, мониторинг репродуктив саломатлик, мукобил стратегиялар, конвенция, ратификация, платформа, департамент, гендер дастурлари, миграция муаммолари, минтақавий хавфсизлик, этник гурухлар, эмбарго, конструктив тадбирлар, экологик ўлчам, фуқаро корпуси, прогрессив ривожланиш, жиноий бизнес, коррупция, трансмиллий конференция, геноцид, ирқий камситиш, техник хамкорлик, универсал декларация, ассоциация эркинлиги, координациялаш, инсон хуқуклари концепцияси, Халқаро Билл, преамбула, факультатив протокол, Апартендлар мақоми, инсон мезони атамаси, консенсус(умумий фикр), резолюция лойиҳалари, мигрантлар, нуфузли эксперtlар, молиявий ресурслар, режалаштирилган тенденциялар, экологик мониторинг, халқаро агентликлар, трансчегаравий хавф, регионал ва топологик(маҳаллий) масштаблар, “экологик пессимизм”, “экологик оптимизм”, демографик муаммолар, глобал ижтимоий муаммолар, саноат корпорациялари, реал дунё, ваколатхона, ихтисослашган мусассаса, цивилизация, глобализация, халқаро стратегия.

### **Савол ва топшириқлар.**

1.Дунё ҳамжамиятида ижтимоий-иктисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал этишида БМТ нинг ўрни ва ролини қандай баҳолайсиз?

2.Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган мусассасалари бугунги кунда қандай фаолият олиб бормоқда?

3.Инсон хукуклари умумжаҳон Декларациясининг мазмун ва моҳиятини тушунириб бера оласизми?

4.Атроф-мухит соғлигини саклаш тамойиллари нималардан иборат?

5.БМТ кун тартибида экологик муаммолар ва уларнинг барта-раф этилишида илм-фан хамкорлиги қандай йўлга қўйилганлигини

изоҳлай оласизми?

6. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан олиб бораётган тинчлик, барқарорлик ва ҳамжиҳатлик йўлларини қўл-лаб-куватлайсизми? Мазкур ташкилот билан бошланган хамкорликнинг тарихий асосларини эслай оласизми?

### **III БОБ.**

## **ЕВРОПА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ.**

### **1. Европа Хавфсизлик Ҳамкорлик Ташкилотининг мақсади ва вазифалари.**

Хозирги кунда Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Ҳалқаро минтақавий ташкилотдир. Унинг таъсис этувчи ҳужжатлари 1975 йилда Хельсинкида имзоланган якунловчи ҳужжат 1990 йилда Парижда қабул қилинган янги Европа учун Хартия ва унга қўшимча ҳужжат, 1992 йилда Хельсинкида қабул қилинган “Ўзғаришлар вақти чақириғи” Декларацияси ва Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг асосий фаолият йўналишлари ва тузилишини белгиловчи асос ҳисобланади. Шунга мувофиқ Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг асосий фаолият соҳалари: хавфсизлик, куролсизланиш, келишмовчиликларни бартараф этиш, иқтисодиёт, маданият, экология, инсон хукуqlари ва эркинликлари ва бошқа масалаларда ҳамкорлик қилишдан иборат.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти таркибига жўғрофий жиҳатдан Ванкувердан Владивостоккача бўлган худудда жойлашган 55 мамлакат аъзо бўлган хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи умумевропа ташкилотидир. Ўзбекистон 1992 йил феврал ойида дунёда тинчликни мустаҳкамлаш, инсон хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича катта тадбирларни амалга ошириётган нуфузли ҳалқаро ташкилот Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига (ЕХХТ) аъзо бўлиб кирди. И.Каримовнинг 1992 йил 9-10 июлдидаги бўлиб ўтган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг мажлисида иштирок этиши, нутқ сўзлаши ва унинг 10 июлда бўлган мажлисига раислик қилиши ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига мувоффақиятли кириб бораётганлигини кўрсатади. Мажлисда бу минтақада тинчлик ва барқарорликни бузилиши мумкин бўлган можаролар яқинлашувининг олдини олиш, можароларга йўл қўймаслик муаммолари билан шуғулланувчи механизмни вужудга келтириш ташкилот қабул қилаётган ҳужжатларнинг таъсирчанлигини ошириш, уларнинг можароларининг олдини олиш,

йўл қўймаслик руҳида бўлишини таъминлаш таклифларини илгари сурди.

Ўзбекистоннинг халқаро миқёсида тинчликсевар сиёsat ўтказиши учун кенг имкониятлар вужудга келди.

“Биз Европа хавфсизлик ва хамкорлик кенгашига расмий равишда қўшилар эканмиз, давлат ва халқлар олдида ўз зиммамизга олаётган юксак маъсулиятимизни англашиб турибмиз. Ўзбекистон хамкорлигимиз билан ўзаро олинган мажбуриятлар ва битимларга риоя этиб, Умумевропа жараёнининг қоидалари ва моҳияти бундан бўён ҳам жўғрофий-сиёсий жиҳатдан кенгайиб бориши учун имкони бўлган ҳамма ишни қилади. Инсониятнинг жаҳон халқаро оиласи ҳар бир аъзосининг хуқуқларини ҳурмат қилишга асосланган зўравонликсиз, уйғун жаҳоншумул тартибга ўтиши муаммоларини ҳал этишга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз”<sup>1</sup> -деган эди Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов.

1993 йил сентябрда бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 48-сессияси Ўзбекистоннинг жаҳонга кўхна ва навқирон давлат сифатида танидди. Ўзбекистон жаҳондаги 105 мамлакатни бирлаштирувчи қўшилмаслик ҳаракатига қабул қилинди. Бўлғуси жаҳон Парламентининг тимсоли бўлмиш Парламентлараро Иттифоққа кирди.

Мамлакатимиз Парламентлараро Иттифоқнинг 93 ва 94 конвенцияларида EXХТ

Парламент Ассамблеясининг ҳар йили ўтказиладиган сессијасида мунтазам қатнашмоқда. Олий Мажлис раиси EXХТ Парламент Ассамблеясининг Вице-президенти этиб сайланди. Ана шу ва бошқа халқаро анжуманларда Ўзбекистон вакиллари маъруза ва ахборот билан чиқдилар, қатор таклифларни ўртага ташладилар. Шу тариқа Республика Парламенти аъзоларининг овози халқаро майдонда баралла янграмоқда. Давлатимизнинг обрў-эътибори мустаҳкамланиб, халқаро миқёсда тобора кўпроқ эътироф этилмоқда. Этилганидек Ҳозирги замон шароитида EXХТ ўрнини босадиган бирон бир Ташкилот йўқ. Бошқа минтақаларда EXХТ сингари тузилмалар барпо этиш лозимлиги хусусида пайдо бўлаётган тур-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси: мустакил давлатининг бунёд бўлиши.Т. “Ўзбекистон”, 1992 йил 90-бет.

ли-туман фикрлар ҳамда бундай тузилмалар тузишга уринишларни биз ноконструктив деб ҳисоблаймиз. Чунки, аниқ қиёфага эга бўлмаган бундай лойиҳалар, мулойим қилиб айтганда, умумевропа хамкорлиги борасида вужудга келаётган ижобий жараёнлар ҳамда бу жараёнларга бошқа минтақаларни ҳам тортиш ишига кўмаклашмайди. ЕХХТ демократияни мустаҳкамлаш ва давлатлар ўртасида ишонч чоралар масалаларига шундай универсал тамойил ва йўналишларни ишлаб чиқиб, ўз фаолиятида фойдаланмоқдаки, бугунги кунда бутун минтақалар бу тамойил ва йўналишларга амал қилишдан манфаатдордир.

1994 йил сентябр ойининг охирларида Тошкентда ЕХХТ нинг умумий масалаларига бағишлиланган ҳалқаро анжумани бўлиб, унда ташкилот фаолиятининг қирраларига оид масалалари кўриб чиқиленди. ЕХХТ Тошкентда ва Урганчда атроф-муҳитни қайта тиклаш бўйича семинарлар ўтказди. Орол муаммосини ҳал қилишга кўмаклашмоқда. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ЕХХТ га аъзо давлатлар бошликлари учрашувида сўзлаган нутқида-Европадагина эмас, балки бутун дунёда вазият ва кучлар нисбатининг тез ўзгараётгани, янги мустақил давлатларнинг майдонга чиқаётгани ҳозирги вақтда давлатлар ва ҳалқлар барқарорлигини таъминлаш, XXI аср бўсағасида хавфсизликнинг янги моделини ишлаб чиқиши учун янги ёндашувларни излашни қатъий тақозо этмоқда. Бу хавфсизликни биз қандай тасаввур этамиз Биринчидан. Ўзбекистон ЕХХТнинг асосий тамойилларидан бири бўлган хавфсизлик яхлитлигини тўла кўллаб-қуватлади. Хавфсизликнинг шу жумладан Европа Хавфсизлигининг чегараси йўқ. Шунга асосланадиган бўлсак, бизнинг назаримизда Европа Хавфсизлик ва хамкорлик ташкилоти ЕХХТ нинг ўрни ва аҳамияти, агар жоиз бўлса, маъсулияти Европа доираси билан чекланиб қолиши мумкин эмас, балки унинг ташқарисидан келаётган мавжуд хавфни ҳам ҳисобга олиши лозим.

Иккинчидан. “Совуқ уруш” тугаганидан сўнг ялпи хавфсизликка, шунингдек Европа хавфсизлигига ҳам этник, минтақавий мажаролар, давлатлар ичидағи тажавузкор миллатчилик ва урушқоқ сепаратизм асосий хавф солиб турибди.

Учинчидан. Минтақа мажаролари тобора тез-тез терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва ғайри қонуний қурол савдоси инсон хукуқларини оммавий равишда бузиш каби хатарлихавфлар ва ха-

ракатларнинг доимий манбаига айланмоқда. Биз Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг ўзаро келишилган харакатлари ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш, можароларнинг олдини олиш мақсадида самарали воситаларни шакллантириш, танг вазиятларни ва можаролардан кейин пайдо бўлган вазиятларни унда иштирок этувчи барча мамлакатлар учун мақбул равищда бошқарув учун нуғузли ҳалқаро тузилмага айланаётганини табриклиймиз.<sup>1</sup>

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида кўплаб ҳалқаро Конвенцияларга ва БМТ, EXХТ, XTM кабиларнинг протоколларига кўшилди. Шу йиллар мобайннида Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида аввало жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлар билан ўзаро муносабатларини ривожлантиришга катта аҳамият берди. АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Япония, Жанубий Корея, Туркия ва бошқа кўплаб ривожланган мамлакатлар билан ўрнатилган алоқалар ўз натижаларини бера бошлади.

1995 йил 15-16 сентябрда Тошкентда Марказий Осиё Хавфсизлик ва Ҳамкорлик масалаларига бағишлиланган семинар кенгаши бўлди. Бу Кенгашда иштирок этиш учун 31 мамлакат 6 Ҳалқаро Ташкилотлар вакиллари қатнашдилар. Ушбу Кенгашда минтақа хавфсизлиги ва можароларнинг олдини олиш масалалари кўриб чиқилди.

EXХТ нинг 1996 йил декабрида Лиссабон саммитида XXI аср арафасида ялпи хавфсизлик моделини яратиш хусусида мунозара бўлди. Ўзбекистоннинг можаролар юз бериб турган худудларга яширинча қурол-яроғ етказиб беришни тўхтатиши, EXХТ нинг, Марказий Осиё фаолиятини кучайтиришга оид таклифлари маъқулланди ва Лиссабон декларациясида Хужжатлаштирилди. “Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти” (EXХТ) билан самарали ҳамкорлик қилаётганимизни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу ҳамкорлик даражаси EXХТ билан биргаликда амалга оширилаётган тадбирларда ва бу ташкилот расмий мансабдор шахсларнинг Ўзбекистонга ташрифидаги яққол кўзга ташланмоқда.

1996 йил декабрида Лиссабон саммитада иштирок этганимиз Ўзбекистоннинг EXХТ билан муносабатларини ривожлантиришда салмоқли воқеа бўлиб қолди. Мазкур анжуман доирасида Ўзбекистонга ташрифидаги яққол кўзга ташланмоқда.

<sup>1</sup> И.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т. “Ўзбекистон”, 1997 йил, 5-жилд, 249-251 бетлар.

кистон хавфсизлик муаммосига доир ўз қарашларини баён этиш ҳуқуқларига ва имкониятларига эга бўлди. Бизнинг EXХТ нинг Марказий фаолиятини кучайтиришга оид давлатимиз тушуниб қабул қилинди ва у Лиссабон декларациясида хужжатлаштирилди. Бу аслида EXХТ ўз хужжатларида мазкур минтақада барқарорликни кўллаб қуватлаш ва можароларининг олдини олиш ниятини баён этган биринчи ҳодиса бўлди. Хавфсизлик шу жумладан Европадаги хавфсизлик ҳам чегара билмаслиги бугун ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Шу билан бир қаторда сўнгги вақтларда Тошкентда Ўзбекистон ташаббуси билан EXХТ нинг бир қатор йирик анжуманлари ўтказилди.

EXХТ нинг юқори даражадаги устивор йўналишларини белгилаб олишда ташкилотга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат рахбарларининг учрашувлари асосий ўрин тутади. Илк саммит 1990 йили Парижда ўтказилиб, янги Евropa учун Париж Хартияси имзоланган, EXХТ таркибида бир неча тузилмалар ташкил этилган эди. 1992 йили Хельсинкидаги иккинчи олий даражадаги учрашувда “Ўзгаришлар чақириқлари” деган умумий ном олган ҳужжатлар қабул қилиниб, EXХТ нинг кам сонли миллатлар бўйича Олий Комиссари лавозими таъсис этилди. Аҳамиятли томони шундаки, Мустақилликни кўлга киритган Ўзбекистон бу саммитда ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида иштирок этди.

Учинчи саммит 1994 йил Будапештда бўлиб ўтган. Унда янги даврда ҳақиқий хамкорликни қарор топтириш, Европанинг келаҗагини бунёд этишда EXХТ нинг ўрни ва вазифалари, можароларининг олдини олишда ташкилот имкониятларини ривожлантириш тенгликни сақлашга қаратилган ички операцияларда Куролли кучларни қўллаш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги хамкорлик масалаларига доир ҳужжатлар имзоланган эди.

1996 йилги Лиссабон учрашувида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш EXХТ нинг аҳамиятини ошириш масаласи чукур таҳлил этилиб, Евropa хавфсизлик хартияси тўғхрисидаги ғоя илгари сурилди.

Анжуманда таъкидланганидек, давлатлар ўртасидаги хамкорлик ва интеграция жараёнлари ривожланиши билан баробар халқаро хавфсизлик ва барқарорликка қарши янги таҳдидлар пайдо бўлаётган ҳозирги даврда Хартия- EXХТ нинг тутган ўрни ва аҳамия-

тини ошириш йўлида янги қадамдир. Бу янги таҳдидлар миллатчилик, сепаратизм, Экстремизм ва террорчилик каби кўринишларда жаҳон миқёсида тобора кенг ёйилмоқда. Афсуски, дунёнинг кўпгин на минтақалари қатори Марказий Осиёда ҳам бунга мисоллар то-пиш мумкин.

Ўзбекистон ЕХХТ га аъзо бўлган пайтданоқ ташкилотнинг та-мойиллари асосида муайян мақсадларни амалга ошириш йўлида собитқадамлик билан иш юритмоқда. Бироқ, ташкилотнинг бош вазифалари хусусида турли қарашлар мавжуд. Таассуфки, баъзилар ЕХХТ ўз номидан келиб чиқиб, айнан хавфсизлик масалаларига бирламчи эътибор қаратиш зарурлигини инобатга олмаяпти. Ахир, тинчлик ва барқарорлик бўлмаган жойда, қандай қилиб инсон хукуқлари ва демократияни тўлиқ таъминлаш, иқтисодий юксалиш ва ҳамкорлик, атроф-мухитни ҳимоялаш ҳақида гапириш мумкин. Шу маънода терроризмга қарши кураш халқаро марказини таш-кил этиш ҳақидаги таклиф мухим аҳамият касб этди. Айни пайт-да, ЕХХТ шафелигида минтақамизнинг бой табиий захираларидан тўлиқ фойдаланиш энергетика, транспорт соҳаларини ривожлан-тириш, экология муаммоларини ҳал этишга қаратилган иқтисодий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур. Шундагина ташкилотнинг яна бир тамойили-иктисодий хавфсизлик йўлидаги ҳамкорлик ҳаётга татбиқ этилади.<sup>1</sup>

ЕХХТ маконини кимларнингдир таъсири майдонига бўлиб юбориш, Европадаги бир тузилмани иккинчисига қарама-қарши кўйишнинг номақбуллашдир. Бизнинг назаримизда, бир-бирига бўйсунувчи тузилмаларни бирпо этмасдан, муштарақ манфаатла-рини кўзлаган ҳолда Европанинг мавжуд ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш мухимроқдир. Истамбул учрашуvida хавфсизлик масалалари билан бирга иқтисодий ва сиёсий соҳалар-даги ҳамкорликнинг турли жиҳатлари мухокама қилинди. 1994 йил-дан буён аъзо мамлакатлар томонидан мухокама қилинган “Европа хавфсизлик хартияси” ҳам ушбу анжуманда имзоланди. Бу Хель-синкидаги якупловчи хужжат, 1990 йилда имзоланган Париж хар-тиясидан кейин ЕХХТ нинг мухим дастурий хужжат бўлиб қолди.

Анжуман давомида дунё ҳалқларини тўлқинлантириб турган

---

<sup>1</sup> “Фидокор” газетаси, 1999 йил, 20 ноябрь

бир талай муаммолар мұхокама қилинди. Европа қитъасида оддий курол-яроғларни қискариши шулар жумласидандир. Бу ҳақидағи шартнома ҳозиргача 30 мамлакат томонидан имзоланған янги таҳрирдаги шартнома учрашув қатнашчилари эътиборига ҳавола этилди. Шунингдек, Чеченистан, Косово, Тоғли Қорабоғ муаммолари, альо мамлакатларда инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши, уюшған жиноятчилик ва терроризмга қарши курашда күчларни бирлаштириш каби масалалар күриб чиқылди. Учрашув якунида барча мұхокама қилинған масалалар юзачидан Декларация қабул қилинди. Учрашув доирасида Озарбайжон, Грузия ва Туркия раҳбарлари Боку-Жайхон (Туркия) нефть қувурини барпо этиш бўйича битим имзоладилар. Каспий дengизи ҳавзаси нефть маҳсулотларини дунё бозорларига чиқаришни қулайлаштирадиган 1700 километрлик нефть қувурини 2004 йилда битказиш кўзда тутилди.

Маълумки, Ўзбекистон 1992 йилда Хельсинки якунловчи хужжатини, 1993 йилда Париж хартиясини имзолаб, бу ташкилотга альо бўлган эди. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда EXХТ нинг Марказий Осиё Республикалари билан алоқалар бўйича Бюроси ишлаб турибди. Тошкентда EXХТ нинг бир қатор йирик анжуманлари ўтказилди.

EXХТ га альо мамлакатлар давлат ва ҳукumat раҳбарларининг XX асрдаги сўнгги олий даражадаги учрашувида бу нуфузли халқаро ташкилотнинг кейинги йилларидағи фаолиятига баҳо берилди. Янги устувор йўналишлар белгиланади. EXХТ нинг янги аср таалблари ва эҳтиёжлари асосида шакллантирилган ҳаракат дастури Европада ҳамда жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қиласи.

Бугунги кунда минг йилликлар давомида шаклланған тарихий, иқтисодий, маънавий тараққиёт борасида бир-бири билан чамбар-час боғлиқ бўлган 100 дан ортиқ турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилаётган Марказий Осиё минтақасида жумладан, Ўзбекистон жамиятни қайта қуриш, кишиларнинг сиёсий-миллий онги, янги демократик қадриятлар тикланиши сингари қийин, бирорқ табиий жараённи бошдан кечирмоқда. EXХК нинг минтақамиздаги аҳамияти ва нуфузининг янада мустаҳкамланиши “Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик дастурида фаол иштирок этиши, ходисалар номақбул йўналишнинг олдини олиши ҳамда тикланиш жараёнла-

рини демократик ислоҳатларнинг амалий ўзани сари йўналтириш учун зарур имкониятарилиши бу жуда катта жараёндир

EXХТ фаолиятида мінтақавий хамкорликни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш масалалари тобора кўпроқ ўрин эгалламоқда. Тарих тақазоси билан ёнма-ён яшашга муҳим бўлган давлатлар ва миллатлар ўртасида хамкорлик улар ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашнинг ҳозирги замонда тобора авж олиб келаётган миллатлараро мінтақавий курашлар ва урушлар хавфини бартараф этишнинг энг муҳим омилидир.

EXХТ Ўзбекистондаги экалогик муаммосига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Орол денгизи фожеаси барчага маълум. Бу фожеа инсонлар соғлиғига таъсир кўрсатиб, номақбул ирсий ўзгаришларга олиб келмоқда. У бугунги кунда бутун Евроосиё мінтақасидаги муҳит мувозанатини жиддий тарзда бузмоқда. Шунинг учун ҳам EXХТ Орол муаммосига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Биз ўтказаётган ислоҳатларнинг моҳияти энг авало иқтисодиётни мағкурадан ҳоли қилиш унинг сиёsatдан устунлигини, бизнинг шароитимизда “фалаж қилиб даволаш” деб аталмиш усусларни қўллаб бўлмаслиги, энг муҳим кучли ижтимоий сиёsatни амалга ошириш, ўтказилган ислоҳатларнинг изчилларги ва босқичма-босқич амалга оширишдан иборат.

1995 йил июль ойида Тошкентда EXХТ нинг Марказий Осиё республикалари билан алокалари бўйича Бюроси очилди. Бу EXХТ нинг Марказий Осиё мінтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга катта аҳамият бераётганлигидан далолатдир. Бюронинг ташкил этилиши Ўзбекистонда EXХТ нинг барча ташкилотлари билан ахборот алмашиши, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон дуч келаётган муаммолар бўйича мулоқат олиб бориш имконини берди. Ўтган вақт мобайнода EXХТ доирасида жуда кўп хужжатлар имзоланди. Улар Хельсинки якунловчи аҳдномаси ва Париж хартияси негизида тайёрланган. EXХТ нинг Олий анжумани ҳар икки йилда бир марта ўтказилади. Ана шу учрушувлардан бири 1996 йил декабрда Лиссабон анжуманида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳам қатнашиб нутқ сўзлаб, EXХТ аъзоси бўлган давлатлар раҳбарлари эътиборини Марказий Осиёдаги ғоят муҳим муаммоларга каратди. “Хавфсизликнинг шу жумладан, Европа хавфсизлигининг чегараси

йўқ, шу нуқтаи назаридан қараганимизда ЕХХТ нинг ўрни ва маъсулности Европа доираси билан чекланиб қолиши мумкин эмас. Балки унинг ташқарисида мавжуд хавфни ҳам ҳисобга олиш лозим”,<sup>1</sup> деган эди. Ўзбекистон ЕХХТ га аъзо бўлган пайтданоқ ташкилот-нинг тамойиллари асосида муайян мақсадларни амалга ошириш йўлида сабит қадамлик билан иш юритмоқда.

ЕХХТ нинг Ўзбекистонга жўнатилган маҳсус раислари 1998 йил Б.Геремек, 1999 йил К.Воллебок, 2000 йил Б.Ферерро Валднер, 2001 йил М.Джони, 2002 йил А.Мартинсида Круш, 2003 йил Я.Х.Схеффер ва ЕХХТ нинг Марказий Осиёдаги генерал котиби Ян Кубишdir.

ЕХХТ Парламент Ассамблеяси Ўзбекистон парламенти билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Ҳалилов ЕХХТ парламенти Ассамблеясининг Оттавадаги тўртинчи сессиясида Раис ўринбосари этиб сайланган эди. ЕХХТ нинг бир қанча ҳалқаро семинарлари Тошкентда ўtkазилди. ЕХХТ нинг демократик институтлари ва инсон хуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) нинг “Инсон хуқуклари бўйича миллий институтлар” мавзусидаги ҳалқаро семинар-кенгаши Марказий Осиё, Европа, Америкадаги 21 мамлакат эксперталарининг, шунингдек, 29 ҳалқаро ва ноҳукумат ташкилотлари вакилларининг иштирокида кенг мулокот ўтказиш имкониятини берди. Улар Марказий ва Шарқий Европа Обдусман институти, Инсон хуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ривожлантириш, қонунчилик тизимларини такомиллаштириш, ҳамда ҳалқ таълими ва Оммавий ахборот воситаларининг инсон хуқуқлари соҳасидаги роли масалаларини кўриб чиқдилар.

ЕХХТ нинг ДИИХБ ташаббуси билан “Оммавий ахборот воситалари демократлаштириш шароитида” мавзусида семинар ҳам ўтказилди. ЕХХТ келиштирув ва ҳакамлик суди томонидан ташкил этилган ЕХХТ ҳалқаро семинари ҳам бўлиб ўтди. Буларнинг барчasi тинчлик ўрнатувчи ва хуқуқни ҳимоя қилувчи ушбу нуфузли ташкилот билан яқин ва самарали муносабатлар ўрнатилганлиги-дан далолат беради.

<sup>1</sup> И.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т. “Ўзбекистон”, 1997 йил, 5-жилд, 249 бет.

Ўзбекистон ЕХХТ нинг асосий тамойилларидан бири бўлган хавфсизлик яхлитлигини тўла кўллаб-куватлайди. 1996 йил ЕХХТ га аъзо бўлган давлатлар бошлиқлари учрашуви бўлиб ўтди, учрашувда у Марказий Осиё минтақасининг жўғрофий стратегик холатини, Унинг салоҳиятини улкан хом-ашё ва инсоний русурсларини, шунингдек, тез ривожланаётган бу минтақада содир бўлаётган хавфсизлик учун хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда этник-минтақавий можаролар, миллатчилик ва урушқоқ сепаратизм, наркобизнес, терроризм, файриқонуниний курол савдоси, инсон хукуқларини оммавий ривишида каби хатарли ва хавфли ҳаракатларнинг доимий манбасига айланаётганлиги, шу сабабли халқаро хавфсизлик тизими жўғрофий белгиларга қараб эмас, балки минтақалараро даражада мувофиқлаштирилган биргаликдаги ҳаракат билан белгиланиши лозимлиги айтиб ўтилди.

Мухим масалалардан бу кенгашда ЕХХТ га аъзо бўлган давлатлар қоидалари ва мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда хавфсизликнинг янги хартиясини ишлаб чиқишига эътибор қаратилди.

1999 йил 18-19 ноябр кунлари Туркияning Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган ЕХХТ саммити кун тартибидаги асосий масала Европа Хавфсизлик Хартияси бўлди. Хартия нафақат ташкилотга аъзо 54 мамлакатнинг балки бутун дунёнинг келгуси асидаги хавфсизлик борасида мухим хужжат бўлди. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов бу саммитида сўзлаган нутқида янги хавфсизлик хартияси лойиҳасини муҳокама этишда қуйидаги масалаларга эътибор қартишни жоиз деб топди. ЕХХТ минтақавий хавфсизлик, жумладан, Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантиришда фаолроқ бўлишни, бу ўринда ЕХХТ маъсулияти остида минтақаларда барқарорлик ва тинчликни издан чиқаришга қодир бўлган ташқи таҳдидларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш масаласига эътибор бериш кераклигини ЕХХТ ва унинг тузилмалари томонидан инсон ҳолатини тобора яхшилашга берилаётган эътибор, айниқса, яқинда демократик янгиланишлар йўлига кирган янги мустақил давлатлар учун ўта мухим экани таъкидланди. Бу ташкилотнинг асосий мақсадини ҳисобга олган ҳолда, ЕХХТ нинг фаолияти халқаро зиддиятларнинг олдини олишга қаратилган орган сифатида вазифаларини аниқ белгилаб олиш, шунинdek унинг иқтисодиёт ва экология соҳаларида тутган ўрнини янада мувофиқлаштирилганни ташкилотнинг олдини олишга қаратилди.

стаҳкамлаши бу вазифаларни амалга ошириш эса АҚШ нинг ЕХХТ доирасида тезкор фукаролик корпусини (REACT) ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси қўл келиши айтиб ўтилди.

Халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш ма-саласини кескин қўйиш мақсадга мувофиқлиги, марказнинг асосий вазифаси, терроризм кўринишлари билангина эмас, энг аввало, халқаро терроризмни маблағ билан таъминлаётган, қўллаб-қувватлаётган, курол-яроғ билан таъминлаб жойларга жўнатаётган ман-баларга қарши кураш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича, ЕХХТ нинг Марказий Осиё бўйича амалдаги раиси элчи Вильгельм Хойнг бошчилигидаги маҳсус комиссияси томонидан тайёрланган маъруза тингланди. “ЕХХТ нинг йиллик тадбирлари тақвими” ни ЕХХТ нинг бевосита шоҳидлигига мин-тақанинг бой захираларидан, биринчи галда, энергетика ва сувдан фойдаланиш, транспорт коммуникациялари, газ ва нефть қувирла-рини қуриш, экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ иқтисодий лойиҳаларни ишлаб чиқиши ва амалга оширишига доир чора тадбирлари кўриб чиқилди.

ЕХХТнинг бош вазифалари хусусида турли қараашлар ҳам мав-жуд, афсуски баъзилар ЕХХТ ўз номидан келиб чиқиб, айнан хавф-сизлик масалаларига бирламчи эътибор қаратиши зарурлигини инобатга олмаяпти. Ахир тинчлик ва барқарорлик бўлмаган жойда қандай инсон хукуқлари ва демократияни тўлиқ таъминлаш, иқти-содий юксалиш ва хамкорлик, атроф-муҳитни ҳимоялаш ҳакида га-пириш мумкин. Айни пайтда ЕХХТ бошчилигига минтақамизнинг бой табиий захираларидан тўлиқ фойдаланиш, энергетика ва транс-порт соҳаларини ривожлантириш, иқтисодий лойиҳаларни ишлаб чиқариш ва амалга ошириш зарур. Шундагина ташкилотнинг яна бир тамойили иқтисодий хавфсизлик йўлидаги хамкорлик ҳаётга тадбик этилади.

Ўзбекистон ўз келажаги демократик давлатлар кўриниши ва бу нафақат жамиятимизни демократлаштиришнинг муҳим омили, балки хавфсизлигимизнинг кафолати эканлигини таъкидлади. Қайд этиш жоизки, ЕХХТ доирасида қарор ва хужжатларни тайёрлашда, қабул қилишда амалий чораларни ишлаб чиқишида мамлакатимиз-нинг мавқеи ва салоҳияти тобора ортиб бормоқда. Буни ЕХХТ нинг амалдаги раиси Норвегия ташқи ишлар вазири Кнут Воллебокнинг

Марказий Осиё раҳбарлари билан учрашуви, саммит иштирокчилари шарафига ўтказилган қабул маросмида АҚШ, Франция, Россия президентлари сұхбатида қўриш мумкин. Саммитнинг барча қатнашчилари ЕХХТ фаолиятига аввалам бор, хавфсизлик йўлида хамкорликка қаратиш лозимлиги ҳақидаги фикрини қўллаб-кувватлади. Умуман Истамбул саммитида имзоланган барча хужжатлар Европа хавфсизлик хартияси, Истамбул декларацияси Европада одатий қуролли кучлар бўйича янгиланган шартнома, ЕХХТ га аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш чоралари бўйича Вена хужжати Гарб ва Шарқнинг улкан қисмини қамраб олувчи худудда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга гарбий ижтимоий, сиёсий, иқтисодий хавфсизликни таъминлашга замин бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов 2004 йил 5 апрелда Оқсанаройда ЕХХТ нинг амалдаги раиси Болгария ташқи ишлар вазири Солосон Пассини қабул қилди. АҚШ да рўй берган 2001 йил 11 сентябр воқеаларидан кейин ЕХХТнинг фаолиятида, хусусан миңтақамиз, мамлакатимиз фаолиятида хавфсизлик энг долзарб масалалардан бирига айланди. Сўнги пайтларда мазкур ҳалқаро ташкилот чегараларини мустаҳкамлашга қурол-яроғнинг ноқонунний савдоси, хукуқ тарғибот органларини ўқитиш ва қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу билан бирга иқтисодий соҳага ҳам эътибор кучайди. ЕХХТ нинг иштирокида Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-кувватлаш ёшларда ишбилиармонлик кўнимкамларини ҳосил қилиш бўйича лойиҳалар “Маҳалла ва атроф муҳит муҳофазаси” дастури амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ҳукуматининг ЕХХТ иқтисодий лойиҳалари кўлламини кенгайтириш борасидаги таклифлари ташкилот томонидан илик қабул қилинди. Шу муносабат билан Тошкентдаги марказнинг лойиҳаларига доир фаолияти учун қўшимча маблағлар ажратишга қарор қилинди. Аниқроғи, 2003 йил Ўзбекистондаги лойиҳалар учун 683 минг евро берилган бўлса, 2004 йил учун 1 миллион 146 минг евро ажратилди. Ташкилотга Ўзбекистоннинг Шарқий Европадаги ишончли шерикларидан бўлган Болгария раислик қилаётганини таъкидлаш ҳам ўринлидир. Бу мамлакатимиз ўртасидаги хамкорликни янада кенг асосда ривожлантиришга имкон беради. Хусусан, ЕХХТ нинг амалдаги раҳба-

рияти таълим тизимини ривожлантиришнинг устивор соҳалардан бири сифатида белгиланган Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари ва Афғонистонда таълимни ривожлантириш масалаларига бағи-шлаб минтақавий анжуман ўтказилгани кенг миқёсли хамкорликни бошлаб юборганидан далолат беради. Оқсаройдаги учрашууда мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот билан кўп томонлама алоқалари ҳамда Болгария билан ўзаро муносабатлари жадал ривожланиб бораётганидан мамнуният изхор этди. С.Пасси ЕХХТ доимий кенгашининг Венада бўлиб ўтган йиғилишида 55 мамлакатни ўз ичига олган ушбу ташкилот Ўзбекистонда амалга оширилаётган террористик ҳаракатларни қаттиқ қоралагани, мамлакатимиз ҳукумати ва халқига ҳамдардлик изхор этиб террорчиликга қарши курашда ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёрлиги ни билдиргани таъкидланди.<sup>1</sup> Айни пайтда Тошкентда бўлиб ўтган, мамлакатимизда ҳаёт маромида давом этганига, одамларда саросима йўқлигига гувоҳ бўлди. Ўзбекистон пойтахти буғунги кунда нуфузли ҳалқаро ташкилотлар иштироқида ҳавфсизлик бўйича муҳим ҳалқаро анжуманлар марказига айланди. Мазкур анжуманларда қабул қилинган ҳужжатларнинг аҳамияти ва долзарблиги жаҳон ҳамжамияти, жумладан, БМТ Ҳавфсизлик кенгаш томонидан эътироф этилаётганлигини, Ўзбекистоннинг ҳалқаро сиёсатидаги нуфузи ошиб бораётганлигидан далолатдир.<sup>2</sup>

## 2. ЕХХТ-Ўзбекистон ҳамкорлиги

XX асрнинг сўнги ўн йиллигига ўз давлат мустақиллигини қўлга қиригтан мамлакатлар жаҳон сиёсий харитаси, бинобарин, ҳавфсизлик тизимида катта ўзгаришлар ясади. Шундай бир шароитда ер юзидаги ҳар бир давлат, айниқса, янги мустақил республикалар учун ўз ҳавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш бош масалага айланди. Шунинг учун ҳам ЕХХТ ҳамда бошқа иирик тузилмалар ўртасида ҳамкорлик ҳам аввало мамлакатимизнинг ҳавфсизлиги

<sup>1</sup> “Халқ сўзи” газетаси. 2004 йил 6-апрель.

<sup>2</sup> Х.Муродов ва бошқалар. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти сафида. Т. 2000 йил, 24-бет.

ва барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир. Негаки, бугунги кунда тараққиёти учун тинчлик ва барқарорлик энг асосий шарт саналади.

2000 йил 20 октябр куни Эркин Ҳалилов ЕХХТ нинг парламенти Ассаблеяси раиси Адриан Аверин билан учрашиб, сұхбат чоғида Ўзбекистон ЕХХТ хамкорлиги самарали кенгайганидан мамнунлигини билдириди. Алоқаларни янада ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканини қайд этди. Музокарада Ўзбекистон ва ЕХХТ ўртасида парламентлараро алоқалар масаласи атрофлича муҳокама этилди. Шунингдек айни пайтда Афғонистонда юз берәётган воқеалар хусусида фикр алмашылди. Ўзбекистон ҳукумати-нинг террорчиликка қарши курашда амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берилди. Шу куни ЕХХТ парламент ассаблеяси делегацияси Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирилигидага ҳам бўлдилар.<sup>1</sup>

2000 йил 19 октябр Тошкентда “Марказий Осиё хавфсизлик ва барқарорлик сари муҳим қадам” мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Марказий Осиё хавфсизлиги ва барқарорлиги бугунги кунда нафакат минтақада, балки бутун дунё учун ўта муҳим ва долзарб масалалардан бирига айланиб қолди. Зеро, осойишталик фақат мазкур худудда эмас, Европа, қолаверса, Америка қитъасида террорчилик ва наркобизнеснинг тарқалишига тўсиқ бўлувчи омиллардан бири хисобланади. Шунинг учун ҳам “Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: наркотик моддалар, уюшган жиноятчилик ва таррорчиликка қарши курашишда умумий ёндашув” мавзусида Тошкентда иш бошлаган ҳалқаро анжуманнинг аҳамияти каттадир. Ушбу тадбир БМТ нинг Наркотик моддалар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича бошқармаси ҳамда Европада хавфсизлик ва хамкорлик ташкилоти ташуббуси билан ташкил этилди. Унда 70 дан ортиқ мамлакат ва 40 дан ортиқ ҳалқаро ташкилот вакиллари иштирок этмоқда. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов ҳалқаро анжуманнинг раиси этиб сайланди. Анжуман шартномалари минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш учун, аввало, афғон муаммосини ҳал қилиш зарурлигини таъкидладилар.

---

<sup>1</sup> “Халқ сўзи” газетаси. 2000 йил, 21 октябр.

Марказий Осиё давлатлари миңтақадаги вазиятдан ташвиш билдириб, жаҳон ҳамжамияти бу масалага жалб этилаётганлиги тушунарли хол. Зеро мазкур мамлакатларнинг мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаши, иқтисодий ва сиёсий юксалиш учун, бу худудда мустаҳкам тинчлик ўрнатилиши зарур. Айни пайтда бу муаммоларни ечимида Марказий Осиё мамлакатлари барча тегишли ҳалқаро ташкилотлар билан алоқаларини кучайтиришга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, бу борада ЕХХТ билан ҳамкорликка катта эътибор берилаяпти. Тошкент анжумани миңтақада террорчилик наркобизнес ва диний экстремизмнинг тарқалишига қарши олиб борилаётган кескин ва кенг кўламдаги изчил кураш ҳалқаро майдонда эътироф этилаётганидан далолатдир. Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон Марказий Осиёда барқарорликни сақлашда ўзига хос таянч вазифасини ўтаётир. Ўзбекистон ҳукуматининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари кенг тан олинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил этилган “6+2” гурӯҳининг фаолияти, бу муаммони юксак минбарлардан туриб жаҳон ҳамжамияти муҳокамасига қўйилаётганлиги, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш учун ўзининг янгидан-янги таклифларини илгари суроётган ва бу борадаги бошқа таклифларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Бугунги кунда террор, диний экстремизи ва наркобизнесни бир-биридан айримча тасаввур қилиш қийин. Улар бир-бирларини тўлдирувчи хавфга айланиб улгурди. Тошкент анжуманининг улкан аҳамиятига эга эканини, унда БМТ Бош котибининг ўринбосари, Наркотик моддалар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш рasisи, Австралия ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро Валднер, турли мамлакатларнинг юқори мартабали вакиллари иштирок этаётганидан ҳам билса бўлади. Анжуманда қайнашаётган давлатлар ва ташкилотлар, хусусан БМТ ва ЕХХТ вакиллари миңтақа мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистоннинг юқорида номлари санаб ўтилган иллатларга қарши кескин ва қатъий қадамларни маъқуллади. Улар бу йўлда ҳар қандай ҳамкорликка тайёр эканлигини билдириди.

ЕХХТ 2002 йилдан бери “Марказий Осиёда иқтисодий-экологик мезонлари мустаҳкамлаш” деб номланган хужжат асосида қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Бу кичик ва ўрта бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни рағ-

батлантириш, ёшларни ишбилармонликка ўқитиш каби лойихадир. Шу боис жаҳон тажрибасига таяниш Ўзбекистон ташқи сиёсати концепциясини ўрганиш, Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдаги сиёсатини ўрганиш, ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолардан бирга айланмоқда.

2004 йил 16 февраляда Оқсанорда ЕХХТ нинг амалдаги раиси, Словения ташқи ишлар вазири Дмитрий Рупел қабул қилинди. Ушбу учрашув Ўзбекистон ЕХХТ муносабатларига ҳамда мамлакатимизнинг Словения билан хамкорлигига доир масалаларда фикр алмашиб олиш учун қулай имконият эканлигини таъкидланди.<sup>11</sup> Музокарада ЕХХТ ни ислоҳ қилиш Ўзбекистон билан ушбу ташкилот ўртасида минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш иқтисодиёт ва экологик соҳаларида кўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда мамлакатимиз билан Словения ўртасида икки томонлама муносабатларга оид юзасидан фикр алмашилди.

2004 йил 9 сентябрда ЕХХТ нинг Демократик институтлар ва инсон хуқуклари бўйича Бюросининг қонун устуворлиги масалалари бўйича эксперти Биргит Кайнтс, Польша Республикаси Конституциявий трибунаси судьяси Мирослав Вирзиковский ҳамда ЕХХТ нинг Тошкентдаги марказий раҳбари вазифасини бажарувси Пер Нурмак Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суд раиси М.Абдусаломов билан учрашди.<sup>22</sup>

Юртимизда суд-хукуқ тизимини эркинлаштириш борасидаги ислоҳатлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётганлигини соҳада кўплаб қонунлар, меъёрий хужжатлар қабул қилиниб, замон талаблари асосида янада такомиллаштирилаётганлиги таъкидлана-ди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов 2004 йил 1 ноябр Оқсанорда ЕХХТ нинг амалдаги раиси Марказий Осиё бўйича шахсий вакили Марти Ахтисаарини қабул қилди. Бунда Ўзбекистон ЕХХТ билан хамкорлигига алоҳида эътибор билан қарашини билдириди. Бу эса Ўзбекистон ЕХХТ билан қатор тадбирлар ўтказаётгани ўзаро муносабатлар изчил ривожланиб бораётганидан далолатдир. Жумладан, Марказий Осиёда хавфсиз-

<sup>1</sup> “Халқ сўзи” 2004 йил, 17 феврал.

<sup>2</sup> “Халқ сўзи” 2004 йил, 10 феврал.

лик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ноқонуний наркотик билан савдо муаммоларига бағишиланган анжуманлар чегара ва божхона хизмати учун семинарлар ташкил этилди. Ўзбекистон ва ЕХХТ ўзаро хамкорликда чегаралар хавфсизлигини таъмилаш, курол-яроғ хавфсизлигига қарши курашиш, террорчилик ва уни молиялаштиришнинг олдини олиш масалаларига алоҳида тўхтади.<sup>1</sup> Иқтисодий тараққиёт ва экология масалари билан шуғулланиш ҳам ушбу хамкорликнинг асосий йўналишларини ташкил этади. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклишиш ҳамда аҳолини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига кенгроқ жалб этишга қаратилган бир неча лойиҳалар амалга оширилди. ЕХХТ нинг амалдаги раиси Марказий Осиё бўйича шахсий вакили Марти Ахтисаари раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Содик Сафоев билан учрашди. Музокарада Ўзбекистон ЕХХТ муносабатларининг бугунги аҳволи, истиқболи минтақамиздаги вазият Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЕХХТ фаолияти Ўзбекистонда аввалам бор, хавфсизлик йўлидаги хамкорликка кейин эса ижтимоий-иқтисодий масалаларга қаратиляпти. Хуллас, Шарқнинг улкан қисмини қамраб олувчи худуди тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, ҳарбий ижтимоий, сиёсий, иқтисодий хавфсизликни таъминлашга ЕХХТ билан хамкорлик катта замин бўлди. Негаки, Бугунги кунда Ўзбекистон, умуман бутун дунёning тараққиёти учун тинчлик ва барқарорлик энг асосий шарт саналади. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ва колектив хавфсизликни сақлаш, шу минтақадаги мамлакатлар салоҳиятини бирлаштириш, ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги харакатлари жаҳонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш учун муҳимдир. Шундай қилиб Ўзбекистон бутун жаҳонда барча умумбашарий муаммоларини тинч йўл билан хал этиш, катта ва кичик урушларга барҳам бериш террорчилик, кўпорувчилик, гиёҳвандликка қарши курашда ўз хизматини намоён этмоқда. Бугунги кунда ЕХХТ хамкорлик асосида Европада хавфсизликни таъминлаш жараёнида етакчи ўрин тутади. Мазкур ташкилот ўзининг бу

---

<sup>1</sup> “Халқ сўзи” 2004 йил, 2 ноябр.

борадаги уринишларини кучайтира борар экан, бошқа бир қанча халқаро мінтақавий ва нодавлат ташкилоттар билан яқындан хамкорлик қиласы.

XXI аср халқаро мұносабатлар бутун дүнё қамраб олинадиган аср бўлмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон ташқи сиёсатининг Европа йўналиши анча кенгайди. Ушбу йўналиш Европадаги айрим мамлакатлар билан хамкорлик қилишни, шунингдек бутун Европа қитъасини ҳам ўз ичига олади. Бу қитъанинг ўз мінтақавий, Европага хос интеграцияси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Жумладан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти билан самарали хамкорлик қилаётганимиз давлатимизнинг ҳар тарафлама равнақига ҳисса қўшмоқда. EXXТнинг ташкил топишига 1975 йил август ойидла 35 давлат томонидан Хельсинки якуний актининг имзоланиши асос бўлди. Мазкур ҳужжат халқаро хамкорликнинг янги томонлари пойдеворига асос солиб унда хавфсизлик, иқтисод, фан ва техника, атроф-муҳит муҳофаза, гуманитар ва бошқа соҳалардаги хамкорлик масалалари қамраб олинганди. Шу ҳужжат асосида пайдо бўлган ташкилот Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик кенгаши деб аталган эди. Унда аъзо мамлакатлар ўзаро мұносабатларида амал қилиши лозим бўлган тамойиллари кўрсатиб ўтилган. Улар қаторида мавжуд чегаралар дахлсизлигининг эътирофи куч ишлатмаслик ва таҳдид солмаслик, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш, инсон ҳукуқларини ҳурмат қилиш ҳам ўрин олган. “Совуқ уруш” якунланыб, жаҳон интеграцияси ва ҳар томонлама хамкорлик жараёнлари янги поғонага қўтарилигач, мазкур кенгаш доирасида мұносабатларнинг мавқеи ортди. Шу сабабли унинг номи Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти деб ўзгартирилди.

### **Таянч сўзлар.**

Хартия, Декларация, инсон ҳукуқлари, умумевропа ташкилоти, механизм, мажбурият ва битимлар, жаҳон Парламенти, Парламентлараро Иттифоқ, Вице-президент, ноконструктив, универсал тамойил, янги модел, урушқоқ сепаратизм, ғайриқонуний, протоколлар, ҳужжатлаштириш, ички операциялар, хавфсизлик хартияси, шафелик, табиий ва ҳарбий захиралар, номақбул, мувозанат, экспорт, ноҳукумат, ҳакамлик суди, стратегик ҳолат, ресурс, этник-минтақа-

вий, демократик янгиланиш, замин, амалий хамкорлик, бизнес корхона, концепция, харбий ижтимоий, иқтисодий хавфсизлик тамойиллар.

### **Савол ва топшириқлар.**

1. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ)нинг географик ҳудуди ва тарихи ҳақида нималарни биласиз?

2. ЕХХТ асосан қандай муҳим халқаро масалаларни ўз анжуманларида кўриб чиқади? Лиссабон саммитидан хабарингиз борми?

3. ЕХХТ нинг Марказий Осиё Республикалари билан ҳамкорликлари қандай йўлга қўйилган?

4. Ўзбекистон Республикасининг ЕХХТ билан хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги ҳамкорликларининг бугунги кундаги тарихий аҳамиятини тушунтириб беринг.

## **IV БОБ.**

### **ИНТЕРПОЛ ВА УНИНГ ТУЗИЛМАЛАРИ.**

#### **1. Халқаро жиноятчилик түшүнчаси ва белгилари.**

Хозирги кунда халқаро-хукуқ тартиботни таъминлаш, инсониятни ҳаётий аҳамиятга молик манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш халқаро тинчлик ва хавфсизликни турли даҳшатли таҳдидлардан асраб қолиш халқаро хукуқ соҳаси олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир. «XXI аср таҳдидлари» деб ном олган халқаро террорчилик ва экстремизм, тажовузкор миллатчилик, сепаратизм, наркобизнес, одам савдоси, шунингдек колектив хавфсизликнинг универсал ва минтақавий асосларга буткул зид рашида амалга оширилаётган агрессив ҳаракатларга барҳам бериш вазифаларининг ҳал этилиши барча давлатларни уларга қарши курашда бирлаштириш самарадорлигига, халқаро ҳамкорлик масалаларига бевосита боғлиқдир.

Халқаро жиноятчилик халқаро хукуқбузарлар тизимида ижтимоий хавфсизлиги энг юқори бўлган қилмишлар сифатида эътироф этилган. Халқаро жиноятчиликка таъриф беришда уларнинг ўзига хос юридик белгиларига эътибор бериш лозим. Ушбу белгилар халқаро жиноятчиликнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, субъекти, обьекти, субъектив ва обьектив томонларини ташкил этади. Халқаро жиноят хукуқи фанида жиноят таркибининг элементлари намоён бўлишидан келиб чиқиб, ҳар бир қилмишнинг халқаро хукуқбузарлик тизимидаги ўрни белгиланади. Халқаро хукуқ фанида халқаро жиноятчилик бутун халқаро ҳамжамиятияга нисбатан қаратилган халқаро хукуқбузарлик эканлигини яқдиллик билан эътироф этилган. Масалан, халқаро хукуқ лугатида, халқаро жиноятчилик халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид туғдирувчи, халқаро хукуқ тамойилларини қўпол равишида бузадиган, давлат ва миллатларнинг мавжуд бўлишига хавф соладиган ҳамда уларнинг ҳаётий аҳамиятга молик манфаатларига тажовуз қилувчи ўта

хавфли халқаро ҳукуқбузарликлар сифатида таърифланади.<sup>1</sup>

С.А.Егоровнинг фикрича эса, халқаро жиноятчилик бутун халқаро ҳамжамиятнинг ҳаётий аҳамиятга молик манфаатларига, шахсни муҳофаза қилишга, тинчликни таъминлаш учун таянч моҳиятига эга бўлган ва инсон цивилизацияси учун хавфли бўлган халқаро ҳукуқ нормаларининг бузилишидир.<sup>2</sup> Ю.А.Решетов ҳам, халқаро жиноятларнинг хусусияти бутун халқаро ҳамжамиятга хавф солиши билан болиқлигини эътироф этади.<sup>3</sup>

Дарҳақиқат, халқаро жиноятчиликнинг муҳим бир ўзига хос хусусияти—уларнинг бутун халқаро ҳамжамият ва ҳаётий аҳамиятга молик манфаатларга қарши қилмишидир.

Агрессия, ёлланиш, геноцид, терроризм сингари инсон ҳукуқларини бузилишлари бутун инсоният томонидан энг оғир қилмишлар сифатида эътироф этилган. Халқаро жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги давлатларнинг мажбуриятлари БМТ Халқаро жиноят Судининг 1967 йилги қарорига асосан, «ерда отнес» тарзидаги мажбуриятлар қаторига киритилиб, ушбу мажбуриятлар барча давлатлар томонидан бажарилиши шартлиги, ушбу мажбуриятлар бажарилишидан бутун халқаро ҳамжамият манфаатдор эканлигининг эътироф этилганлиги дикқат сазовордир.

Халқаро жиноятчиликнинг ўзига хослиги уларнинг давлат ва давлат номидан ҳаракат қилган шахслар, трансмиллий уюшган гурӯҳлар томонидан содир этилганлигидадир. А.Х.Сайдовнинг эътироф этишича, халқаро жиноятчиликни содир этганлик учун давлат билан бир қаторда индивидлар ҳам жавобгарликка тортилади.<sup>4</sup>

Ю.А.Решетовнинг фикрича: халқаро жиноятчиликка нисбатан икки хил субъектни тавсифлаш мумкин: халқаро жиноятчиликнинг субъектлари ҳамда ҳукуқни муҳофаза қилиш муносабатларининг субъектлари. Халқаро жиноятларнинг субъектлари сифатида давлат ва унинг номидан ҳаракат қилган жисмоний шахс, шунингдек турли трансмиллий уюшган гурӯҳлар эътироф этилади. Ҳукукни

<sup>1</sup> Словарь международного права.-М., 1986-С.308.

<sup>2</sup> Егоров. С.А.Вооружённый конфликт: право, политика, дипломатия.-М., 1989-С.78

<sup>3</sup> Решетов Ю.А.Борьба в международными преступлениями против мира и безопасности.-М.: Международное отношения. 1983-С. 54.

<sup>4</sup> А.Х.Сайдов. Халқаро ҳукуқ-Т.: Адабиёт жамғармаси, 2001 йил.229-б.

мухофаза қилиш муносабатларнинг субъектлари сифатида халқаро хукуқ субъектлари намоён бўлади.<sup>1</sup>

С.С.Казакееванинг ёзишича, «Халқаро жиноятчиликнинг субъектлари бўлиб, давлатлар ва уларнинг органлари, трансмиллий корпорациялар, шунингдек, халқаро жиноятчиликларни бевосита содир этган мансабдор ва жисмоний шахслар ҳисобланishi мумкин».<sup>2</sup>

Халқаро жиноятчиликнинг навбатдаги муҳим ҳусусияти-ўзига хос объектидир. Халқаро жиноятларнинг обьекти бўлиб – халқаро хукуқбузарлик (нимага) тажовуз қилаётган обьект (халқаро муносабатлар, халқаро тартиб қоидалар, инсон хукуқлари ва эркинликлари ва бошқалар) ҳисобланади. Тадқиқотчилар томонидан халқаро тинчлик ва хавфсизлик каби умумий обьектлар билан бирга, асосли равишда халқаро жиноятларнинг халқлар ва давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлари, инсон хукуқлари ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш хукуки, урушнинг қонун ва удумларига киритилмоқда. С.С.Казакеева ушбу фикрини давом эттириб, «Халқаро жиноятлар нафақат бир давлат ёки миллатга балки бутун халқаро ҳамжамиятнинг тинчлигига ва барқарорлигига, халқаро миллатлар ва давлатларнинг мавжуд бўлиши ва ривожланишига хавф солиши уларнинг муҳим ҳусусиятини ташкил қиласди»<sup>3</sup>, деб эътироф этади. Халқаро жиноятчилик биринчи навбатда жаҳон тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид қилиш, алоҳида бир давлат ёки минтақа учун эмас, балки бутун инсоният учун хавфлидир.

Юқорида зикр этилганларга асосан, халқаро жиноятчилик-давлат ва жисмоний шахслар томонидан содир этиладиган, халқаро тинчлик ва хавфсизлик каби инсониятнинг ҳаётий муҳим манфаатларга тажовуз қилувчи, айбдор давлат ва жисмоний шахслар учун ўзига хос тегишли халқаро-хукукий жавобгарликни келтириб чиқарувчи энг хавфли халқаро-хукукий қилмиш сифатида эътироф этиш

<sup>1</sup> Ю.А.Решетов. Борьба с международными преступлениями (правовое проблемы). Автореф дис..док..юрид.наук.-М.: ИГП РАН СССР, 1989. С-5.

<sup>2</sup> С.С.Казакаева. Уголовная ответственность за преступления против мира и безопасности человечества.Автореф. дисс..кон.юрид.наук.-Алматы.: Каз ГУ имени Ал-Фароби, 2001. с-11.

<sup>3</sup> С.С.Казакаева. Уголовная ответственность за преступления против мира и безопасности человечества.-Автореф. Дис..кан.юрид.наук.-Алматы.: КазГУ имени Ал-Фароби, 2001.С-11.

мумкин.

Халқаро хукуқда халқаро жиноятчилик дейилганды инсоният учун хавфли бўлган, халқаро ҳамжамиятнинг мухим ҳаётий манфаатлари, тинчлик учун асосий аҳамиятга эга бўлган, халқаро хукуқ тамойилларининг бузилишларини назарда тутади ва улар қаторига ҳарбий жиноятлар, тинчликка қарши жиноятлар, инсониятга қарши жиноятлар, ёлланиш, геноцид, апартеид, агрессия, биоцид, экоцид сингари халқаро жиноий қилмишларни киритади.

Халқаро хукуқ комиссиясининг 1991 йилда бўлиб ўтган 43-сесиясида қабул қилинган Инсоният тинчлиги ва хавфсизлигига қарши жиноятлар Кодексида халқаро жиноятларга юқорида зикр этилганлар билан бирга, халқаро терроризм, гиёхвандлик воситала-рининг ноконуний айланиши, атроф-мухитга қасдан зиён етказиш каби халқаро хукуқбузарликлар киритилган.<sup>1</sup>

Халқаро жиноятларни уларнинг юридик табиатига мос равища тизимлаштириш, назаримизда, энг мақбул тарзда Халқаро судлов оранларнинг таъсис хужжатларида ўз аксини топди. Ниоренберг Халқаро Ҳарбий Трибунали Низомининг 6-моддасига биноан, инсониятга қарши жиноятлар уч катта гурухга бўлинган:

1. Инсониятга қарши жиноятлар, шу жумладан агрессив урушни ёхуд халқаро шартнома, келишув ва ишонтиришларга зид равища урушни режалаштириш, тайёрлаш, очиб бериш, амалга ошириш ёки юқорида зикр этилган барча ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган умумий режа ёки фитнада иштирок этиш;

2. Ҳарбий жиноятлар, яъни урушнинг қоидалари ва удумларини бузиш, шу жумладан аккупация қилинган худудларда фуқаролик, аҳолини ўлдириш, қийноқларга солиш, куллик ёки бошқа мақсадлар учун олиб кетиш, денгизда ҳарбий асиirlарни ёки бошқа шахсларни ўлдириш, дўқ-писа қилиш, гаровга олингандарни ўлдириш, хусусий ва жамоа мулкини талон-тарож қилиш, шаҳар ва қишлоқларни бемақсад вайрон қилиш, ҳарбий зарурият билан изоҳланмаган вайронагарчиликлар ва бошқа жиноятлар;

3. Инсониятга қарши жиноятлар, яъни урушга қадар ва у давомида фуқаролик аҳолини ўлдириш, кириб юбориш, қулликка олиш, бадарға қилиш ва шафқатсизликларни содир қилиш, ўзининг содир

---

<sup>1</sup> Права человека.-М.: Инфра-М., 1998. С-524-525.

етилиш жойидаги ички хукуқ бузулиши ёки бузилмаслигидан қатын-и назар трибунал юрисдикциясига кирадиган ҳар қандай жиноятни содир этиш мақсади ёки муносабати билан сиёсий, иркій ёки диний мотивларда тақыб қилишдір.<sup>1</sup>

Халқаро жиноят судини таъсис этиш бүйича Рим Статутыда инсонияттарға қарши жинояттарға доир қотиллик, қириб юбориш, қулликка олиш, бадарға қилиш, қийноқларға солиш, одамларни зўрликларни қўллаган ҳолда фойиб килдириши, апартеид, халқаро хукуқ нормаларига зид равища жисмоний эркинликдан маҳрум қилиш, мажбурлаш каби жинояттарни қамраб олади.<sup>2</sup> Суд ушбу жиноятлар бүйича малакаланганча, нафақат Статутни, балки бу борада тузилган универсал халқаро-хукукий хужжатларни, яни Инсон хукуклари Умумжахон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий хукуклар тўғрисидаги Пакт, қулликка оид Конвенция, қуллар билан савдо қилишни, ҳамда шуларга ўхшаш институтлар ва одатларга барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция, қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ва қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция, Аёлларга нисбатан камситишлиарнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция, Апартеид жиноятларини олдини олиш ва у учун жазолаш тўғрисидаги Конвенция каби халқаро хукукий хужжатларда назарда тутилган инсонийликка қарши жинояттарға доир тушунчава талабларни ҳисобга олиши шартдир.

И.И.Карпецнинг фикрига кўра, биринчидан ҳар қандай жиноятлар, айниқса халқаро ҳарактердаги жинояттар бошқа халқаро хукуқбузарликлар билан албатта солиштирилиши лозим, чунки ушбу солиштириш орқали уларнинг ижтимоий хавфсизлик даражаси, уларга қарши кураш усули ва воситаларини ишлаб чиқиш имконияти яратилиди, иккинчидан халқаро ҳарактердаги жинояттар халқаро жиноятлар сингари ўзгармайди. Уларнинг янги шакллари пайдо бўлиши ёки ижтимоий хавфсизлик даражаси ўзгариши мумкин.<sup>3</sup>

---

<sup>1</sup> Ст.6. Устава Нюренбергского Трибунала //Нюренбергский процесс. Т.VII/-М.: Госнориздат, 1961.-с.576.

<sup>2</sup> Батафсил қаранг: Римский статут Международное уголовное право: современные теоретические проблемы.-Т.: ЮрЛит Информ, 2004.-с.350-351.

<sup>3</sup> И.И.Карпец. Преступления международного характера.-М.:Юридическая литература, 1979.-с.43.

Дархақиқат И.И.Лукашук ва А.В.Наумовларнинг фикрича, жиноятчилик доимий равища ўз усул ва шакларини такомиллаштириб, ҳозирги замон тараққиёти жамиятнинг сиёсий-хуқуқий тизими томонидан яратиб берилган имкониятлардан самарали фойдаланмоқда. Бу ҳолат жиноятчиликка қарши курашишни мураккаблаштироқда.<sup>1</sup>

Қайд қилиш лозимки халқаро ҳуқуқ доирасида халқаро терроризмнинг халқаро жиноят эканлиги ҳақида қизғин баҳс мунозаралар олиб борилмоқда. В.Г.Панов гаровга олиш, қароқчилик, фуқаролик авиациясига қарши хуружлар ҳамда ядровый материалларни ноконуний эгаллаб олиш каби халқаро терроризмга доир халқаро-хуқуқий қилмишларни санаб ўтиб, давлатлар маҳсус конвенцияларини халқаро характердаги жиноятларга ажратилишини таъкидлайди.<sup>2</sup> Д.Ван-Крикенning фикрича, халқаро терроризм халқаро жиноят кўринишлари билан бирга халқаро характердаги жиноий қилмишларга хос хусусиятларга эгадир.<sup>3</sup> Л.А.Моджорян ҳам ушбу фикрига ҳамоҳанг равища халқаро терроризмни икки ва ундан ортиқ давлатлар манфаатларига тажоввуз қилиш ва шу орқали халқаро ҳуқуқ тартиботга зид келишини таъкидлайди. Олиманинг фикрича террористик акт қўйидаги ҳолатларда халқаро характерга эга бўлган жиноят сифатида эътироф этилиши мумкин:

- 1) террорчи ҳамда жабрланувчи бошқа- бошқа давлат фуқаролари бўлса, аммо террористик акт бошқа давлатларда содир этилган бўлса;
- 2) террористик акт халқаро ҳимоя остидаги муҳофаза билан фойдаланувчи шахсларга қарши қаратилган бўлса;
- 3) террористик акт бир давлатда террористик актни содир этиб, бошқа давлат худудида жазодан қочиб юрган бўлса ва уни ушлаб бериш масаласи юзага чиқса.<sup>41</sup>

И.П.Блишенко ва Н.В.Ждановлар халқаро терроризмнинг субъ-

<sup>1</sup> И.И.Лукашук А.В.Наумов. Международное уголовное право-М.: спарк, 1999.-с.3.

<sup>2</sup> В.Г.Панов. Международное уголовное право-М.: Инфра, 1997.-с.77.

<sup>3</sup> A.Casserc Terrorism is also Disrupting Some Crucial Legal Categories in International law // European Journal of in International law 2001-№3-Р 1994.

<sup>4</sup> Л.М.Моджорян. Терроризм: правда и вымысьль-М.: Юридическая литература, 1986.-с.29-30.

екти сифатида мустақил фаолият юритадиган жисмоний шахс, давлат ва айрим ҳолларда юридик шахсларни келтириб ўтганлар.<sup>1</sup> Халқаро ҳуқуқ фанида давлатлар томонидан амалга оширилган терроризмга доир маҳсус тадқиқотлар олиб борилганлигини эътироф этиш лозим.<sup>2</sup> Савол туғилади: қайси ҳолатда давлат халқаро терроризмнинг субъекти бўлиши мумкин? Бундай ҳолатларда давлат томонидан халқаро террорчилик ташкилотларга моддий-молиявий ёрдам кўрсатиш, уларга паноҳ бериш, ушлаб бермаслик, жиноий жавобгарликка тортмаслик киради. қайд қилиш лозимки, гарчанд, бугунги кунда икки мағкурунинг қарама-қаршилиги ва совуқ уруш муҳити барҳам топган бўлсада, давлатларнинг халқаро терроризмга кўмак бериш ҳолатлари давом этмоқда. Америка қўшма Штатлари давлат департаменти томонидан ҳар йили тузиладиган рўйхатга кўра, Сурия, Судан, Ливия, Куба давлатлари халқаро террорчилар билан тил бириктириб, уларга мунтазам равишда моддий-молиявий кўмак бермоқдалар.<sup>3</sup>

Шунга ўхшаш ҳолатларни назарда тутиб, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг эътироф этишича, ..буғун шу нарса аён бўлмоқдаки, баъзи бир давлатлар ва сиёсий кучлар террорчи гурухларга, умуман терроризмга қарши курашиб ҳаракатига қўшилиш ҳақидаги ҳамда бунга ўзининг бутун имконияти ва кучини сафарбар қилишга тайёр эканлигини кўпроқ сўзда ва баланд парвоз гапларда билдиromoқдалар. Амалда эса, афсуски, бу ўта муҳим, барча халқлар ва минтақаларнинг ҳаёт-момотини ҳал қилувчи масала атрофида сиёсий ўйинларга ва савдоларга берилиб кетмоқдалар.<sup>4</sup>

Халқаро терроризмнинг халқаро жиноят сифатида эътироф этилиши устидан ягона ҳуқуқий жавобгарлик институтини ўрнатиш, агарда маълум террорчига нисбатан давлатлар юрисдикцияси ракобати вужудга келса Халқаро жиноят суди юрисдикциясини ишга туширишга асос бўлади.

---

<sup>1</sup> И.П.Блишенко., Н.В.Жданов. Сотрудничество государств в борьбе с терроризм // Советское государство и право.-Москва, 1981.-;8.-с.111.

<sup>2</sup> Махмуд ал-абд Сакер. Государственный терроризм-международно-правовое преступление. Автореф. дис..кон.юрид.наук.-М.: МГУ,1990-с.21.

<sup>3</sup> К.Б.Салимов. Современное проблемы терроризма.-М.: Хит, 1999.-с.28.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг баёни // Халқ сўзи. 2001, 6 октябрь.

Халқаро террорчилик навбатидаги мудхиш хусусиятлардан бири-бошқа криминал ҳодисалар, яъни гиёхвандлик воситалар ва психотроп миддаларнинг ноқонуний айланиши, ноқонуний даромадларни ошкоралаштириш, ёлланиш каби жиноятлар билан чирмасиб бораётганлигидир.

Халқаро терроризмнинг номоён бўлиш шакли хисобланган ядроий терроризм билан боғлик бўлган хуружлар содир этилган тақдирда жаҳонда ядроий курол қўлланилиши мумкин бўлган учинчи жаҳон урушининг бошланиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Омавий қирғин қуролини ишлаб чиқишга мўлжалланган технологиялар сиёсий, ҳатто жиноятчи воситалар қўлига тушиб қолиши мумкинлигидан келиб чиқадиган оқибатларни тасаввур қилишнинг ўзи даҳшатли. Халқаро жиноятчиликнинг шу каби барча турлари, нафақат алоҳида олинган битта мамлакатга реал таҳдид солмоқда, балки кенг қўламдаги хавфсизликни сақлаб туриш истиқболларини ҳам шубҳа остида қолдирмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, халқаро терроризм субъект, объект ва объектив томонлари бўйича халқаро жиноят кўринишларини касб этиб, халқаро жиноят сифатида тан олишга лойикдир.

Халқаро жиноят Суди Статути қабул қилингандан, унинг юрисдикциясига терроризмни киритиши таклифи билан Россия Федерацииси бошчилигига 8 та давлат чиққанлиги эътиборга сазовор. Ушбу таклифни рад этилишининг сабаби эса халқаро терроризмнинг ягона таърифи мавжуд эмаслигидир, яъни халқаро ҳамjamият халқаро терроризм халқаро жиноят эканлигини рад этмасдан, терроризмни Халқаро жиноят Суди юрисдикциясига шунчаки юридик техника сабабли киритмади.<sup>1</sup>

Юқоридагиларга асосан, терроризмнинг халқаро ҳуқукбузарлик сифатидаги таркибидан келиб чиқкан ҳолда халқаро терроризмни сиёсий ғараз, экстремистик, диний ва бошқа мақсадларда содир этиладиган, аҳолини кўрқитиши, унга жисмоний ва руҳий талофатларни етказиш, турли мулк шаклларига зарар етказиш, шунингдек антитеррористик универсал конвенцияларда «жиноят» деб топил-

<sup>1</sup> С.З.Мирзаирова. Халқаро жиноятларга карши курашда давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлиги. Автореф. дисс..юрид.фналар ном. Т., 2008. 52-б

ган ҳаракатларни амалга ошириш ва юқорида назарда тутилган ҳаракатларни содир этиш таҳдидида ифодаланадиган халқаро тинчлик ва хавфсизликка қарши қаратилган халқаро жиноят сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

## **2. Халқаро жиноятчиликка қарши курашувчи халқаро ташкилотларнинг мақсад ва вазифалари**

XXI асрнинг дастлабки йилларидаги воқелик шуни исботла-моқдаки, халқаро жиноятчиликка қарши курашда халқаро ташкилотларни ролини ошириш аҳамиятлироқ ҳисобланади. Бунинг сабаби шундан иборатки, халқаро ташкилотлар доирасида халқаро жиноятчиликка қарши курашда халқаро-хукукий нормаларни яратиш, уларнинг ижросига кўмаклашиш ва назорат қилиш имкониятлари узвий уйғунлаштирилган. Халқаро жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга барҳам бериш борасида давлатлар хамкорлигини халқаро ташкилотлар орқали мувофиқлаштириш давлатларни халқаро жиноятчиликка қарши хамкорлигининг ядроси ҳисобланади.

БМТ, Интерпол, ЕХХТ, ШХТ каби ташкилотлар халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, халқаро жиноятчиликка қарши курашни мувофиқлаштириш соҳасида ноёб ташкилотлар ҳисобланиб, бугунги кунда юз берәётган халқаро хукуқ нормаларининг бузилишлари ушбу ташкилотларнинг мавқенини кучайтириш, унинг таркибий тузилмасини, ислоҳ қилишга, универсал ва минтақавий ташкилотлар билан хамкорлигини кучайтиришга қаратилган кенг қамровли ташкилий-хукукий чоралар кўришга асос бўлади.

Халқаро жиноятчиликка қарши курашишда халқаро ташкилотлар томонидан куйидаги функциялар амалга оширилади:

- тартибга солиш функцияси;
- назорат қилиш функцияси;
- оператив функцияси.

Халқаро ташкилотлар доирасида халқаро жиноятчиликка қарши курашишни мувофиқлаштиришнинг муҳим йўналиш-тартибга солиш функциясини самарали амалга оширишdir. Манбаларда эътироф этилишича, халқаро ташкилотларнинг тартибга солиш

функцияси-улкан аҳамиятга молик. У аъзо давлатларнинг мақсадлари, принциплари, ўзини тутиш тартиб қоидаларини белгиловчи қарорлар қабул қилинишини кўзда тутади. қарорлар халқаро ташкилотларнинг ички хукуқига мувофиқ қабул қилинади.<sup>1</sup> Дарҳақиқат халқаро ташкилотларнинг тартибга солиш функцияси халқаро ташкилот томонидан ўз ваколатлари доирасида халқаро жиноятчиликка қарши халқаро-хукуқий ҳужжатларни қабул қилишда намоён бўлади. Бундан ташқари тартибга солиш функцияси доирасига халқаро ташкилотлар томонидан ўз аъзо-давлатларга халқаро жиноятчиликка қарши кураш бўйича тегишли тавсияларни беришда ифодаланган консультатив фаолият ҳам киритилган.<sup>2</sup>

Халқаро ташкилотларнинг халқаро жиноятчиликка қарши кураш бўйича навбатдаги мухим функцияси-назорат қилиш функциясидир. Халқаро ташкилотларнинг назорат функцияси доирасида уларнинг муайян нормага мувофиқлигини текшириш мақсадида тегишли ҳолатни аниқлаш ва ушбу ҳолатга баҳо беришга қаратилган ҳаракатлар мажмууда намоён бўлади. И.И.Лукашук ва А.Х.Сайдовнинг ёзишларича: халқаро ташкилотнинг назорат этиш функцияси аъзо-давлатнинг ташкилот томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ равиша ўзини тутишини устидан назоратни амалга оширишдир.<sup>3</sup>

Шу мақсадда халқаро ташкилотлар тегишли ахборотларни иғишиш ва тахлил қилиш, уни мухокама қилиш ва тегишли резолюцияларда бу борадаги фикрларини баён этиш хукуқига эгадир.

Мисол учун, халқаро антитерористик конвенцияларни бажариш устидан халқаро назорат БМТ хавфсизлик кенгаш хузурида фаолият олиб бораётган халқаро терроризмга қарши кураш кўмитаси томонидан амалга оширилади. Ушбу кўмита зиммасига халқаро антитерористик конвенцияларнинг ратификацияси ва давлатлар томонидан ўз конунчилигига сингдиришни кузатиш, антитерро-

<sup>1</sup> И.И.Лукашук, А.Х.Сайдов. Ҳозирги замон халқаро хукуқ назарияси ва асослари.-Т.: Адолат. 2006.-б-211.

<sup>2</sup> А.Похлебаева. Функции международной организации миграции // Белорусский журнал международного права и международная отношений-Минск, 2003.-№1-<http://beljournal.bu.ru/2003/1/3.shtml>.

<sup>3</sup> И.И.Лукашук, А.Х.Сайдов. Ҳозирги замон халқаро хукуқ назарияси ва асослари.-Т.: Адолат. 2006.-б-212.

ристик конвенциялар бажарилиши бўйича тегишли давлатлардан хисоботларни қабул қилиш, халқаро терроризмга карши курашда халқаро ташкилотлар ўртасида ўзаро хамкорликни янада ривожлантиришдан иборат.

Халқаро ташкилотларнинг навбатдаги функцияси-оператив функциядир. Халқаро ташкилотларнинг оператив функцияси ташки ва ички функцияларга бўлинади. Ички функция халқаро ташкилотлар ўз ички фаолиятини таъминлашга қаратилган ташкилий чоралар мажмууда намоён бўлади. Бундай чоралар молия, хона, маош масалаларини қамраб олади. Ташки оператив функциялар эса, халқаро ташкилотларнинг халқаро хукукнинг бошқа субъектларига нисбатан низомда белгиланган ташки вазифаларни амалга оширишда намоён бўлади. Мазкур функцияларнинг амалга оширилиши халқаро жиноятчиликка қарши кураш борасида халқаро ташкилотларнинг таъсирчангани белгилайдиган муҳим омиллардан биридир. Фикримизча, ташки оператив функцияси халқаро ташкилот томонидан ўз халқаро-хукукий мажбуриятларини бажармаётган давлатларга нисбатан санкцияларни кўллашда намоён бўлиши мумкин. Халқаро хукукий жавобгарлика тортиси механизmlари асосан халқаро ташкилотлар мужассам этганлигини ҳисобга олган ҳолда, оператив функцияларнинг бажарилиши тартибга солиш функцияси билан узий боғлиқ десак муболага бўлмайди.

Халқаро ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган оператив функцияниң муҳимлиги шу билан белгиланадики, мазкур функцияда халқаро терроризм манбаларига имконияти пайдо бўлади. Бугунги кунда халқаро терроризмнинг нафақат ўзига, балки унинг манбаларига қарши курашиш далзарб вазифа бўлиб турибди. БМТнинг халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича ролини оширишга бағищланган ҳисботини терроризмга кураш қисмida ижтимоий ва сиёсий хукуклар рўёбга чиқишини таъминлаш, демократик ислоҳотлар ва хукуқ устуворлигини таъминлаш, ижтимоий норозиликка сабабчи бўлаётган сиёсий омилларга барҳам бериш, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, қашшоқлик ва ишсизлик масштабларини камайтириш каби йўналишлар белгиланди. Ушбу вазифаларнинг барчасини қамраб олиш мумкин бўлган дастурни амалга ошириш имконияти айнан халқаро ташкилотларда, жумла-

дан Бирлашган Миллатлар Ташкилотда мавжуд.<sup>1</sup>

Бош котибият тузилган ижро бўлими ва тўртта бошқармадан иборат:

-Ижро бўлими маъмурий-техник масалалар билан шуғулланади ва бевосита Бош котиб фаолиятини таъминлашга хизмат қиласди. Бу бўлим тарикбига котибият ва жамоатчилик билан алоқалар бўйича бўлинма киради. Бюджетни тайёрлаш ва унинг бажарилишини назорат қилиш молия-тафтиш бўлинмаси зиммасига юкландган. Ижро бўлими, молиявий-тафтиш бўлинмаси ва Европа котибияти бевосита Интерполнинг Бош котибига бўйсунади.<sup>2</sup>

Биринчи бошқарма умумий маъмурий масалалар билан шуғулланади. Интерпол томонидан ташкил этиладиган Бош Ассамблей сессиялари, кенгашлар, симпозиумлар ва курсларга тайёрганлик кўради. Интерпол фаолияти ҳақидаги турли хил ҳисоботларни ишлаб чиқади.

Иккинчи бошқарма полиция бошқармаси деб аталади ва 4 та бўлим ҳамда Европа котибиятидан ташкил топади. Биринчи бўлим-иккинчи бошқарманинг мазкур бўлими шахсга ва мулкка қарши жиноятлар; уюшган жиноятчилик; жиноий фалият орқали олинган маблағлардан ташкил топган жамғармалар; террорчилик тўғрисидаги ахборотлар билан шуғулланади. Иккинчи бўлим эса иқтисодий ва молиявий жиноятчилар бўйича ахборот тўплайди. Учинчи бўлим наркотикларнинг ноқонуний айланмаси бўйича ахборот билан ишлайди. Тўртинчи бўлим фаолият ҳақида батафсил тўхталиш жоиз. Чунки бу идора амалий полиция иши билан шуғулланади: бевосита ММБ учун ахборот тайёrlайди.<sup>3</sup>

Учинчи бошқарма қуйидаги ишларни олиб боради: жиноятчиликни олдини олиш, жиноий хуқуқ бўйича маълумотларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва тарқатиш; халқаро жиноятчилик ҳақидаги статистик материалларни тўплаш ва нашр қилиш; битимлар, резолюция лойиҳалари, йўриқномалар ва қоидаларни ишлаб чиқиш; журнал нашр қилиш.

<sup>1</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Низоми ва халқаро Суд статути.-Т.: БМТнинг Ўзбекистондаги ахборот маркази, 2002 йил. 17-б.

<sup>2</sup> В.И.Самарин. Интерпол-международная организация уголовной полиции. М.: Питер.2004.стр.42.

<sup>3</sup> О.Мирзаев. Халқаро жиноий полиция ташкилоти. Т.: Зарқалам., 2006. 31-бет.

Түртінчидан бошқарма телекоммуникация ва компьютер технологияларини ўрганиш ва Интерпол фаолиятига жорий қилишга ихтисослашган.

Интерпол ходимлари халқаро жиноятчиликда ҳам биринчи, ҳам иккінчи гурухға киритилған аксарият жиноятларға қарши кураш олиб боради. Ҳозирги пайтда жиноятчилар одил суддан қочиб, хеч қандай қаршиликсиз чегарани кесиб ўтиши ва бошқа мамлакатда яшириниши, кейин эса ўзларининг ноқонуний орттирган пул маблағларини хорижий банк ҳисоб-рақамиға ўтказиши мумкин. Шу боис, халқаро жиноятларға таъриф берганды, ташкилот Бөш котибияти ходимлари уларнинг белгиларини ажратиб күрсатади;

- жиноятчининг (шеригининг) биттадан ортиқ мамлакатда содир этилған жиноят бўйича таърифи;

- жиноятчининг хулқ-автори.<sup>1</sup>

Юкорида айтилғанлардан келиб чиқиб, Интерполга аъзо мамлакатлар жиноий кодексларда қайд этилған ҳар қандай жиноят халқаро жиноятга айланиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бир таърифни бошқаси билан алмаштириш имконини рад қилиш учун «халқаро жиноят» ибораси ўрнига бу маънода «халқаро хусусиятга эга жиноят» тушунчасини кўллаш мақсадга мувофиқдир.

Бунда Халқаро жиноий полиция ташкилоти доирасида хамкорликни амалга ошириш мақсадида халқаро хусусиятга эга белгига эга бўлмаган, аксарият мамлакатларда жиноий жазоланадиган, манфаатларга зарар етказадиган, бир неча мамлакат худудида амалга оширилған ёки бита мамлакат худудида содир этилиб, аммо унинг субъекти бу мамлакатдан чиқиб кетган айбли ижтимоий хавфли ҳаракат тушунилиши даркор.<sup>2</sup>

Алоҳида ҳолларда оғир жиноят содир этганликда айбланаётган ёки гумон қилинаётган шахснинг чет элдаги кўчмас ёки бошқа мулки ҳақида маълумот (бунда мулк обьектининг аниқ жойи-давлат, шахслар, ташкилот маълум бўлиш керак), шунингдек сўралаётган ахборот тижорат сирига кирмаса, юридик шахсларнинг молиявий, хўжалик фаолиятининг айрим масалалари (шартномаларни бажариш, молиявий аҳвол) бўйича чекланган ахборот олиш мумкин.

<sup>1</sup> В.И.Интерпол. М.: Питер, 2004.стр-46.

<sup>2</sup> О.Мирзаев. Интерпол. Т.: Зар қалам, 2006. 38-бет.

Халқаро иқтисодий жиноятларни текшириш бўйича тезкор-қидириув фаолияти жараёнида, шунингдек бундай жиноятларни содир этганликда айбланадиган ёки унга алоқадор бўлган шахсларнинг чет элда аниқланиши ва текширувлар олиб борилиши юзасидан хуқуқ-тартибот идоралари ва бошқа давлат органлари Интерпол ММБ сига чет элда рўйхатга олинган юридик шахсларни текшириш бўйича сўровнома ва юридик шахсларни Интерпол ММБ си маълумотлар баъзаси орқали текшириш бўйича сўровнома юборади.

Интерпол каналлари бўйича тарқатиладиган иқтисодий жиноятлар ҳақидаги сўровномаларда қўйидаги маълумотлар акс этиши керак. Булар:

- жисмоний ва юридик шахсларни текшириш учун насос (жиноий иш, тезкор ҳисобга олиш иши, текширув материали ёки бошқа расмий ахборот):

- жиноят тафсилотлари ёки жиноят ҳақидаги мавжуд ахборот характеристи, бунда тергов (текшириш) олиб бораётган идора кўрсатилади;

- жисмоний шахсларга нисбатан тўлиқ маълумотлар;

- юридик шахсларнинг номи, уларнинг реквизитлари (рўйхатга олган давлат, манзил, телефон, факс);

- аниқ саволлар.

Зарур ҳолларда сўровномаларга мазкур ишга дахлдор бўлган битимлар ёки бошқа хужжатлар илова қилинади. Интерпол турли мамлакатлар полициясига ёрдам тариқасида уюшган жиноятчиликка қарши курашга бағишланган маҳсус ахборотномалар нашр қилади.<sup>1</sup>

Интерпол курашаётган жиноятларнинг умумий гурухи ичida энг муҳимлари ва кўп учрайдиганларини ажратиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқаро жиноятларни содир этган давлатлар БМТ тизимидағи органлар, жумладан, Хавфсизлик Кенгаши ва халқаро Суд орқали жавобгарликка тортиладилар. Бунинг сабаби шундан иборатки, БМТ халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш, халқаро жиноятчиликка қарши кураш сингари инсониятнинг ҳаётий аҳамиятга молик бўлган соҳалар бўйича давлатлар харакатининг

---

<sup>1</sup> О.Мирзаев. Интерпол. Т.: “Зар қалам”, 2006 йил, 59-60-бетлар.

мувофиқлаштириш маркази бўлиб, ҳуқукбузар давлатга нисбатан тегишли халқаро ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўллашга ваколатлидир. Айни вақтда БМТ давлатлар аъзолиги ва фаолияти қўллаш бўйича энг йирик халқаро ҳукуматлараро ташкилотдир. Манбаларда келтирилишича, БМТ Бош Ассамблейсининг 4-сессијасини кун тартибидаги масалаларнинг сони Ҳозирги замон халқаро муносабатлариниг энг муҳим муаммоларига доир. 143 та масалаларни қамраб олиб, БМТ ялпи фаолиятининг самарадорлиги 9 мингдан ортиқ икки томонлама шартномаларнинг самарадорлигига тенгдир.<sup>1</sup>

БМТ нинг халқаро жиноятчиликка қарши курашишдаги роли шу билан белгиланадики, мазкур йўналишда конвенциявий механизм билан бирга, хавфсизлик Кенгаши қарорлари ҳам тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Халқаро жиноятлар тинчлик ва хавфсизликка қарши таҳдид бўлиб, уларга қарши курашда Хавфсизлик Кенгаши қарорлари халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар сирасида марказий ўринлардан бирини эгаллади.<sup>2</sup>

БМТ доирасида халқаро жиноятчиликка қарши курашда юридик мажбурийликни таъминлаш борасида энг муҳим орган-Хавфсизлик Кенгаши хисобланади. Хавфсизлик Кенгаши халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича тез ва самарали ҳаракат қилувчи ҳамда асосий масъулият юкланган БМТ органидир. Хавфсизлик Кенгаши қуидаги беш аъзо давлатдан ташкил топган. Хитой, Франция, Россия, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия қўшма қироллиги, АҚШ. Ушбу давлатлар Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлиб, бошқа ўнта аъзоси Бош Ассамблея томонидан БМТ аъзоларидан сайланади ва сайлови БМТ нинг мақсадларга эришишда нечоғли қатнашганлигига ҳамда адолатли географик тақсимотга эътибор берилади. Амалдаги тақсимотга кўра, Осиё ва Африка давлатларидан 5 нафар, Шарқий Европадан 1 нафар.

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг халқаро жиноятчиликка қарши кураш соҳасида халқаро хамкорликнинг муҳим босқи-

<sup>1</sup> Априс Кармела. Понятие и структура системы ООН. Автореф. дисс.. кан. юрид.наук.-М.: МГУ, 1989.с-2.

<sup>2</sup> Ю.А.Решетов. Борьба с международными преступлениями (правовое проблемы).-Автореф. дисс..док.юрид.наук.-М.: Институт государства и права АНССР, 1984. с-12.

чи-БМТ нинг таъсис этилишидир. БМТ доирасида халқаро жиноятчиликка қарши кураш механизми анча такомиллашиб, халқаро жиноятчиликни олдини олиш ва улар учун жазолаш бўйича маҳсус халқаро органлар ташкил қилинди. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш вазифаси БМТ Хавфсизлик Кенгашига бириктирилиб, БМТ Низомида унга зарур ваколатлар, шу жумладан мажбурлов тусидаги ваколатлар берилган.<sup>1</sup>

БМТ доирасида халқаро жиноятчиликка қарши курашишни ташкил қилишнинг муҳим жиҳати шундан иборатки, мазкур ташкилот халқаро жиноятларга барҳам бериш бўйича универсал халқаро шартномалар ишлаб чиқадиган энг йирик тузилмага айланди. БМТ нинг таъсис этилиши халқаро жиноятчиликка қарши кураш борасидаги халқаро хамкорликнинг янги даврини олиб берди. Бу давр муайян турдаги халқаро жиноятларга қарши кураш борасида ихтисослашган маҳсус шартномаларни қабул қилиш даври бўлди. Айнан БМТ шафелиги астида «Геноцид жиноятини олидини олиш ва у учун жазолаш тўғрисида»ги 1948 йилги Конвенция, «Апарtheid жиноятни олдини олиш ва у учун жазолаш тўғрисида»ги 1973 йилги Конвенция «Ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тўғрисида»ги 1968 йилги конвенция, Инсоният хавфсизлиги ва тинчлигига қарши жиноятлар Кодекси, «Одамлар билан савдо қилишга ва фоҳишабозликка қарши кураш тўғрисида»ги конвенция, «Трансмиллий уюшган жиноятчилик тўғрисида»ги 2000 йилги Конвенция, «Ядервий терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция, «Денгиз қатнови хавфсизлигига қарши қаратилган қонунга хилоф харакатларга барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенция, «Халқаро терроризмга барҳам бериш тўғрисида»ги Декларация, «Бомбали терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция, «Ҳаво кемаларини ноқонуний эгаллашга қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция каби гоятда муҳим ҳужжатлар ишлаб чиқилди. БМТ халқаро жиноятчиликка қарши кураш соҳасида давлатлараро хамкорликнинг асосий таянчига айланниб, ўзининг ушбу мавқенини ҳозирги кунда сақлаб турибди.

Халқаро жиноятчиликка қарши кураш борасида БМТ доирасидаги халқаро хамкорликни қўйидаги ажратиши мумкин:

---

<sup>1</sup> The Charter of the United Nations №.У 1981-Р. 13-17

- Халқаро жиноятчиликнинг муайян турига қарши курашга ихтисослашган ташкилий-хуқуқий механизм яратиш;

- халқаро жиноий юстиция ва халқаро жиноятларни таърифлаш, шунингдек халқаро муносабатларнинг реалликларига мос бўлган халқаро-хуқуқий баҳо бериш.<sup>1</sup>

Лотин Америка ва Кариб денгизи минтақасидан 2 нафар, ғарбий Европа, канада, Янги Зелландия ва Австралиядан 2 нафар аъзо сайланиш лозим.<sup>2</sup> Халқаро хуқуқнинг юридик мажбурийлигини таъминлашда хавфсизлик Кенгашнинг роли БМТ Низомининг 25-моддаси билан белгиланади: «ташкilot аъзолари ушбу Низомга мувофиқ Хавфсизлик Кенгашининг қарорларига бўйсунишга ва уларни бажаришга розилик берадилар».<sup>3</sup>

БМТ доирасида юридик мажбурий қарорларни чиқаришга ваколатли навбатдаги ички орган Халқаро Суддир. БМТ Низомининг таркибий қисми бўлмиш Халқаро Суд Статутига асосан, Суд ўн беш вакидан таркиб топиб, фақат давлатларгина Судда иши кўрилаётган томон бўлиши мумкин.

Интерпол ташкил топган вақтидан бўён ўтган давр ичида ўзининг ажойиб тузилмага эга бўлгани, аниқ ва мукаммал ишлаб чиқилган хуқуқий асоси ва техник таъминоти туфайли халқаро полиция хамкорлигини самарали ва оқилона мувофиқлаштиришга қодир дунёдаги етакчи халқаро ташкilotга айланди.

Бир карашдаёқ ташкilot номининг ўзи қандайдир сирлилик гардишига буркангандек туюлади. Ҳа, у халқаро жиноятчиликнинг олдини олиш ва уни бартараф этишда иштирок этадиган йирик умумжаҳон ташкilotи ҳисобланади. Аммо жиноятчи ортидан одатий қувишилар, отишмалар, таъсирchan тергов ҳаракатларини олиб бориш жараёнлари штаб-квартираси Франциянинг Лион шахрида жойлашган Интерполнинг Бош котибияти бутун дунё бўйича тарқалган Миллий Марказий бюролари ходимлари ҳақида ўқувчида атрофлича тасаввур ҳосил қилмайди.

Интерпол мустақил тергов ҳаракатларини юритиш, жиноятлар-

<sup>1</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкilotи. Низоми ва халқаро Суд Статути.-Т.: БМТнинг Ўзбекистондаги ахборот маркази, 2002. 18-бет.

<sup>2</sup> Межданародное публичное право. М.: Проспект, 1999, сf309.

<sup>3</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкilotи. Низоми ва Халқаро Суд Статути.-Т.: БМТнинг Ўзбекистондаги ахборот маркази, 2002. 17-б.

ни фош қилиш ва турли мамлакатларда яширинган жиноятчиларни излаш билан ўз ҳолиша шуғулдана олмайди. Унда бундай тезкор кучларнинг ўзи йўқ. Боз устига, бугунги кунда замонавий халқаро ҳуқук нуқтаи назаридан ҳам бу каби мураккаб фаолиятни олиб бо-риш мантиқан мумкин эмас.

Аммо бир неча мамлакатдаги полициянинг амалий операцияни мувофиқлаштириш, уларнинг баҳамжиҳат ва бир пайтда ўтказилишига ҳар томонлама ёрдам бериш, бундай операцияларнинг бошланиши ва муддатлари ҳақида унда иштирок этадиган давлатлар билан ўзаро келишиб олиш, яшириниб юрган жиноятига нисбатан халқаро қидирув эълон қилиш ишларида Интерполнинг аҳамияти катта.

Бир сўз билан айтганда, Интерпол-турли давлатлардаги жиноий полиция хизматларининг муайян жиноятларни фош қилиш бўйича кундалик ишидаги амалий хамкорликнинг муайян жиноятларни фош қилиш бўйича кундалик ишидаги амалий хамкорлигининг, шунингдек уларнинг кўшма Саъй харакатларини мувофиқлаштириш ва кооперациялашнинг кучли механизми ва воситачисидир.<sup>1</sup>

Хамкорликнинг бундай кўринишида Интерпол халқаро жиноятчиликка қарши курашнинг умумий стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқувчи ягона жаҳон маркази сифатида майдонга чиқади. У жиноятчиликка қарши курашда энг муҳим жиҳат-қудратли ахборот манбасини ўзида мужассам этиб, уни зарур ҳолларда аъзо мамлакатларнинг ҳуқук-тартибот идораларига етказиб беради.<sup>2</sup>

Юртбошимиз И.А.Каримовнинг ташаббуси билан Ўзбекистонда ташкилотнинг 1994 йил 28 сентябрда бўлиб ўтган 63-сессиясида унга тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Интерполнинг Республика мазмандаги Миллий Марказий бюроси айни пайтда жиноятчиликка қарши курашда ташкилот билан фаол хамкорлик қилиб келмоқда.

Интерполнинг йигирма биринчи аср аввалида ишлаб чиқилган ташкилотни стратегик ривожлантириш режасида белгиланган идеек, жиноий фаолиятнинг барча соҳалари полиция ахбороти алмашинувининг умумжаҳон тизими ва маълумот олишнинг муайян шаклла-

<sup>1</sup> В.С.Овгенский. Интерпол.М.: -М., 2001, 125-б.

<sup>2</sup> К.С.Родионов. Интерпол: вчера, сегодня, завтра.-3-с.изд. М.: Международное отношения, 1990, стр. 37.

рини қамраб олиши даркор.

Шу мақсадларни рүёбга чиқариш учун Интерпол Бош котибияти барча замонавий коммуникация воситалари билан жихозланган бўлиб, улар бутун дунёдаги Миллий Марказий бюроларга электрон почта орқали бир-бири билан яқин алоқа қилиш имконини беради.

Бу воситалар асосида халқаро қидирувда бўлган жиноятчилар, ўғирланган автомобиллар ва ноёб бадиий асарлар, қимматбаҳо милий бойликлар ҳақидаги ахборотларни, жумладан, уларнинг тасвирини сақлайдиган маълумотлар баъзасига кириши ва уларни излаб топиш мумкин. Тезкор ходимлар сўраган саволларига қисқа вакт ичида-бир неча сонияда жавоб олади.

Мазкур тизимдан гумондор шахсни идентификациялашда, яъни шахсни аниқлаштиришда сурат ва бармоқ изларини олишда ҳам самарали фойдаланаяпти. Телекоммуникация тармоғи орқали узатиладиган халқаро жиноятлар ва жиноятчилар ҳақидаги барча маълумотлар Интерпол штаб-квартирасида жамланадиган ягона маълумотлар баъзасида сакланади. Айтиш жоизки, Интерполнинг ахборот тизимиға кирадиган маълумотлар базаси мавжуд жиноий ахборотнинг оламшумул фазнасирид.

Бу ерга келиб тушадиган барча маълумотлар (базасида сақланади) ўхшашликларини аниқлаш ва илгари маълум бўлмаган алоқаларни ўрнатиш учун улар қарама-қарши усулда текширилади. Хозирги пайтда Интерпол бармоқ изларини идентификациялашнинг замонавий автоматлаштирилган тизимиға эга. Мазкур тизим бармоқ излари электрон почта орқали узатилишини таъминлаш мақсадида Интерполнинг компьютер-телекоммуникация тизимиға тўлиқ жорий этилган. Шу боис жаҳонда муқобили йўқ бўлган мазкур ташкилот XXI асрда жиноятчиликнинг олдини олиш, уни фош этиш, тили ва дини бир-биридан айро халқларни муштарак мақсад йўлида яқдил ва бирдам бўлиб изчил ҳаракат қилишида асосий восита сифатида хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Бугунги кунда Интерпол ҳукуматлараро ташкилот мақомига эга. Бу хусусда таҳлилчилар томонидан вақти-вақти билдирилган шубҳалар шунга асосланадики, Интерпол кўп томонлама, тантанали равишда имзоланган ва ратификация қилинган битим на-тижасида ташкил этилмаган. Ташкилотни таъсис этадиган расмий шартноманинг йўқлиги унинг ноҳукумат ташкилот сифатида тан

олинишига асос бўлади.<sup>1</sup>

Ташкилот уставининг 4-моддасига мувофиқ унга аъзо бўлиб давлат эмас, балки ҳар бир мамлакатнинг расмий полиция идоралари қабул қилинади. Шу моддада кўрсатилганидек, аъзоликка ариза тегишли ҳукумат органлари томонидан берилади. Низомнинг 45-моддасида белгиланишича, полиция идоралари ўз мамлакатлари вакиллари сифатида ҳаракат қиласди.

Маълумки, Интерполнинг асосий фаолияти жиноятчиларни рўйхатга олиш ва уларга ҳалқаро қидирув эълон қилишдан иборат. Интерпол Бош котибиятининг «юраги» Уставга биноан бутун ташкилотнинг техник ва ахборот маркази хисобланади. Бу ерда жиноятчиликка қарши курашиш масалалари бўйича ахборот тўпланади, улар умумлаштирилиб, зарур ҳолларда матбуотда эълон қилинади.

### **3. БМТ ихтисослашган муассасаларининг ҳалқаро жиноятчиликка қарши курашдаги фаолияти**

Хозирги янги дунёда гурухлар ва баъзи одамлар чегара оркали, давлатларнинг иштирокисиз бир-бирлари билан тобора кўпроқ тўғридан тўғри хамкорлик қўлмокдалар. Бу эса муайян хавф-хатарларни ҳам олиб келади. Жиноятчилик, гиёҳвандлик, терроризм, қуроллар, қочоқлар ва мигрантлар-буларнинг ҳаммаси у ёқдан бу ёққа илгаригига қараганда катта тезликда ва катта ҳажмда ҳаракатланмоқда. Одамлар ўзларидан узокларда содир бўлаётган воқеалардан келиб чиқиши мумкин бўлган хавф-хатарлардан ташвишга тушмокдалар. Шунингдек, улар баъзи мамлакатлардаги ноҳақликлар ва бераҳмликлардан қаттиқ таъсиранадилар ва бундай ҳолларга қарши давлатлардан қандайдир чора-тадбирлар қабул қилишни кутадилар.

Бойликларни тақсимлаш борасидаги бугунги кундаги ғоят катта нотенглиқ, миллиарддан ортиқ одам яшаб турган аянчли шарт-шароит, баъзи минтақалардаги турли можаролар кўламишининг кенгайиши ва табиий мухитнинг тезлик билан ёмонлаша бориши-бу

---

<sup>1</sup> К.С.Родионов. Интерпол: вчера, сегодня, завтра.-3-с изд. М., Международное отношения, 1990 стр.38.

омилларнинг ҳаммаси, биргалиқда, фақат, агар ҳамманинг розилиги билан ушбу ахволни тузатиш чора тадбирлари кўрилмаса, тараққиётнинг ҳозирги моделини бекарор қилиб қўяди. Энг йирик олти континентда ўтказилган жамоатчилик фикри сўрови, одамлар ҳудди шундай чора-тадбирлар қабул этилишини ҳохлаётганлигини тасдиқлаб турибди.

Ер юзида халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг биргалиқдаги чораларини таъминлаш, халқларнинг тенг ҳуқуқларини ва ўз тақдирини ўзи белгилаш принципини хурмат қилиш, барча халқлар, миллатлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантириш, ижтимоий-иктисодий, маданий ва инсон ҳуқуqlари билан боғлиқ халқаро муаммоларни ҳал этиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош мақсадидир. Ўтган йиллардаги фаолияти мобайнида БМТ дунёдаги энг йирик ва халқаро таъсирчан ташкилотга айланиб, 1993 йилга келиб у ўз сафида жаҳоннинг 184 давлатини бирлаштириди. У ўзининг ярим асрлик тарихи давомида халқаро ижтимоий ва икти sodiy hamkorliknинг қатор муаммоларини ҳал этишига салмоқли хисса қўшди. БМТ ер куррасининг турли минтақаларида тинчлик ўрнатиш, ҳарбий можароларнинг олдини олиш, ривожланаётган мамлакатларга иктиносидий ёрдам кўрсатиш, табиий оғатлардан шикаст топган давлатларга ёрдам қўлини чўзиш, жаҳон маданиятини ривожлантириш каби хайрли ишларда фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Ҳозирги кунда ушбу ташкилотнинг 6 та бош органи-Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иктиносидий ва Ижтимоий Кенгаш, Васийлик Кенгаши, Котибият, 16 та ихтинослашган муассасалари тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун кураш олиб бормоқдалар. Халқаро ҳуқуқнинг ижодкорлари сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Жаҳон халқлари тақдирига оид бир ташкилот дунё аҳамиятига молик бўлган қўпгина тадбирларнинг ҳам ташаббускори хисобланади.

Халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили-қуролсизланиш масаласига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ катта аҳамият бериб келмоқда. БМТ Бош Ассамблеясининг 1978, 1982, 1988 йиллардаги учта маҳсус сессияси ушбу масалаларга бағишлиланган. 1977 йилда ўтказилган 31-сессиясида эса табиий мухитга нисбатан ҳарбий ва ҳар қандай тажовузкор воситалардан фойдаланишни таъ-

қиқлаш ҳақида конвенция қабул қилиниши Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги бир қатор давлатларда мустамлакачиликдан озод бўлиш жараёнларини тезлаштириб юборди. Саксонинчи йилларнинг охирларида халқаро ахволнинг ўзгариши туфайли БМТ фаолиятида янги босқич бошланди. Бу эса ташкилот фаолиятининг янада жонланишига олиб келди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга ҳамда жиноятчиликни олдини олишга қаратилган ҳаракатларини мазмунан тўлдирди. Ташкилотнинг Яқин Шарқдаги тажоввузига қарши белгиланган таъсирчан чоралари, Камбоджадаги ва Яқин Шарқдаги вазиятни барқарорлаштириш тадбирлари, Яқин Шарқда ҳамда Афғонистонда тинчликни таъминлаш, Собиқ Совет Иттифоқи ва АҚШ ўртасида ядро қуролларини қисқартириш тўғрисида иккита муҳим шартномалар шулар жумласидандир. Буларнинг ҳаммаси БМТнинг тинчликсевар сиёсатини изчил олиб боришидан далолат беради ва унинг фаолиятидаги умуминсоний қадриятлар, манфаатлар негизига курилган йўналишни янада мустаҳкамлайди. Халқаро хавфсизлик ва барқарорлик муаммоси янги аср бўсағасида ҳамон жаҳон ҳамжамияти олдидаги турган энг асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Фарқ фақат шундаки, эндиликда «Совуқ уруш» асоратлари, хуружлари ўрнига тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи куч сифатида халқаро террорчилик ва экстремизм, тажоввузкор миллатчилик ва сепаратизм жаҳон сахнасига чиқмоқда.<sup>1</sup>

Ҳақиқатан ҳам БМТга аъзо бўлиш, унинг сессиялари ишида қатнашиш, унинг ташкилотлари бўлган давлат байроқлари орасида ўз давлатининг ҳам байроби борлигининг шоҳиди бўлиш жуда катта баҳт ва ифтихордир. Бутун ер юзасидаги мамлатларни ўз атрофига бирлаштирган бу ташкилот халқаро ташкилотларнинг энг обрўлиси ва нуфузлисидир. Жаҳон сиёсати инсониятнинг ташқи сиёсати соҳасида орттирган тарихий тажрибасини мужассамлаштирган ҳолда бойиб, такомиллашиб, уйғунлашиб, муштараклашиб боради. Бундай сиёсатининг ажралмас йўлдошлари, зарурий бўлак қисмлари сифатида халқаро ташкилотлар амал қиласиди. Улар жаҳон сиёсатининг йўналишларини белгилаб беришда, унинг амал қилиши

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ватан равнаки учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т. «Ўзбекистон» 9-жилд, 105-бет.

ва давом этишида, умуминсоний мақсад манфаатлар йўлида хизмат қилишида жуда муҳим ахамият касб этади.<sup>1</sup>

Кейинги йилларда БМТ нинг ҳуқуқий соҳаларида ва унинг Халқаро фуқаро авиация ташкилоти, Халқаро денгизлар ташкилоти ва Халқаро атом энергияси агентлиги сингари ихтисослаштирилган муассасалари ўзида халқаро жиноятчилик, терроризмга қарши кураш бўйича асосий ҳуқуқий воситаларни акс эттирган қатор халқаро битимларни ишлаб чиқди. Бунга самолётларда содир этилган қонунбузарликлар тўғрисидаги (1963), самолётни қўлга киритишини олдини олиш тўғрисидаги (1971), одамларни гаровга олишга қарши кураш тўғрисидаги (1979), ядровий ашёларни муҳофаза этиш тўғрисидаги (1979) ва пластик портловчи ашёларни, уларни топиб олиш имконини берадиган тамғалаш (1988) сингари Конвенциялар киради. Бош Ассамблеяда халқаро терроризмнинг барча актларига мунтазам равишда, сиёсий даражада қаралади. 1997 йилда у бомбали терроризмга қарши кураш тўғрисидаги халқаро Конвенция қабул қилди, бу ҳужжат террорчилик портлашларида айбланаётганларни ёки суд орқали таъқиб этиш ёки уларни тутиб беришни тавсия этади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ихтисослашган муассасалари дунё бўйича, мамлакатлар ичкарисида ҳам, улар ўртасидаги муносабатларда ҳам қонун устуворлигини барқарор этишга асос яратса олди. Бош Котиб назоратидаги Конвенция халқаро ҳамжамиятнинг ўзлари учун ҳуқуқ ва бурчларни белгилаб олиш, қонун устуворлигига ҳақиқатан ҳам амал қилиш истакларини ифода этади. Биз, бутун дунё бўйича барча соҳалардаги тараққиётга фақат шу Конвенцияларни амалга ошириш йўли билан эришиши мумкин. Бош Котиб энг муҳим 25 Конвенцияни танлади ва уларни амалга оширишни сўради. Ушбу шартномалар БМТнинг янги мингийилликдаги энг муҳим сиёсий мақсадлари билан боғлиқ ва БМТ Низоми руҳини яхшиrok ифода этади (куйидаги шартномалар рўйхатига қаранг).

Бу конвенцияларнинг кўпчилиги аллақачон кучга кирди, аммо кўпчилигининг умумий ратификация қилинишига эришиш керак. Шартномаларни хали имзоламаган ва ратификация қилмаган дав-

<sup>1</sup> Я.Ғаффоров, А.Холлиев. Ўзбекистон ва Жаҳон ҳамжамияти. Т. «Университет», 2003 йил, 54-бет.

латларнинг бу ишни кечиктираётганларига сабаб конвенцияларни маъкулламаганликлари эмас, балки техник ва инсон ресурслари-нинг етишмаётганлигидир. БМТ қуидаги ёрдамлар билан улар-нинг баъзи қийинчиликларни енгиб ўтишларига кўмаклашишга ҳаракат қилмоқда:

- Миллий қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун давлатларнинг илтимосларига биноан эксперtlар тақдим этиш, семинарлар ва брифинглар ўtkазиш йўли билан мансабдор шахслар ва қонун чиқарувчиларга консультациялар уюштириш;
- Халқаро хукуқни яхшироқ тушуниш ва қўллаш мақсадида судлар ва адвокатларни ўқитиши;
- Хукуқий колледжлар ва олий ўқув юртларида халқаро хукукдан дарслар беришга кўмаклашиш.

### **Кўптомонлама, энг асосий 25 шартнома**

#### **Инсон хукуqlари**

1. Бош Ассамблея томонидан 1948 йил 9 декабрда қабул қилинган геноцид жинояти ҳакида огоҳлантириш ва унинг жазолаш тўғрисида конвенция, 1951 йил 12 январда кучга кирди.

2. Имзолаш учун 1966 йил 7 марта Нью-Йоркда очилган Ирқий камситишнинг барча шаклларини бартараф этиш тўғрисида-ги халқаро конвенция. 1969 йил 4 январдан кучга кирди.

3. БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукуqlар тўғрисида халқаро пакт. 1976 йил 3 январда кучга кирди.

4. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий хукуqlар тўғрисида халқаро пакт. 1976 йил 23 марта кучга кирди.

5. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий хукуqlар тўғрисида халқаро пактга Факультатив протокол. 1976 йил 23 марта кучга кирди.

6. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 15 декабрда қабул этилган Фуқаролик ва сиёсий хукуqlар тўғрисида халқаро пактга ўлим жазосини бекор қилишга бағишлиган Иккинчи факультатив протокол.. 1991 йил 1 июляда кучга кирди.

7. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йил 18 декабрда қабул этилган Аёлларни камситишларнинг барча шаклларини бартараф этиш тўғрисида конвенция. 1981 йил 3 сентябрда кучга кирди.

8. БМТ нинг Бош Ассамблеяси томонидан 1999 йил 6 октябрда қабул қилинган Аёлларни камситишларнинг барча шаклларини бартараф этиш тўғрисида конвенцияга Факультатив протокол. Хозиргача кучга киргани йўқ.

9. БМТ нинг Бош Ассамблеяси томонидан 1984 йил 10 декабрда қабул этилган қийноқлар ва бошқа бешафқат, файриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирлайдиган муомала ва жазоларга қарши конвенция. 1987 йил 26 июнда кучга кирди.

10. БМТ нинг Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция. 1990 йил 2 сентябрда кучга кирди.

11. Болаларга ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга болаларнинг қуролли можаролардаги иштирокига таалукли Факультатив протоколнинг лойиҳаси. БМТ нинг Бош Ассамблеяси томонидан ҳали қабул қилинмаган.

12. Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга болаларни сотиш, болалар фоҳишибозлиги ва болалар порнографиясига таалукли Факультатив протокол лойиҳаси. БМТ нинг Бош Ассамблеяси томонидан ҳали қабул қилинмаган.

13. БМТ нинг Бош Ассамблеяси томонидан 1990 йил 18 декабря қабул қилинган Барча меҳнаткаш мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция. Ҳали кучга кирган эмас.

### **Қочоқлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар**

14. 1951 йил 8 июлда Женевада имзоланган қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенция. 1954 йил 22 апрелда кучга кирган.

### **Жазонинг жазо масалалари**

15. БМТ нинг Бош Ассамблеяси томонидан 1994 йил 9 декабря қабул қилинган БМТ ва унинг ходимлари хавфсизлиги тўғрисидаги конвенция. 1999 йил 15 январда кучга кирган.

16. БМТ нинг Бош Ассамблеяси томонидан 1997 йил 15 декабря қабул этилган Бомбали терроризм билан кураш тўғрисидаги халқаро конвенция. Ҳали кучга кирмаган.

17. 1998 йил 17 июлда Римда қабул қилинган Халқаро жиноий судининг Рим статути. Ҳали кучга кирган эмас.

### **Куролсизланиш**

18. Ҳаддан ташқарии вайронагарчиликлар келтирадиган ва

аниқ нүктага урмай, ялпи вайрон этадиган Одатдаги қуролларнинг муайян турларини қўллашни таъкиқлаш ва чеклаш тўғрисидаги конвенция (ва унга протоколлар) 1980 йил 10 октябрда Женевада қўллаб-қувватланди. 1983 йил 2 декабрдан кучга кирди.

19. 1966 йил 3 майда БМТ аъзо давлатларнинг Женевадаги Конвенциясида қабул қилинган 1996 йил 3 майдаги таҳрирдаги Миналарни, қопқон-миналарни ва бошқа қурилмаларни қўллашни таъкиқлаш ёки чеклаш тўғрисидаги протокол (1996 йил 3 майдаги 11-сон протокол), ҳаддан ташқари вайронагарчиликлар келтирадиган ва аниқ нүктага зарба бермай, ялпи вайрон этадиган Одатдаги қуролларнинг муайян турларини қўллашни таъкиқлаш ва чеклаш тўғрисидаги конвенцияга илова 1998 йил 3 декабря кучга кирган.

20. Химиявий қуролларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш, тўплаш ва улардан фойдаланишини таъкиқлаш ҳамда уни йўқ қилиш тўғрисидаги конвенция имзолаш учун Парижда 1993 йил 13 январда очилди. 1997 йил 29 апрелда кучга кирди.

21. БМТ нинг Бош Ассамблеяси томонидан 1996 йил 10 сентябрда қабул қилинган Ядро синовларини кенг кўламли таъкиқлаш тўғрисидаги шартнома. Ҳали кучга кирган эмас.

22. 1997 йил 18 сентябрда Ослода қўллаб-қувватланган Пиёдаларга қарши миналардан фойдаланишини, уларни тўплаш, ишлаб чиқариш ва беришни таъкиқлаш ва уларни йўқ қилиш тўғрисидаги конвенция. 1999 йил 1 марта кучга кирган.

### **Атроф мухит**

23. 1997 йил 11 декабрда Киотода қабул қилинган БМТ нинг иқлим ўзгаришлари доирасидаги конвенциясига Киото протоколи. Ҳали кучга кирган эмас.

24. 1992 йил 5 июня Рио-де-Жанейрода имзолаш учун очилган Биологик рангбаранглик тўғрисида конвенция. 1993 йил 29 декабря кучга кирган.

25. 1994 йил 14 октябрда имзолаш учун Парижда очилган қаттиқ курғоқчиликни бошидан кечираётган мамлакатларда ва айникса Африканинг саҳрона айланишига қарши кураш тўғрисида халқаро конвенция. 1996 йил 29 декабря кучга кирган.

БМТ фаолиятидаги яна бир жиҳат гиёхванд моддалар орқали халқаро жиноятлар содир этилишига карши кураш хисобланади. Статистик маълумотлар гиёхванд моддалар билан жиноят содир

этаетгандарнинг кўпчилиги уни истеъмол қилишга мойиллигини таъкидласада, бу каби жиноят билан жамиятнинг барча қатламларидаги одамлар шуғулланадилар. Бутун дунё бўйича ёшлар ўртасида гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш бўйича энг сўнги маълумотлар жиддий хавотир туғдирмоқда. Маълумотлар шуни кўрсатадики, гиёхванд моддалар истеъмол қилиш даражаси аҳоли ўртасидагига нисбатан ёшлар ўртасида уч ёки тўрт баробар юкори. Улар энг маъкул кўрсатадиган гиёхванд модда-наша бўлиб, уни истеъмол қилиш даражаси кенгайиб бормоқда.

Синтетик гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш бурмунча кенг тарқалди, экстази истеъмол қилиш эса Фарбий Европа мамлакатларида юкори даражада одам тусига кирган бўлса, эндиликда у бошқа минтақаларга ҳам тарқалмоқда. Экстази ўрта ҳисобда ахолининг 2,6 фоизи томонидан истеъмол қилинмоқда.

Кокаин ёшлар ўртасида унчалик хуш кўрилмайдиган гиёхванд моддага ўхшайди. Бироқ кейинги фикр-мулоҳазалар уни истеъмол қилиш Европада (айникса Лондон ва Амстердамда) бирмунча ўсганидан гувоҳлик бермоқда. Кейинги 15 йил мобайнида қўшма штатларда ёшлар ўртасида кокаин истеъмол қилиш кисқарган эди, бироқ энг сўнгги маълумотлар унинг бирмунча ўсганидан далолат бермоқда.

Героинни укол орқали қабул этиш Шарқий Европа мамлакатларининг ёшлари ўртасида ўсиб бормоқда ва шунингдек, (кўшма Штатларда ва Фарбий Европада) уни чекиш бирмунча кенг тарқалаётгани тўғрисида маълумотлар бор. Ўрта ҳисобда 1,9 ва 1,0 фоизни ташкил этган кокаин ва героин ёшлар маъкул кўрадиган гиёхванд мода ҳисобланмайди. **Токсикомания** (Клей ва бошқа эритмаларни истеъмол қилиш) кенг миқёсда (ўртача 7,8 фоиз) тарқалган ва кўплаб ёшлар учун жиддий муаммо бўлиб қолмоқда.<sup>1</sup>

Гиёхванд моддалар билан ноқонуний савдо қилиш-эҳтиёткорлик чоралари ишлаб чиқиб, кўлланилгунига қадар глобаллаштиришдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланаётган уюшган трансмиллий синдикатлар кўлидадир. Чегараларнинг очиб юборилиши ва электрон воситаларининг тез қулоч ёйиши уюшган халқаро жиноий гурухларга гиёхванд моддаларни тарқатиш ва бундан даромад олишга

---

<sup>1</sup> Мингийиллик маъруzasи. Т-2003 йил, 162-163-бетлар

ёрдам беради.

Гиёхвандлик орқали келиб чиқадиган жиноятчилик муаммолари билан БМТ ўзининг ташкил этилган пайтлариданоқ шуғулланмоқда: 1946 йилда, унинг таркибига айланма асосда 53 мамлакат кирадиган гиёхванд воситалар бўйича комиссия тузилган эди.

БМТнинг гиёхванд моддаларга қарши кураш билан шуғуллана-диган бўлинмаси 1990 йилда БМТнинг гиёхванд моддаларни назорат қилиш бўйича халқаро дастури (ЮНДСП) билан бирлашди. Дастур 1999 йилда Халқаро жиноятчиликдан огоҳлантириш бўйича Марказ билан бирлаштирилди ва Гиёхванд моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликдан огоҳлантириш бошқармаси ташкил этилди. Бошқарманинг қароргоҳи Вена шаҳрида жойлашган.

ЮНДСП қуидаги уч мақсадни кўзда тутади: ноқонуний гиёхванд моддаларга бўлган эҳтиёжни қисқартиши, ноқонуний гиёхванд моддалар ишлаб чиқаришни қисқартириш ва гиёхванд моддалар билан ноқонуний савдо қилишни қисқартириш. ЮНДСП мамлакатларга миллий дастурлар ва сиёsatни ишлаб чиқиша ёрдам бериш учун гиёхвандлик тўғрисидаги ахборотларни тўплайди ва тарқатади. ЮНДСП муқобил тараққиётга кўмаклашиб, фермерларнинг ноқонуний экинлар ўстиришда иқтисодий қарамлигига барҳам беради ёки бу жараённи қисқартиришга ёрдамлашади. ЮНДСП баъзи мамлакатларда, масалан, Мексикада каучук ва бошқа қимматбаҳо дараҳтларни экиб парваришлаш ишонли ва узоқ муддатли даромад манбай бўлиб қолишини кўрсатиб берди. ЮНДСП ОИТСга қарши курашда БМТ нинг бошқа олтига агентлиги ва дастури билан биргаликда Бразилияда гиёхвандликка қарши курашда комплекс дастурни амалга оширмоқда.

Геноцид, инсониятга қарши жиноятлар, ҳарбий жиноятлар ва агрессияларда айблаш бўйича доимий халқаро суд тузиш ғояси БМТ томонидан 1948 йилда Геноцид жиноятидан огоҳлантириш ва бунинг учун жазолаш тўғрисида Конвенция қабул қилиш контекстида биринчи марта кўриб чиқилган эди. Унинг янада равнақи кўп йиллар мобайнида қарашларда хилма-хиллик туфайли орқага суриб келинди. 1992 йилда Буш Ассамблея Халқаро хукуқ Комиссиясига Суд макоми лойиҳасини тайёрлашни топширди.

1998 йил июнь-июль ойларида Римда бўлиб ўтган вакиллар Конвенцияси, жумладан, геноцид, инсониятга қарши халқаро жино-

ялтар ва ҳарбий жиноятлар сингари бирмунча жиддий жиноятлар содир этган шахслар устида текширишлар олиб бориш ва уларни жавобгарликка жалб этиш ваколати берилган доимий фаолият кўрсатувчи Халқаро жиноий суд ташкил этиш Статутини маъқуллади. Шунингдек Суд юрисдикциясига «агрессиялар билан боғлиқ жиноятлар» берилади, мазкур жиноятларни белгилайдиган қоидалар, шартномалар қабул этилиши билан Суд улар орқали одил судловни амалга оширади. Шунингдек, бу масалага миллий судларда ҳам биринчи ўрин берилади. Расмий тарзда Халқаро жиноий суднинг Рим мақоми деб амаладиган мазкур ҳужжат 120 овоз-7 қарши ва 21 бетараф овоз билан қабул этилиб, имзолаш учун тақдим қилинди. Шартнома камида 60 иштирок этувчи мамлакат томонидан ратификация этилишини талаб қиласди. Суд ва БМТ ўртасидаги ўзаро алоқалар тизими Статутга имзо чеккан иштирок этувчи мамлакатлар Ассамблеяси томонидан маъқуллаган битим томонидан белгилаб берилиши керак. Суд Гаагада, Нидерландияда жойлашган, лекин жиноий ишларни бартараф этиш бўйича хар қандай жойда тўпланиши мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро жиноятчиликнинг бутун дунёга тарқалган тури терроризм муаммоси билан ҳукуқий маънода ҳам, сиёсий маънода ҳам изчиллик билан шугуулланади. БМТ ва унинг Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО), Халқаро денгизлар ташкилоти (ИМО) ва халқаро атом энергияси агентлиги сингари ихтисослаштирилган муассасалари халқаро терроризмга қарши қураш борасида асосий ҳукуқий восита ҳисобланган ҳукуқ соҳасидаги халқаро битимлар тизимини ташкил этди. куйидагилар ана шундай ҳужжатлардир:

-Ҳаво транспортида содир этилган ҳукуқбузарликлар ва бошқа баъзи ҳаракатлар тўғрисидаги Конвенция (1963 йил Токиода қабул қилинган);

- Ҳаво кемаларини ноқонуний қўлга олишни тўхтатиш тўғрисида Конвенция (1970, Гаага);

- Фуқаролар авиацияси хавфсизлигига қарши йўналтирилган ноқонуний актларга қарши қураш тўғрисидаги Конвенция (1971, Монреал);

- Халқаро ҳимоядан фойдаланадиган, шу жумладан дипломатик агентларга қарши жиноятларни бартараф этиш ва жазолаш тўғриси-

да Конвенция (1973, Нью-Йорк);

- Ядрорий ашёларни жисмонан химоя этиш түғрисида Конвенция (1980, Вена);

- Халқаро фуқаро авиациясига хизмат күрсатувчи аэропортларда, ноқонуний зўравонлик ҳаракатларини тўхтатиш түғрисидаги протокол (1988, Монреал);

- Халқаро кема қатнови хавфсизлигига қарши йўналтирилган ноқонуний актларга қарши Кураш түғрисида Конвенция (1988, Рим);

- Пластик портловчи моддаларни топиб олиш учун уларни тамғалаш түғрисида Конвенция (1991, Монреал).

БМТ Бош Ассамблеяси қуидаги уч Конвенцияни тузишга кўмаклашди:

I. Гаровга олишга қарши кураш түғрисидаги Конвенция (1979), унда иштирок этувчи мамлакатлар гаровга олиш тегишли тартибда жазоланадиган ҳаракат эканига келишиб олишди. Улар, шунингдек, ўз худудларида муайян турдаги фаолиятларни тақиқлаш, ахборотлар алмашиш ва тергов фаолиятларини ҳамда экстрадиция имкониятларини яратиш түғрисида ҳам келишиб олдилар. Агар иштирок этувчи мамлакатлар у ёки бу жиноятчини беришдан бош тортар экан, ишни ўз адлия органларига текшириш учун бериш лозим. 1988 йилнинг ўрталарига келиб Конвенцияга 83 мамлакат аъзо бўлди.

II. БМТ ходимлари ва улар билан алоқадор бўлган ходимларнинг хавфсизлиги түғрисида Конвенция, ярадор ва қурол бериш билан тугаган БМТ ходимларига кўпсонли тажовузлар оқибати туфайли 1993 йил Ассамблея кўриб чиқиши учун тақдим этилди. Ассамблея 1944 йил қабул қилган Конвенция 22 иштирок этган мамлакат ратификация этганидан сўнг кучга кирди, бу мамлакатларнинг 19 таси 1988 йилдаёқ ратификация қилдилар.

III. Бомбали терроризмiga қарши кураш түғрисида халқаро Конвенция Ассамблея томонидан 1977 йилда қабул этилди. У террорчилик акти қилиб беришни таъқиқлашни кўзда тутади, ҳар бир мамлакат зиммасига бундай шахсларга нисбатан, уларни беришдан бош торган ҳолда жиной иш очиш мажбуриятини юклайди.

IV. 1996 йилда Ассамблея ядро терроризмга қарши кураш бўйича халқаро Конвенция лойиҳасини ишлаётган маҳсус Комитет

таъсис этди. Бош Ассамблея сиёсий соҳада 1994 йилда «Терроризмнинг барча харакатлари ва кўринишлари, у қачон ва ким томондан содир этилганидан қатъй назар кечириб бўлмайдиган жиноят сифатида» қораланадиган Халқаро терроризмни бартараф этиш бора-сидаги чоралар тўғрисидаги декларацияни қабул қилди. Ассамблея иштирок этувчи давлатлардан халқаро терроризмни бартараф этиш бўйича миллий ва халқаро миқёсда чора-тадбирлар қабул қилишни қаттиқ талаб қилди.<sup>1</sup>

Халқаро жиноятчиликка қарши кураш бўйича хамкорликнинг бош муаммоси ишнинг категориясига қараб фуқаролик, мамурий, жиноий ва бошқа муаммоларга ажралади. Давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш бўйича қонунчилиги асосан уларнинг миллий қонунчилиги билан белгиланади ва айрим ҳолларда мазкур давлат тан олган халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан белгиланади. Жиноий юрисдикцияни белгилаш ҳудудийлик тамойилига асосланади, унга кўра бир давлат ҳудудида содир этилган жиноят ўша давлатнинг суди юрисдикцияси доирасига киради. Бироқ бу мутлоқ қоида ҳисобланмайди.

Ҳамкорликнинг шакли ва даражаси Жиноят қай даражада халқаро ҳамжамият манфаатларига заар қелтиришига боғлиқ.

Бу борада:

Биринчидан, халқаро жиноятлар;

Иккинчидан, халқаро ҳарактердаги жиноятлар;

Учинчидан, умумий жиноятларни кўрсатиш мумкин.

Халқаро жиноятлар БМТ нинг Халқаро ҳуқуқ Комиссияси давлатлар томонидан халқаро ҳамжамиятининг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш учун асосий аҳамият касб этадиган мажбуриятларни бузишни халқаро-ҳуқуқий қилмиш сифатида белгилайди. Бундай жиноятларни содир этганлик учун давлат билан бир қаторда индивидлар ҳам жавобгарликка тортилади.

Халқаро ҳарактердаги жиноятлар миллий ҳуқуқий тартиботга тажовуз қилиш билан бирга халқаро ҳамжамиятнинг муҳим манфаатларига ҳам заар қелтиради. Баъзан бу жиноятларни Конвенциявий ҳам деб аталади, чунки давлатларнинг халқаро ҳарактердаги

---

<sup>1</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Асосий омиллар. Т. 2001. «Весь мир» нашр таржима. 309-312-бетлар

жиноятларнинг муайян турига қарши кураши кўп томонлама халқаро шартномалар асосида амалга оширилади.

Умумий жиноятлар-халқаро тартиботга тажоввуз қилмайди ва халқаро ҳамжамият манфаатларига зарар келтирмайди, лекин бундай жиноятлар бўйича одил судловни амалга ошириш бошқа давлатларнинг ёрдамисиз амалга ошириб бўлмайди.

Дунё давлатлари ва Халқаро ташкилотлар халқаро характердаги жиноятларнинг қарорчилик, қулдорлик ва қуллар билан савдо қилиш, одамларни сотиш, торрорчилик, одамларни гаровга олиш ва бошқа турларига қарши курашда ҳамкорлик қиласидилар. Булар ичida халқаро жиноятчиликнинг кўп тарқалган тури терроризмга қарши кураш борасида 1937 йилда Женевада терроризмнинг олдини олиш ва йўқ қилиш тўғрисидаги Конвенция қабул қилинган. Унда жазолашга тортилиши зарур бўлган қилмишларни санаб ўтиш билан терроризм тушунчаси берилган. Хусусан, уларга давлат раҳбарлари ва бошқа давлат арбобларининг ҳаётига суиқасд қилиш, кўпрувчилик харакатлари, кўпчиликка хавф түғдирадиган харакатлар, террористик харакатларга тайёрланиш ва унга ундаш, терроризмни воситалар билан таъминлаш, калбаки ҳужжатлар тайёрлаш, олиб кириш, бошқага бериш ва онгли равишда қасдан фойдаланиш киради. Конвенцияда кўзда тутилган жиноятлар аъзо давлатлар ўтрасидаги жиноятчини ушлаб бериш тўғрисидаги шартномага муовофик жиноятлар рўйхатига киради. Агар жиноятчини ушлаб бериш бу борадаги шартнома бўлишини назарда тутса, икки давлат ўтрасида бундай шартнома мавжуд бўлмаган тақдирда жиноятчини ушлаб бериш учун Конвенция қоидалари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласиди.

Халқаро жиноятчиликнинг яна бир кенг тарқалган тури-бу гиёҳванд воситаларни ноконуний тарқатишга қарши кураш ҳисобланади. Бу борада биринчи халқаро шартнома 1912 йилда Гаагада тузилган эди. Ушбу Конвенция тамойиллари кейинги халқаро ҳужжатларда, жумладан хозирги кунда амалда бўлган 1961 йилдаги гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги Ягона Конвенцияда, 1971 йилдаги Психотроп моддалар тўғрисидаги Конвенцияда, 1988 йилдаги Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан ноконуний муомала қилишга қарши кураш тўғрисидаги БМТ Конвенциясида ўзлаштирилган ва ривожлантирилган. Мазкур халқаро шартнома-

лар гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалардан тиббий ва бошқа қонуний мақсадларда фойдаланишни ҳамда шундай восита ва моддаларни сустемол қилишга йўл қўймаслигини эътироф этади.

Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан назорат килувчи халқаро органлар гиёхвандлик воситалари бўйича ЭКО-СОС Комиссия ва гиёхвандликни назорат қилиш бўйича Халқаро қўмита ҳисобланади.

1990 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 17 маҳсус сессияси гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний ишлаб чиқиш, сотиш ва сотиб олиш, муомала қилиш ва тарқатишга қарши кураш борасида халқаро хамкорлик бўйича Сиёсий декларация ва Умумжаҳон ҳаракат дастурини қабул қилган. Декларация 1991-2000 йиллар даврини гиёхвандликни сустемол қилишга қарши кураш бўйича БМТ ўн йиллиги деб эълон қилган.

Халқаро жиноятчиликка қарши кураш ижтимоий ва гуманитар муаммо сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг амалий фаолиятининг йўналишларидан бири ҳисобланади. Халқаро жиноятчиликка қарши кураш масалалари билан бевосита БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва хуқукбузарлар билан муомала қилишнинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича БМТ қўмитаси шуғулланади. Конгресснинг асосий мақсади турли давлатларнинг миллий даражада эришган ютуқларини ҳисобга олган ҳолда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш ҳамда хуқукбузарлар билан муомалада бўлишнинг йўналишлари ва воситаларини аниқлашдан иборат.

Жиноят полицияси Халқаро ташкилоти (Интерпол) жиноятчиликка қарши кураш бўйича амалий ишларни олиб боради. Ташкилотнинг мақсади жиноят полициясининг барча органларини кенг ўзаро хамкорлик қилишга қўмаклашиш, шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашга ёрдам бериши мумкин бўлган муассасаларни ташкил этишдан иборат.

Биринчидан, ташкилотнинг жиноятчиларни ҳисобга олиш маркази ҳисобланиши Интерпол мақсадларига эришишга хизмат қилади.

Иккинчидан, Интерпол халқаро қидиувни амалга оширади. Жиноятчи топилганда полиция ўз давлатининг қонунларида бел-

гиланган тартибда уни қўлга олади ва Миллий Марказий Бюросини хабардор қиласди. Интерполнинг кенг маънода ахборот маркази сифатидаги роли ҳам жуда муҳим. Бу борада статистик ва ахборот хизматлари, техник ёрдам мувоффақиятли фаолият олиб бормоқда.<sup>1</sup>

#### **4. Интерполнинг халқаро жиноячиликка қарши курашда ягона марказ сифатида шаклланиши**

Бизга маълумки, Интерпол ташкил топган вақтидан бўён ўтган давр ичидаги ўзининг ажойиб тузилмасига эга бўлгани, аниқ ва мукаммал ишлаб чиқилган ҳуқуқий асоси ва техник таъминоти туфайли халқаро полиция хамкорлигини самараали ва оқилона мувофиқлаштиришга қодир дунёдаги етакчи халқаро ташкилотга айланди.

Интерпол<sup>2</sup>-турли давлатлардаги жиноий полиция хизматларининг муайян жиноятларни фош қилиш бўйича кундалик ишидаги амалий хамкорлигининг, шунингдек уларнинг қўшма саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва кооперациялашнинг кучли механизми ва воситачисидир. Ҳамкорликнинг бундай кўринишида Интерпол халқаро жиноятчиликка қарши курашнинг умумий стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқувчи ягона жаҳон маркази сифатида майдонга чиқади. У жиноятчиликка қарши курашда энг муҳим аҳамият касб этиб, уни зарур ҳолларда аъзо мамлакатларнинг ҳуқуқ-тартибот идораларига етказиб беради.

Ўзбекистон ташкилотнинг 1994 йил 28 сентябрда бўлиб ўтган 63-сессиясида унга тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Интерполнинг Республикаиздаги Миллий Марказий бюроси айни пайтда жиноятчиликка қарши курашда ташкилот билан фаол хамкорлик қилиб келмоқда.

Шу мақсадларни рўёбга чиқариш учун Интерпол Бош котибияти барча замонавий коммуникация воситалари билан жиҳозланган бўлиб, улар бутун дунёдаги Миллий Марказий бюrolарига электрон

---

<sup>1</sup> А.Саидов. Халқаро ҳуқуқ. Т. «Адолат» 2001 йил, 222-230-бетлар

<sup>2</sup> Интерполнинг амалдаги Президенти Жеки Селеби (ЖАР) ва Бош Котиби Рональд Кеннет Ноубл (АҚШ) дир.

почта орқали бир-бири билан яқин алоқа қилиш имконини беради. «1889 йили Халқаро жиноий хукуқ уюшмасининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Унинг деярли барча иштирокчилари таасуф ва оғир куй-иниш билан умумжаҳон бўйлаб, «Халқаро жиноятчилик» тушунчалигининг вужудга келганини ва у жуда шиддат билан ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидладилар». <sup>1</sup> Анжуманда чиқиши қилиш ҳар бир нотик тараққий парвар инсоният халқаро жиноятчиликка қарши халқаро миқёсда кескин кураш олиб бормас экан, у тобора кучайиб, мустаҳкамланиб, чуқур илдиз отишига ўзимиз замон яратиб берган бўламиз, дея хитоб қилди. Айни шароитда бу балога қарши тура оладиган ягона куч-турли мамлакат полиция хизматларининг биргаликда-баҳамжихат ҳаракат қилишида эканлигига ургу берилди. 1905 йилда немис тилида гаплашувчи Европадаги аксарият мамлакатлар криминалистлари ўтказган халқаро анжуманда жиноятчиликка қарши кураш борасидаги ҳаракатларни жипслаштириш лозимлигига яна бир бор диккат қилинди. Улар кейинчалик француз тилида сўзлашувчи давлатлатлар криминалистлари билан биргаликда ўтказилган Гамбургдаги ўнинчи халқаро Ассамблеясида туризм ва чет эл саёхатига талаб тобора ортиб бораётган боис халқаро жиноятчиликнинг янги шакллари юзага келаётганини тасдиқловчи резолюцияни бир овоздан қабул қилди. Мавжуд муаммоларни ўрганиш ва унинг олдини олиш учун биргаликда халқаро тадбирлар ўтказиш лозим эди. Шу боис аввало барча мамлакатлар полиция бўлинмалари таркибида марказий бюро ташкил этиш лозимлиги назарда тутилди. Бу муассасалар халқаро жиноятчилик тўғрисида ўзаро ахборот алмашиб, яхши муносабатларни йўлга қўйиши белгиланди. Шундан сўнг халқаро жиноятчиликка қарши кураш муаммолари қатор анжуман ва конгрессларда ҳам қайта-қайта муҳокама қилинди. 1905 йил буэнос-Айресда, 1909 йил Мадрида, 1912 йил Сан-Паулода ва 1913 йил Вашингтонда ўтказилган бу борадаги тадбирларнинг барчаси у ёки бу даражада халқаро ҳарактерга эга эди.<sup>2</sup>

1910 йилда Буэнос-Айресда умумжаҳон полиция уюшмасини таъсис этиш таклифи келиб тушди. Бавария ҳукуматига яқин бўлган шахс-Доктор Хейндел Европа қитъасида жиноий полиция кучлари-

<sup>1</sup> Я.М.Белсон. Интерпол: Прошлое и настоящее. 1980, 93-бет

<sup>2</sup> В.И.Самарин. Интерпол. М: Питер, 2004, 8-бет.

ни амалий жиҳатдан ўзаро бирлаштиришда жонбозлик кўрсатди. Гарчи унинг саъй-харакатлари халқаро даражага қўтарила олмаган бўлса-да, ҳаётда яхшигина амалий натижа берди: тез орада немис ерларининг полиция кучлари конференцияси чакирилди ва у 1912 йилда Берлинда бўлиб ўтди. 1914 йилнинг 14-20 апрелида Монако-да Жиноий полициянинг биринчи халқаро Конгресси чакирилди. Унда Франция, Италия, Россия, Австрия ва Буюк Британия жиноий полицияси вакиллари иштирок этишди. Бироқ унда Германия расман қатнашмади. Мазкур конгресснинг кун тартибига тўртта масала киритилган эди:

- 1) Жиноятчиларни экстрадиция қилишнинг бир хил тартибини белгилаш;
- 2) Халқаро превентив антропометрия;
- 3) Халқаро жиноий ахборотни ҳисобга олиш бўлимини тузиш;
- 4) жиноятчиларни ҳисобга олишни янада тезлаштириш ва уни соддалаштириш чораларини ишлаб чиқиш.

1923 йилнинг 3-6 сентябр кунлари Венада Вена полициясининг собиқ бошлиғи ва экс-федерал Канцлер И.Шобер ташаббуси билан Халқаро полиция Конгресси ўtkазилди. Барча делегатлар ўз ҳукуматлари томонидан ҳеч қандай маъсулиятли қарорларни қабул қилмаслик бўйича маҳсус кўрсатма олган эди. Бироқ Конгресс катта мувоффақиятга эришди ва ҳақиқатан ҳам халқаро нуфузга эга бўлди. Унда Австралиядан бошқа барча қитъа вакиллари иштирок этди. Конгресс Халқаро Жиноий полиция Комиссиясини (ХЖПК) таъсис қилди, мазкур комиссия дарҳол ўз ҳаракат дастурлари устида ишлашга киришди. Шундай қилиб, 1923 йил Халқаро Жиноий полиция ташкилоти-Интерпол ташкил топган йил ҳисобланади (у 1956 йилгача Халқаро Жиноий полиция Комиссияси деб номланиб келди).

Интерпол ҳукуматлараро ташкилот мақомига эга. БМТ ҳам – Интерполнинг ҳукуматлараро ташкилот эканлигини тан олади. 1971 илии БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши билан Интерпол ўртасида ҳамкорлик тўғрисида маҳсус битим имзоланди. Интерполнинг ҳукуматлараро мақоми Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1996 йил 15 октябрда қабул қилинган резолюцияси билан ҳам расман тасдиқланган. Унда ХЖПК – Интерполнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош Ассамблеясида кузатувчи сифатидаги мақоми мустаҳкамлаб қўйилган.

Интерпол хукуматларо ташкилот сифатида халқаро хукуқ бўй-ича юридик шахс ҳисобланаб, қатор хукуқ ва имтиёзларга эга. Шунга кўра у турли мамлакат қонунларига эмас, балки фақат Халқаро хукуқ меъёрларига бўйсунади. Хукуматларо мақомига кўра, Интерпол аъзо-давлатлар қонунларига бўйсунмайди ва ўз ходимлари фаолияти учун зарур бўлган бир қатор имтиёз ва дахлсизликка эга. Интерпол қуидаги ички тузилмаларга эга:

- Бош Ассамблея;
- Ижроия қўмита;
- Бош котибият;
- Миллий Марказий бюро;
- Маслаҳатчилар.

**Бош Ассамблея** – ташкилотининг олий органи ҳисобланади. У ялпи маслаҳат органидир. Ижроия қўмитаси эса чекланган маслаҳат органи ҳисобланади. Бош Ассамблея икки турдаги резолюцияларни қабул қиласди:

- ташкилот фаолияти билан боғлиқ бўлган резолюциялар: Буларга бюджет, тузилма, низом ва регламентловчи ҳужжатларни қабул қилиш ва ўзгартириш, қўшимча органларни таъсис этиш, Интерпол ва алоҳида хукуматлар ёки халқаро ташкилотлар ўртасида битимга келиш ва ҳаказолар киради.

- Халқаро хукуқни ҳимоя қилиш бўйича фаолиятнинг турли қир-раларига оид резолюциялар. Буларга муайян турдаги жиноятларга қарши кураш бўйича қатъий тамойилни эълон қилиш, қонунлар қабул қилиш таклифини илгари суриш ва бошқалар киради.

**Ижроия қўмитаси** – ташкилот томонидан сайланадиган маслаҳат органидир. Ташкилот уставининг 22-моддасига мувофиқ, Ижроия қўмитаси.

- Бош Ассамблея қарорларининг ижросини назорат қиласди;
- Бош Ассамблея сессиялари учун кун тартибини тайёрлайди;
- Ўзи лозим топган барча дастурлар ва лойиҳаларни Бош Ассамблея муҳокамасига қўяди;
- маъмурият ва Бош Котиб ишини назорат қиласди;
- Ассамблея томонидан юклатилган барча вазифаларни бажара-ди.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> О.Мирзаев. Интерпол. «Taffakur qanoti», 2006 йил, 15-20 бетлар.

**Бош Котибият** – доимий маъмурий-ижро органи бўлиб, у Бош Ассамблея ва Ижроия қўмитаси томонидан қабул қилинган резолюция ва тавсияларни ҳаётга татбиқ қилиш билан шуғулланади. Бош котибият тузилмаси ижро бўлиш ва тўртта бошқармадан иборат. Ижро бўлимни маъмурий-техник масалалар билан шуғулланади ва бевосита Бош Котибият фаолиятини таъминлашга хизмат қиласди.

**Биринчи бошқарма** умумий маъмурий масалалар билан шуғулланади.

**Иккинчи бошқарма** полиция бошқармаси деб аталади ва тўртта бўлим ҳамда Европа котибиятидан ташкил топади.

**Учинчи бошқарма** – жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноий ҳуқуқ бўйича маълумотларни ўрганиш, таҳлил қилиши ва тарқатиш; ҳалқаро жиноятчилик ҳақидаги статистик материалларни тўплаш ва нашр қилиш; Интерпол ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини олиб боради.

**Тўртинчи бошқарма** телекоммуникация ва компьютер технологияларини ўрганиш ва Интерпол фаолиятига жорий қилишга ихтиослашган:

- 1) Лион (Бош котибият)-Европа, Ўрта Ер денгизи ҳудуди, Шимолий Америка, Яқин Шарқ учун хизмат кўрсатади;
- 2) Найроби-Шаркий Африка учун ишлайди;
- 3) Абиджон-Гарбий Африкани таъминлайди;
- 4) Буйнос-Айрос-Жанубий Америкага хизмат кўрсатади;
- 5) Токио-Осиё миintaқасига хизмат қиласди.
- 6) Пуэрто-Рико-Кариб ҳавзаси миintaқаси ва Марказий Америка учун ишлайди;
- 7) Канберра-Тинч океани миintaқасини таъминлайди.

1992 йил июнида Бош котибиятда Интерпол маълумотлар баъзасида автоматлаштирилган ахборот излаш тизими жорий этилади. У асосида компьютер технологиялари асосида барча манфаатдор ММБларга Бош котибият маълумотлар базасига ахборот сўраб бевосита мурожаат қилишади.

Интерпол уставининг 23-моддасига биноан ҳалқаро жиноятчиликка қарши курашда хамкорлик қилишни таъминлаш мақсадида ҳар бир мамлакат Миллий Марказий бюро (ММБ) сифатида ҳаракат қиласиган органни тайинлайди. Миллий Марказий бюро куйидаги ташкилотлар билан яқин муносабатда бўлади:

- ўз мамлакатидаги турли муассасалар;
- бошқа мамлакатлардаги Миллий Марказий бюролар;
- Ташкилотнинг бош котибияти.

Интерполнинг турли ММБлари хукуқий мақомларининг ўзига хос томонлари қатор омилларга боғлиқ. Булар миллий ҳудудий бўлинишлар, у ёки бу халқаро анжуман ва Конвенцияларда иштирок этиш, давлатлар хукуқ-тартибот органлари фаолиятидаги анъаналар, полиция органларининг молия ва кадрлар масаласидаги имкониятлари ва бошқалардир.

**Маслаҳатчилар** ташкилотга илмий ва бошқа масалалар бўйича маслаҳат берадилар. Улар Ижроий қўмитаси томонидан З йилга сайланади. Бош Ассамблея қарори билан бу муддатдан олдин ҳам бўшатилиши мумкин. Маслаҳатчилар ўз йўналишлари бўйича катта билимга ва нуфузга эга бўлган шахслардан иборат бўлади.

Интерполнинг жиноятчиликка қарши курашдаги ўрнини аниқ тушуниш учун аввало, у қандай жиноятларга қарши курашишини белгилаб олиш керак. Жиноий хукуқ илмида халқаро жиноятлар «тинчликни таъминлаш, шахсни ва умуман халқаро ҳамжамиятнинг хаётий мухим манфаатларини ҳимоя қилишда асосий аҳамиятга эга бўлган халқаро хукуқ тамойиллари ва меъёрларининг инсон цивилизацияси учун ўта хавфли бўлган бузилиши» деб қаралади.

Халқаро жиноятларга таъриф берганда, ташкилот Бош котибияти ходимлари уларнинг қуидаги белгиларини ажратиб кўрсатади:

- жиноятнинг биттадан кўп мамлакат учун хавфсизлиги;
- содир этилган жиноятнинг моҳияти;
- жиноятчининг (шеригининг) биттадан ортиқ мамлакатда содир этилган жиноят бўйича таърифи;
- жиноятчининг хулқ-атвори.

Интерпол Бош котибияти томонидан уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро ахборот алмашибининг маҳсус тизими ишлаб чиқилган. У муайян жиноий гурухлар фаолиятига даҳлдор шахсларни топиш, уларнинг ўзаро алоқаларини аниқлаш ва жиноий фаолиятини олдини олиш, жиноий гурухларнинг молиявий баъзасини Интерполга аъзо давлатлар худудида бир вақтда йўқ қилиш бўйича ишларни мувофиқлаштиради.

Иккисодий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш учун 1980-йиллар охирида уюшган жиноятчиликка қарши кураш гу-

руҳи ташкил этилган эди. Сўнгги ўн йилликда уюшган жиноятчилик инсоният бошига жуда катта хавф туғдирди. Айниқса, сўнгги беш-олти йил ичиди иқтисодий жиноятларнинг шундай турлари юзага келдики, улар устидан олиб бориладиган терговлар методикаси ҳам ҳануз мукаммал ишлаб чиқилмаган. Масалан, ижтимоий суғурталаш, пенсия таъминоти, киритилаётган инвестицияларни ва депозит маблағларни сустеъмол қилиш, иқтисодиётнинг молижия-тижорат тармоғи устидан ҳукмронлик олиб боришга ҳаракат қилиш, эркин рақобат қоидаларини бузиш ва компьютер билан боғлиқ жиноятлар хавфли кўриниш ҳосил қилаёттир.

Интерпол уюшган жиноятчиликка қарши курашда бўлгани каби, БМТнинг халқаро террорчиликка қарши кураш масалалари бўйича асосий қарорларига ҳам риоя қиласди. Асосий тамойиллар БМТ нинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан мусабатда бўлиш бўйича саккизинчи конгрессида (Гавана, 1990) «Халқаро террорчиликка қарши кураш бўйича чора-тадбирлар» хужжатида таърифлаб берилган.

1970-йилларга келиб террорчилик ҳаракатларининг кенг тарқалиши Интерполни терроризмга қарши курашда полиция ва суд ҳамкорлигидан кенг фойдаланиш йўлларини излашга унди. Шу мақсада ўтган асрнинг 80 йилларида Буш Ассамблея бир қанча резолюциялар қабул қилдики, улар террорчилик ҳаракати амалга оширилганда Интерпол каналларидан фойдаланиш тартибини белгилайди. Халқаро жиноятчилик ва терроризмга қарши курашда Интерполнинг ҳатти-ҳаракатлари Уставнинг З-моддаси қоидалари билан чекланади, унга кўра, «Ташкилотнинг сиёсий, ҳарбий, диний ёки ирқий характерга ҳар қандай аралашуви ёки ҳатти-ҳаракатлари қатъян таъқиқланади».<sup>1</sup>

Халқаро терроризм-муаммони ушбу моддага мосладиган жиноят туридир, чунки террористик ҳаракатлар кўпинча сиёсий, ғоявий, ижтимоий, миллий, диний, этник ва ҳоказо сабабларга эга бўлади.

Интерполнинг терроризмга қарши курашдаги тобора ортиб борувчи ўрни-бу асосан жиноятчиларнинг, жумладан, сиёсий сабабларга кўра террорчилик ҳаракатларига алоқадор бўлган шахсларнинг экстрадицияси борасидаги ютуқлари натижасидир. Шангага

<sup>1</sup> О.Мирзаев. Интерпол. «Taffakur qanoti», 2006 йил, 54-56 бетлар

кўра, Интерполнинг бу борадаги янгича ёндашуви терроризмни бостириш бўйича Европа Конвенциясида (1977 йил) қабул қилинган ёндашувга жуда ўхшайди. Конвенцияга асосланиб, 1984 йил ва 1994 йилларда Интерполнинг Бош Ассамблеяси террорчиликка қарши кураш тамоилларини қабул қилди.

Кейинги йилларда Интерполнинг халқаро ташкилотлар билан муносабатлари янада яхшиланиб бормоқда. Жумладан:

Интерпол ва БМТ. БМТ билан хамкорлик ҳақидаги шартнома 1997 йил 8 июлда Интерпол Президенти ва БМТнинг Бош котиби томонидан БМТнинг Нью-Йорқдаги штаб-квартирасида имзоланди. Шартнома Интерпол Бош Ассамблеяси томонидан унинг 66-сессиясида (Дехли, 1997) қабул қилинган резолюциясига асосан тасдиқланганидан сўнг кучга кирди. Мазкур шартнома икки ташкилот хамкорлиги соҳаларини ва ахборот ҳамда ҳужжатлар алмашинуви шартларини белгилайди, техник хамкорлик ва умумий фаолият учун йўл очади, ҳар бир ташкилот томонидан олиб бориладиган учрашувларда қатнашиш имконини беради. Интерпол алоқа қиладиган қўшимча хизматлар қўйидагиларни ўз ичига олади:

#### **Наркотикларга боғлиқ масалалар бўйича:**

- Наркотиклар бўйича бўлим;
- Наркотикларни назорат қилиш халқаро кенгаши (INCB);
- БМТнинг наркотикларнинг суиистеъмол қилинишини назорат қилиш бўйича жамғармаси (UNFDAC);
- БМТнинг Наркотикларни назорат қилиш бўйича халқаро дастури (UNDCP);

#### **Инсон ҳуқуқлари муаммолари бўйича:**

- Инсон ҳуқуқлари бўйича марказ (кам сонли миллатлар, ирқчилик, қийноқлар билан боғлиқ бўлган барча масалалар).

#### **Жиноий ҳуқуқ масалалари бўйича:**

- Жиноятларнинг олдини олиш ва жиноий ҳуқуқ бўйича бўлим.

#### **Атроф-муҳит муаммолари бўйича:**

- БМТнинг атроф-муҳит дастури, CITES Котибияти.

Булардан ташқари, Интерпол БМТ тизимидағи қўйидаги ихтисослаштирилган агентликлар билан ҳам хамкорлик қиласиди:

- Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ICAO);
- Миллий, маданий ва бадиий меросни асраш ҳамда санъат асарларининг ўғирланишини олдини олиш бўйича (ЮНЕСКО);

- Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (WHO);
- Халқаро телекоммуникация Иттифоқи (ITU);
- Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO);
- Бутунжаҳон почта Иттифоқи (UPO);
- Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ);
- Халқаро денгиз ташкилоти (IMO);
- Гуманитар Ишлар департаменти (UN/DHA).

**Интерпол ва Европа Иттифоқи.** 1960 йил 9 февралда хат алмашинуви натижасида Интерпол ва Европа Иттифоқи ўртасида хамкорлик йўлга қўйилди. Ушбу хамкорлик Интерполни баъзи бир Европа Конвенцияларига қўшиш имконини берди. Шартномада икки ташкилот ўртасида ахборот алмашиш, умумий маслаҳатлар, Интерпол вакилларининг Европа Иттифоқи томонидан чақириладиган эксперт комиссиялари учрашувларидаги иштироки ва техник хамкорлик шартлари белгиланади. Европа Иттифоқи мунтазам тарзда Интерпол томонидан уюштириладиган учрашувларга таклиф этилади. Масалан, Интерполнинг мансабдор шахслари жиноятчилик муаммолари бўйича Европа Комиссияси (ЕССР) учрашувларида кузатувчи сифатида қатнашади.

**Интерпол ва Европол.** қатор Европа давлатлари шундай тизими ни жорий этганки, унга кўра фуқаролар учун минтақада эркин ҳракатланиш имконияти яратилиб, ушбу давлатлар ўртасидаги бож назорати бекор қилинган. Шенген битимлари 1985 йил 14 июнда имзоланган ва 1990 йилда бажариш ҳақидаги битим билан тўлдирилган. Бу битимлар қисман иммиграцияни маъмурий бошқаради ва бевосита Интерполга далхдор бўлмайди. 1997 йилда унинг таркибида ўн аъзо-мамлакат бор эди. Шенген битимлари 1995 йил 26 марта кучга кирди. Полиция хамкорлиги бўйича банд Наркотиклар бўйича Европа бўлинмасини (ЕДУ) тузишга сабаб бўлди. 1995 йил 26 июляда қабул қилинган Конвенция бу тузilmани кенгайтирди ва Европа Ҳамжамияти ичida «Европол» (Европа полиция идораси) таъсис қилди.

**Бошқа ташкилотлар билан хамкорлик.** Интерпол билан хамкорлик қилувчи халқаро ташкилотлар сафига кўплаб муассасалар киради ва улар билан турли йўналишларда хамкорлик ўрнатилган. Жумладан:

- Умумжаҳон божхона ташкилоти (WCO); аввалги хамкорлик

бўйича божхона Кенгаши (ССС) билан;

- Жаҳон савдо ташкилоти (WTO) билан қалбаки махсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар бўйича;

- Халқаро полиция раҳбарлари уюшмаси (IACP) билан;

- Халқаро жиноий қонунчилик бўйича уюшма (IAPL) билан;

- Халқаро ҳаво транспорти уюшмаси (IATA) билан;

- Халқаро банк хавфсизлиги ассоциацияси (IBSA) билан;

- Полиция раҳбарларининг хамкорлиги бўйича Жанубий Африка минтақавий ташкилоти (SARPCCO) билан;

Шундай қилиб, Интерпол «Умумий инсон ҳуқуқлари декларацииси рухи»да харакат қиласди. Бу низом, биринчидан, Интерполга ўз фаолиятини амалга оширишда инсон ҳуқуқларини ҳуқуқий восита ҳисобланган ҳукуқ соҳасидаги халқаро битимлар тизимини ташкил этади. Қуйидагилар ана шундай ҳужжатлардир:

- Ҳаво транспортида содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва бошқа баъзи ҳаракатлар тўғрисидаги Конвенция (1963 йил Токиода қабул килинган);

- Ҳаво кемаларини ноконуний қўлга олишни тўхтатиш тўғрисида Конвенция (1970, Гаага);

- Фуқаролар авиацияси хавфсизлигига қарши йўналтирилган ноконуний актларга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция (1971, Монреал);

- Халқаро ҳимоядан фойдаланадиган, шу жумладан дипломатик агентларга қарши жиноятларни бартараф этиш ва жазолаш тўғрисидаги Конвенция (1973, Нью-Йорк);

- Ядрорий ашёларни қисман ҳимоя этиш тўғрисида Конвенция (1980, Вена);

- Халқаро фуқаро авиациясига хизмат кўрсатувчи аэропортларда ноконуний зўравонлик ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги протокол (1988, Монреал);

- Халқаро кема қатнови хавфсизлигига қарши йўналтирилган ноконуний актларга қарши кураш тўғрисида Конвенция (1988, РИМ);

- Пластик портловчи моддаларни топиб олиш учун уларни тамғалаш тўғрисида Конвенция (1991, Монреал).

БМТ Бош Ассамблеяси қуйидаги уч Конвенцияни тузишга кўмаклашди:

I. Гаровга олишга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция (1979), унда иштирок этувчи мамлакатлар гаровга олиш тегишли тартибда жазоланадиган харакат эканига келишиб олишди. Улар, шунингдек, ўз худудларида муайян турдаги фаолиятларни тақиқлаш, ахборотлар алмашиш ва тергов фаолиятларини ҳамда экстрадиция имкониятларини яратиш тўғрисидаги ҳам келишиб олдилар. Агар иштирок этувчи мамлакат у ёки бу **жиноятчи-ҳимоя** қилиш ва уни хурмат қилишни рафбатлантириш маъсулиятини юклайди.

Иккичидан, инсон ҳуқуқларининг халқаро полиция ҳамкорлиги тизимидағи ўрнини баҳолашни ўз ичига олади, бу эса биринчи галда бир давлат томонидан берилган полиция ахборотидан бошқа давлатлар-ташкилот аъзолари ҳам фойдалана олишини тақазо эта-ди.

## **5. Халқаро жиноятчиликка қарши қурашда Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги**

Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги, маданий ва маърифий тажриба алмашинуvidаги қадимий ва улуғвор роли БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан туриб аниқ-равшан айтилганидек, истиқлол йиллари янги уйғониш босқичига кирди. БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ишида тўла қонли иштирок этиш Ўзбекистон учун нафақат фахрланиш манбаи балки, ҳамкорлик ва кенг манфатлар сари катта имкониятлар очилди дегани ҳамдир.

Ўзбекистон БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар мақсадлари ва қонун-қоидаларига мувофиқ ҳамма миңтақаларда, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ҳамда халқаро жиноятчиликка қарши кураш муаммосини ўз ташки сиёсатига асос қилиб олди. Эътироф этиш керакки, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг анъанавий ва кўп жиҳатдан фойдали тинчликпарвар тамойиллари ривожла-наётган мамлакатлар ўртасидаги таназзул ва ихтилофларнинг асосий сабабларини бартараф этишга ҳали қодир эмас. Айниқса БМТ Хавфсизлик Кенгаши кўп ҳолларда айрим миңтақалардаги ихтило-фли вазиятлар ривожланиши ҳакида ўз вақтида ва тўла ахборотга эга бўла олмайди. БМТ нинг ҳар хил воқеаларнинг олдини олиш имкониятларини кучайтириш учун Ўзбекистон Ўрта Осиёда Хавф-

сизлик, барқарорлик ва хамкорлик масалалариға оид мунтазам ишловчи семинар ташкил қилишни таклиф этди.

Бугунги кунда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва уларни иш билан тъминлаш сиёсатига, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётiga кўмаклашиш БМТнинг асосий вазифаларидан биридир. Бош Ассамблея сайёрамизнинг тўртдан уч қисми аҳолиси истиқомат қилувчи ривожланаётган мамлакатлар дунё миқёсидаги тизимдан ўзининг муносабатларни қайта қуриш зарурлигини уқтиради. Ихтилофларнинг олдини олиш муаммоси табиатан яхлитлик касб этади. Шу боис ўзи ривожланаётган давлатлар ўртасидаги безовталиклар кучайишидан ташвишда. Бунинг илдизи иқтисодий зиддиятлардадир. Зиддиятли митақалардаги табиий ва ишчи кучлари ресурсларини харакатга соладиган иқтисодий, молиявий ва илмий-техникавий чораларни биргаликда ўйлаб топиш зарур. БМТнинг дунёни кўра билиши ва жаҳон миқёсидаги стратегияси иқтисодий-ресурсий сабабларни унинг сиёсий оқибатлари билан бирга қўшиб, ўзаро мувофиқлаштириш сари йўналтиришга муҳтождир. БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар даражасида узок муддатли йўналиш ва ўзаро ёрдам андозаларини асосланиб, жаҳон ҳамжамияти ҳукмига ҳавола этиш зарур. Бу йўналиш ва андозаларни ривожланаётган мамлакатлар халқаро ёрдам шарти билан ўзларига олишлари мумкин. Етакчи иқтисодий ривожланган мамлакатлар мустақил иқтисодий ислоҳатлар учун ривожланаётган мамлакатларга кўмаклашишнинг самарали деб билган шарт-шароитларини таклиф этишлари мумкин бўлади. Бу тинчлик ва барқарорлик ишига, тоталитаризмга барҳам беришга капитал маблағ сарфлаш бўлар эди. Ана шунда ҳамма давлатларнинг тараққиёти учун замин яратилади. БМТнинг Устави ҳам буни кўзда тутади. Гиёҳвандлик иллатига қарши кенг кўламда кураш олиб бориш муаммоси Ўрта Осиёдаги иқтисодий қолоқлик ва халқаро наркобизнеснинг кучайиши билан боғлиқдир. Ўрта Осиёда БМТнинг наркобизнесга қарши кураш юзасидан хамкорлиқдаги саъй-харакатларни мувофиқлаштирувчи минтақавий марказ тузиш таклифини Ўзбекистоннинг ўзи киритди. Гиёҳвандлик экинлари кўплаб этиштирилаётган мамлакатлар ҳудудида ҳаракат қилиши учун БМТ ва Интерполнинг тезкор кучларини ташкил этиш зарурати етилди. Тўғри, бунинг учун ўша мамлакатлар хукуматининг

розилиги керак. Ўзбекистон ўз худуддидаги гиёхванлик экинларининг ҳатто энг майда манбаларини ҳам йўқ қилиш учун Халқаро миқёсида фаол ҳамкорлик қилишга киришди.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикасининг дунё мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар билан ўрнатилган сиёсий ҳамкорликларида Марказий Осиёда мавжуд бўлган ва халқлар ўртасида миллий айирмачилик, диний экстремизм ва халқаро терроризмни авж олдиришга уринувчи, бутун минтақанинг, унда жойлашган давлатларнинг мустақиллигига, суверенитетига, худудий бирлигига, хавфсизлик ва барқарорлигига рахна солиш мақсадларида наркотиклар савдосини, қурол-яроғлар контрабандасини ва жиноятчиликни кенг ёйилишини курол қилиб олган ёвуз кучларга қарши курашиб зарурлиги ҳам алоҳида ўрин эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси ўз ташқи сиёсатида дунёдаги колектив хавфсизлик тизимини, хусусан Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва халқаро жиноятчилик тизимини ташкил этиш заруриятига алоҳида эътибор бериб, бу борада Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликнинг нечоғли мухим эканлигини эътироф этмоқда. Колектив хавфсизлик мамлакатлар ўртасидаги кескинликни юмшатишга кўмаклашиб, интеграциялашув жараёнларига интилишини кучайтиради: у нафақат ҳарбий таҳдидларга қарши кураш воситаси сифатида, балки, айни пайтда экологик хавф-хатарлар жиноятчилик, наркобизнезга қарши курашда ҳам табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда ҳам ниҳоятда кўл келади. Янги тарихий шартномаларда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар Марказий Осиё мамлакатлари халқларининг келиб чиқиши, уларнинг тарихи, ўзига хос турмуш тарзлари ва яқин қўшничилик муносабатларига ҳар қачонгидан бошқачароқ қарашни ҳаёт тақазо эта бошлади.

Марказий Осиё Минтақасида, айниқса кейинги ўн ийлликларда Тожикистон ва Афғонистонда юз бераётган нотинч воқеаларга ўзбек халқи, Ўзбекистон раҳбарияти бафарқ қарашмади. Тинчлик бузилган тожик ва афғон халқига ўзбек халқи мунтазам инсонпарварлик ёрдамини бериб келмоқда. Ўзбекистон Президенти бир қатор халқаро минтақаларда, жумладан БМТ, ЕХХТ ва МДҲ давлат раҳбарлари билан бўлган учрашувларда Марказий Осиё минтақасида-

---

<sup>1</sup> А.Сайдов. Халқаро ҳуқуқи. Т. «Адолат» 2006 йил, 294-296 бетлар.

ги (Тожикистон, Афғонистондаги) вазиятни барқарорлаштиришга, уни тинч сиёсий йўл билан ҳал қилишга қаратилган таклифларни ўртага ташлади. Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва хамкорлик масалалари бўйича БМТнинг Тошкентда доимий ишловчи семинарларини чақириш, миңтақа можаролари, гиёхвандликка қарши курашни кучайтириш, Орол муаммосини ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича бир қатор таклифларни ўртага ташлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси давлатимиз билан чегарадош мамлакатлардаги ҳарбий-сиёсий можароларни тинч йўл билан ҳал қилишга ва уларни олдини олишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларни, амалий қадамларни қўллаб-қувватлаб келди ва бундан бўён ҳам қўллаб-қувватлайверади. Бу йўлда мамлакатимиз ўз давлат сиёсати доирасида ҳам ҳалқаро ташкилотлар механизмларидан фойдаланган ҳолда, мавжуд имкониятларни, аниқ мақсадни қўзлаб ишга солади. Бугун миллий стратегиямизнинг асосий йўналишларидан бири ана шундай мазмунга эга.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё минтақасини, балки бутун Ер куррасининг энг хавфли ҳудуди ва имкониятга сўнгсиз кулфатлар келтирувчи асримиз вабоси-терроризмдан ҳам огоҳ қилиб келди. Бандан ташқари 2000 йилнинг 19-октябрیدа Тошкентда «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, гиёхванд моддалар, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашга ёндошиш» мавзууда ҳалқаро конференция бўлиб ўтди. Конференция қатнашчилари Тошкент Декларациясини қабул қилдilar. Шунингдек, 2000 йилнинг 1-декабрида МДҲ давлатлари раҳбарлари Кенгашининг Минскда бўлиб ўтган Ўзбекистон, Россия ва Тожикистон Президентлари иштироқида уч томонлама мулоқатда ҳам давлатимиз раҳбари миңтақада тинчликни сақлаш борасида Ўзбекистоннинг ўз қараш ва ёндашувларини баён этди. 2001 йилнинг 15 июнь куни Шанхай саммитига ташриф бюрган делегацияларнинг кенгайтирилган тартибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда Президентимиз нутқ сўзлаб, Шанхай ташкилотини тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, шунингдек биринчи навбатда ҳалқаро террорчилик, диний экстремизм миллий айирмачилик ва наркобизнес каби миңтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган хатарга қарши пухта уйланган ва самарали

курашга йўналтирилган кўп томонлама хамкорлик механизми деб биламиз.<sup>1</sup>

Юртбошимиз бу билан мазкур саммитнинг аҳамиятини кенг жамоатчилик кўз ўнгида таъкидлаб ўтган эди ва унинг елкасидаги маъсулиятни яна бир карра экстремизм, айирмачилик ва гиёхвандлик бир-биридан айри муаммолар эмаслиги, наркотик моддалар савдосидан келаётган миллардлаб долларлар эвазига қўпорувчилар ёлланаётгани таъкидланди.

Ҳозирги кунда республикамиз мустақилликни қўлга киритганидан кейин Марказий Осиё минтақасида юз бераётган хавфсизлик масалалари ва сиёсий муносабатлар бўлиб майдонга чиқди. Бу ҳудуга таҳлика солиб турган минтақавий можаролар, шовинистик қарашлар диний экстремизм ва фундаментализм, халқаро жиноятчилик катта масалага айланди. Ушбу масалаларни ечмай туриб бу минтақада ҳеч қандай юксалиш, ривожланиш, тинчлик ва янгича жамиятни қуришнинг имкони йўқ. Шунинг учун бу минтақа сиёсий аҳволига чуқур назар билан қараш керак. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов мустақилликнинг илк кунларида ёқ хавфсизлигимизга таҳдид солувчи омиллар хусусида гапирав экан диний экстремизм ва фундаментализм, ҳамда терроризм ва жиноятчилик ҳақида та-крор ва такрор гапирди. Халқаро ташкилотлар минбарларидан туриб, унинг дунёвий фожеа, тараққиётга тўсқинлик қилувчи кучга омил эканлиги бир неча марта таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти XX аср муаммолари, одамлар дунёқарашдаги жиддий ўзгаришлар ва унинг оқибатлари хусусида фикр юритар экан, ана шу юз йиллик оҳирида «Ислом уйғониши», «Қайта исломлашиши», «Ислом феномени», «Ислом омили» сингари бир қатор ибораларнинг пайдо бўлиши сабабларини излайди ва ҳаммазнинг дикақатимизни унинг оқибатлари нималарга олиб келиши мумкинлигига жалб этади.<sup>2</sup>

Марказий Осиёда колектив хавфсизликни таъминлаш дастури куйидаги кўринишларда батафсил баён этилган.

**Биринчидан**, тинчликка нисбатан ташки таҳдидларга йўл қўй-маслик, уларни бартараф этиш, ушбу минтақада яшовчи халклар-

<sup>1</sup> «Ўзбекистон овози» газетаси, 2001 йил, 29 ноябр.

<sup>2</sup> Ўзбекистон тарихи. Тошкент. «Шарқ» 2000 йил 393-бет

нинг барқарорлигини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш. Бу мақсадларни амалга ошириш учун кишилар огоҳлигини ошириш, жамоатчиликнинг хавф-хатар ва таҳдидларни олдини олиш бўйича фаолликларини ошириш, халқлар ўртасидаги маънавий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш зарур бўлади.

**Иккинчидан**, Марказий Осиё минтақасида бой табиий ресурслардан, энергетика, транспорт коммуникациялар ва ҳоказолардан фойдаланиш бўйича аниқ иқтисодий лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш керак.

**Учинчидан**, армияни, чегара қўшинлари ва ички қўшинларни қайта ташкил қилишнинг ягона давлат сиёсати асосида мамлакатларнинг тинчлик ва осойишталигини ишончли даражада қўриқлаш қобилиятига эга бўлишига эришиш зарур.

**Тўртингчидан**, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини, чегараларидан қўпорувчи террористик гурухларнинг ва қўпорувчи унсурларнинг ўтиб кетганлигини таъминлаш, давлат чегараларини янада мустаҳкамлаш ва қайта жиҳозлаш Ўзбекистоннинг иқтисодий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш лозим.

**Бешинчидан**, Ўзбекистоннинг терроризм ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича Халқаро Марказ ташкил этиш ташаббусини амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини давом эттириш.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил 28 сентябрида бўлиб ўтган 48-сессиясида, Марказий Осиёда Хавфсизлик, барқарорлик ва хамкорлик масалалари бўйича БМТнинг доимий ишловчи семинарини чақиришни таклиф этилди ва бунда манфаатдор мамлакатлар Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликнинг ишончли тизимини вужудга келтириш имкониятларини муҳокама қилиши мумкинлигини эътироф этилди.

Шу билан бирга, семинар кенгаш Марказий Осиёда тинчликни сақлаш, хавфсизлик, барқарорлик ва хамкорликни таъминлашга бевосита алоқадор бўлган долзарб муаммоларни белгилади, уларни батафсил таҳлил қилди. Бу ерда гап ҳар бир мамлакат ҳудудида яхлитлигининг дахлсизлиги, локаль можаролар юз берабётган ҳудудларга қурол-аслаҳаларни етказиб беришни тақиқлаш, минтақадаги барқарорликни таъминлашнинг асосий шарти сифатида инсон ҳукуклари ва эркинлигини ҳимоя қилиш, наркобизнес ва халқаро терроризмга қарши муросасиз кураш, стратегик хавфсизликни таъ-

минлашга бевосита алоқадор бўлган Орол фожеаси ҳақида бормоқда.

Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатларнинг сиёсий хамкорлигини янада ривожлантириш борасида Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатлари учун ялпи қирғин қуролини экспорт назоратига олиш ва тарқатмаслик бўйича VI Халқаро форум ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Форум «Экспорт назорати-ялпи қирғин қуроли ва терроризмнинг тарқалишига мустаҳкам тўсиқдир» мавзусида ўтказилди. Форум қатнашчилари ялпи қирғин қуроли ва терроризмнинг тарқалиши хавфига қарши халқаро ва минтақавий хамкорликнинг долзарб муаммолари юзасидан фикр алмашдилар. Асосий эътибор миллий тузилмаларнинг самарадорлигини оширишга, уларнинг экспорт назорати халқаро-хуқуқий тизимга интеграциялашувини тартибга солишга, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотларининг ялпи қирғин қуролини тарқатилиши хавфини олдини олишга, терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш борасидағи ролини ошириш масалаларига қаратилди. «АҚШдаги фожеавий террористик актлардан кейин ер юзида, айниқса Марказий Осиёда барча кучларни терроризм хавфига карши бирлаштириш долзарб вазифага айланди,-деди АҚШнинг ядро қуролини назорат қилиш бўйича Висконсин лойихаси директор Гарри Милхоллин. Бу минтақа қадим-қадимдан савдо йўлларининг гавжум чорраҳаси бўлиб келган. Бугунги кунда Шарқ ва Фарбни, Шимол ва Жанубни бир-бира гоғлаб турувчи ушбу минтақа терроризм ва ялпи қирғин қуроли тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади».<sup>1</sup>

Ўзбекистоннинг халқаро терроризм ва гиёҳвандликка ва бошқа халқаро жиноятчиликларга қарши курашида «Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти» билан ҳам олиб бораётган алоқалари самаравидир. Ушбу ташкилотнинг 2001 йил июнь ойида Шанхай шахрида бўлиб ўтган саммитида Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотга аъзо бўлишига биринчи галда мамлакатнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи сабаб бўлганлигини таъкидланди. Мазкур масала бугун Марказий Осиё минтақаси учун ниҳоятда муҳим ва долзарбdir.

**Биринчидан**, Афғонистонда тинчликни ўрнатишга эришишдан иборат. Афғонистондаги бекарорлик минтақавий хавфсизликни таъ-

---

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 16 апрель.

минлаш учун хавф туғдиради. Афғонистон халқаро терроризм базасига, бутун дунёга гиёхванд моддаларни тарқатувчи худудга айланиб қолди. Бунинг барчаси бугун Марказий Осиё минтақасининг, жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам мустақиллиги, суверенитети, худудий яхлитлиги, хавфсизлиги ва барқарорлигига жиддий хавф туғдиради.

**Иккинчидан**, ҳозирги замон халқаро терроризмiga, диний экстремизм, сепаратизм ва наркобизнесга қарши курашда барча куч ва имкониятларни бирлаштириш зарур. Террор, экстремизм, сепаратизм ва наркобизнес ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган. Гиёхванд моддаларни сотишдан тушадиган миллиардлаб доллар дунёнинг турли бурчакларида инсон зотига нисбатан кўз кўриб, қулоқ эшитмаган хунрезликларни амалга ошираётган қўпорувчиларни ёллаш учун сарфланмоқда. Фақатгина барча куч ва имкониятларни бирлаштирибгина, жуда пухта мувофиқлаштирилган халқаро терроризм тизимиға қарши курашиш мумкин бўлади. Шу сабабли ҳам ҳар томонлама иқтисодий хамкорликка ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Турли қўпорувчиларни тайёрловчи марказлар айнан иқтисодий қийинчиликлардан, демографик муаммолардан ва Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар дуч келаётган бошқа қатор ижтимоий муаммолардаги усталик билан фойдаланмоқда.

**Учинчидан**, Марказий Осиё минтақасида ядрорий қуролдан ҳоли зонани ташкил қилиш ва бу ҳақда БМТ нинг қарорини чиқаришга эришиш зарур. Бу масалани ҳал этишда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган Россия ва Хитой катта аҳамият касб этишлари мумкин.

**Тўртингчидан**, халқаро терроризмга қарши самарали кураш олиб боришнинг муҳим шарти сифатида ҳар томонлама иқтисодий ва гуманитар хамкорлик тизими янада чуқурлаштириш керак бўлади.

Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан хамкорлигига, у 1992 йилда аъзо бўлиб кирган ЕХХТ муҳим аҳамият касб этади. Республикамизнинг ушбу ташкилот билан хамкорлиги замонамизнинг бир қатор долзарб масалаларини ўз ичига қамраб олади. Бу муаммолар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Тажовузкор миллатчилик ва сепаратизм, диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураш;
- Халқаро хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш;

- Афғонистондаги мажароларни бартараф этиш. Бу ерда уруш давом этар экан, Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатларнинг тинчлигига ва хавфсизлигига таҳдид, демократик ўзгаришлар ва ислоҳатларнинг амалга оширилишига таҳдид ва хавф-хатар сақланиб қолишини инобатга олиш лозим;

Минтақавий хавфсизлик, жумладан, Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизликни таъминлашда ЕХХТ нинг ролини ошириш ва ҳоказолар.

ЕХХТнинг 1999 йил нояброда Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Саммитида терроризмга қарши курашувчи халқаро марказ ташкил қилиш мақсадга мувофиқ эканлиги ва мазкур марказнинг асосий вазифаси терроризмнинг кўринишларига қарши курашишгина эмас айни пайтда, халқаро терроризмни молиявий таъминлайдиган, қўллаб-куватлайдиган, уни бошқарадиган манбаларга қарши курашишдан иборат бўлмоғи кераклигини таъкидланган эди.

2001 йил 7 феврал ойида Брюсселда «Ўзбекистон-Евropa Иттифоқи» хамкорлик Кенгашининг иккинчи мажлисида Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик, гиёхванд моддаларнинг тарқалиши, халқаро терроризм ва экстремизм билан курашиш муаммолари муҳокама қилинди. Евropa Иттифоқи раҳбарияти Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш, биринчи навбатда валюта ва савдо сиёсатини эркинлаштиришга йўналтирилган қатор қарорлар қабул қилинганлигини баён этди. Евropa томони, шунингдек, гиёхванд моддалар транзити, хусусан, унинг Афғонистондан Ўрта Осиё орқали олиб ўтилиши Евropa Иттифоқини жиҳдий ташвишлантираётган ва шундай бўлиб қолаверадиган масала эканлигини баён этди.<sup>1</sup>

Хуллас, халқаро ташкилотлар билан хамкорлик, айниқса, халқаро жиноятчилик кўринишлари бўлган халқаро терроризм, диний экстремизм, экстремизм, сепаратизм, ҳамда наркобизнесга қарши биргаликда кураш олиб бориш, шунингдек, Марказий Осиё республикалари учун бу худудни ядрорий қуроллардан ҳоли зона деб эълон қилиш муаммосини ҳал этиш учун жуда зарурдир.

Биринчи Президентимиз 1993 йил 4 март куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги хорижий муҳбирлар халқаро уюшмаси аъзолари билан Тошкентда бўлиб ўтган сұхбатда Руминиянинг

---

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил, 31 январь.

«Штерн» журнали шархловчиси Матиас Шеппнинг «Собиқ Иттифоқнинг жанубий Республикаларидан Фарбга наркотик моддалар оқиб бораяпти, деб хавотир олинмоқда. Сиз бўнданай бўлмаслигига кафолат бера оласизми?»-дея берган саволига аниқ ва лўнда қилиб жавоб берган эдилар. Бунда Интерполнинг жиноятчиликка қарши курашдаги муҳим ўрнига алоҳида тўхталиб:

«Биз яқин вақт ичида Интерполга аъзо бўлиб асосан бангифурушлик соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашаётганимиз сизларга маълум. Ўзбекистонда наша етиширишга қарши шафқатсиз кураш олиб борилмоқда». Биз «оқ ажал» Покистондан, Афғонистондан, бошқа мамлакатлардан Европага бизнинг ҳудудимиз орқали ўтмаслиги учун ҳамма чораларни кўряпмиз. Юртимизда Интерполга аъзо бўлиб кириш йўлида бир йилдан зиёд вақт мобайнида олиб борилган катта тайёргарлик ишлари ижобий натижа билан якунланди. «1994 йил 28 сентябрда Интерпол Бош Ассамблеясининг навбатдаги 63-сессияси бўлди. Унда Ўзбекистон бир овоздан аъзоликка қабул қилинди».<sup>1</sup>

Ички Ишлар вазирлиги республикада Интерполнинг Миллий Марказий бюросини тузиш ҳақида таклиф киритди ва 1994 йил 29 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Ўзбекистонда Интерполнинг Миллий Марказий бюроси ташкил қилинди.<sup>2</sup> Бюорога Ички Ишлар вазирлигининг мустақил бошқармаси мақоми берилди. «Шуни таъкидлаш лозимки, Интерпол ММБ Ўзбекистон Республикаси ҳукуқни муҳофаза қилиш идораларининг жиноятчиликка қарши кураш масалаларига доир халқаро фаолиятини мувофиқлаштирувчи марказ бўлиб, айни вақтда Халқаро жиноятчиликка қарши кураш полиция ташкилотининг таркибий қисми хисобланади».<sup>3</sup>

У ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституяси, қонунлари ва бошқа ҳукуқий хужжатларига, Ўзбекистон ҳам иштирок этадиган халқаро шартномаларга, Интерпол Устави ва бошқа мөъёрий хужжатларга асосланади.

Ўзбекистоннинг Интерполга аъзо бўлиб кириши Республикамиз ҳукуқ-тартибот идораларига чет Эллар Миллий Марказий бюро-

<sup>1</sup> «Постда» газетаси, 1994 йил, 14 октябрь, №79,80.

<sup>2</sup> «Қалқон» журнали, №1, 1988 йил, 11-бет

<sup>3</sup> «Постда» газетаси, 1996 йил, 5 апрель №27-28.

ларининг куч ва воситаларидан фойдаланиш ҳамда бевосита Бош Котибиятининг:

- наркотик моддаларнинг қонунга хилоф айланиши билан боғлиқ уюшган жиноятчилик ва қўпорувчилик, фирибгарлик ва қалбаки пул тайёрлаш, шунингдек, иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш ва тўхтатиш;

- мамлакатимизда жиноят содир этиб, чет элларда яшириниб юрган жиноятчиларга нисбатан халқаро қидирув эълон қилиш;

- Ўзбекистон фуқароларининг чет эллардаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш имконини беряпти.

Қисқа давр ичида «Республикамиизда Миллий Марказий буоронинг ихтисослашган маълумотлар банкини ташкил этиш бўйича аниқ ишлар амалга оширилди».<sup>1</sup>

Унда тезкор маълумотларнинг қуйидаги обьектлар бўйича ҳисоби юритилади:

- Халқаро жиноятчи, жиноят қилишда гумонланувчи ва бедарак йўқолган шахслар;

- Халқаро қидирудаги автотранспорт воситалари;

- йўқолган ва аниқланган тарихий ёки бадиий қийматга эга бўлган ашёлар;

- ўғирланган ва чет элдалиги аниқ бўлган қирқма ўқ отар қуроллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддалар;

- йўқолган ва аниқланган номерли буюмлар (хужжатлар, қалбаки пуллар) ва б;

- жиноий ташкилотлар.

Шунингдек, «Интерполнинг республикамиздаги ММБ элекрон почта орқали ҳудудий ИИБ лар билан ахборот алмашиш каби самарали усулдан фойдаланмоқда».<sup>2</sup>

Интерполга аъзо бўлган барча мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам ҳар бир полиция зобити ташкилот хизматига кириши мумкин. Бундан ташқари, ҳар йили ўтказиладиган Интерпол Бош Ассамблеяси сессияларида Ўзбекистон делегацияси фаол иштирок этиб келяпти. Уларда юримиз делегацияси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан терроризмнинг олдини олиш,

<sup>1</sup> «Қалқон» журнали. №1, 1998 йил, 11-бет.

<sup>2</sup> «Қалқон» журнали. №6, 1999 йил

адолатли судловдан яшириниб юрган экстремистик-террорчилик йұналишидаги жиной гурухлар аъзоларини топиш масалаларига алоқида тұхталиб келмоқда.

Хозирги кунда давлатлар үrtасида ўзаро муносабатларда ва халқаро жиноятылған қарши курашда-халқаро терроризм, диний экстремизм ва ақидапарастилкка, гиёхвандликка қарши кураш бириңчы даражага чиқиб бормоқда. Айни масалаларни ҳал этиш борасида халқаро ҳамжамият кучларини бирлаштирумасдан туриб, давлатлараро иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий ва бошқа соҳалардаги хамкорликларни ўрнатып мүмкін эмаслигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Бугун жаһон ҳамжамияті олдида ҳал этиш жараёнининг ўзида таҳдид ҳам, шунингдек, тинчлик ва бутун жаһонда тараққиёт борасидағы орзу умидларнинг амалга ошиш имконияты ҳам мухим бўлиб турган кўплаб ғоят мураккаб вазифалар кўндаланг бўлиб турибди. Демократия тамойилларини кенг қулоч ёздириш эркинликнинг мисли кўрилмаган даражада кенгайишига олиб келади.

Шунингдек, глобаллаштириш даври билим ва ахборотларни кенг тарқатиши, дунёнинг ҳар бир бурчидаги тараққиёт ва қашшоқлик учун имкониятлар яратып билан бутун дунёни ўзгартириб юборди. Бироқ шу қатор чуқур ўзгаришлар гиёхванд воситалар билан савдо қилиш ва уюшган жиноятылған сингари сурункали давом этувчи муаммоларни келтириб чиқариб-ижтимоий бирликка, маданий хилма-хилликтеке, атроф мухитга янги таҳдидлар ҳам намоён этмоқда. «Совуқ урушлар»нинг тугатилиши тинчлик ва хамкорликни барта-раф этиш учун янги имкониятлар яратди, лекин мана шунинг ўзи фаламислик билан урушларни келтириб чиқаришни давом эттираётган ҳамда миллионлаб одамларни қашшоқлика маҳкум этаётган миллатчилик ва этник зиддиятларнинг сабабчиси ҳам бўлмоқда.

Нима бўлганда ҳам, янги иқтисодий ва сиёсий имкониятлар очаётган давр юз миллионларнинг, мухими, бутун умри мобайнида иложксиз қашшоқликтан ҳар куни азоб чекаётган инсонларнинг умидларини пучга чиқармаслиги керак.

XX асрнинг охирларига келиб давлатлар үrtасидағи мувоза-натни саклашда ва ўзаро хамкорлик муносабатларида-халқаро ташкилотларнинг роли катта ахамият касб эта бошлади. Айниқса, халқаро жиноятылған қарши кураш олиб борища халқаро ташкилотларнинг яқин ҳам-

корлиги жуда зарурдир. Халқаро ташкилотлар, универсал халқаро ташкилотлар, яъни барча давлатлар қатнашиши учун очик бўлган, ҳудудий (регионал), яъни қандайdir йирик регионал давлатларини бирлаштирувчи ва маҳаллий бир неча давлатларни бирлаштирувчи турларга бўлинади. Ўз таркиби, фаолият соҳаси ва халқаро муносабатлардаги тутган алоҳида ўрнига кўра энг универсал ташкилот-Бирлашган Миллатлар Ташкилотидир.<sup>1</sup>

Халқаро жиноятчиликка қарши курашда Халқаро жиноий полиция хамкорлиги-Интерполнинг хизматларини алоҳида хуносалаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, айни пайтда мазкур ташкилот жаҳон ҳамжамияти томонидан жиноятчиликка қарши кураш бўйича универсал ҳукуматлараро ташкилот сифатида эътироф этилган. Интерпол аъзо мамлакатлар сонига кўра жаҳонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан кейинги ўринда турадиган нуфузли ташкилотдир.

XX аср охирида БМТ, Европа Кенгаши, Европа Иттифоқи томонидан ташкил этилган йирик халқаро анжуманларда кўрсатилганидек, халқаро жиноий ташкилотлар ўз жиноий фаолиятини келтириш ва мукаммалаштириш учун дунё мамлакатлари бўйлаб эркин ҳаракатланиш имкониятидан, либерал эмиграция ва иммиграция сиёсатидан, эркин савдонинг кенгайишидан, энг замонивий алоқа воситалари ва пулларни ўзлаштиришнинг мураккаб технологияларидан тобора кенг фойдаланмоқда. Шунинг учун ҳам халқаро уюшган жиноятчилик жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг муҳим муаммолардан бирига айланди. 1990-йиллар бошидан Интерпол туб ўзгаришларни ўз бошидан кечирди. Ташкилотнинг Бош Котибияти унга аъзо 182 та мамлакатнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида коммуникациявий хизматлар ва тезкор маълумотларнинг электрон базасидан фойдаланиш учун ахборот технологияларининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланишга бутун куч-гайратини қаратди. Аммо янги XXI асрда Интерпол, ташкилотнинг Бош котиби Р.Кеннет Ноубл ўз маъруза ва мурожаатномаларида бир неча бор таъкидлаганидек, ахборот алмашинувининг механизми бўлиб қолмасдан, ушбу жараённинг тўла мувофиқлаштирувчисига айланиши керак.

Хуллас, Интерпол олдида ўта мураккаб вазифа турибди. Бу жиноятларни аниқлаш соҳасидаги хамкорликнинг ва бутун дунёдаги

---

<sup>1</sup> А.Сайдов. Халқаро ҳуқуқ. Т. «Адолат», 2001 йил, 81-бет.

хуқук-тартибот органлари ўртасида ахборот алмашинувининг сифатини, суръатини ва даражасини кўтариш. Уошган жиноятчиликнинг глобаллашувига айнан шундай жавоб бериш керак. Бугунги кунда Интерпол аъзолари ахборот алмашинуви механизми, стратегик ахборот манбаи, тезкор ахборот таҳлил қилувчи орган ва полиция қадрларини касбий тайёrlайдиган халқаро ташкилотга жуда муҳтоҷ.

Кейинги йилларда халқаро жиноятчиликка қарши курашда Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар-БМТ, Интерпол ва бошқалар билан яқин хамкорликлари ўрнатилган. Жумладан, мамлакатимиз Халқаро жиноий полиция хамкорлиги ташкилотида фаол иштирок этмоқда. Ушбу хамкорликка кўмаклашувчи асосий орган-Интерполнинг юртимиздаги Миллий Марказий бюросидир. У бошқа мамлакатларнинг шу каби органи билан изчил алоқаларни ўрнатган бўлиб, Ўзбекистон хуқук-тартибот идораларига, суд ва давлат бошқаруви органларига жиноятчиликка қарши курашда яқиндан ёрдам беради. Шу билан бирга Интерполнинг Ўзбекистон Миллий Марказий бюроси бошқа мамлакатларга ҳам уларда амал қилаётган бюоролар орқали тўғридан тўғри ёки ташкилотнинг Бошкотибияти орқали бевосита кўмаклашади.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, Республикамиз ўзининг ташқи сиёсатида барча тинчликсевар мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан хамкорлик алоқаларини ўрнатиш тамойилига амал қиласди. Айни пайтда у ҳеч бир мамлакат ва халқаро ташкилотнинг таъсир доирасига кирмайди. Бу ерда гап ҳар қандай мамлакат билан, халқаро хуқук нормалари ва тан олинган умумий принциплар асосида муносабат ўрнатиш ҳақида бормоқда. Давлатлараро муносабатларда устувор бўлган бу тоғанинг маъноси шуки, биргаликда тинч ҳаёт кечириш, хамкорликка интилиш, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, турли нуқтаи назар ва фикрларга бардошли бўлиш тамойилларини ўзида акс эттирган қонунлар устуворлик касб этиши даркор.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар билан хамкорлиги ва бошқа халқаро фаолиятлари-Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Халқаро шартномалар тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги қонуни, «Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси» ҳамда бошқа қонунчилик хужжатларида ифодалан-

ган меъёр ва тамойилларга, шунингдек БМТнинг тамойиллари ва мақсадларига, Европада хавфсизлик ва хамкорлик ташкилотининг тамойиллари ва мақсадларига асосланади, Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномаларидан келиб чиқувчи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган мажбуриятларга асосланади, дея таъкидлаб ўтилган. Қонунда Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти ва халқаро хамкорликларининг қуидаги асосий тамойиллари белгилаб берилган:

- Иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро ташкилотларга кириш;

- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ишида фаол иштирок этиш, хавфсизликнинг Европа, Осиё Жаҳон тузилмалариға интеграциялашув;

- Халқаро ташкилотларга, жумладан, мамлакатнинг барқарорлигини, изчил тараққиётини ва миллий хавфсизлигини таъминловчи иккисодий ташкилотларга аҳамият бериш, Ўзбекистон Республикасининг дунёвий алоқалар хўжалигига информацион, технологик ва коммуникациялар жиҳатидан кириб боришга кўмаклашиш;

- Ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик;

- Минтақадаги ва ундан ташқаридағи можароларнинг олдини олиш ва уларни ҳал этиш мақсадларида ҳуқуматлараро ва ноҳукумат ташкилотларининг фаолиятида фаол иштирок этиш.<sup>1</sup>

Юқорида баён этилганлардан қуидагича хулоса чиқариш мумкин: Халқаро жиноятчиликка қарши қурашда халқаро хамкорлик ўзаро кўмаклашувнинг умумдемократик тамойилларига асосланган, миллий мустақилликни, давлат суверенитети, худудий яхлитлик, teng ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бир-бирининг ички ишларига аралашмасликка йўналтирилган ҳозирги интеграциялашув жараёларининг шаклидир. Айни пайтда у мамлакатлараро объектив равища, онгли тарзда ер юзидағи хавфсизликни ва тинчликни таъминлаш, халқ хўжалиги тизимини бутунлай қайта қуриш учун қулай шароитлар яратиш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва халқ фаровонлигини оширишда сифат жиҳатидан

<sup>1</sup> «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари» тўғрисидаги Қонун. Т. 1996 йил.

янги даражаларга эришишга ёрдам берувчи ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган ўзаро алоқалар ва муносабатлар мажмуудан иборат.

### **Таяинч сўзлар.**

Агрессия, тажоввузкор миллатчилик, геноцид, апартеид, жиноятчилик субъектлари, трибунал, юрисдикция, ядрорий материаллар, террористик акт, юридик шахслар, технологиялар, реал таҳдид, сиёсий ғараз, оператив функция, назорат функция, антитеррористик конвенциялар, ратификация, симпозиум, конвенциявий механизм, географик тақсимот, мажбурлов ваколатлари, кооперациялаш, идентификациялаш, ядрорий ашёлар, пластик ашёлар, синтетик гиёхванд моддалар, токсикосания, контекст, дипломатик агент, бомбали терроризм, психотроп моддалар, умумий стратегия ва тактика, криминалистлар, терговлар методикаси, интеллектуал мулк, иммиграция, ресурслар, тоталитаризм, халқаро наркобизнес, контрабанда, миллий стратегия, шовинистик қарашлар, фундаментализм, “Ислом феномени”, локал можаролар, экспорт назорати, ҳудудий яхлитлик, демографик муаммолар, иқтисодиётни либераллаштириш, транзит, экстремистик-террорчилик, глобаллаштириш, либерал эмиграция ва иммиграция, коммуникациявий хизматлар.

### **Савол ва топшириқлар.**

- 1.Халқаро жиноятчилик тушунчаси ва белгиларини биласизми?
- 2.Халқаро жиноятчиликка қарши курашувчи халқаро ташкилотларнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
- 3.Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ихтисослашган муассасаларининг халқаро жиноятчиликка қарши курашдаги фаолияти ва амалий ишлари ҳақида гапириб беринг?
- 4.Интерполнинг халқаро жиноятчиликка қарши курашда ягона марказ сифатида шаклланиши ва келажак истиқболи ҳақида нималарни биласиз?
- 5.Бугунги кунда халқаро жиноятчиликка қарши курашда Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар билан хамкорлик муносабатлари қандай йўлга қўйилган?

## ХУЛОСА

XX асрнинг охирларига келиб давлатлар ўртасидаги мувозанатни сақлашда ва ўзаро хамкорлик муносабатларида-халқаро ташкилотларнинг роли катта аҳамият қасб эта бошлади. Айниқса интеграция шароитида дунё ҳамжамиятиниг шаклланиши, халқаро жиноятчилик ва унинг турли кўринишларига қарши жиддий кураш олиб боришда халқаро ташкилотларнинг яқин хамкорлиги жуда зарурдир. Халқаро ташкилотлар, универсал халқаро ташкилотлар яъни барча давлатлар қатнашиши учун очиқ бўлган, худудий (Регионал), яъни қандайдир йирик регионал давлатларни бирлаштирувчи ва маҳаллий бир неча давлатларни бирлаштирувчи турларга бўлинади. Ўз таркиби, фаолият соҳаси ва халқаро муносабатлардаги тутган ўрнига кўра энг универсал ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилотидир.

XX аср охирида БМТ, Европа Кенгаши, Европа Иттифоқи томонидан ташкил этилган йирик халқаро анжуманларда кўрсатилганидек, халқаро жиноий ташкилотлар ўз жиноий фаолиятини юксалтириш ва мукаммаллаштириш учун дунё мамлакатлари бўйлаб эркин ҳаракатланиш имкониятидан, либерал эмиграция ва иммиграция сиёсатидан, эркин савдонинг кенгайишидан, энг замонавий алоқа воситалари ва маблағларни ўзлаштиришнинг мураккаб технологияларидан тобора кенг фойдаланмоқда.

Ҳамкорлик бу аввало, давлатларнинг миллий манфаатлари, халқаро тинчлик, барқарорлик хавфсизлик ва ўзаро хамкорлик, жамоатчилик ўртасида ўзаро ишонч ва хайриҳохликини таъминлашга қаратилган сиёсий,

иктисодий, хукуқий ва ижтимоий маданий жабҳалардаги глобал ҳамда регионал масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган халқаро тизимнинг босқичма-босқич шаклланиш жараёни мажмуасидир.

Иккинчидан, хамкорлик жараёни давлатлар умуммиллий манфаатлари уйғунлиги ва муштараклигини ифода этувчи мухим ҳаётий заруриятдир. Унинг турли макон ва замонда ҳар хил шакл ва формаларда ҳаётий заруриятга айланиши минтақадаги геосиёсий ва геоиктисодий жараёнлар ва турли ўзгаришлар билан узвий боғлиқ бўлади.

Учинчидан, минтақа халқлари тарихи ва маданияти, урф-одатла-

ри муштараклигига интилиш; умуминсоний қадриятлар негизидаги минтақавий манфаатлар бирлигига хизмат қилувчи миллий барка-молликни таъминлаши мақсадга мувофиқдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти асримиз бошларига келиб иқтисодий ўсиш, глобализация, инсонлар фаровонлигини оширишга қаратилган барқарор тараққиёт, қашшоқликка барҳам бериш, ҳалол савдо сиёсати ва қарздорликни қисқартириш вариантларини юзага келтириш йўлларини қидириб топишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ягона таркиб бўлиб қолмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиётида номуносибликни тугатишга йўналтирилган микроиқтисодий сиёсат ўтказилишини қаттиқ туриб талаб қиласи. Айниқса бу Шимол ва Жануб ўртасидаги ўсиб бораётган тафовутга, камроқ тараққий этган мамлакатларнинг муаммоларига ва режали ривожланишдан бозор сиёсатига ўтаётган мамлакатлар иқтисодиётнинг мислсиз ўсиб бораётган талабларига тааълуқлидир. БМТ нормал тараққиёт учун глобал ва миллий даражада яхши шароит яратишга ҳаракат қиласи. У ҳамма жойда одамларнинг очиқ ва қашшоқликдан қутилишларига, болаларнинг соғ-омон турмуш кечиришларига, атроф-мухит муҳофазасига; хотин-қизларга ҳурмат-эътиборнинг ошишига, инсон ҳуқуқлари ва демократиянинг мустаҳкамлашига ҳаракат қиласи. Камбағал мамлакатларда яшаётган миллионлаб кишиларга учун ушбу дастурлар ҳам ёрдам, ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятининг туб моҳияти ҳисобланади. Кам ривожланган мамлакатларга БМТ нинг ёрдам кўрсатиш бўйича бир қанча дастурларини, жумладан, кам ривожланган мамлакатлар учун 90-йилларда ҳаракатланиш дастурларини ўзида мужассам этган ҳозирги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти чукур ўзгаришлар жараёнини бошдан кечираётган бир пайтда, мазкур ўзгаришларни амалга оширишни танқидий баҳоламоқда ва янгиланиб бораётган дунёning кўплаб ўзгача талабларига жавоб берар экан ўзининг Марказий ролини кучайтиришга ҳаракат қилмоқда. Замонавий, самарали фаолият кўрсатайтган Ташкилот шундай аниқ мақсадга йўналтирилган, кўп қиррали саъй-ҳаракатлари туфайлигина барқарордир.

Ҳозирги кунда давлатлар ўртасида ўзаро муносабатларда ва халқаро жиноятчиликка қарши курашда-халқаро терроризм, диний экстремизм ва ақидапарастликка, гиёҳвандликка қарши кураш

биринчи даражага чиқиб бормоқда. Айни масалаларни ҳал этиш борасида халқаро ҳамжамият күчларини бирлаштирмасдан туриб, давлатлараро иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликларни ўрнатиш мумкин эмаслигини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Бугун жаҳон ҳамжамияти олдида ҳал этиш жараёнининг ўзида таҳдид ҳам, шунингдек, тинчлик ва бутун жаҳонда тараққиёт борасидаги орзу умидларнинг амалга ошиш имконияти ҳам муҳим бўлиб турган кўплаб гоят мураккаб вазифалар кўндаланг бўлиб турибди. Демократия тамойилларини кенг қулоч ёздириш эркинликнинг мисли кўрилмаган даражада кенгайишига олиб келади.

Халқаро жиноятчиликка қарши курашда Халқаро жиноий полиция ҳамкорлиги-Интерполнинг хизматларини алоҳида хulosалаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, айни пайтда мазкур ташкилот жаҳон ҳамжамияти томонидан жиноятчиликка қарши кураш бўйича универсал ҳукуматлараро ташкилот сифатида эътироф этилган. Интерпол аъзо мамлакатлар сонига кўра жаҳонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан кейинги ўринда турадиган нуфузли ташкилотdir.

Хуллас, Халқаро жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорлик ўзаро кўмаклашувнинг умумдемократик тамойилларига асосланган, миллий мустақилликни, давлат суверенитети, дудудий яхлитлик, тенг ҳукуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бир-бирининг ички ишларига аралашмасликка йўналтирилган ҳозирги интеграциялашув жараёларининг шаклидир. Айни пайтда у мамлакатлараро объектив ravishda, онгли тарзда ер юзидағи хавфсизликни ва тинчликни таъминлаш, халқ хўжалиги тизимини бутунлай қайта қуриш учун қулагай шароитлар яратиш, ишлаб чиқариш күчларини ривожлантириш ва халқ фаровонлигини оширишда сифат жиҳатидан янги даражаларга эришишга ёрдам берувчи ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган ўзаро алоқалар ва муносабатлар маҷмуидан иборат.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2016 йил.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.”Ўзбекистон”, 2016.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.”Ўзбекистон”, 2016.

4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатлари ни таъминлаш – юрг тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.”Ўзбекистон”, 2017.

5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.”Ўзбекистон”, 2017.

6. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.”Ўзбекистон” НМИУ, 2018, 1-жилд.

7. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолияти-мизга берилган энг олий баходир. – Т.”Ўзбекистон” НМИУ, 2019, 2-жилд.

8. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Т.”Ўзбекистон” НМИУ, 2019, 3-жилд.

9. И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т. “Ўзбекистон”, 1996 йил, 1-жилд.

10. И.А.Каримов. БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маъруза (1993 йил, 28 сентябрь) Т. “Ўзбекистон”, 1996 йил.

11. И.А.Каримов. БМТ нинг эллик йиллиги муносабати билан Бош Ассамблеясининг маҳсус тантанали йигилишида сўзлаган нутқ. (1995 йил, 24 октябрь) Т. “Ўзбекистон” 1996 йил, 4-жилд.

12. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997 йил.

13. И.А.Каримов. Тинчлик ва барқарорлик минтақамиз тараққи-ётининг бош омили. Т. “Ўзбекистон”, 2000 йил.

14. И.А.Каримов. БМТ Бош Ассамблеясининг 55-сессиясида сўзлаган нутқ. Т. “Ўзбекистон” 2001 йил, 9-жилд.

15. И.А.Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. “Ўзбекистон”, 2005 йил, 13-жилд.

16.И.А.Каримов.Инсон унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда ман-фаатлари энг олий қадрият. “Халқ сўзи” газетаси, 2005 йил, 8 де-кабрь.

17.И.А.Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисо-диётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. “Ўзбекистон”, 2008 йил, 16-жилд.

18.И.А.Каримов. Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генефонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгил-лаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари халқаро кон-ференцияси иштирокчиларига сўзлаган нутқ. Т. “Ўзбекистон” 2008 йил, 16-жилд.

19.И.А.Каримов. Оролни кутқариш Халқаро жамғармаси таъ-сисчи давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибидаги уч-рашувида сўзлаган нутқ. Т. “Ўзбекистон”, 2009 йил, 17-жилд.

20.И.А.Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва куч-ли фуқаролик жамият барпо этиш-устувор мақсадимиздир. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил, 28 январь.

21.И.А.Каримов. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаравонлигини янада юксалтиришдир. “Халқ сўзи” газе-таси, 2010 йил, 30 январь.

22.И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. “Халқ сўзи” газетаси. 2010 йил. 13 ноябрь.

23.Ислом Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. “Маъна-вият”, 2010 йил.

24.Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остона-сида. Т. “Ўзбекистон” 2011 йил.

25.Ахмедов Э. Сайдаминова З. Ўзбекистон Республикаси. Т. “Ўзбекистон” 1995 йил.

26.Александрович Томаш. Выдача преступников и её значение в борьбе с международным терроризмом. Москва: МГИМО МИО СССР. 1986г, С-240.

27.Ахмедов А. Сатторов. Ўзбекистон: Ислом ҳуқуқлари вқа қо-нунлари. Т. “Адолат”, 1999 йил, 168-бет.

28. Азимов А. Диний экстремизм маълумотлари Т. “Ўзбеки-стон”, 1999 йил.

29.Абдуллаев Д.Х. Миллий хавфсизликни таъминлашда эколо-гик тарбиянинг ўрни ва аҳмияти (Республика илмий-амалий конфе-ренция материаллари тўплами) Т. 2005 йил.

- 30.Асадов Ш. Европа Иттифоқи: кеча, бугун, эртага. “XXI ASR” газетаси, 2004 йил, 15 апрель.
- 31.Абдухоликов М.А., Расулов А.К. Международно-правовое проблемы борьбе с компьютерным терроризм. “Халқаро терроризмга қарши кураш (илмий-назарий муаммолар) мавзусидаги илмий назария конференция материаллари”. Т. ТДЮИ, 2001 йил.
- 32.Амархунов И.М. Международная договорно-правовая практика Республики Узбекистан. Т., “Академия”, 2003 г.
- 33.Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: Асосий омиллар. Т. 2001 йил, “Весь мир” нашридан таржима.
- 34.БМТни биласизми? Т. 2000 йил. БМТ нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан тайёрланган.
- 35.Бетти Реадон. Бағрикенглик тинчлик сари олға қадам. ЮНЕСКО, 1997 йил, Т. 2002 йил.
- 36.Бобоев А. Ҳамкорлик ва ўзаро алмашув-умумий муаммоларни ечишнинг ягона йўли. “Халқ сўзи” газетаси, 2002 йил, 8 октябрь.
- 37.Бобоев А. ЕТТБ анжумани: матбуот маркази очилди. “Ўзбекистон овози” газетаси, 2003 йил, 29 март.
- 38.Блищенко И.П., Жданов Н.В. Терроризм и международное право. М: Прогресс, 1984, С 287.
- 39.Блищенко И.П. Международно-правовые проблемы государственного терроризма. М: МГИМО, 1989г, с18.
- 40.Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низом ва халқаро Суд Статути. Т. БМТнинг Ўзбекистондаги ахборот Маркази, 2001 йил, 178-бет.
- 41.Багон О.И. История и необходимость создания международного уголовного суда. “Московский журнал международного права”. Москва, 2004, №2, С125-134.
- 42.Бикулов А.Н. Координация деятельности международных организаций системы ООН и международное право. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. Москва: Университет Дружбы Народов им. П.Лумумбы 1989г, С16.
- 43.Белсон Я.М. Интерпол: прошлое и настоящее 1980 г, 93 бет.
- 44.Бородин С.В., Ляхов Е.Т. Международное сотрудничество государств в борьбе с уголовной преступностью М: Международное отношения, 1983 г, С-200.
- 45.Богатырёв А.Г. Международное сотрудничество государств в борьбе с преступностью. М.: МВШМ МВД СССР, 1989г, с 61.
- 46.Валиева Б.С., Черкашина И.А. Ўзбекистонда хотин-қизлар,

қонун ва жамият муаммолари. Хотин-қизлар учун қўлланма. Т. Хотин-қизлар Ресурс Маркази, 1999 йил, 159 бет.

47.Верещитин В.С. Международный Суд ООН на новом этапе. Московский журнал международного права-Москва, 2002 №2, С74-85.

48.Гаврилов В.В Международное право в эпоху глобализации: некоторых понятийное и содержательное характеристики. Московский журнал международного права. М., 2002 №3, с 179-196.

49.Гладков В.П. Международное общество: Утопия или реальная перспектива. Журн Международная экономика и международные отношения. М, 1989г, №6.

50.Гроций Г. О права войны и мира. СПБ, 1990, с12.

51.Геополитика и мировое развитие. М., Наука, 1995 год.

52.Городская И.К. Международная защита прав женщина М., Дрид. Тим, 1975 г, С 311.

53.Галенская Л.П. Правовое проблемы сотрудничества государств в борьбе с преступностью. Ленинград: ЛГУ 1978 г, с78.

54.Дилигенский Г.Г «Конец истории» или смена цивилизаций? Журнал «Вопросы философии», 1991 год, №3.

55.Диксон Д.Ж. Новый взгляд на богатство народов. Индикаторы экологически устойчивого развития. М: «Весь мир», 2002 год.

56.Джиллер П. Структура сообществ и экологическая ниша М. 1998 год.

57.Джонсон Г. Мандат организации объединенных Наций в области прав человека. М: Юриздат, 1985 год, с 344.

58.Декларация О мерах по ликвидации международного терроризма. К.В.Жаринов. Терроризм и террористы. Минск.: Хорвест, 1999 г, с 549-556.

59.Декларация О мерах по ликвидации международного терроризма. –Резолюция генеральной Ассамблеи ООН 49/60 от 9декабря 1994 году терроризмом.-Ашхабад: Офис-Крауз, 2003, с7-12.

60.Егоров С.А. Вооруженный конфликт: Право, политика, дипломатия. М:, 1989 г. С 244.

61.Инсон ҳуқуқлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997 йил.

62.Инсон ҳуқуқлари: савол ва жавоблар. “Иқтисод ва ҳуқук дунёси нашриёт ўйи” Т., 1997 йил.

63.Игнатенко Г.В. Международное право в судах государств.-СПБ.; Инфра-М: 1999 с584.

64.Қўчаров Ч. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жа-

раёни муаммолари. Т. “Фан” 2004 йил.

65.Крылов Н.Б., Решетов Ю.А. Государственный терроризм-угроза международной безопасности. М. 1987, С 102.

66.Кривчикова Э.С. Проблемы деятельности международных организаций на рубеже ХХ-ХХI столетий. –М: Международные отношения, 1991г, с141.

67.Кудайберганов М.Б. Международная уголовная ответственность физических лиц. Алматы, КНУ имени Фараби, 2000, с 30.

68.Карпец И.И. Международная преступность-М: Наука, 1988г, с 112.

69.Карпец И.И. Преступления международного характера.-М: Юридическая литература, 1979, с 262.

70.Кахаров С.Р. Халқаро хуқуқда жисмоний шахсларнинг терроризм учун жиной жавобгарлиги: Юрид. фан. ном. дисс. автореф. Т. ТДЮИ, 2004 йил, 21-бет.

71.Камильджанов А.А. Марказий Осиёда ядро куролидан холи худуд яратишнинг халқаро сиёсий жиҳатлари. Юрид. фан. ном. дисс. Т. 2007 йил, 190 бет.

72.Камаров А.Н. БМТ доирасида халқаро терроризмга қарши курашни мувофиқлаштиришнинг хуқуқий жиҳатлари. Юрид. фан. ном. дисс. Т. 2007 йил. 256-бет.

73. Косачёв К.И. Ядерный терроризм и международно-правовое механизма борьбы с ним. журн. Государство и право: Москва, 2004, № 8 с 85-94.

74.Лукашук И.И. Международно-правовое регулирование международных отношений. М: журн. «Международное отношения» 1975 г, с 175.

75.Лукашук И.И., Наумов А.В. Международное уголовного права –М. 1999 г, с 3.

76.Лукашук И.И., Сайдов А.Ҳ. Ҳозирги замон халқаро хуқуқ назарияси ва асослари. Т. “Адолат” 2006 йил, 211-бет.

77. Ляхов Е.Г. Терроризм и международные отношения м: «Международное отношения», 1991 г, с 212.

78. Муродов Ҳ., Мухаммадиев Н., Жамолов Ғ., Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти сафида Т.Faфур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр. Т. 2000 йил.

79.Махмудов Ю. Экологиядан қўлланма Т. Фан, 1997 йил.

80.Мирзаев О. Халқаро полиция ташкилоти. Т. “Зар қалам”, 2006 йил.

- 81.Минг йиллик маърузаси. Т. 2003 йил.
- 82.Музаффаров З. Минтақавий интеграция расмана саъи-хара-катларни тақазо этади. “Халқ сўзи” газетаси, 2004 йил, 8 апрел.
- 83.Моджорян Л.М. Терроризм: Правда и вымысел. М. Юридиче-ская литература, 1986 г, с 325.
- 84.Мирзаирова С.З. Халқаро жиноятларга қарши курашда дав-латларнинг халқаро ҳукуқий ҳамкорлиги. Юрид. фан. ном. дисс. Т. 2008 йил. 169-бет.
- 85.Масимов А.А. Мустақиллик шароитида Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари геосиёсатидаги ўзига хос тутган ўрни. Сиё фан. ном.дисс. Т. 2007, 140 бет.
- 86.Морозов Г. ООН в XXI века: К саммиту тысячелетия. «Ми-ровая экономика и международное отношения», М. 2000, № 12 С 23-28.
- 87.Муиров Д., Икромов И. Терроризм хуружи ва ялпи хавфсиз-лик. “Жамият ва бошқарув” Т. 2001, № 3 8-10 бетлар.
- 88.Нигматов А., Пардаев Қ. Экология хавфсизлик ва барқарор ривожланиш. Тош ВПИ, 2005 йил.
- 89.Назрулла Жўраев. Агар огоҳ сен.. Т. “Шарқ”, 1998 йил.
- 90.Отобоев Ш. Инсон ва биосфера. Т. “Ўқитувчи”, 1995 йил.
- 91.Одилқориев Х., Маткаримова Г.А. Халқаро ва миллий ҳуқук: ўзаро муносабат ҳамда таъсир. “Давлат ва ҳуқук”. Т. 2001 йил, №3 8-10 бетлар.
- 92.Овченский В.С. Интерпол. М. 2001г, 125с.
- 93.“Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Ре-спубликаси қонуни. Т. 2008 йил.
- 94.Панов В.П. Международное уголовное право. М. Инфра, 1997, с310.
- 95.Права человека М., Инфра, 1998г, с524-525.
- 96.Похлебаева А. Функции международной организации миграции. «Белорусский журнал международного права и международ-ная отношений» Минск, 2003г, №1.
- 97.Родионов К.С. Интерпол: Вчера, сегодня, завтра. 3-изд. М. Международное отношения. 1990г.
- 98.Реймерс Н.Ф. Надежды на выживание человечества Концеп-туальная экология. М. Россия молодая экология, 1992г.
- 99.Решетов Ю.А. Борьба с международными преступлениями против мира и безопастности: М. 1983г, с 224.
- 100.Ражабов М.А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши ку-

рашишнинг жисмоний-хукуқий муаммолари. Юрид. фан. док. Автореф. Т. ИИВ. Академияси. 2002 йил.

101. Семплен Ж. Выход из насилия: глобальные проблемы и общечеловеческие ценности. М., 1990 год.

102. Самарин В.И. Интерпол-международная организация уголовной полиции. М. Питер. 2004 год, с 240.

103. Сайдова. Миллий қадриятлар тизимида экологик маданият ва тарбиянинг роли. Т. 2005 йил.

104. Сайдов А.Х. Халқаро хукуқ. Т. “Адолат”, 2001 йил, 367-бет.

105. Сайдов А.Х. Султонов С.А. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳукуқлари. Т. 1998 йил, “Адолат” нашр.

106. Салимов К.Б. Современное проблемы терроризма. М., 1999г, с 130.

107. Сборник рабочих документов ЮНЕСКО по образованию устойчивого развития. Вестник Представительства ЮНЕСКО в Узбекистане, Т. 2005г.

108. Словарь международного права. М. 1986г, с 308.

109. Сатторов Д.Ю. Халқаро хукуқнинг асосий принциплари БМТ халқаро суди фаолиятининг асоси сифатида. Юрид. фан. ном. дисс. Т. 2008 йил, 158 бет.

110. Тўраев Б. Убайдуллаев У. Ўзбекистон минтақада тинчлик химоясида. Т. “Ўзбекистон” 2001 йил.

111. Турсунов А. Ўзбекистон Республикаси халқаро хукуқ субъекти. Хукуқий демократик ислоҳатлар. Т. “Ўзбекистон”, 1997 йил.

112. Тузукмуҳамедов Р.А., Ҳакимов Р.Т. Халқаро хукуқ асослари Т. “Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси нашриёт уйи”. Т. 1988 йил.

113. Тараққиёт ва ҳамкорлик йўлларида: Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатияси. Т. “Ўзбекистон”, 1993 йил.

114. Турсунмуротов Т.М. Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлашда илмий-технологик салоҳият омили. Юрид. фан. ном. дисс. Автореф. Т. 2008 йил, 18-бет.

115. Усмонов Қ. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви. Т. Молия, 2003 йил.

116. Файзуллаев А. Инсон, сиёсат бошқарув. Т. “Ўзбекистон”, 1995 йил.

117. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедияси. 1-жилдлик Ко-муслар Бош таҳририяти. Т. 1997 йил.

118. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат нашриёти. Т. 2003 йил, 6-жилд.

119. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат нашриёти. Т. 2003 йил, 10-жилд.
120. Ўзбекистоннинг янги тарихи(мустақил Ўзбекистон тарихи). Т. “Шарқ” 2000 йил, 3-жилд.
121. Қирғизбоев А. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро хамкорлиги. Т. Фан, 2004 йил.
- 122.Faффоров Я., Холлиев А. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. Т. “Университет” 2003 йил.
- 123.Fаффоров Я.Х. Минтақавий барқарорлик ва интеграцион жараёнлар. ЎзМУ хабарлари, 2011 йил, маҳсус сон.
- 124.Хейзинга Й. Homo Ludens. В тени завтрашнего дня. М. 1992 год, с 318.
- 125.Холлиев А. Икромов А. Экология Т. “Меҳнат”, 2001 йил.
- 126.Цыганков П.А. Международный передок: между прошлым и будущим. Журнал. «Социально-политические науки», 1991год, №12.
- 127.Ҳамидов А.М. Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан хамкорлигининг халқаро ҳукукий жиҳатлари. Юрид. фан. ном. дисс. Ўзбекистон Республикаси Ташки Ишлар Вазирлиги. Т. 2007 йил, 160-бет.
- 128.Ҳакимов Р. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Т., Faфур-Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 2001 йил.
- 129.Экологик таълимдан барқарор ривожланиш таълим сари. Т. “Талқин” нашр. 2007 йил.
- 130.Юнусов Ҳ. Европа Иттифоқи. Т. “Янги аср авлоди” 2007 йил.

### **Интернет сайтлари.**

[www.un.org](http://www.un.org)  
[www.unitednational.ru](http://www.unitednational.ru)  
[www.UNC.ru](http://www.UNC.ru)  
[www.undp.uz](http://www.undp.uz)  
[www.mfa.uz](http://www.mfa.uz)  
[www.jahonnews.uz](http://www.jahonnews.uz)  
[www.unidir.org](http://www.unidir.org)  
[www.unicef.org](http://www.unicef.org).  
[www.unhchr.ch](http://www.unhchr.ch)  
[www.worldwatch.org](http://www.worldwatch.org)

## **МУНДАРИЖА**

Кириш.....	3
<b>I БОБ. ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ДАВЛАТЛАРАРО ХАМКОРЛИКНИНГ БОШЛАНИШИ .....</b>	<b>7</b>
1. Интеграция жараёнлари ва мамлакатлараро хамкорлик имкониятлари. ....	7
2. Минтақавий хамкорликни таъминлашда халқаро ташкилотлар фаолияти. ....	19
3. Халқаро ташкилотлар ва мамлакатлараро хамкорлик ҳозирги босқичда.....	29
4. Халқаро анжуманларда Ўзбекистон Республикасининг ташаббуслари.....	48
<b>II БОБ. БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ .....</b>	<b>62</b>
1. Ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал этилишида БМТнинг ўрни. ....	62
2. БМТ фаолиятида тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари («Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»). ....	88
3. Атроф - мухит соғлигини саклаш тамойиллари.....	106
4. Экологик муаммоларни бартараф этилишида илм-фан хамкорлиги.....	124
5. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: тинчлик, барқарорлик ва хамкорлик йўллари. ....	136
<b>III БОБ. ЕВРОПА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ.....</b>	<b>161</b>
1. Европа Хавфсизлик Ҳамкорлик Ташкилотининг мақсади ва вазифалари.....	161
2. ЕХХТ-Ўзбекистон хамкорлиги .....	173
<b>IV БОБ. ИНТЕРПОЛ ВА УНИНГ ТУЗИЛМАЛАРИ .....</b>	<b>180</b>
1. Халқаро жиноятчилик тушунчаси ва белгилари. ....	180
2. Халқаро жиноятчиликка қарши курашувчи халқаро ташкилотларнинг мақсад ва вазифалари .....	188

3. БМТ ихтисослашган муассасаларининг халқаро жиноятчиликка қарши курашдаги фаолияти.....	199
4. Интерполнинг халқаро жиноятчиликка қарши курашда ягона марказ сифатида шаклланиши .....	213
5. Халқаро жиноятчиликка қарши курашда Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар билан хамкорлиги.....	223
Хулоса .....	239
Адабиётлар .....	242

**Ғаффоров Яраш Холлиевич**

**ХАЛҚАРО  
ТАШКИЛОТЛАР  
ҲАМКОРЛИГИ**

Ўқув қўлланма

**I-қисм**

Мухаррир: Х. Тахиров

Техник мухаррир: Т. Рахматуллаев

Мусаҳҳих: Н. Исламова

Саҳифаловчи: А. Муҳаммад

Нашр. лиц № 2244. 25.08.2020 й.

Босишига руҳсат этилди 23.06.2021 й.

Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ . Офсет қофози. “Times New Roman”

гарнитураси. Ҳисоб-нашр табоғи. 15,75.

Адади 100 дона. Буюртма № 28.

«ZEBO PRINTS» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент ш., Яшнобод тумани, 22-харбий шаҳарча.